ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ё. АБДУРАСУЛОВ

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ГРАММАТИКАСИ

(ўқув-услубий қўлланма)

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2009

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси» ҳамда университетлар филология факультетлари бакалавриат ва магистратура талабалари учун мўлжалланган ўқув дастури асосида тузилган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор
Ҳ. НЕЪМАТОВ

Тақризчилар:

филология фанлари доктори
Э. УМАРОВ

филология фанлари номзоди, доцент
А. РАФИЕВ

ISBN 978-9943-09-924-1

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2009 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎЗБОШИ

Туркий тиллар грамматикасини қиёсий ўрганиш, фан сифатида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида филология факультетларида ўқитиш – ўзбек тилшунослигининг янги соҳаси. Бу Фан – 1990 йилдан кейин "Ҳозирги туркий тиллар қиёсий грамматикаси" номи билан республика университетларининг ўқув дастурига киритилди. Шунинг учун ҳозирга қадар бу соҳада ўзбек тилида дарслик ва дастурлар эмас, балки туркий тиллар қиёсий грамматикасининг у ёки бу масалаларини ёритиб бера оладиган илмий мақолалар ёки рисолалар ҳам яратилмаган, лекин бу туркий тилларни қиёсий ўрганиш ва ўргатишга керакли ва етарли манбалар мавжуд эмас, деган фикрни келтириб чиқармайди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX аср бошларига қадар Ғарб қиёсий-тарихий тилшунослиги таъсирида машҳур ажнабий ва рус туркшунос тилшунослари туркий тилларни қиёсий ўрганиш соҳасида ҳам самарали изланишлар олиб борганлар. Айниқса, бу соҳадаги изланишлар XX аср тилшунослигида кенг қулоч ёйди: Россия Фанлар академиясининг Тилшунослик институти туркий тиллар бўлими, унинг Петербург ва Сибирь бўлимлари тилшунослари томонидан туркий халқлар яшовчи ҳудудлардаги барча туркий элат ва халқ тиллари етарли ўрганилди; барча ҳозирги туркий тилларнинг товушлар тизими, луғат бойлиги ва грамматик қурилишини ўрганиш бўйича чуқур илмий текшириш ишлари олиб борилди; шу асосда ҳозирга қадар кўплаб илмий мақолалар, монографиялар, туркий тилларнинг қиёсий луғатлари яратилди. Ўзбек тилида Ўзбекистон университетларининг филология факультетлари талабалари учун яратилган "Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси" номидаги қўлланмага ҳам ана шу бой материаллар асосий манба бўлди.

"Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси"нинг мазмун ва мундарижаси ҳозирги мавжуд туркий тиллар ва лаҳжаларнинг шаклланиш жараёнлари, тарихий тараққиёти, ҳар бир туркий тилнинг ўзига хос ўсув йўллари, уларнинг фонетик тизими, луғат таркиби ҳам грамматик қурилишидаги фарқ ва ўхшашликлар ҳақида маълумот беради. Шундай бўлишига қарамасдан, бу "Грамматика" туркий тилларнинг илмий қиёсий-тарихий грамматикаси эмас, балки ҳозирги туркий тилларнинг тасвирий қиёсий грамматикасидир. Шунинг учун бу "Грамматика"нинг мақсад ва вазифаси ҳозирги туркий тиллардаги бирор тил ҳодисасининг қадимтурқий шаклларини реконструкция қилиш (қайта тиклаш), уларнинг энг қадимги шаклларини аниқлаш эмас, балки туркий тиллардаги бир хил тил ҳодисаларини ҳозирги ҳолати нуқтаи назаридан қиёслаш, улар ўртасидаги ўхшашликлар ҳамда

www.ziyouz.com kutubxonasi

фарқ ва тафовутларни асосан талабалар эҳтиёжи даражасида ёритиб беришдан иборатдир.

Қиёслашда тарихийликдан четга чиқиб бўлмайди, албатта, шунинг учун ўрни келганда айрим фонема, грамматик шакл ёки синтактик алоқаларнинг қадимги шакллари, уларнинг кейинги тараққиёт жараёнлари ҳақида айрим фикрлар берилади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, қиёсий грамматикани яратиш, айниқса, қиёсий-тарихий грамматика яратиш бир кишининг иши эмас, бу жуда мураккаб иш, чунки қайси тил оиласидаги тиллар қиёсланаётган бўлишидан қатъи назар, тадқиқотчи шу оилага мансуб бўлган тилларнинг барчасини билиши, шу оиладаги ҳар бир тилга хос фактик материалларга эга бўлиши ва уларни тилнинг ҳамма хусусиятлари бўйича илмий таҳлил қила билиши керак. Туркий тиллар қиёсий грамматикасига ҳам ана шу нуқтаи назардан қаралиши лозим, чунки туркий тилларнинг қиёсий грамматикасини яратувчи шахс барча туркий тилларнинг фонетикаси, лексикаси ва ҳар бир грамматик категориясига доир етарли манбага эга бўлиши зарур.

Шунинг учун бу "Грамматика"нинг яратилишида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам (фактик материаллар хусусида) туркий тилларнинг йирик мутахассислари рус тилшунослари Н.А.Баскаков, Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева, А.М.Шчербакнинг туркий тиллар ва уларнинг қиёсий-тарихий грамматикаларига бағишланган барча илмий асарлари, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган кўп жилдлик "Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков" номидаги монографиялари ҳамда ўзбек, турк, озарбайжон, татар, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, тува, караим, гагауз ва олтой тиллари грамматикалари, уларнинг барчасидаги назарий ва амалий маълумотлар, В.В.Радлов, Л.Будагов ва Н.А.Катановларнинг қиёсий луғатлари асос бўлди.

Қўлланманинг қўлёзма матни билан танишиб чиққан ва ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори С.Мўминов, шу университет ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди М.Абдупаттоев, Термиз давлат университети профессори, филология фанлари доктори Д.С.Қулмаматов, ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари доктори С.Маҳматқуловга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТРАНСКРИПЦИЯ

Ҳозирги туркий тиллар орфографияси асосан кирилл, лотин, қисман араб графикасига асосланганлиги, айрим тилларда (масалан, озарбайжон, ёқут ва бошқалар), ёзув лотин ва кирилл графикаларида аралаш қўлланганлиги, туркий тиллар қиёсий фонетикасига бағишланган ишларда ҳам транскрипция белгиларининг ҳар хиллиги, ягона умумтуркий транскрипция белгилари қўлланмаганлиги ва айрим транскрипция белгиларини ифодалашдаги техник қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ишда фонетик ёзувни анча соддалаштиришга ҳаракат қилинди. Масалан, турли туркий тилларда талаффузда фарқланмайдиган, фақат график шаклига кўра фарқланадиган *и – і, й – j, ҳ – h* каби ҳарфлар *и, й, ҳ* шаклида одатдаги кирилл ёзувида берилди, талаффузда фарқ қиладиган фонематик (маънони фарқлаш) характерига эга бўлган белгилар сақлаб қолинди.

Кирилл ёзувига асосланган транскрипция белгилари қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Чўзиқ ва қисқа унлилар фақат қадимтуркий чўзиқ ва қисқаликни англатишда *а – а:, э – э:, и – и:, ы – ы:, о – о:, е – е:, у – у:, ү –ү:* шаклида, қолган барча ҳолатда эса чўзиқ унли икки ҳарф ифодасида *а: – аа* (*а:т* эмас, *аат*), *о: – оо* (*о:т* эмас, *оот*, *-ло:р* эмас, *лоор*) шаклида берилади.

2. Унли фонемалар бошқа ҳолатларда:

и – ўзбек ад. орфографик тил олди, тор унли;

ъ – тил олди, ўрта тор, қисқа *и*;

ь – жуда қисқа, редукция ҳолатидаги *и*;

ы – тил олди, ўрта кенг, қаттиқ унли;

а – (“ж” ловчи шевалар: *ата*) тил олди, кенг унли;

ə – ўзбек ад. орфографик *а* га мос, масалан, *гəп // гап* каби;

э – ўзбекча *а* ва *ə* ўртасидаги товуш, туркман *гэл* каби;

о – ўзбекча ад. орфографик *ў* унлисига тенг;

ө – тил орқа, кенг, лабланган унли, *ўрдак – өрдак, қўл – қөл* каби;

у – тил орқа, тор, лабланган унли;

ү – тил орқа, янада, торроқ, лабланган унли *күл, гүл* каби.

3. Айрим ундошлар транскрипцияси:

е – э ўрнида, тува. *келет* (келади) каби;

е – бошқа ҳамма ўринларда *йэ* шаклида;

я – йа;

ю – йу;

ё – йо каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ж – сирғалувчи, шовқинли ундош;

ж̧ – қоришиқ, шовқинли ундош, қозоқ. *ж̧ол* (йўл) каби;

з – ўзбекча ад. орфографик *з* ундоши;

ʒ – чуваш, туркман: жарангсиз ундош: *газ* – *гаʒ* каби;

ч – ўзбекча ад. орфографик *ч* ундош *таш* – *чаш*;

ч̧ – озарбайжон тилида *азэрбэйч̧эн* сўзидаги *ч̧* // *ж* ундоши;

ң – ўзбек ад. орфографик *нг* ундоши;

ҳ – ўзбекча ад. орфографик *ҳ* ундоши;

h – ўзбекча *ҳ* га тенг, шунинг учун ёзувда зарурий талабларга кўра *h*, бошқа ҳамма ўринларда *ҳ* ишлатилади: ёқут. *кіһі-киҳи* (киши) каби.

4. Бошқа ҳамма ундошлар айрим тилларда талаффузда қисман фарқи бўлса ҳам, ўзбекча шаклида берилади.

5. Татар ва бошқирд тилларида *а* товуши дифтонглашгани учун ўз шакли сақланади: *қа°сы, қа°тти* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ ТАРИХИГА КИРИШ

Жаҳон тилларини қиёсий ўрганиш XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошланди. Ер юзидаги қариндош тилларни фонетик, лексик-грамматик жиҳатдан қиёслаш, бир томондан, ҳар бир тил оиласи учун асос бўлган бобо тилни аниқлашга уринишни майдонга келтирган бўлса, иккинчи томондан, тилшунослик фанининг ҳам фан сифатида шаклланишига сабаб бўлди.

XVIII асрнинг II ярмида Ҳиндистондаги Калькутта маданият институтининг профессори, инглиз тилшуноси Уильям Йонз қадимги ҳинд ёзма ёдгорлиги бўлган санскрит (“*sanckrta*” ишланган, такомиллашган) тили ва ёзувини янги ҳинд тили бўлган пракрит (“*prakrta*” – оддий, содда) тили ва ёзувига қиёслаш, қадимги санскрит ёзувини янги ҳинд ёзуви пракрит асосида транслитерация қилиш (қайта кўчириш) натижасида қадимги санскрит тилининг грек, лотин ва ҳатто, форс тиллари билан ҳам фақат ўзак сўзлар жиҳатидан эмас, грамматик шаклларига кўра ҳам бир ўзакдан тарқалган тиллар эканлигига асос солди. XIX аср биринчи ярмида эса Уильям Йонз томонидан майдонга ташланган бу фикр бутун Оврўпа олимларининг диққатини тортиб, бутун аср давомида ўша давр машҳур тилшунослари Франс Бопп, Расмуск Кристиан Раск, Якоб Гримм, А.Х.Востоков ва Вильгельм фон Гумбольдт томонидан ҳинд-оврўпа тиллари оиласи таркибидаги тилларнинг маълум тизим асосида ўрганилиши қиёсий-тарихий тилшуносликка жаҳон тилларини қиёсий ўрганишнинг бош йўналиши сифатида асос солди.

Туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш нисбатан анча кейин XIX асрнинг охири ва, асосан XX асрнинг биринчи ярмида ҳинд-оврўпа, фин-угор ва бошқа тил оилалари қиёсий грамматикалари манбаида вужудга келди. Шунга кўра ҳам, туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганиш, уларнинг мукаммал илмий-қиёсий грамматикаларини яратиш ҳозирги туркий тиллар тилшунослиги олдидаги ҳали тўла ҳал қилинмаган, ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим муаммолардан биридир. Бу муаммоларни қиёсий-тарихий тилшунослик олдига қўйилган асосий тамойиллар асосида ҳал қилиш ҳозирги туркий тиллар қиёсий грамматикасининг мақсад ва вазифалари, мазмун ва мундарижасини ҳам белгилаб беради. Бу тамойиллар қуйидагилар:

1) қиёсланаётган тилларнинг қариндошликка асосланган умумийлигини аниқлаш бу тилларнинг бир асос тилдан тарқалганлигини белгилашнинг зарурий шарти эканлиги;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) қиёслашни индуктив ва дидуктив услуб (оддийдан мураккабга, фактлардан илмий хулосаларга тамойили) да олиб бориш;

3) қиёслашда қиёсланаётган тилларнинг энг қадимги лексик қатламига (қариндошлик атамалари, туб сонлар, ўзак феъллар каби) таяниш;

4) қиёсланаётган тиллар лексик қатламидаги сўзларнинг грамматик шаклланишидаги умумийлик, ўхшашликларни белгилаш;

5) қиёслашда сўз ва грамматик шаклларнинг товушлар тизимини асосга олиш, бунда тарихийлик тамойилига таяниш;

6) қиёсланаётган сўз ва грамматик шаклларнинг этимологик таҳлилига алоҳида ўрин бериш.

Тилларни қиёсий ўрганиш гарчи, XVIII–XIX асрларда Ғарб мамлакати тилшуносларидан томонидан асосланган дейилса-да, аслида бу Шарқда ўрта асрлардан бошланган бўлиб, туркий тилларни қиёсий ўрганишнинг асосчиси XI аср мутафаккир тилшуноси Маҳмуд ибн Ҳусайн Муҳаммад Кошғарийдир. У Кошғарда туғилган, Кошғар, Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур, сўнгра Бағдодда таълим олган, машҳур араб тилшунослари Халил ибн Аҳмад ва Сибовайҳийнинг тилшуносликка доир асарлари билан таниш бўлган.

Маҳмуд Кошғарийдан бизгача "Жавоҳир ун-наҳв фил-луғатит туркия" (Туркий тиллар синтаксиси жавоҳирлари) ва "Девону луғотит турк" (Туркий сўзлар тўплами) асарлари етиб келган бўлиб, у бу асарларида ўзи яшаган давр туркий уруғ, қабила ва элатларнинг тарихи, этнографияси, халқ оғзаки ижоди, хусусан, тил хусусиятлари ҳақида улкан мерос қолдирган.

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асари тахминан 1071–1073 йилларда ёзилган бўлиб, унинг Абу Бакр Дамашқий томонидан 1265–1266 йилларда Кошғарийнинг асл қўлёзмасидан кўчирилган нусхаси 1914 йилда топилди ва шу асосда 1915–1917 йилларда Туркияда "Девон" нинг уч жилди нашр қилинди, 1928 йилда Венгрияда К.Броккельман таржимасида немис тилида, 1939 йилда Туркияда Басим Аталай таржимасида турк тилида ва ниҳоят, 1960–1963 йиллар орасида Тошкентда ўзбек тилшуноси Солиҳ Муталлибов таржимасида ўзбек тилида нашр қилинди.

"Девону луғотит турк" икки қисм – муқаддима ва луғат қисмларидан иборат бўлиб, унинг муқаддима қисмида муаллиф ўша даврда Шимолий Хитойдан тортиб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорогача ёйилган катта ҳудудларда яшовчи уруғлар, қабилалар, элатлар ва уларнинг тиллари ҳақида, қабила ва қабилалар уюшмалари тилларининг фонетик ва морфологик хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Девон"да туркий тилда сўзлашувчи уруғ ва қабилалар икки гуруҳга ажратилади.

1. Фақат туркий тилда сўзлашувчи уруғ ва қабилалар.

2. Туркий ва бошқа тилларда сўзлашувчи уруғ ва қабилалар.

Биринчи гуруҳга арғу, қирғиз, қипчоқ, ўғиз, тўхси, яғмо, чигил, жарук қабилалари тиллари киритилиб, ямак ва бошқирд тилларини ҳам бу тилларга яқин деб кўрсатади. Унингча, тилларнинг енгили ўғиз тили, энг тўғриси ва яхшиси яғмо, тўхси тилларидир. Этил, эртиш бўйларидан уйғур шаҳарларигача бўлган ҳудудлардаги тиллар ичида Ҳақония ўлкасида яшовчи қабилалар тили (қорахонийлар давлати тили)ни энг очиқ ва равон тил деб баҳолайди.

Иккинчи гуруҳга Болосоғун, Тироз, Чин, Мочин, Хўтан, Тибет шаҳарлари аҳолисининг тили киритилиб, уларнинг соф туркий тилда эмас, балки бошқа тиллардан ҳам фойдаланиб сўзлашганликлари қайд қилинади. Англашиладики, иккинчи гуруҳга мансуб уруғ ва қабилалар ҳали ҳам ҳудудий, ҳам сиёсий-иқтисодий жиҳатдан Хитой ва мўғуллардан у қадар узоқлашмаганлиги сабабли ўз муомалаларида кўплаб хитой ва мўғул лексикасидан фойдаланган бўлишлари мумкин.

Маҳмуд Кошғарий қиёсланаётган тилларнинг товуш тизимига катта эътибор берган. Бу соҳада у туркий ифода учун номувофиқ бўлган араб ҳарфларига қўшимча белгилар киритиб, туркий талаффузга мослаштиради, туркий тиллардаги турли фонетик қонуниятлар ҳақида фикр юритиб, ҳатто, турли туркий қабила ва элат тилларидаги товуш алмашиниш ҳодисаларини ҳам аниқ тасвирлаб беради:

1) й~ж: *йил~жыл, йүр~жүр*;

2) м~б: *мән~бән, мүз~бүз*;

3) т~д: *тил~дил, таш~даш*;

4) й~з: *айақ~азақ, айыг~азыг*;

5) й~н: *қанда~қайда*;

6) г~й: *тэг~тий, өгран~уйран* каби.

"Девон"нинг луғат қисмида 9 мингга яқин туркий сўзлар арабча изоҳланади.

Ўрта асрларда ўзининг 50 дан ортиқ асарлари билан ном қолдирган забардаст тилшунос олим Маҳмуд Замахшарийдир.

У 1075 йилда Хоразм вилоятининг Замахшар қишлоғида туғилади. Етук ўзбек тилшуноси Алибек Рустамовнинг "Маҳмуд Замахшарий" номли рисоласида тарихий ва илмий манбаларга асосланиб ёзишича, Замахшарий туғилиб, яшаган ва ижод қилган X–XII асрларда Хоразмда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо ишлари ривожланган, аҳолиси ҳам маданий ва маърифий жиҳатдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

юксалган давр бўлган. Замахшарийнинг отаси Умар ибн Аҳмад ҳам ўқимишли кишилардан бўлиб, дастлабки таълимни ўғлига ўзи беради ва унинг илмга бўлган қобилияти ва иштиёқини кўриб, ўқишини давом эттиради. Замахшарий дастлаб Урганчда тил илмини тилшуносликда ўша даврнинг ягонаи даврони бўлган Абумузар Маҳмуд Жарир Заббий Исфахонийдан олиб, устози вафотидан кейин Бухоро, Исфахон, Бағдод, Макка, Шом, Дамашқда давом эттириб, дастлабки асарларини Маккада яратади ва сўнг юртига қайтиб, қолган умрини Хоразмда ўтказади.

Тилшунослик соҳасидаги Замахшарий илмий меросининг кўпчилиги араб тили таҳлилига бағишланган бўлса ҳам, унинг "Муқаддимат ул-адаб" асари ўша давр туркий қабила ва элат тиллари ҳақида ҳам маълум маълумотларга бой асар бўлган. Асарда арабча сўзларнинг форсча, туркча, мўғулча ва, ҳатто, хоразм тили асосида ҳам изоҳланиши ўтмиш туркий тиллар қиёсини ўрганиш учун ҳам қимматлидир.

Ўрта асрларда туркий тилларнинг қиёси ҳақида асли Африкадаги Бербер қабиласига мансуб бўлган, Испаниянинг Андалусия вилоятида туғилган, Бағдодда таълим олган ва ижод қилган араб тилшуноси Асиритдин Абу Ҳайён ал-Андалусийнинг "Китоб ал-идрок лисон ул-атрок" (Турклар тилини тушуниш китоби), араб сайёҳи Жамолитдин ибн Муханнанинг "Хайват ул-лисон халибат ул-баён", Жамолитдин ат-Туркийнинг "Би луғат ал-муштоқ" ва муаллифи номаълум бўлган "Китоб ат-туҳфатуз закияти фил луғатит туркия" (Туркий тиллар заковатлари ҳақида туҳфа) номли асарларида қорлиқ, ўғиз ва қипчоқ гуруҳ туркий тилларнинг лексикаси, фонетик-грамматик хусусиятлари ҳақида бой материал берилган.

Ўрол, Олтой, Сибирь, қисман Ўрта ва Марказий Осиё ҳудудларида яшовчи туркий элат ва халқ тиллари, этнографиясини ўрганиш, бу даврдаги туркий тилларни қадимги ёзма манбалар асосида қиёслаш XVIII–XIX асрларда қизғин палласига кирди.

XVIII аср бошларида аввал Палтава губернаси ва Сибирда асирликда яшаган швед зобити Табберт-Страленбергни ўша худудларда яшовчи туркий элатлар тилидаги яқинлик қизиқтирган бўлса, 1733–1743 йилларда машҳур тарихчи ва этнограф олим Г.Ф.Мюллер Сибирь экспедициясида иштирок этиб, Сибирь тарихи ва бутун Сибирь ўлкасида яшайдиган элатларнинг тил хусусиятлари ҳақида бой материал тўплайди. Г.Ф.Мюллер тўплаган материаллари асосида унча катта ҳажмда бўлмаган "Татар тили ва бошқа Сибирь диалектлари сўзлар тўплами ёки лексикони" номли луғатини тузиб, унда асосан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сибирь ва бошқа туркий элат ва қабилаларнинг номлари, тиллари ҳақида маълумот беради.

Г.Ф.Мюллер луғат (сўзлик) ида бошқирд тили, чулим татарлари тили, телеут тили, шор тили, Абакандаги ҳакас, Сибирь бухороликлари ва ёқут тилига мансуб сўзлар ўрин олган. Сўзликда ўзбек. "*қор*" сўзининг 12 туркий тилдаги: қангли. *buran*, бошқирд. *кар*, турин. *кар*, тоболь. *кар*, чат. *кар*, томск. *кар*, телеут. *кар*, кузнецк. *кар*, хакас. *хар*, бухор. *қар*, ёкут. *charr* каби юздан ортиқ сўзни ўз ичига олган туркий сўзларнинг қиёсий жадвалини беради.

XIX асрда туркий тилларни қиёсий ўрганувчи ғарб ва рус туркийшунос тилшуносларининг пешқадами Василий Васильевич Радлов ўзининг ҳозиргача бутун туркий тилшуносликда машҳур бўлган луғати "Опыт словаря тюркских наречий" (Туркий лаҳжалар луғати тажрибасидан) асарининг сўзбошисида туркий тил ва лаҳжаларни ўрганишга 1859 йилдан бошлаб киришганлигини ёзади. В.В.Радлов шундан кейинги қарийб ярим аср мобайнида туркий элат ва халқларнинг халқ оғзаки ижодини тадқиқ қилиш билан бирга уларнинг тил ва лаҳжалари лексикаси бўйича ҳам беҳад материал тўплаб, 1888–1911 йилларда Санкт-Петербург матбаасида ўзининг тўрт жилд саккиз қисмдан иборат бўлган юқорида қайд қилинган қиёсий «Луғат»ини нашр қилдиради. Нашриёт бу "Луғат"ни "туркий тиллар лексикаси кўлами ва илмийлиги" жиҳатидан В.В.Радловнинг энг буюк муваффақияти деб баҳолайди. Дарҳақиқат, "Луғат" ўз қийматини ҳозирга қадар ҳам йўқотган эмас.

Туркий тилларни қиёсий ўрганиш соҳасида В.В.Радлов "Луғат"идан олдин 1868–1877 йилларда Санкт-Петербургда Л.Будаговнинг икки жилдлик "Турк-татар лаҳжалари қиёсий луғати" номли йирик асари нашр қилинган.

Лазар Захарович Будагов (1812–1878) Астраханда туғилган, аввал ўша ердаги билим юртида, сўнг гимназияда ўқиб, гимназияни тугатгач, икки йилдан ортиқ вақт Москва университетида эркин тингловчи, кейинчалик эса Қозон университетининг шарқ тиллари факультетига ўқишга кирган. Меҳнат фаолиятини Тифлис гимназиясида ўқитувчиликдан бошлаб, сўнг Санкт-Петербург университетининг озарбайжон ва турк тиллари факультетида доцентлик вазифасида, шу билан бирга ташқи ишлар вазирлиги департаментида умрининг охиригача таржимонлик вазифасида ишлаган.

Бу соҳада 1903 йилда Қозонда нашр қилинган Н.Ф.Катоновнинг "Урянхай тили соҳасида изланишлар тажрибасидан" номли грамматика ва луғати ҳам катта аҳамиятга эга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий тилларнинг мукаммал қиёсий грамматикалари асосан XX асрнинг II ярмида Россия Фанлари академияси Москва ва Санкт-Петербург тилшунослик институтлари олимлари томонидан яратилди. Н.А.Баскаков, Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиева, А.М.Шчербак, Э.Р.Тенишев, Л.С.Левицкая, Л.А.Покровская каби рус тилшунос олимларининг кўп йиллик самарали изланишлари натижасида туркий тилларнинг бир неча жилдлик илмий тарихий грамматикалари ва монографиялари яратилди.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Ўтмишда ибтидоий жамоа даврларидан бошлаб то қисман ўтроқлашган дастлабки феодал давлатларининг таркиб топиш даврларига қадар кишилар уруғ-уруғ бўлиб яшаганлар. Уруғ аъзолари учун алоқа воситаси сифатида уруғ тиллари хизмат қилган. Шубҳасиз, бу тиллар фонетик, лексик-грамматик жиҳатдан у қадар тараққий қилмаган, уруғ аъзоларининг кундалик турмуш шароитидаги энг зарурий тушунчаларни ифодалай оладиган тил бўлган. Кейинчалик уруғ ва уруғ аъзолари ўртасида пайдо бўла бошлаган ички низолар ва уруғлараро ташқи низоларнинг пайдо бўлиши айрим уруғларнинг бирлашиши, қўшилиши (интеграцияси) ва баъзи уруғларнинг ички емирилиши, парчаланиши (дифференциацияси)га олиб келган. Бу, бир томондан, айрим уруғларнинг бирлашиши натижасида янги-янги қабилалар уюшмалари ва элатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, парчаланган уруғ бўлакларининг иқтисодий ва ҳудудий бир-биридан узоқлашиши бир уруғ манбаидан бир неча қабила ва элатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Янги пайдо бўлган қабилалар уюшмаси ва элат аъзолари учун умумий алоқа воситаси сифатида қабила ва элат тиллари хизмат қила бошлаган. Қабила ва элат тиллари қисман ўз фонетик ва лексик хусусиятларини сақлаган ҳолда қабила ва элат тилларининг шева ва диалектларига айланган. Ҳозирги туркий тиллар тарихий тараққиёти жараёнларини ҳам ана шундай тасаввур қилиш мумкин. Буни ҳозирги ўзбек ва туркман тиллари таркибидаги диалект ва шеваларнинг шаклланиш ва яшаш шароитлари яққол кўрсатса, қорақалпоқ тилидаги бу жараён ўзига хос хусусиятга эга.

Масалан, машҳур туркшунос олим, қорақалпоқ тили мутахассиси Н.А.Баскаков фикрича, ҳозирги қорақалпоқ тилига XII–XVI асрлардаги қипчоқ-нўғай қабилалар уюшмаси тили асос бўлган. Қипчоқ-нўғай

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабилалар уюшмаси тили IX–XIII асрлардаги қипчоқ қабилалар уюшмаси тилидан келиб чиққан бўлиб, аслида ҳозирги қорақалпоқ тилининг негизи қадимги Хунн ва Олтой тилларига бориб тақалади. Умуман, уруғ ва қабила тиллари тараққиётига ана шу нуқтаи назардан қаралганда ҳозирги туркий тиллар тараққиёти жараёнларини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Туркий тиллар тараққиётининг Олтой даври (эрадан олдинги III асрларга қадар).

2. Қадимги Хунн даври (эрадан олдинги III ва янги эранинг V асрларига қадар).

3. Қадимги турк даври (V–X асрлар).

4. Ўрта турк даври (X–XV асрлар).

5. Янги турк даври (XV–XX асрлар).

6. Энг янги турк даври (XX аср).

Туркий тиллар тараққиётининг Олтой даври эрадан олдинги III асрлргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр тили ҳақида тарихий манбалар мавжуд эмас. Бу давр тилини тилшуносликда турк-мўғул, тунгус-манжур тиллари уюшмаси деб ҳам номланади, чунки фанда бу тиллар ўтмишда ҳозирги турк, мўғул, тунгус-манжур тиллари учун бир асос тилни ташкил қилган деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Эрадан олдинги сўнгги асрларга келиб, қадимги умумолтой тили тунгус-манжур ва турк-мўғул тилларига ажралди. Бу икки тил уюшмаси қисман фонетик жиҳатдан фарқланиб, тунгус-манжур тилида сўз охирида қадимги ***с*** ундоши сақланиб қолган ҳолда турк-мўғул тилларида бу ундош ***ч, ш,*** ундоши билан алмашди:

тунгус-манжур	**турк-мўғул**
кус//куус	*коч // куш* (куч)
ас	*ач // аш* (оч) каби.

Эрадан олдинги III асрларга келиб, турк-мўғул тиллари ҳам парчаланиб, мустақил мўғул ва туркий тиллар шаклланади. Бу давр тилини фанда ротоцизм (Р-тиллар) ва ламбдаизм (Л-тиллар) деб номланади. Бунинг маъноси шундаки, мўғул тилларида сўз ўртаси (инлаут) ва сўз охири (ауслаут)да ***р, л*** ундошлари сақланиб қолган бўлса, туркий тилларда бу ундошлар ўрнини ***з, ш*** ундошлари эгаллади. Бундай фарқланишгача ***р, л*** ундошлари ҳар икки тил учун ҳам умумий бўлганлигини, бу ундошларнинг ҳатто, ҳозир ҳам туркий булғор ва чуваш тилларида сақланиб қолганлигидан кўриш мумкин, масалан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўғул, чуваш	бошқа туркий тиллар
пар	*бус* (муз)
хур	*қаз* (ғоз)
куран	*қазан* (қозон)
çер	*йўз* (юз)
жçул	*йаш// jас* (йил)
пилек	*баш // бас*
чул	*таш // тас*
илек	*ешик // есик* (эшик) каби.

Туркий тиллар тараққиётининг Хунн даври эрадан олдинги III асрдан янги эранинг V асрларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Бу даврда Марказий Осиёдан Шарқий Оврўпагача, бутун Шимолдан Шарқий Сибирь ва Ҳиндистоннинг шимолий чегараларигача буюк Хуннлар империяси ҳукмронлик қилди. Лекин янги эранинг I асрларидан бошлаб, Хунн империясидаги ички зиддиятлар империянинг иккига ажралишига сабаб бўлди: Ўрол тоғларидан Ёйиқ (Ўрол) дарёсигача Ғарбий Хунн, Марказий Осиё ва бутун Ўролнинг шарқий томонлари Шарқий Хунн давлатларига ажралди. Гарчи, Шарқий ва Ғарбий Хунн давлатлари таркибидаги барча қабилалар туркий қабилалар бўлишига қарамасдан уларнинг тилларида ҳали ҳам мўғул ва тунгус-манжур элементлари сақланиб қолган эди. Айниқса лексикада:

умумтуркий	мўғул	тунгус-манжур
буға // буқа	*буха*	*буха // буғу* (буқа)
тала // дъалаң	*тала*	*тала* (дала)
қара	*хара*	*хура* (қора)
қадин // хатин	*хатун*	*хатун* (хотин)

Хунн империясида бутун туркий уруғ ва қабилалар мужассамлашган бўлиб, кейинчалик ғарбий хуннлардан булғор ва ўғиз-қорлуқ-қипчоқ, шарқий хуннлардан уйғур-тукю, қирғиз қабилалар уюшмаси (иттифоқи) ажралиб чиқди. Шунга мувофиқ ҳар бир қабилалар иттифоқининг, бир томондан, ўзига хос ва иккинчи томондан, ***р, л*** товушларининг сақланиши билан характерланган умумқабила тиллари майдонга келди. ***Р, л*** ундошли сўзлар асосан булғорларда, қисман чуваш тилида сақланиб қолган эди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

дъас//дъаз	–	*дъарил* (ер)
көз//көс	–	*көр* (кўз)
бөз// бөс	–	*бөр* (оқ) каби.

Бу далиллар шуни кўрсатадики, хунн даврининг сўнгги V асрларида ҳам ҳали туркий қабилалар ва қабила тиллари тўла ажралиб улгурмаган бўлиб, тил жиҳатдан жуда кўп умумийликка эга бўлган қабилалар иттифоқи ва умумқабила тиллари мавжуд эди. Янги эранинг V асрларида Ғарбда булғор ва оғиз-қорлиқ-қипчоқ, Шарқда уйғур-ўғиз, қирғиз-қипчоқ қабилалар уюшмалари ва тиллари қарор топди.

Туркий тиллар тараққиётининг 3-қадимтуркий даври туркий қабилалар ва қабила тилларининг V–X асрларини ўз ичига олиб, бу даврни ҳам уч фаслга ажратиш мумкин:

а) тукю (V–VIII асрлар);

б) қадимги уйғур (VIII–IX асрлар);

в) қадимги қирғиз (IX–X асрлар).

Бу давр туркий тилларнинг мўғул тилларидан ҳам тўла ажралиб чиқиш даври билан характерланади.

Маълумки, сўнгги даврларда ғарбий хуннлар тобора ғарбга томон силжиб бориб қарийб бутун шарқий Оврўпани эгаллаб олди. VI асрларга келиб Хунн давлати емирилгач, ўша ерлардаги туркий қабилалар булғор ва ҳазар қабилалар иттифоқига сингиб кетди. Бу пайтларда қадимги шарқий хунн ҳудудларида ҳам кучли кўчманчи Тукю империяси вужудга келган бўлиб, улар Амударё соҳилларидан Ҳиндистоннинг шимолий чегараларигача бўлган ҳудудларни эгаллади. Лекин бу империя у қадар узоқ яшамай, 580–584 йилларда парчаланиб, маркази Еттисув бўлган ғарбий ва маркази Мўғулистон шимоли бўлган Шарқий Тукю давлатларига ажралди. VII асрларда Шарқий Тукю хитой ва уйғурлар, VIII асрларда бутун Ғарбий Тукю араблар томонидан истило қилингач, Еттисув ҳудудида Қорлиқ, Сирдарё соҳили ва Орол бўйларида Ўғиз давлатлари вужудга келди. Хуллас, VIII аср охирларида турли туркий қабилаларни ўзида мужассамлаштирган шарқда уйғур, Марказий ва Ўрта Осиёда ўғиз, қорлиқ, ғарбда эса Хазар ва Булғор давлатлари вужудга келди.

VI–VIII аср туркий қабилалар ва давлатлар ҳақида, айниқса, Шарқий Тукю давлати тили ҳақида бой ёзма ёдгорликлар мавжуд. Шарқий Сибирдан топилган Култегин, Гудулухон, Билга қоон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тунъюкук, Кули чура хотирасига қўйилган қадимги Ўрхун, Енисей (инесой, энасой) ёзма ёдгорликлари бунинг яққол тимсолидир.

Уйғур давлати қадимдан мустақил уйғур ёзуви, уйғур адабий тили, шубҳасиз, уйғур ёзма ёдгорликларига ҳам эга эди. Ҳатто, XV–XVI асрларга қадар ҳам уйғурлардан бошқа айрим туркий элат ва халқлар уйғур ёзувидан фойдаланганлиги маълум. Тарихий манбаларга қараганда, қадимги уйғур ёзуви тили кейинчалик X–XII асрларда Қорахонийлар давлат тили, XII–XIII асрларда ўғиз-қипчоқ адабий тили, XIII–XIV асрларда Олтин Ўрда хонлигида чиғатой адабий тили, XV–XIX асрларда эски ўзбек адабий тили, XVII–XIX асрларда эски туркман адабий тиллари учун асос бўлган.

VIII–X асрлар Ғарбий ва Шарқий Тукю давлатлари ҳудудларидаги турли қабила, элат ва давлатларнинг кучли парчаланиш ва янгидан ташкил топиш даври ҳам бўлди. X аср охирларигача келиб, Мўғулистон ҳудудлари қадимги қирғиз, Энасой бўйларидан Ўрол (Ёйиқ) гача Жунгория мамлакатида тўғиз-угур (уйғур), Еттисув воҳасида қорлиқ, бутун жанубий Туркистонда эронлашган ва араблашган Аббосийлар халифалиги ва давлат тили, Сир соҳилларидан Каспийгача кўчманчи Ўғиз давлати ва тили, улардан ғарбда эса Печенеглар, Хазарлар, Булғорлар давлати ва давлат тиллари шаклланди.

Эллар ва тиллараро бу ўзгаришлар фақат қабила ва элатларнинг таркибий ўзгаришлари билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг тил айирмаларини ҳам кучли ўзгаришларга олиб келди. Бу ўзгаришлар фақат туркий тиллар лексикасида эмас (масалан, VIII-XI асрларда Марказий Осиёда ва Каспий, Ўрол атрофида араблашган ва эронлашган тиллар), ҳатто, грамматик қурилиши, айниқса фонетикасида катта ўзгаришларга олиб келди.

Масалан, бу давр туркий тиллар фонетикасининг характерли белгилари шундаки, қадимги *р, л* ундошлари қолдиқлари ўз изларини деярли йўқотиб (чуваш тили каби айрим тилларни ҳисобга олмаганда), уларнинг ўрнини

р ~ т // д ~ с // з ~ й (*дъат – дъас – дъай – йай* (ёз)) ундошлари;

н // ң ~ с // з ~ й (*қон – қоң, қанда – қайда, аниг – азиг – айиг, йан – йаз – йай* каби) ундошлари эгаллади.

Туркий тиллар тараққиётининг ўрта турк даври (X–XV асрлар) тараққиёт жараёнининг энг мураккаб, шунга қарамай, ҳозирги мавжуд тилларнинг ҳар бирининг ўзига хос товуш қиёфаси, луғат бойлиги ва грамматик қурилиши жиҳатидан ташкил топиш ҳамда мустақил ривожланиш даври бўлди. Тил тараққиётининг бу даврини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам шартли равишда икки фаслга Қорахонийлар (X–XII асрлар) ва мўғуллар (XII–XIV асрлар) фаслига бўлиш мумкин.

Тарихий ёдгорликларнинг гувоҳ беришича, X асрда Еттисув воҳасида қорлиқ қабилалар уюшмаси кучайиб, маркази Болосоғун, кейинчалик Кошғар бўлган қудратли туркий Қорахонийлар давлатини вужудга келтирди. Улар шарқда барча майда қабилаларни ўз давлатига бирлаштириб, ғарбда Аму ва Сир водийсига Сомонийлар ҳукмронлигидаги қорлиқ-уйғур, Сирнинг қуйи оқимида ўғиз-қипчоқ қабилалар уюшмалари жойлашган Марказий ва Ўрта Осиё ҳудудларида ўз ҳукмронлигини кенгайтирди. Натижада Қорахонийлар давлатида шарқда қорлиқ-уйғур лаҳжалари асосидаги, ғарбда эса ўғиз-қипчоқ лаҳжалари асосидаги эронлашган ва араблашган икки туркий тил вужудга келди.

Бу давр тили ҳақида ёзма манбалар етарли бўлиб, улардан биринчиси М.Кошғарий "Девон"идир. Кошғарий маълумотича, бу давр қабила ва қабила тиллари икки тармоқ – шимолий ва жанубий тармоқларга бўлиниб, шимолий тармоққа шарқдан ғарбга томон печенег, қипчоқ, ўғиз, ямак, бошқирд, басмил, қай, ябғу, татар, қирғиз, жанубий тармоққа ғарбдан шарққа томон чигил, тўхси, яғмо, ирғоқ, чоруқ, жумул, уйғур, табғач қабила ва қабила тиллари киритилади. Қорахонийлар даври адабий тилининг яна бир қимматли ёдгорлиги болосоғунлик Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асарларидир. Бундан ташқари XII–XIII асрларда яратилган Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат", унинг шогирди Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асарлари ўша давр туркий адабий тили ва маданияти дурдоналаридир. Шарқий ва ғарбий адабий тил анъаналари, кейинчалик ҳатто, XIV–XV асрларда "Қиссаси Рабғузий"; "Қиссаси Юсуф" асрлари орқали давом эттирилди.

XI асрда Қорахонийлар давлати ўзаро низолар натижасида ўз мавқеини йўқотган. Бу даврда ўғиз қабилалари иттифоқига мансуб бўлган Салжуқийлар ҳаракати ва сулоласи вужудга келиб, улар жанубий-ғарбда Арманистоннинг шимоли ва Кичик Осиё ҳудудларигача бўлган ерларни ўз ҳукмронлиги остига олган. Ўғиз лаҳжаси асосидаги бу давр тили ҳақида ҳам "Ўғизнома" ва "Китоби додам Қўркут" ёдномалари орқали қимматли тил манбалари сақланган.

Қорахонийлар давлатининг емирилиши қипчоқ қабилалари иттифоқи манбаида ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларидан Қуйи Идиль (Волга) ва Шимолий Қрим ҳудудларигача бўлган қипчоқ чўли – Дашти Қипчоқда кўчманчи қипчоқ уюшмалари давлати майдонга келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI асрларда улар Ёйиқ ва Итил дарёлари қуйи оқимидаги Печенеглар давлатини парчалаб ташлаб, қарийб Кичик Осиё ва Русиянинг шарқий даштларигача ўз қўллари остида бирлаштирдилар. Печенегларнинг бир қисми ғарбга томон силжиб, можорлар (ҳозирги мадьяр, венгер – Вамбери) таркибига сингиб кетди, бир қисми эса шарққа томон силжиб, ҳозирги Қозоғистон, Қорақалпоқистон ерларига келиб қолди *(қорақалпоқ < черные клоубоки > қора клоубок > қора калбок > қора қалпоқ)*. Сўнгги асрларда бу қўшилмалардан нўғай, қозоқ, қорақалпоқ элатлари вужудга келди.

Қадимги қипчоқ қабилалар уюшмаси тили ҳақида деярли ёзма ёдгорликлар сақланмаган. XI–XII аср қипчоқ тили ҳақида М.Кошғарий луғати ва ўша даврдаги атоқли отлар ҳамда жой номлари орқалигина баъзи маълумотларни олиш мумкин.

Туркий тиллар тараққиётининг мўғул фасли аслида XIII асрларда Шарқий Сибирь, Марказий ва Ўрта Осиё, Ўролнинг ғарбий ҳудудларидаги ерларнинг мўғуллар томонидан истило қилиниши давридан бошланади, лекин аслида мўғул истилоси шарқда XI асрлардан бошланган эди.

Шарқда Ғўби чўли (саҳро)да яшовчи камбағал, маданий қолоқ кўчманчи мўғуллар ҳақида Ҳ.Вамбери: "Улар тил ва қиёфаси жиҳатидан туркларга қариндошдир. Ушбу халқ орасида 549 (1154) йилда дунёга бир қаҳрамон келди. Бу қаҳрамоннинг исми Темурчи бўлиб темир каби кучли, қатъий баҳодир эди. Шу имтиёзлари туфайли ёз ватандошларининг ибтидоий табиатидан фойдаланиб куч тўплади ва бутун Осиёни остин-устун қилди. У жаҳон тарихи майдонига 40 ёшида чиқди. Ўзининг ҳамқавмлари ва турк халқлари билан урушларда ғолибона ҳаракат қилиб, Чингиз лақабини олди. Чингиз – тоза, қувватли маъносидадир" (Ҳ.Вамбери. Бухоро ёҳуд Моваройуннаҳр тарихи. Т., 1990, 17–18-б.).

"Чингизхон Мўғул юртинда Йилун-йиллик теган ерда дунёга келди. Бир қўли юмуқ эди. Энага бўлган хатун, қўлини очти, кўрдиким, бир пора уюшкан қон. Муни келиб отасига айтдилар. Бир киши айтди, бу ўғлон улуғ подшоҳ бўлур. Ер юзининг барчасини олур. Бу қон анинг нишонаси турур теди. Ул кишининг теганитек бўлди. Отаси отини Темучин қўйди. Хон кўтарганда Чингиз лақаб қўйдилар" (Абулғози. Шажараи турк. Т., 1991, 48- бет).

Чингизнинг биринчи душмани Ғўбига яқин бўлган Кероийт қабиласи хони Ўнгхон эди. Ўз аймоқлари ва Хитойни бўйсундириб. Ўнгхонни енгди. Уйғур хони Эдикут, Қурхон, Кучлукхон ҳам енгилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Академик Бартольд мўғуллар истилоси мўғулларнинг ўзига нисбатан турклар тақдирига кучли таъсир қилди. Чунки бутун мўғуллар истило қилган ерларда давлат тили туркий тил бўлиб қолди, деганда ҳақли эди. Сабаби мўғуллар бу даврда уйғур ёзувини ўзлаштириб, давлат ишларини шу ёзув ва туркий тилда олиб борар эди.

XIII–XV асрларда келиб, мўғул империяси емирилгач, улар ҳукмронлик қилиб турган барча ерлар Темур ва темурийлар тасарруфига ўтди. Бу даврда бир қанча туркий адабий тиллар, жумладан, эски ўзбек адабий тили ҳам шаклланди ва ривожланди. Бу давр тили ҳақида ёзма манбалар етарли даражада бўлиб, Дурбек, Атойи, Лутфий асарлари, айниқса, Алишер Навоий даври ёзма адабиёти бунинг ёрқин мисолидир.

Туркий тиллар тараққиётининг янги турк даври (XV–XX асрлар) туркий элат ва халқлар яшайдиган бутун ҳудудларда барча туркий элат ва халқлар, элат ва халқ тилларининг қўшилиши ва ажралиши натижасида янги-янги туркий тилларнинг қатъий қарор топиш даври бўлди.

Ғарбда бутун чуваш уруғ ва қабила уюшмалари ягона чуваш халқини, қипчоқ-булғор қабилалар уюшмалари татар ва бошқирд халқлари ва халқ тилларини, қипчоқ-половец уюшмаси қозоқ, қорақалпоқ, нўғой, караим, қўмиқ, қорачой, балқор, Қрим татарлари халқ ва элатлари, халқ ва элат тилларини таркиб топтирди. Бундан ташқари ғарбда ўғиз-булғор уюшмасидан гагауз ва болқон турклари тиллари майдонга келган бўлса, ўғизлардан туркман халқи ва турк, озарбайжон буржуа миллатлари ва миллат тиллари, қорлиқ бирлашмасидан ўзбек ва уйғур халқ ҳамда халқ тиллари ўзларининг ҳозирги қиёфасини топди.

Бу давр Шарқда ҳам барча элат ва халқларнинг ҳамда уларнинг тилларининг ўзига хос шаклланиш ва мустақил такомиллашиш даври бўлди. XVII–XIX асрларда қирғиз, олтой, ёқут, тува, карагас, ҳакас халқлари ва халқ тиллари майдонга келиб, мустақил тараққиёт бошладилар.

XV–XX асрлар Ғарб, Марказий ва Ўрта Осиё араб, форс, қисман, рус, Шарқда эса мўғул ва рус тиллари билан яқин алоқа ва ўзаро таъсир даври ҳам бўлди.

Умуман, XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида турк, озарбайжон, ўзбек, уйғур, қирғиз, татар, бошқирд халқ ва миллатлари ўзларининг юксак маданияти, ёзуви ва мукаммал ёзма адабиётига эга бўлган бўлса, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай, гагауз, караим, қўмиқ, қорачой, балқор, тува, карагас, ёқут, ҳакас, камасин, шор, олтой каби халқ ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

элатлар ўзларининг ёзма адабиётига эга бўлмасаларда, ўз мустақил тилларига эга эдилар.

Туркий тиллар тараққиётининг энг янги турк даврини шартли равишда XX аср дейилса ҳам, аслида бу давр туркий тиллар тараққиётини XX асрнинг II ярми белгилайди. Чунки барча туркий эллар Иккинчи жаҳон урушидан кейин сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан равнақ топиб, мислсиз даражада тез ривожлана бошлади.

1950 йиллардан кейин Ғарбдаги айрим туркий буржуа миллат тилларини ҳисобга олмаганда, собиқ Иттифоқ ҳудудларидаги барча туркий тиллар ўз мустақиллиги, ёзуви ва ёзма адабиётига, матбуотига эга бўлди. Бу давр фаннинг ҳамма соҳаларининг, жумладан, тилшунослик фанининг ҳам ўта ривожланган даври бўлди. Ҳамма туркий тилларда бошланғич, ўрта ва олий мактаб грамматикалари, имло ва таржима луғатлари яратилди, ҳамма туркий тилларнинг ўзига хос орфографик ва орфоэпик мезонлари белгиланди.

Ҳамма туркий халқ ва миллатлар тили тараққиётининг мезони бўлган халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиёти равнақ топди. Собиқ Иттифоқдаги ҳамма халқ ва миллатларнинг жаҳон адабиётига танилган Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳ.Олимжон, М.Овезов, Ч.Айтматов, Т.Каипберганов, Р.Ҳамзатов, Самад Вурғун, Берди Кербобоев каби ўнлаб адиблари ва фан мутафаккирлари етишиб чиқди.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Оврўпада шуҳрат топган қиёсий-тарихий тилшуносликнинг таъсири XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярмида туркий тилларни қиёсий ўрганиш ва тасниф қилиш соҳасида Ғарб туркшунос тилшунослари билан бир қаторда рус туркшунос олимлари И.Н.Березин, Н.И.Ильминский, В.В.Радлов, Н.А.Аристов, Ф.Катанов, Ф.Е.Корш, А.Н.Самойлович, В.А.Богородицкий, С.Е.Малов ва бошқалар самарали иш олиб бордилар. Лекин шуни айтиш жоизки, уларнинг кўпчилиги туркий тилларни қиёсий ўрганиш ва тасниф қилишга бир томонлама ёндашдилар: улардан айримлари туркий тилларни тасниф қилишда фақат уларнинг ҳудудий жойланишларини асосга олган бўлса, бошқалари туркий тилларнинг ё даврий шаклланиш жараёнини ё тил хусусиятининг айрим томонларини ҳисобга олдилар; таснифда ҳар бир туркий тилнинг бошқа туркий тиллар билан умумийлигини шу туркий тилда сўзлашувчи жамоа (қавм, элат, халқ ва миллат) нинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёни билан боғлаб ўрганмади ва тасниф қилмадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу жиҳатдан олиб қараганда туркий тилларнинг рус тилшуноси А.Н.Самойлович ва кейинчалик Н.А.Баскаков томонидан қилинган таснифини олдинги барча таснифларнинг илмий умумлашмаси ва хулосаси деб англаш мумкин.

А.Н.Самойлович туркий тилларнинг тарихий тараққиёт жараёни, товуш тизими ва сўз таркибини ҳисобга олиб уларни 6 гуруҳга ажратади. Буни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин:

Гуруҳ	Тарихий асоси	Белгилари						Ҳозирги туркий тиллар
		1	2	3	4	5	6	
1-Р гуруҳ	булғор, чуваш	*тахар*	*ура*	*тул*	*тав,туу*	*сары*	*калан*	чуваш
2-Д гуруҳ	уйғур	*тоқуз*	*адақ*	*тол*	*таг*	*сарыг*	*кап-гон*	карагас, тува ва сарин, уйғур, шор
3-Тав гуруҳ	қипчоқ	*тоғуз*	*айақ*	*бел пул*	*тав*	*сары*	*калган*	олтой, қирғиз, қумиқ, қорачой, караим, татар, бошқирд, қозоқ, нўғай
4-Тоғли гуруҳ	чиғатой	*тоқуз*	*айақ*	*бол*	*таг*	*сарық*	*калгон*	ўзбек
5-Тоғли гуруҳ	қипчоқ-туркман	*доқуз*	*айак*	*бол*	*тог*	*сары*	*колгон*	
6-Ол гуруҳ	туркман	*доқуз*	*айақ*	*ол*	*даг*	*сары*	*калак*	туркман, озарбай-жон, турк, гагауз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Албатта, бу тасниф ҳам ҳозирги туркий тилларнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида, бир томондан, қадимги негиз (асос) тиллар билан, иккинчи томондан, манчжур, хитой, форс-тожик, рус, ҳатто, фин-угар тиллари билан узлуксиз муносабатда юз берган товуш қиёфаси, луғат бойлиги ва грамматик қурилишидаги ўзгаришларни тўла акс эттириб берган эмас. Чунки эрадан олдинги асрлардан то ҳозирги даврларгача Сибирь, Марказий ва Ўрта Осиё, Шарқий Оврўпа ҳудудларида ҳаёт кечирган турли туркий уруғ ва қабилалар иттифоқлари ва элатлар узлуксиз жангу жадаллар, босқинлар, ғолиблик ва мағлубликлар натижасида неча марта қўшилиб, неча марта парчаланган, айрим қабила ва қабилалар иттифоқи ғолиб қабила ва қабилалар иттифоқи таркибига сингиб кетган ва ҳ.к. Бу, шубҳасиз, уларнинг тилларида ҳам ўз ифодасини топган.

Маълумки, тарихий манбалар туркий қабилалар ва уларнинг тиллари жуда қадимдан бошлаб шарқий ва ғарбий туркий қабилалар ва қабила тилларига ажралиб кетганлигидан далолат беради. Бу бўлиниш икки босқичга эга бўлиб, биринчиси янги эранинг бошларида туркий қабилаларнинг шарқий ва ғарбий хуннларга ажралиши бўлса, иккинчиси VII–VIII асрларда ягона Тукю давлати ва унинг таркибидаги туркий қабилаларнинг шарқий ва ғарбий тукю қабилалар ва қабилалар иттифоқларига ажралиб кетишидир. Ҳозирги туркий халқлар ва уларнинг тилларининг асоси ўтмишдаги шарқий ва ғарбий тукю, қадимги шарқий ва ғарбий хуннларга бориб тақалади.

Масалан, ҳозирги қорақалпоқ халқи тарихи хазар, печенег, половец қабилалари иттифоқлари тарихи, кейинроқ Олтин Ўрда, нўғай, қозоқ, ўзбек қабилалар иттифоқлари тарихи билан узвий боғлиқдир.

Тарихнинг шаҳодат беришича, уларнинг барчаси келиб чиқиши жиҳатидан қадимги ғарбий тукю, ғарбий хунн уюшмалари ва қадимги ўғиз ва қипчоқ ғарбий қабилалар иттифоқлари ва уюшмалари билан уланади. Демак, ҳозирги қорақалпоқ халқи таркибида бир қанча қадимги уруғ ва қабилаларни мужассамлаштирган бўлиб, уларнинг ҳар бири қадимги половецлар, печенеглар, Дашти Қипчоқдаги қипчоқ қабилалар уюшмалари, узоқ ўтмишдаги ғарбий хунн таркибидаги хазар ва булғорлар билан қон-қариндошдир. Ҳозирги қорақалпоқ халқи таркибидаги хонтекли, қанғли, иргоқли, қўнғирот, қазайақли, қуштамғали, ачамайли, қипчоқ, нукис, манғит, кенагас, уйғур, тилав, тароқли каби уруғ ва қабилаларнинг худди шу номлар билан ҳозирги нўғай, қозоқ, ўзбек ва ҳатто, бошқирд халқлари таркибида ҳам мавжудлиги бунинг далилидир. Бу хусусият айрим олинган ҳар бир туркий халқ ва туркий тил тарихига ҳам тааллуқлидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий тиллар тараққиётининг узоқ тарихий жараёни ва ҳар бир туркий тилларнинг ўзига хос ва умумтуркий товуш қиёфаси, луғат бойлиги ҳамда грамматик қурилишидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Н.А.Баскаков уларни дастлаб икки йирик тармоққа: туркий тилларнинг ғарбий хунн тармоғига ва шарқий хунн тармоғига ажратади.

А) ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҒАРБИЙ ХУНН ТАРМОҒИ.

Бу тармоқ яна тўрт йирик гуруҳга бўлинади:

I. Булғор гуруҳи.

1) *қадимги тиллар*: булғор тили, хазар тили.

2) *ҳозирги тил:* чуваш тили.

II. Ўғиз тиллари гуруҳи.

1. Ўғиз-туркман шохобчаси:

1) қадимги тил: X–XI аср ўғиз тили;

2) ҳозирги тиллар: туркман тили, трухмен тили.

2. Ўғиз-булғор шохобчаси:

1) қадимги тил: печенег тили, уз тили;

2) ҳозирги тиллар: гагауз тили, болқон турклари тили.

3. Ўғиз-салжуқ шохобчаси:

1) қадимги тиллар: салжуқ, эски усмонли турк тили;

2) ҳозирги тиллар: озарбайжон тили, турк тили.

III. Қипчоқ тиллари гуруҳи.

1. Қипчоқ-половец шохобчаси:

1) қадимги тил: қипчоқ тили;

2) ҳозирги тиллар: караим тили, қумиқ тили, қорачой тили, болқор тили, қрим - татар тили.

2. Қипчоқ-булғор шохобчаси: ҳозирги татар тили, бошқирд тили.

3. Қипчоқ-нўғай шохобчаси: нўғай тили, қорақалпоқ тили, қозоқ тили.

IV. Қорлиқ гуруҳи.

1. Қорлиқ-уйғур шохобчаси: қадимги уйғур тили.

2. Қорлиқ-хоразмий шохобчаси:

1) қорлиқ-хоразмий, олтин ўрда, чиғатой тиллари, эски ўзбек тили;

2) ўзбек тили, уйғур. тили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Б) ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ШАРҚИЙ ХУНН ТАРМОҒИ.

Бу тармоқ икки гуруҳга бўлинади:

I. Уйғур-ўғиз гуруҳи.

1. Уйғур-тукю шохобчаси:

1) қадимги тиллар: қадимги ўғиз тили, ўрхун-енисей ёзувлари тили, қадимги уйғур тили;

2) ёқут шохобчаси – ҳозирги ёқут тили;

3) ҳакас тиллари шохобчаси – ҳозирги хакас тили, камасин тили, шор тили, чўлим татарлар тили.

II. Қирғиз-қипчоқ гуруҳи.

1) *қадимги тил:* қадимги қирғиз тили;

2) *ҳозирги тиллар:* қирғиз тили, олтой тили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОНЕТИКА

ФОНЕТИКА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Қиёсий тилшуносликда қиёсланаётган тилларнинг товушлар тизими – фонетик қурилиши қиёслашнинг бош мезони бўлмаса ҳам унинг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланади, чунки кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқа-аралашувнинг асоси бўлган сўз нутқ товушларидан таркиб топади ва маъно касб этади. Тил воситасида ҳар қандай ижтимоий алоқа нутқ жараёнида намоён бўлади. Бу жараён алоқа-аралашув вакиллари бўлган турли шахсларда турлича кечади; ҳар бир шахснинг талаффузи нутқ артикуляцияси (нутқ товушларининг пайдо бўлиш жараёни) жиҳатидан бир хил бўлмайди, шахснинг физик, физиологик ва психик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ҳар хилликларга эга бўлади.

Маълумки, нутқда ҳар бир нутқ товуши нутқ аъзоларининг уч хил ҳаракати – товуш ҳосил қилиш учун нутқ аъзолари ҳаракатининг ибтидоси (тайёрланиш ҳолати), амал (товуш ҳосил қилиш моменти) ва товуш ҳосил бўлгач, нутқ аъзолари ҳаракатининг интиҳоси (олдинги, дастлабки ҳолатига қайтиши) натижасида шаклланади. Шунга кўра нутқ товушлари ўзаро мулоқотдаги шахслар ўртасидагина эмас, балки қурилиши бир хил бўлган бир тизимдаги қариндош тиллар ўртасида ҳам ўзига хосликларга эга бўлади: *тош – тас, бъаг – бав, кел – гел* каби. Бу айримликлар турли тизимдаги тилларда сўзлашадиган шахслар ўртасида янада сезиларлироқ бўлади. Масалан, ҳинд-оврўпа тилларига мансуб кишиларнинг туркий тилларга хос бўлган *қ, ғ, ҳ* ундошларини ҳосил қила олмаслигининг асосий сабаби уларда шу товушларни ҳосил қилувчи артикуляцион ўриннинг мавжуд эмаслигидадир. Бир тизимдаги икки тилда сўз бошида (анлаут), сўз ўртасида (инлаут) ва сўз охирида (ауслаут) бундай товуш алмашиниши (*йол//дъол, киши//кижи, баг//бав, таг//тав* каби) мустасно қилиш мумкин бўлмаган фонетик қонуниятлардир. Бундай қонуниятлар тилларни фонетик жиҳатдан қиёслашнинг асосини ташкил этади.

ҲОЗИРГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ УНЛИ ТОВУШЛАР ТИЗИМИ

Ҳозирги туркий тилларнинг унли фонемалар (товушлар) тизими сифат белгилари ва миқдор белгиларига кўра турли туркий тилларда маълум ўхшашликлар мавжуд бўлиши билан бирга, айрим фарқ ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

айримликларга ҳам эгадир. Туркий тиллардаги унли фонемалар ана шу фарқлантирувчи белгилари жиҳатдан дастлаб миқдор белгилари ва сифат белгиларига кўра тасниф қилинади.

Миқдор белгиларига кўра ҳозирги туркий тиллар унлилари чўзиқ-қисқалиги билан фарқланади. Туркшунослик адабиётларида қадимги туркий тил ва ҳозирги туркий тилларнинг унли товушлар қиёфасини ҳисобга олган ҳолда уларни қисқа ва чўзиқ шаклларига эга бўлган 8 унлидан иборат деб қабул қилинган. Булар қуйидагилар:

Қисқа унлилар: *а, ə, о, ө, у, ү, и, ы,*

Чўзиқ унлилар: *а:, ə:, о:, ө:, у:, ү:, и:, ы:*

Чўзиқ-қисқалик хусусиятларига кўра қадимтуркий тилларда мавжуд бўлган бу тизимни ҳозирги туркий тилларнинг ҳаммасига ҳам тааллуқли деб бўлмайди, чунки бу, бир томондан, ҳозирги ёкут, тува, айрим ўғиз гуруҳ тиллар (туркман,озарбайжон, гагауз, турк, ўзбек тили хоразм диалектларида) сақланиб қолган бўлса, бошқа барча ҳозирги туркий тиллар қадимтуркий чўзиқ жуфтларини йўқотиб, қадимги саккиз қисқа унли, ҳатто, ундан ҳам кам (ўзбек тилида олти унли) шаклларига келиб қолган, иккинчи томондан, тува, карагас ва бошқа айрим туркий тилларда ярим чўзиқ хусусиятига эга бўлган "фаренгаль" (тилнинг орқа томони ва бўғизнинг таранглашишидан ҳосил бўладиган товуш) унлилар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳозирги туркий тиллар унли фонемаларини миқдор жиҳатидан аниқ белгилаш қийин. Фақат одатдаги унли фонемаларига эга бўлган ҳозирги туркий тиллар 6 (ўзбек), 7,8 (бошқа туркий тиллар) унлили тиллар бўлса, чўзиқ жуфтлари билан бирга айрим туркий тилларда унлилар миқдори 18 ва ундан ҳам ошиши мумкин. Масалан, гагауз тили грамматикаларида унлилар 18 фонема сифатида берилади: *а, ы, о, у, е, и, о:, у:, а:, аа, ыы, оо, уу, ее, ии, о:о:, у:у:, а:а:*. Бундаги сўнгги *а:а:, о:о:* каби унлиларни тилшуносликда ўта чўзиқ (ультра чўзиқ) унлилар ҳам деб юритилади.

Туркий тилларда чўзиқ унлилар келиб чиқиши жиҳатидан бирламчи ва иккиламчи чўзиқ унлиларга ажратилади. Бирламчи чўзиқ унлиларнинг тарихи қадимтуркий тилга бориб тақалса, иккиламчи чўзиқ унлилар туркий тиллар тараққиётининг кейинги босқичларида қадимтуркий сўзлар таркибидаги айрим ундош товушларнинг қисқариши ва туширилиши натижасида келиб чиққанлиги қайд қилинади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам туркий тиллар чўзиқ унлилари фонематик характерга эга бўлиб, сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилади: *бар* (бор) – *баар* (бағир), *ол* (у) – *оол* (ўғил), *сок* (ур) –*соок* (совуқ), *сук* (чорламоқ) – *суук* (суюқлик), *ур* (узоқ) – *уур* (уя), *дун* (тун) – *дуун* (кеча), *ыт* (ит) – *ыыт* (товуш), *чыры* (ёритмоқ) – *чырыы* (ёруғи) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўзиқ унлилар ҳозирги барча туркий тилларга мансуб бўлмай, асосан, ёқут, туркман ва бошқа ўғиз гуруҳ тилларда, тува, ҳакас, шор, олтой тилларида сақланиб қолган, буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Чўзиқ *а:* унлисининг қадимги туркий шакли ҳозирги туркий тиллардан фақат туркман ва ёқут тилларида учрайди:

қад. турк туркман	туркман	ёқут	ўзбекча
ја:з	*ја:з*	*са:с*	*ёз* (фасл)
та:ш	*да:ш*	*та:с*	*тош*
қа:з	*га:з*	*ха:с*	*гоз*
ка:н	*га:н*	*ха:н*	*қон*
ба:р	*ба:р*	*ба:р*	*бор* (мавжуд)лик
ка:р	*га:р*	*ха:р*	*қор*
а:ч	*а:ч*	*а:с*	*оч* (лик)

Чўзиқ *а:* унлиси бошқа айрим туркий тилларда иккиламчи чўзиқ *а:* унлиси сифатида, яъни кўп бўғинли сўзлар таркибидаги айрим ундошларнинг қисқариши натижасида ҳосил бўлган чўзиқ унли сифатида учрайди: гагауз, ҳакас, тува, шор. *а:р* < *ағыр* (оғир), *а:з* < *ағыз* (оғиз), хакас. *аза:м* < *азағым* (оёғим), *па:р* < *бағыр*, гагауз. *са:р* < *сағыр* (кар) каби.

Бошқа барча туркий тилларда бу чўзиқ унли турли сабабларга кўра қисқариб, одатдаги (қисқа) ***а*** унлисига айланиб қолган: турк, олтой, қумиқ таш, нўғай тас, қозоқ, қ-қалпоқ, ҳакас. *тас*, караим, қ.балқ., уйғур. *тош*, озарб. *даш*, озарб. *гар* (қор), турк. *қар*, қирғиз. *кар*, олтой, қумиқ, уйғур. *кар* каби.

Чўзиқ *ə:* унлиси ҳозирги туркий тиллар таркибидаги қадимтуркий ўзак сўзларда деярли кам учрайди, буни фақат туркман тилидаги *бə:ш* (беш), *гə:п* (шакл, модель), ёқут тилидаги *киəп* (*кəп* > *кə:п*) каби саноқли сўзлар таркибидагина учратиш мумкин. Бошқа ҳолларда қадимги чўзиқ ***ə:*** унлиси деярлик ҳамма ҳозирги туркий тилларда ***ё*** дифтонг ёки оддий одатдаги ***ə*** унлисига айланиб қолган.

ə:* > *иə. Бу ҳолат фақат ёқут тилига хос: туркман *бə:ш*, уйғ. *бəш*, ёқут. *биəш* (беш); уйғ. *кəң*, ёқут. *киəң* (кенг); уйғ. *кəч*, ёқут. *киəһэ* (кеч); уйғ. *əг*, ёқут. *иəг* (эгмоқ); уйғ. *бəр*, ёқут. *биəр* (бермоқ) каби.

ə:* > *и: . Бу ўзгариш ҳам фақат туркман тилида учрайди: уйғ. *əл*, туркман. *и:л* (эл); уйғ. *бəл*, туркман. *би:л* (бел) каби.

ə:* > *ə. Деярли ҳамма туркий тилларда ***ə:*** унлиси одатдаги ***ə*** унлисига айланади: уйғ. *бəш, бəл*, турк. *кəп*, татар. *киң* ва ҳ.к.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўзиқ *о:* унлиси фақат туркман тилида *йо:л, о:н, йо:қ, бо:л* каби сўзлар таркибида учрайди. Бошқа ҳолларда:

о: > уо. Туркман. *о:т,* ёқут. *уот*; туркман. *йо:л,* ёқут. *суол*; туркман. *бо:р*, ёқут. *буор* (лой); туркман. *о:н,* ёқут. *уон* каби.

о: > о. Деярли ҳамма туркий тилларда чўзиқ ***о:*** унлиси одатдаги ***о*** унлисига айланади: нўғай, қозоқ, қ-қалп., ўзбек, турк, қумиқ, қирғиз, ҳакас, уйғур. *от* (олов); турк. *јок*, озарб. *јох*, қумиқ, гагауз, караим, нўғай. *јоқ*, қозоқ, қ.қалп., қирғиз. *жоқ*, ўзбек. *йўқ* каби.

Бу унли айрим туркий тилларда сўз таркибидаги айрим ундош товушнинг қисқариши натижасида иккиламчи чўзиқ *о:: – оо* унлисига айланади: қирғ. *тоо – тог, боо – бог, оос – огиз*; гагауз. *доору – догру* (тўғри); *оолу – оглу* (ўғли); олтой. *оос – огиз*; қирғиз. *оор – огир, боор – бовир – багр* каби.

Ёқут тилида *уол* (ўғил), *уос* (оғиз), *суон* (семиз) тарзида чўзиқ ***о:*** унлиси дифтонг ***уо*** товушига айланади.

Чўзиқ *ө:* унлиси ҳам қадимтуркий шаклида фақат туркман тилида сақланиб қолган: *гө:л* (кўл), *гө:к* (кўк), *бө:л* (бўлмоқ), *кө:н* (тери), *дө:ш* (тўш, кўкрак), *сө:к* (сўқмоқ) каби.

ө: > уө. Ёқут тилида:

қад. турк.	туркман	ёқут	ўзбекча
кө:л	*гө:л*	*куөл*	*кўл*
тө:ш	*дө:ш*	*туос*	*тўш*
кө:к	*гө:к*	*куок*	*кўк*
сө:к	*сө:к*	*суох*	*сўкмоқ*
тө:рт	*дө:рт*	*түөт*	*тўрт*

Чуваш тилида қадимтуркий ***ө:*** айрим сўзлар таркибида ***-ъва*** шаклида учрайди: қадимтурк. *кө:к*, чуваш. *къвак* (кўк); қадимтурк. *тө:рт*, чув. *тъвадъ* (тўрт) каби.

ө: > ө. Бу ҳолат деярлик ҳамма туркий тилларга хос: *кө:к* (кўк) > турк. *гөк*, қозоқ, олтой, қирғиз. *көк*, ўзб., нўғай. *көк*, қумиқ. *гөк*; *кө:л* (кўл) > уйғур, қ.қалп. *көл*, озарб. *гөл*; *тө:рт* (тўрт) > қумиқ. *дөрт*, қирғиз. *төрт*, олтой, қ.балқар. *төрт*, ўзбек. *тўрт* (төрт) каби.

Бу чўзиқ унли ҳамма ҳозирги туркий тилларда иккиламчи чўзиқ унли сифатида ва кўп бўғинли сўзларнинг кейинги бўғинларида учрамайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўзиқ *у:* унлиси сўз бошида туркман ва ёқут тилларида сақланган: қад.туркий. *ту:з* (туз), туркм. *ду:з*, ёқут. *ту:с*; қад.туркий. *бу:з* (муз), турк. *бу:з*, ёқут. *бу:с*; қад.турк. *ку:рыг* (қуруқ), туркм. *гу:ры*, ёқут. *ку:р* каби.

Сўз таркибидаги айрим ундошларнинг қисқариши натижасида айрим туркий тилларда иккиламчи чўзиқ *у:* унлиси ҳосил бўлган: гагауз. *буу – буг, куумаа – ковмаға* (қувламоққа), *суук – соғуқ* (совуқ), *уулдамаа – угулдамаға* (увулламоқ), қирғиз. *ту: – туг* (байроқ), *алу: – алыг* (олмоқ), қирғиз. *су:*, ёқут. *у:л*, қирғиз. *ту:ра – тўғра* (тўғри) каби.

Бошқа барча ҳозирги туркий тилларда бу чўзиқ унли одатдаги қисқа *у* унлисига айланган: уйғур. *муз*, қ.балқар. *буз*, караим, гагауз. *буз*, хакас. *пус*, қирғиз, ўзбек. *муз* каби.

Чўзиқ *у:* унлисини ҳам фақат туркман ва ёқут тилларида учратиш мумкин: қадимтуркий. *сү:т*, тукман. *сү:т*, ёқут. *үүт*, қадимтуркий. *jү:з*, ёқут. *сү:с* (юз), *кү:ч*, ёқут. *кү:с* каби.

Бу унлининг ҳам айрим тилларда дифтонг ҳолати учраса, туркм. *гүjч* (куч), тофалар. *үjш* (уч), туркм. *сүjт* (сут) каби, гагауз тилида иккиламчи чўзиқ шакли мавжуд: *бүүк – бүйүк* (буюк), *дүүн – дүйүн* (тўй), *үүсек – йүксек* (юксак), *уусус – оксуз* (етим), *бүүн – бугун* (бугун) ва б.

Чўзиқ *ы:* унлиси ва чўзиқ *и:* унлисининг ҳам айрим кўринишлари туркман ва ёқут тилларидагина сақланиб қолган: туркм. *гы:з*, ёқут. *кы:с* (қиз), туркм. *ги:р*, ёқут. *ки:р*, туркм. *ди:ш*, ёқут. *ти:с* каби.

Сифат белгиларига кўра туркий тилларда унли фонемаларнинг энг муҳим фарқлантирувчи белгилари товуш ҳосил қилишда оғизнинг очилиш даражаси (кенг, ўрта кенг, тор), тилнинг ҳолатига кўра пайдо бўлиш ўрни (олд қатор – юмшоқ, орқа қатор – қаттиқ) ва лабларнинг иштироки (лабланган, лабланмаган) асосга олинади.

Ҳозирги туркий тилларда артикуляцион жиҳатдан унли фонемаларнинг оғизнинг очилиш даражасига кўра фарқланиши уларнинг энг асосий сифат белгиларидан биридир. Шунинг учун унли фонемаларни бу жиҳатдан тасниф қилиш ҳамма туркий тилларда бир хил эмас, чунки турли туркий тилларда ҳар бир унли ҳар хил вазиятда пайдо бўлади: унинг учун уларни ўзбек тили унли фонемалари таснифидаги каби тор, ўрта кенг, кенг унлилар сифатида эмас, балки тор, ярим тор, ўрта кенг, ярим кенг, кенг каби унлиларга ажратишга тўғри келади, буни туркий тиллардаги турли унлиларнинг пайдо бўлиш жараёни тақозо этади.

Фикрни ойдинлаштириш учун буни ҳозирги ўзбек тилидаги адабий-орфографик олти унли воситасида шундай тушунтириш мумкин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор унлилар: *и, у*

ўрта кенг унлилар: *э, ў*

кенг унлилар: *а, о*

Ўзбек тилидаги унлиларнинг бу жиҳатдан таснифи қуйидаги тасвирда янада аниқроқ англашилади:



Шунга кўра туркий тиллар қиёсий грамматикалари соҳасидаги илмий ишларда ҳозирги туркий тиллардаги саккиз унли (*а, э, о, ө, у, ү, и, ы*) қуйидагича тасниф қилинади:

1) ёқут, шор, олтой, карагас, тува, қирғиз, қорачой, балқор тилларида:

кенг унлилар: *а, э, о, ө.*

тор унлилар: *у, ү, и, ы;*

2) озарбайжон, бошқирд, татар, ҳакас тилларида

кенг унлилар: *а, э, о, ө.*

ўрта кенг унли: э.

тор унлилар: *и, у, ү.*

3) бошқирд, татар, чуваш тилларида:

кенг унлилар: *а, э.*

ярим тор унлилар: *ы, о, ө.*

тор унлилар: *и, у, ү.*

4) қозоқ тилида:

кенг унлилар: *а, э, о, ө.*

ярим кенг унли: э.

ярим тор унли: *ы, у.*

тор унли: *и, ү.*

5) ҳакас тилида:

кенг унлилар: *а, э, о, ө.*

ярим тор унлилар: *ы.*

тор унлилар *и, у, ү.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллар:

қад.турк	озарб.	турк	туркман	ёқут	ўзбек
әшик	*әшик*	*эшик*	*ишик*	–	*эшик*
кәнг	*гәң*	*әгэң*	*гинг*	*киэнг*	*кенг*
кәч	*гәч*	*гэч*	*гич*	*киэса*	*кеч*
пәш	*бәш*	*бәш*	*бәш*	*биэс*	*беш*

Яна қиёсланг: татар. *қыш* (қыш), *тил* (тіл), *биз* (бъз), *ит* (ыт); чуваш. *сĕр* (ер), *кĕр* (кирмоқ), *сор* (юз), *кӳр* (кўз); татар. *тоз* (туз), *көш* (қуш), *боз* (муз), *сөт* (сут) каби.

Пайдо бўлиш ўрни (тилнинг вазияти)га кўра унли фонемаларнинг олд қатор (юмшоқ) ва орқа қатор (қаттиқ) унлиларга ажратилиши туркий тиллар унли фонемаларининг иккинчи муҳим фарқлантирувчи белгисидир. Шунга кўра туркий тиллар унлилари ўз қарама-қарши жуфтларига эга бўлган олд қатор юмшоқ ва орқа қатор қаттиқ шаклларига эга: *а – ә, о – ө, у – ү, и – ы* каби.

Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари (*и, э, а, у, ў, о*) пайдо бўлиш жараёнида тилнинг вазиятига кўра гарчи, олд қатор (тил олди: *и, э, а*) ва орқа қатор (тил орқа: *у, ў, о*) унлиларига ажратилса ҳам, бу унлиларнинг барчаси қаттиқ-юмшоқлик жуфтларига эга эмас. Туркшунослик адабиётларида бунга сабаб ўзбек тилида унлилар уйғунлиги (сингармонизм) ҳодисасининг йўқолганлиги деб кўрсатилади. Шунинг учун ўзбек тили унлилари одатда, юқори кўтарилиш (*и, у*), ўрта кўтарилиш (*э, ў*), қуйи кўтарилиш (*а, о*) унлиларига ажратилади.

Саккиз унлили барча ҳозирги туркий тилларда унли фонемалар қаттиқ ва юмшоқ жуфтларига эга бўлиб, бу жуфтлик (фарқ) маънони фарқлантириш хусусиятига эга эмас, қиёсланг: озарб. *окуз* ва *өкуз* (ҳўкиз), *йу* ва *йү* (ювмоқ), бошқирд. *асі* ва *әсі* (аччиқ), *аз* ва *әз* (оз), *ақрин* ва *әқрин* (тинч), қозоқ. *шай* ва *шәй* (чой), *қайт* ва *қәйт* (қайтмоқ), туркм. *ајт* ва *әјт*, уйғур. *ука* ва *ұка*, *ҳайда* ва *ҳәйдә*, бошқирд. *байрам* ва *бәйрәм*, *айран* ва *әйрән*, қирғ. *йаш* ва *йәш*, татар. *йомшак* ва *йомшәк*, чуваш. *сӑмӑз*, туркм. *дирнақ*, чуваш. *чӑрнӑ*, туркм. *йаңы* ва озарб. *йәни*, уйғур. *булут* ва чуваш *пӗлӗт*, туркм. *сәкиз* ва ёқут. *ағыс* ва бошқ.

Туркий тиллар унлиларининг учинчи фарқлантирувчи белгиси лабланиш ва лабланмаслик ҳодисасининг мавжуд ё мавжуд эмаслигидир.

Айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, саккиз унлили туркий тилларнинг барчасида лабланмаган (*а, ә, и, ы*) унлилар ўз лабланган (*о,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ө, у, ү) жуфтларига эга. Бу ўринда шуни айтиш керакки, туркшунос тилшунослар ўртасида ўзбек тилидаги ***а (о)*** татар ва бошқирд тилларидаги ***а*** унлисининг лабланган ёки лабланмаганлиги муноза-ралидир. Бу тиллардаги ***а (о)*** унлисининг лабланиш сабабини баъзи тилшунослар шу товушнинг сўз таркибидаги вазиятидан деб ҳисобласа, баъзилар ўзбек тилидаги ***а (о)*** унлисининг лабланишига тожик, чуваш тилига марий, озарбайжон тилига тат, талиш тилининг таъсири сабаб бўлган, деган хулосага келадилар.

Бу ҳақда яна шуни айтиш лозимки, лабланиш-лабланмаслик ҳодисаси бошқа туркий тилларда ҳам барқарор эмас. Буни икки ҳолатда кўриш мумкин:

1. Лабланган унлиларнинг лабланмаган унлига айланиши (делабиализация ҳодисаси): баъзи татар тили шеваларида *ис – уч* (уч), *сит – сут, тиш – төш*; балқар тилида *Мистафа – Мустафо, быйыл – бу йил, бирда – бу ерда*; туркм. *хинар – ҳунар, дишэк – дүшэк* (тўшак); тува. *бида – ботқа*; ёқут. *сирит – сөрит* (юрмоқ); нўғай. *бизав – бузав* (бузоқ) каби ҳолларда учрайди.

2. Сўз таркибидаги вазиятига кўра лабланмаган унлининг лабланган унлига айланиши (лабиализация ҳодисаси): озарб. *боба – баба* (бобо), *бармоғ – бармаг* (бормоқ); уйғур. *бовай – баба* (бобо), *момай – мамай* (момо); ҳакас. *обом – абам* (акам), *побом – пабам* (отам); туркм. *йуваш – йаваш*; ёқут. *хотун – хатун, хомус – хамус* (қамиш); уйғур. *чирик – чүрүк*; ўзб. *ипак*, тукм. *йупак* каби.

Ҳозирги туркий тиллардаги унли фонемаларнинг сифат белгиларига кўра хусусиятларини яна қуйидаги мисоллар асосида қиёсланг:

Қисқа а унлиси деярлик барча туркий тилларда сақланган: турк, уйғ., қумиқ, қ-балқ., гагауз, караим, қирғиз, нўғай, қозоқ, олтой, ёқут. *ат*; турк, озарб., туркм., қ.-балқ., караим, гагауз, қирғиз, қумиқ, тува, башқ., қозоқ, нўғой, қ-қалпоқ, ёқут. *бас, қаз* (ғоз), турк. *каз*, озарб. *газ*, уйғур, *каз*, нўғой. *қаз*, гагауз. *газ*, караим. *қаз*, ҳакас. *хас*, ёқут. *хас*, олтой. *хас*.

а > а: қозоқ. *бақыр*, қирғиз. *бақыр*, кўмик, тува, турк, туркм., нўғай. *бақыр*, татар. *баокир*, бошқирд. *баоқир*; қад.турк. *қара*, қирғиз, қозоқ, нўғай, қумиқ, турк. *қара*, татар. *қаора*, бошқирд. *қаора*.

а > а (о): қадимтуркий. *баш*, ўзб. *бош, бат > бот, танг > тонг, аш > ош, башақ > бошоқ, узақ > узоқ*.

а > ы: тап (тепмоқ) – тува. *тып*, тарт (тортмоқ) – тува. *тырт*, йат (ётмоқ) – ёқут. *сыт, тамыр – тымыр*; јаз чуваш. *сыр, олтын – ылдан*, қозоқ. *дыбил – дабыл*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирғиз, олтой, ёқут тилларида лаб гармонияси туфайли кейинги бўғинлардаги *а* унлиси *о* унлисига айланиши мумкин: *орта – орто* каби.

Қисқа *ə* унлиси сўз бошида озарбайжон, ҳозирги уйғур, тофалар тилларида сақланган: қад.туркий. *кəл* – уйғ. *кəл*, озарб. *гəл*; *кəс* (кесмоқ) – озарб. *кəс*, уйғур. *кəс*; *тəг* (тег) – озарб. *дəг*, уйғур. *тəг*; *сəн* (сон) – озарб. *сəн*, уйғур. *сəн*.

ə* > *а *таң* (тонг) – озарб. *тан*, чуваш. *тан*; *сəп* (сеп) – чуваш. *сап*.

ə* > *е: *кəл* (кел) – турк. *гел*, қ.қалп. *кел*, қумық. *кел*, ўзб. *кел*, қирғ. *кел*, нўғай, олтой, тува, қ-балқ. *кел*; *кəс* (кесмоқ) – турк, туркм., гагауз, олтой, тува, нўғай, қирғиз, қозоқ. *кес*, қумиқ. *гас*.

ə* – *и: *эт* (гўшт) – татар. *ит*, бошқирд. *ит*, ҳакас. *ит*; *эр* (эр) – татар, бошқирд, ҳакас. *ыр*; *эл* (эл) – татар, бошқирд, ҳакас. *ил*; *сəз* (сез) – татар. *сиз*, бошқирд. *һис*, ҳакас. *сис*, чуваш. *сис*.

Қисқа *о* унлиси деярлик барча туркий тилларда шу шаклда сақланган, *оқ* – ёқут. *ох*, озарб. *ох*, шор, туркм., турк, қирғиз, нўғай, ўзбек, уйғур, караим, олтой, қозоқ. *оқ*; *от* (ўт) – ёқут, туркм., қумиқ, уйғур, турк, олтой, қозоқ, нўғай, ўзбек. *от*.

о* > *у: *тоқыз* (тўққиз) – татар, бошқирд, чуваш. *тўғиз*; *от* (ўт) – татар. *ўт*, бошқирд. *ўт*, чуваш. *удь*; *тоқ* (тўқ) – татар. *туқ*, бошқирд. *туқ*.

Қисқа *ө* унлиси сўз бошида озарб. турк, туркман, уйғур, қ-балқар, гагауз, караим, қозоқ, қ-қалпоқ, нўғай, қумиқ, тува, ҳакас, шор, ёқут тилларида қадим туркий шаклда сақланган: *өл* (у) – *өл*; *көр* (кўрмоқ) –*көр; сөз* (сўз) – *сөз* каби.

ө* > *у: *көп* (кўп) – татар. *күп*, бошқирд. *күп*; *өч* (үч) – татар. *үш*, бошқирд. *үс*; *көр* (кўрмоқ) – татар. *күр*, бошқирд. *күр*.

ө* > *о: қрим-татар тилидагина учрайди: *көй* (қишлоқ) – *кой*, *көз* – *коз*, *көл* – *кол*, *өз* – *оз* каби.

Чуваш тилида ҳар хил: ***ө* > *у:*** *көз* – *кус*, ***ө* > *ъ:*** *гөк* – *кък*, ***ə* > *і:*** *көпүр* – *кібер*, ***ө* > *и:*** *бөз* – *пир*.

Қисқа *у* унлиси сўз бошида деярлик кўп туркий тилларда қадимги шакли сақланган: **қуш** – турк. *қуш*, озарб. *гуш*, нўғай. *қус*, туркман. *гуш*, қумиқ. *қуш*, караим. *қуш*, гагауз. *қуш*, қирғ. *қуш*, нўғай. *қуш*, тува. *қуш*, ҳакас. *хус*, ёқут. *кус*; *қум* (қум) – турк. *қум*, озарб. *гум*, ҳакас. *хум*.

Айрим туркий тилларда *у* унлиси умумтуркий *у* ва *ы* товушлари оралиғидаги кенг, қисқа *ъ* унлисига айланган: *узақ* – турк, озарб, қумиқ, нўғай, қирғиз. *узақ*, татар. *ъзақ*, бошқирд. *уъзақ*, қозоқ. *ъзақ*, нўғай. *ъзақ*, қ.қалпоқ. *ъзақ*; *уч* (учмоқ) – татар. *ъш*, бошқирд. *ъс*, қозоқ. *ъш*, қ-қалпоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

нўғай. *ыш*, чуваш. *вьс*; *тут* (тутмоқ) – татар, бошқирд, қозоқ, қ-қалпоқ, нўғай. *тьт*.

Қисқа *у* унлиси сўз бошида озарбайжон, турк, туркман, қумиқ, қирғиз, балқар гагауз, караим, олтой, ҳакас, шор, уйғур, ва ёқут тилларида ўз ҳолида сақланади. Қиёсланг: қад. туркий. *кул* (кулмоқ) – қирғиз. *кул*, уйғур. *кул*, турк. *гул*, туркман. *гул*, ёқут. *кул*, ҳакас. *кул*; *јурэк* (юрак) – нўғай. *јүрэк*, балқар. *жүрэк*, турк. *јүрек*, озарб. *үрэк*, қирғиз. *жүрек*.

у > ё:

қад.турк	татар	бошқирд	қозоқ	қ.қалпоқ	нўғай	ўзбек
күн	*көн*	*көн*	*көн*	*көн*	*көн*	*кун*
күл	*көл*	*көл*	*көл*	*көл*	*көл*	*кул*
түш	*төш*	*төш*	*төс*	*төс*	*төс*	*туш*
күш	*көш*	*көш*	*көс*	*көс*	*көс*	*куч*

ү > у. Қрим-татар тилида *јүз – јуз, үч – уч* шаклида учрайди.

Қисқа *ы* унлиси сўз бошида деярлик ҳамма туркий тилларда сақланган: *қыл* (соч) – турк. *қыл*, озарб. *гыл*, туркм. *гыл*, уйғур. *қъ(л)*, гагауз. *қыл*, ҳакас. *хыл*, тува. *хыл*, ёқут. *қыл*; *қызыл* – турк. *қызыл*, туркман. *гызыл*, қумиқ. *қызыл*, олтой. *қызыл*, ёқут. *қыпыл*, озарб. *гызыл* (ўзб. олтин).

ы > ь. Қадимтуркий. *қыш* – турк. *кыш*, озарб. *гыш*, ҳакас. *хыс*, татар. *қьш*, бошқирд. *қьш*, қозоқ. *кьс*, ўзбек. *қьш*, қ.қалп. *қьс*, нўғай. *қьс*; *қызыл* (қизил) – татар. *қьзыл*, бошқирд. *қьзыл*, қозоқ. *қьзыл*, қ.қалп. *қьзыл*, ўзбек. *қьзыл*.

ы > ъ: Бу фақат чуваш тилига хос. Қиёсланг: караим. *қычқыр*, ҳакас. *хыскир*, чуваш. *къскър*; *қалын* – чуваш. *хулън*, *қыз – хър*.

Қисқа *и* унлиси сўз бошида асосан сақланган: *ич* – ёқут, туркман, озарб., қумиқ, олтой, гагауз, караим. *кир*, тува. *хир*.

и > і (жуда қисқа): турк. *кир*, ёқут. *кир*, қумиқ. *кир*, олтой. *кир*, татар. *кір*, бошқирд. *кір*, қозоқ. *кір*, қ-қалп. *кір*, нўғай. *кір*, ҳакас. *кір*; *бил* – татар. *біл*, бошқирд. *біл*, қозоқ. *біл*, қ.қалп. *біл*, нўғай. *біл*, чуваш. *піл*, ҳакас. *піл*.

и < і (редукцияга учраган): ўзбек тилидаги *билан* (блан), *бироқ* (брок), *сира* (сра), *биз* (бз), *сиз* (сз) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УНЛИ ТОВУШЛАРНИНГ УЙҒУНЛАШИШ ҲОДИСАСИ (СИНГАРМОНИЗМ)

Кўп бўғинли сўзлар таркибидаги унли товушларнинг бир-бирига уйғунлашуви (мослашуви–сингармонизм, унлилар гармонияси) туркий тилларда тарихий ҳодиса бўлиб, тарихий манбаларга кўра қадимги туркий тилда ҳам сўзнинг биринчи бўғинидаги унлиларнинг сифатига кўра кейинги бўғиндаги унлилар асли қандай бўлишига қарамасдан ўз қиёфасини ўзгартирган, сифат жиҳатдан биринчи бўғиндаги унли товушга мослашган. Сўзнинг биринчи бўғинидаги унли товушнинг сифатига кўра кейинги бўғиндаги унли товушларнинг сифат жиҳатидан ўхшашлигига унли товушлар уйғунлиги, сингармонизм дейилади.

Демак, сўзнинг кейинги бўғинидаги унли товушларнинг олд қатор ё орқа қатор, қаттиқ ё юмшоқ бўлиши айнан шу сўзнинг биринчи бўғинидаги унлининг сифатига – олд ё орқа қатор, қаттиқ ё юмшоқ бўлишига боғлиқ: қозоқ, қ.қалпоқ, қирғиз. *адамнар, көлдөр, қолдор* каби.

Ҳозирги туркий тилларда унлилар уйғунлиги барча туркий тилларда сақланмаган. Бу ҳодисани чуваш ва ўзбек тилларининг тарихий тараққиёт жараёнида кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сўзларнинг ўзак ва қўшимчаларидаги унли товушлар мослашиш хусусиятини йўқотган: *адамлар* эмас, *одəмлəр*, *атлар* эмас, *отлəр* каби. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисасининг мавжуд эмаслигига асосий сабаб ҳозирги ўзбек адабий тилининг сингармонизмлашмаган ўзбек диалектлари асосида таркиб топганлиги деб қаралади.

Туркий тилларда унли товушларнинг уйғунлашиши икки асосга эга:

1. Танглай уйғунлиги (палатал сингармонизм).

2. Лаб уйғунлиги (лабиал сингармонизм).

Танглай уйғунлиги туркий тиллар фонетикасида энг қадимги ҳодиса. Танглай уйғунлиги караим ва ўзбек тилларидан бошқа ҳамма туркий тилларда мавжуд. Караим тилида танглай уйғунлигининг йўқолишига унли товушларнинг танглай уйғунлиги ўрнини ундош товушлар ассимиляцияси эгаллаганлиги сабаб қилиб кўрсатилса, ўзбек тилида палатал сингармонизмнинг мавжуд эмаслигига ноқариндош тиллар (хусусан, тожик тили) субстрати (чатишмаси) сабаб бўлган деб кўрсатилади.

Танглай уйғунлигида:

а) агар сўз таркибидаги унли юмшоқ танглайда ҳосил бўладиган орқа қатор қаттиқ унли бўлса, қўшимчалар таркибидаги унлилар ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

шунга мувофиқ орқа қатор, юмшоқ танглай, қаттиқ унли бўлади: тува. *атлар*, *башлар*, қозоқ, қ.-қалпоқ. *аттар, бастар* каби;

б) агар сўз ўзагидаги унли товуш олд қатор, қаттиқ танглай, юмшоқ унли бўлса, қўшимчалар таркибидаги унли товушлар ҳам шунга мувофиқлашади, мослашади: *итләр, иттәр, иллер, илдер* каби.

Буни яна шу билан изоҳлаш мумкинки, масалан тува тилида бутун қўшимчалар ўзининг қаттиқ ва юмшоқ шаклларига эга: кўплик қўшимчалари *-лар//-лер, -дар//-дер, тар//-тер, -нар//нер*; келишик қўшимчалари *-га//-ге, -ка//-ке, -дан//-ден, -тан//-тен, -да//-де, -та//-те,* феъл шакллари *-ган//-ген, -кан//-кен* ва ҳ.к. Булардан қаттиқ унлили қўшимчалар қаттиқ унлили асосларга, юмшоқ унлили қўшимчалар юмшоқ унлили асосларга қўшилади.

Яна қиёсланг:

шахс	тува	ўзбек	ҳакас
I.	*аъдымны*	*отимни*	*адымны*
II.	*аъдыңни*	*отингни*	*адингьны*
III.	*аъдын*	*отини*	*адын*
I.	*аъдывысты*	*отимизни*	*адыбысты*
II.	*аъдыңарын*	*отингизни.*	*адынзарни*
III.	*аъдын*	*отини*	*адын*

Лаб уйғунлиги (лабиал сингармонизм) сўзнинг ўзагидаги унли товушнинг лабланган ё лабланмаганлигига боғлиқ. Агар сўз ўзагида лабланган унли бўлса қўшимчалар таркибида ҳам лабланган унлилар, аксинча, сўз ўзагида лабланмаган унли бўлса, шунга мувофиқ қўшимчаларда ҳам лабланмаган унлилар мослашади. Тилдаги ана шу фонетик ҳодисага лаб уйғунлиги деб юритилади. Масалан, қирғиз. *қојон* (қуён), *қушту* (қушни), тува. *қудүқтү* (қудуқни), *холдү* (қўлни) каби.

Унли товушларнинг лаб уйғунлиги танглай уйғунлигидан кейин пайдо бўлган, шунинг учун лаб уйғунлиги даражаси лаб уйғунлигига эга бўлган ҳамма туркий тилларда бир хил эмас. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

тува	олтой	қирғиз	ҳакас	ўзбекча
холдү	*колды*	*колду*	*холны*	*қўлни*
көлдү	*колди*	*көлдү*	*көлні*	*қўлни*
кудүктү	*кудукты*	*кудукту*	*хүдүхты*	*қудуқни*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жадвалнинг давоми

хүлдү	*күлди*	*күлдү*	*күлді*	*құлни*
холда	*колдо*	*колдо*	*холдо*	*құлда*
көлде	*көлдө*	*көлдө*	*көлде*	*құлни*
кудукта	*кудукта*	*құдұқта*	*хүдүхта*	*құдұқда*
хүлде	*күлде*	*күлде*	*күлде*	*кулда*

Мисоллардан кўринадики:

а) тува тилида сўз ўзагидаги кенг ва лабланган унлилардан кейин қўшимчадаги тор унлилар лаб уйғунлигига эга бўлган, кенг унлилар эса бу хусусиятга эга бўлмаган, уйғунлашмаган;

б) олтой тилида сўз ўзагидаги лабланган кенг унлилардан кейин ҳам, тор унлилардан кейин ҳам тор унлили қўшимчалар ўзакка уйғунлашмаган, кенг унлили қўшимчалар кенг унлили ўзакка уйғунлашган, тор унлили ўзакларга уйғунлашмаган;

в) қирғиз тилида битта *құдұқта* сўзидан ташқари барча сўзлардаги қўшимчаларнинг унлилари кенг ва тор унлилар бўлишидан қатъи назар ўзакдаги унлилар билан уйғунлашган;

г) ҳакас тилида келтирилган мисолларнинг бирортасида ҳам лаб уйғунлиги содир бўлмаган.

Келтирилган мисоллар яна шуни таъкидлайдики, қирғиз тилида унлилар тўла, кучли лаб уйғунлигига эга: *опкө, јүрак, мөјүн, булут, көпөлөк, төрдө, түндө* каби. Қирғиз тилида фақат сўз ўзагидаги қаттиқ, тор, лабланган унли бўлиб, кейинги бўғинларда кенг унли иштирок этиб лаб уйғунлиги қоидаси бузилади, кейинги унлилар олдинги унлига лабланиш жиҳатдан уйғунлашмайди. Қаранг: *құдұқта, құштар* (қушлар), *бұтақ* (бутоқ) каби.

Ёқут тили қирғиз тилидан фарқли равишда кенг унлиларнинг лабланиш ҳолати кузатилмайди: *қустар* (ўрдаклар), *уола* (ўғли), *күөлгә* (кўлга) каби.

Олтой тилида сўз асоси ва қўшимчаларидаги кенг лабланган унлилар асосдаги лабланган унлиларга қатъий уйғунлашади *қочқор, өлөң* (ўт), *қолдо* (қўлда), *көлдө* (қўлда) каби.

Қозоқ, қорақалпоқ, нўғай тилларида асосдаги юмшоқ лабланган унлиларга кейинги бўғинлардаги юмшоқ унлилар ё тўлиқ ё қисман уйғунлашади: *құлун, узум* (ўзим), *бөлүм* (бўлим), *қолдуң* (қўлнинг), *өлкө* (ўлка) *бөтөлкө* (шиша) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Карагас ва тува, шор тилларида асосдаги лабланган унлилар кейинги бўғинлардаги унлиларни ўзига уйғунлаштиради: тува. *өтту* (ўтни), *хөмүр* (кўмир), *қулун* каби.

Қорақалпоқ ва тува тилларига қорачой, балқар, қумиқ, караим, уйғур тиллари ва деярли барча ўғиз гуруҳ тиллар лаб уйғунлиги жиҳатидан ёндашади: балқар. *күнүбүзнүкү* (кунимизники), уйғур. *қолуи, тоjдум,* гагауз. *қоллу* (қўл билан), турк. *отуз* (ўттиз); *қуллуқ* (куллик), *доқуз* (тўққиз) каби.

Туркман тилида тор унлилар ҳам, кенг унлилар ҳам уйғунлашади: *дүйөлөрө, оғлонлоро* каби.

Бошқирд, татар тилларида лабланиш фақат тор унлиларда кузатилади: бошқирд. *қөлөнөбөз* (қулинимиз) каби.

Чуваш тилида лаб уйғунлиги ниҳоятда кучсиз, ҳакас ва ўзбек тилларида лаб уйғунлиги мавжуд эмас.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ УНДОШ ТОВУШЛАР ТИЗИМИ

Ҳозирги туркий тилларнинг ундош товушлари тизими туркий тиллар тараққиётининг олтой давридан бошлаб, ҳам миқдор, ҳам сифат белгиларига кўра анча мунозаралидир. Бунга, бир томондан, қадимги туркий тил ундошлар тизими ҳақида етарли тарихий манбалар сақланмаган бўлса, иккинчи томондан, туркий тиллар ундошлари узоқ тарихий тараққиёт жараёнида сифат ва миқдор белгиларига кўра кўп ўзгаришларга учраган. Шунга қарамай, ҳозирги туркий тилларнинг ундош товушларини сўнгги даврларда кўпгина туркий тилларда рус ва бошқа тиллардан қабул қилинган айрим ундошларни (масалан, *ц, ф* каби) ҳисобга олмаганда, туб туркий ундошларнинг сони 19–21 та деб белгиланади.

Туркий тилларнинг ундош фонемалари туркий тиллардаги унлилар каби миқдор белгиларига кўра (уларнинг қайси туркий тилда қанча ундош товуш мавжудлигини ҳисобга олмаганда) чўзиқ-қисқалик жиҳатидан у қадар фарқланмайди,. Шунинг учун ҳозирги туркий тиллардаги ундош фонемалар ҳамма туркий тиллар учун анъанавий бўлган сифат белгиларига – пайдо бўлиш усули ва пайдо бўлиш ўрни (фаол нутқ аъзоларининг ҳаракати, иштироки)га кўра тасниф қилинади.

Пайдо бўлиш усули ёки ундош товуш таркибида шовқин ё овознинг қандай даражада иштирок этилиши ё иштирок этмаслигига кўра дастлаб улар шовқинли (*б, в, г, д, к, т, с* каби) ва сонор ундошларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*й, л, м, н, ң, р*) ажратилса, шовқинли ундошлар таркибидаги овоз ва шовқиннинг даражасига кўра жарангли (таркибида шовқинга нисбатан овоз кучлироқ ундошлар: *б, д, г, ғ, ж, з* каби) ва жарангсиз (таркибида овозга нисбатан шовқин кучлироқ ундошлар: *к, т, п, с, ш, қ, ҳ* каби) ундошларга ажратилади.

Ундош фонемаларнинг овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра оппозицияси (ўзаро зидлиги) фаол нутқ аъзоларидан юмшоқ танглайнинг иштирокида юз беради. Юмшоқ танглай физиологик жиҳатдан қуйи ҳаракати орқали ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғидаги ҳаракатига тўсиқлик қилиб овозга назаллик (бурун товушлари) тусини беради ва таркибида шовқинга нисбатан овоз кучлироқ бўлган *м, н, ң* каби бурун ва ён товушларини ҳосил қилади, *м⇆п,б, н⇆т,д, ң⇆қ,г* каби сонор, шовқинлилар зидлигини ҳосил қилади. Шундай физиологик жараён сифатида юз берадиган жарангсиз-жаранглилик зидлиги деярли ҳамма туркий тилларда, сўзнинг ҳамма вазиятларида (сўз боши, сўз ўртаси, сўз охири) фаол учрайдиган ҳолатдир.

Масалан, тат. *бақа – баға* (қарамоқ), *аса* (осмоқ) – *аза* (озмоқ), озарб. *қўл* (тўнка) – *гол* (қўл), *тор* (сетка) – *дор* (мачта), ўзб. *Отам – одам*, *ўқит – ўғит*, ёқут. *тал* (танламоқ) – *дал* (ҳайдамоқ), *туол* (тўлмоқ) – *дуол* (мутлоқ), *атаға* (оёғи) – *адаға* (тахтага йўл) каби.

Пайдо бўлиш усулига кўра шовқинли ундошлар портловчи (*п, б, т, д, к, г, қ*), сирғалувчи (*в, с, ш, й, х, ж, ҙ, з, ғ*) ва қоришиқ (*ж, ч, х*) ундошларига эга бўлиб, ундош товушларнинг бу жиҳатдан зидлиги ҳамма туркий тилларнинг асосий хусусиятидир.

Туркий тиллар ундошларининг пайдо бўлиш ўрнига кўра фарқланиши уларнинг энг муҳим сифат белгиларидандир. Бу хусусиятига кўра туркий тиллар ундошлари лаб (*п, б, в, м*), тил (*т, д, к, г, қ, ң* каби) ва бўғиз *ҳ (h)* ундошларига ажратилади.

п, б, м ундошлари туб туркий лаб ундошларидир. Лаб-лаб (лабиал) ва лаб-тиш (лабиоденталь) *в, ф* ундошлари ҳозирги туркий тилларда асосан лексик олинмалардагина учрайди: гагауз. *фурда* < *hурда* (ўрда), *фороз – hороз* (хўроз), *сарфош* < *сарhош* (маст), ўзб. *сув* < *суғ* (моғул), турк. *фарз* < *фараз* (араб) каби.

Тил ундошларидан тишларнинг бир-бирига яқинлашишидан ҳосил бўладиган *ҙ* ва сирғалувчи *ж* ундошлари туркман, чуваш ва қипчоқ гуруҳ тиллар билан бошқа туркий тиллар ўртасида фарқли белги ҳисобланади.

Фарингаль бўғиз *ҳ (h)* ундоши туркий қадимги тилларда фақат протеза ҳолатида учраса, ҳозирги туркий тилларда анча фаол

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланади: озарб. *horax* (ўрок), *haxчux* (қиз); ўзб. *ҳўл, ҳурк, ҳурпай*; бошқирд. *hуз* (сўз), *hapi* (сариқ), *булha* (агар); ёқут. *ahə* (е), *бihax* (пичоқ), *кihi* (одам) каби.

Умуман, туркий тилларнинг ундош товушлар тизими қуйидаги жадвалда яққолроқ кўринади:

Пайдо бўлиш усулига кўра		Пайдо бўлиш ўрнига кўра					
		лаб	тил олди	тил ўрта	тил орқа	чукур тил орқа	бўғиз
шовқинли	ж-ли	*б*	*д*		*г*		
	ж-сиз	*п*	*т*		*к*	*қ*	
сирғалувчи	ж-ли		*ж,з,ʒ*			*ғ*	
	ж-сиз	*в*	*с,ш*	*й(j)*			*ҳ(h)*
аффрикат	ж-ли		*ж*				
	ж-сиз		*ч*				
сонор	ён		*л*				
	титроқ		*р*				
	бурун	*м*	*н*		*ң*		

Булардан кўринадики, ҳозирги туркий тиллар луғат бойлигидаги сўзларнинг товушлар тизими бир хил эмас. Айниқса, ундош товушларнинг сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида қўлланиши аввало, ўғиз, қипчоқ, қорлиқ-уйғур гуруҳ тиллар ҳамда Шарқий Сибирь туркий тилларида фарқлантирувчи сифат ва миқдор белгиларига эга бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир ҳозирги туркий адабий тиллар таркибидаги лаҳжалараро ҳам (масалан, ҳозирги ўзбек тилининг қипчоқ, ўғиз, қорлиқ-чигил-уйғур каби) бу хусусиятлар сақланган. Шунга кўра ҳозирги туркий тиллар таркибидаги ҳар бир ундош товуш сўздаги вазиятини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишга тўғри келади.

ПОРТЛОВЧИ УНДОШЛАР

***Қ* ундоши.** Сўз бошида қадимтуркий тилда кам учрайди. Ҳозирги туркий тилларнинг кўпида бу ундош сўз бошида фаол: татар. *қа°ра*, бошқирд. *қа°ра*, қозоқ. *қара*, қ.қалп. *қара*, қ.балқар. *қара*, қумиқ. *қара*, нуғай. *қара*, ўзбек. *қа°ра*, уйғур. *қара*; уйғур. *кач*, ўзбек. *қоч*, татар. *қа°ш*, бошқирд. *қа°с*, қозоқ. *қаш*, қ-қалпоқ, нўғай. *қаш*, қумиқ, олтой, қ.балқар, қирғиз. *қач*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қ ундоши айрим туркий тиллар учун талаффузи оғир товушлардан, шунинг учун айрим тилларда кучсизланиб, ***х*** ундошига айланади. Масалан, чуваш тилида *қара – хура*, *қаз* (ғоз) – *хур*, ҳакас тилида *қар –хар*, *қыш – хус*, тува. *қан – хан*, *қар – хар* каби.

қ > г: озарб., туркман. *қыз – гыз*, *қара – гара*.

қ > к: турк тилида *қар – кар*, *қызыл – кызыл*, *қаш – қаш* каби.

Сўз ичида ***қ*** ундоши сақланади: қозоқ, қирғиз, қумиқ, нўғай, уйғур. *сақал*, *бақыр*, *соқьр* каби, лекин айрим тилларда унлилар ўртасида кучсиз жаранглилашиб ***қ*** ундошига айланади: татар. *јуғарь*, қозоқ. *жоғаръ*, қирғ. *жоғору*, туркм. *јоқары;* қозоқ. *жаға*, нўғай. *јаға*, қирғ. *жаға*; *сақал* – чув. *сугал*; *чақыр – суқър*; *ёқа* – тува. *чаға* каби.

Сўз охирида ҳам сақланади: қозоқ, нўғай, қумиқ, ўзбек, уйғур, қ.қалпоқ, караим, туркман. ақ. *айақ //ајақ* каби.

қ > х: *балық* – хакас. *палых*, *ақ – ах*, *йоқ – чох;* ёқут. *суох*, *ўқ – ох*, *айақ – атах* каби.

Сўз охирида *қ* ундоши чуваш тилида бошқа товушга айланса (*балық – пуль*, *айақ – ура* каби), айрим тилларда туширилади: татар, турк, қозоқ. *сары*, озарб. *қорлық – гарлы* каби.

***К* ундоши**. Сўз бошида қипчоқ гуруҳ тилларида жуда фаол: *кес* – татар. *кис*, қозоқ, қирғиз, қ.қалпоқ, нўғай, х.балқар, ўзбек. *кес*, чуваш. *кас*, ҳакас. *кис*; *кир* – татар, қозоқ, нўғай. *кір*, қирғиз, ўзбек. *кир*; *кел* – татар, бошқирд, чуваш. *кил*, қозоқ, ўзб., нўғай. *кел* каби.

к > г: *кема* – озарб., турк, *геми*; *кир* – турк, озарб. *гир*, *кўл – гөл;* туркм. *кўр – гөр*, *кел – гел*; *киши* – қумиқ. *гиши* каби.

Сўз ичида кўпчилик туркий тилларда ***к*** сақланган ҳолда, айрим тилларда ***к > г*** алмашиниши юз беради: *ака* – чуваш. *аға*; тулки – ҳакас. *тулгу*, тува. *дилги* каби.

Сўз охирида ҳам асосан сақланади: *йўқ* – турк, қумиқ. *јук*, к.балқ. *жўқ*; *кўк* (осмон) – қирғ. *көк*, уйғ., қозоқ, қ.қалпоқ. *көк*, татар. *күк*, бошқирд. *күк*, турк. *гөк* каби.

к > х: озарб. *камах* (кўмак), *үксах* (юксак); *юрак* – ёқут. *сурэх*, *көк – куох*.

к > j: озарб. *көк – гөј*;

Ўзак охиридаги ***к*** ундоши унли билан бошланган қўшимча қўшилганда деярлик барча тилларда ***г*** ундоши билан алмашади: *курак – кураги*, *билак – билаги* каби.

***Г* ундоши**. Бу ундош беқарор ундошлардан бири бўлиб, у қадимги туркий тилда ҳам, ҳатто, ҳозирги туркий тилларда ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустақил фонема сифатида шаклланмаган. Сўзнинг ҳамма вазиятида *г* ундоши бошқа ундошларнинг вариантлари сифатида шаклланади.

Т* ундоши**. Портловчи, жарангсиз, тил олди ундоши сўз бошида деярлик барча туркий тилларда сақланган, лекин айрим туркий тилларда (масалан, тува) кучсиз бўғиз товуши ***(h) га мойиллик сезилади, дейилади: ўзб. *тоғ*, уйғур. *тағ*, татар. *та°в*, бошқирд. *та°в*, қозоқ. *тав*, қирғиз. *тоо*, чуваш. *туу*, қумиқ, караим. *тав*, ҳакас. *таг*, ёқут. *тыа*, тува. *т^hав*; ўзб. *тош*, қозоқ. *тас*, нўғай, қ.қалпоқ. *тас*, қирғиз. *таш*, татар. *та°ш*, бошқирд. *та°ш*, қирғиз, уйғур, қумиқ. *таш*, ҳакас. *тас*, ёқут. *таас* каби.

Тува тилидаги каби ***т* > *h*** алмашинишини озарбайжон тилида ҳам кузатиш мумкин *т^hут* (тут), *т^hоқ* (туқ) каби. Лекин озарбайжон тилида сўз бошидаги ***т*** ундоши жарангли ***д*** ундошига ҳам айланади. Қиёсланг: ўзб. *тош*, қозоқ. *тас*, қумиқ. *таш*, озарб. *даш* каби. Бу икки ҳолат турк, туркман гагауз, тува тилларига ҳам хос: татар. *тил*, турк. *дил*, татар. *та°в*, туркм. *даг*; ўзб. *тэмир*, гагауз. *дэмир*; татар. *туль* (тўла), тува. *долу* каби. Умуман, айрим тилларда сўз бошида *т* ундошининг жарангли *д* ундошига алмашиниши мустасно қилиш мумкин бўлмаган фонетик қонуният эмас, *т* ундошининг жаранглилашиши юқорида қайд қилинган тилларда ҳам доимий ҳолат эмас, яъни айрим сўзларда жаранглилашган ҳолда бу ҳолат бошқа сўзларда юз бермаслиги мумкин. Демак, озарбайжон, турк, туркман, тува, гагауз каби тилларда сўз бошида ***т*** ундошининг ***д*** сифатида жаранглилашишини айрим ҳолатларда мустасно қилиш мумкин.

т* > *ч*.** Айрим туркий тилларда олд қатор ундошлардан олдин ***т ундоши ***ч*** ундошига алмашади: ўзб. *тиз*, қирғиз. *тизе*, чуваш. *чір*; ўзб. *тил*., қирғиз. *тил*, чуваш. *чілге*; ўзб. *тирик*, қирғиз. *тири*, караим. *тири*, чуваш. *чір* каби. Бу ҳолатни айрим тил ва уларнинг диалектларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, озарбайжон, уйғур, ўзбек тилининг айрим диалектларида (Тошкент диалекти) ***т* – *ч*** алмашиниши учрайди: *тиш – чиш; чуш* каби.

Интервокал вазиятда (***т*** ундоши унли товушлар ўртасида, умуман сўз ўртасида) келганда ***т*** ундоши деярлик ўз ҳолида сақланади. Қиёсланг: *этик* – қозоқ. *етік*, татар. *итік*, қ.балқар. *етик*; *ўттиз* – қирғ. *отуз*, ҳакас. *отыс*, караим. *отуз*, гагауз. *отуз*, тат̆ар. *утьз*; *ўтин* – татар. *утын*, қозоқ. *отьн*, караим. *отун*, қирғ. *отун*; *бута* – балқар. *бутақ*, қирғиз, қумиқ. *бутақ*, уйғур. *путақ*, татар. *бьтақ* каби.

т* > *д*.** Интервокал вазиятда ***т* – *д алмашиниши тува, ҳакас, тилларида регуляр ҳолатга эга: *идик* (этик), *ада* (ота), *будақ* (буток), *одун* (ўтин) каби. Чуваш тилида ҳам ***т*** ярим жарангли ***д*** ундошига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтади. Масалан, татар. *итік* – чуваш. *адь*, татар. *утьз*, чуваш. *вьдьр*, татар. *утьн*, чуваш. *вудь* каби.

Сўз охирида озарбайжон, турк тиллари каби айрим тилларда *т* – *д* алмашинишини ҳисобга олмаганда, деярлик барча туркий тилларда ***т*** сақланади: ўзб. *от*, қирғиз. *ат*, уйғур. *ат*, туркман, озарб, турк, шор. *ат*, чуваш. *ут*, татар. *а°т*; ўзб. *ўт*, қозоқ. *от*, қирғиз, олтой, ҳакас. *от* ва бошқ.

Д* ундоши**. Туркий тиллар қиёсий грамматикаларида қадимги туркий тилда ***д ундошининг сўз бошида учрамаслиги айтилади. Ҳозирги туркий тилларда сўз бошида ***д*** ундоши мавжуд, лекин бундай сўзларда ҳам ***д*** ундошининг тарихий эмаслигини, ***т*** ёки ***з*** ундошининг ўзгариши натижасида келиб чиққанлигини тахмин қилса бўлади. Буни қуйидаги қиёсий жадвалдан ҳам кўриш мумкин:

	тоғ	тош	тиш	туз	турна
тува	*даг*	*дош*	*диш*	*дус*	*дуруяа*
озарб.	*даг*	*даш*	*диш*	*дуз*	*дурна*
турк.	*даг*	*таш*	*диш*	*туз*	*турна*
туркм.	*даг*	*даш*	*диш*	*дуз*	*дурна*
олтой	*туу*	*таш*	*тиш*	*тус*	*турна*
бошқ.	*тау*	*таш*	*теш*	*тоз*	*торна*
қозоқ.	*тав*	*тас*	*тіс*	*туз*	*тырна*
қ.қал.	*тав*	*тас*	*тис*	*дуз*	*тырна*
қирғ.	*тоо*	*таш*	*тиш*	*туз*	*турна*
қумиқ	*тав*	*таш*	*тиш*	*туз*	*турна*
нўғай	*тав*	*тас*	*тис*	*туз*	*торна*
татар	*тау*	*таш*	*теш*	*тоз*	*турна*
ўзбек	*тоғ*	*тош*	*тиш*	*туз*	*турна*
уйғур	*таг*	*таш*	*тиш*	*туз*	*турна*
ҳакас	*таг*	*тас*	*тіс*	*тус*	*турна*
чуваш	*туу*	*чул*	*шал*	*тавар*	*тарна*
шор	*таг*	*таш*	*тиш*	*тус*	*туруна*
ёқут	*тыа*	*таас*	*тиис*	*туус*	*туруйа*

Сўз ичида унли товушлар ўртасида ёки сонор ундошлар билан ёнма-ён келганда ҳам ***т//д*** мослиги сезилади: *ада//ата*, *алды//алты*, *алдын//алтын*, *маадыр//батыр*, *чадыр//чатыр*, *кадыг//каты* каби.

Айрим туркий тилларда ***т//д*** алмашинишидан ташқари этимологик ***з//д//т//й*** алмашинишини ҳам учратиш мумкин: тува. *адақ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(оёқ), қозоқ. *айақ*, бошқирд. *азақ*, ёқут. *атаҳ*, ҳакас. *азаҳ*, чуваш. *ура*; тува. *адыг* (айиқ), ҳакас. *азыг*, ўзб. *айиқ*, ёқут. *атых*; тува. *кодан* (қуён), ҳакас. *хозан*, шор. *козан*, нўғай. *қойан*, татар. *куйан*, ёқут. *хотонах* (қуённинг қадимги номи) каби.

Бу ундош сўз охирида учрамайди.

П* ундоши**. Тил тараққиётининг турли даврларида жарангсиз портловчи ***п ундоши барча туркий тилларда сўзнинг ҳар қандай вазиятида кенг тарқалган ундошлардан бири бўлиб, тарихан жарангли ***б*** ундошига нисбатан ҳам қадимийроқ, чунки ҳозирги туркий тиллардаги *бош, балық* каби сўзларнинг қадимги *паш, палық* бўлганлиги маълум. Буни ҳозирги айрим диалектларда рилект (қолдиқ) ***п*** шаклида сақланаётганини ҳозир ҳам кўриш мумкин.

Масалан, бошқирд диалектларидан бирида *піш//біш* (пишмоқ), жанубий ўзбек шеваларида (қипчоқ диалекти) *бутун//путун//питин// питтин, бутоқ//пытақ* каби.

П ундоши интервокал вазиятда ҳам сақланган, лекин ҳамма туркий тилларда регуляр эмас. Масалан, ҳакас. *тобырах//топырақ*, қумық. *тобе*, уйғур. *топэ*; тува. *кибрик*, турк. *кирпик*, нўғай. *кірпік* каби.

Бу ундош сўз охирида барча туркий тилларда яхши сақланган: олтой тап, нўғай, қирғиз, туркм, ҳакас. *тап*, ўзб. *топ*, турк. *тап*, олтой, қозоқ, қумиқ, қ.қалпоқ, қирғиз, уйғур. *сеп*, чуваш. *сап*, татар. *сип* каби.

Б* ундоши**. Туркий тилларда сўз бошидаги ***б ундоши, юқорида айтилганидек, ***п*** ундошининг жаранглилашган шаклидир. Сўз бошида ***б*** ундоши кўпчилик туркий тилларда сақланган: *бош* – турк, озарб, туркман, уйғур. *баш*, татар, бошқирд. *бас*, қозоқ, нўғай, қ.қалп., ёқут. *бас*, караим, қ.балқар. *баш*; *балық* – татар. *ба°лық*, тува. *балық*, озарб. *балых*, турк. *балық*, қумиқ, туркман, олтой. *балық*.

б > п: *бош* – чуваш. *пус*, ҳакас. *паш*, шор. *паш*; *балық* – чуваш. *пуль*, ҳакас. *палых*, шор. *палық*; *бой* – чуваш. *пуй*, ҳакас. *пај*.

Интервокал вазиятда:

б > в: *таба* – ўзб. *това*, уйғур. *тава*; *табыш* (товуш) – татар. *тавыш*, бошқирд. *таовыш*, қумиқ, туркман. *тавуш*, нўғай. *тавьс* каби.

б > м: қирғиз. *қобыз* – ёқут. *хомус*, шор. *комус*; шор. *кэбэ* (кема) – татар. *кимэ*, қозоқ. *кема*, турк. *геми*; *төбен* (тубан) – нўғай. *төмен* ва бошқа.

Б ундоши сўз охирида ҳам кам учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИРҒАЛУВЧИ УНДОШЛАР

***Ғ* ундоши.** Қадимтуркий тилда *ғ* ундоши учрамаган, ҳозирги туркий тилларда ҳам бу ундош сўз бошида фаол эмас, айрим тилларда қадимги *қ* ундошининг *ғ* га айланишидан (ўзб. *қоз – ғоз*) ёки четдан қабул қилинган сўзлардагина (ўзб. *ғам, ғани, ғайрат*) учрайди. Интервокал (унлиларарo) вазиятда ҳам бу ундошнинг иштироки заиф, чунки кўп ҳолларда *қ* ундоши лаб-лаб ундошига (*тоғ – тав*), баъзан лаб-тиш *в* ундошига (чуваш *оғиз – сьвьр, бағир – пьвьр* каби) айланса, баъзан умуман қисқариб, редукциялашиб, ёндош унлиларнинг чўзиқ унлига айланишига (*бағир – баар*) сабаб бўлади.

ғ ундоши сўз ичида *а – ы, а – а, а – у, о – а, о – у, у – у, ы – и* унлилари ўртасида сақланади: ўзб. *оғир* – озарб. *ағыр*, туркм. *ағыр*, уйғур. *ағьр*; ўзбек. *оғиз* – озарб. *ағыз*, уйғур. *ағьз*, туркм. *ағыз*; ўзбек. *ёғу* (душман) – туркм. *йағы*, озарб. *йағы*; ўзбек. *тоға* – турк. *таға*, қирғиз. *таға*; ўзбек. *ўғил*, озарб. *оғул* каби.

ғ > *в* (лаб-лаб): *оғиз* – татар. *а°выз*, бошқирд. *авыз*, қозоқ. *авыз*, қ.балқар. *авуз*, чуваш. *сьвьр*; *овул* – татар. *а°въл*, бошқирд. *а°вьл*, нўғай. *авыл*, қозоқ. *авъл*, қ.қалпоқ. *авъл*; *ёғмоқ* – қ.балқар. *қар йовди*, қумиқ, қозоқ. *қар жавды* каби.

ғ қисқариб, чўзиқ унли ҳосил қилади: *оғиз* – тува, ҳакас, шор, олтой, тофалар. *аас*, гагауз. *ааз*; *бағир* – тува. *баар*, олтой. *буур*, шор. *паар*, қирғиз. *боор*: *совуқ* – қирғиз. *сууқ*; *буғу* – қ.балқар. *буу* каби.

ғ > *j* (й): *боғламоқ* – нўғай, караим, қ.балқар, татар байламоқ, ўзбек адабий тили қипчоқ шеваларида (*бойламоқ*) *ғ* > *й* алмашинуви анча фаол.

Сўз охирида *ғ* ундоши асосан сақланади: уйғур. *тағ*, тува. *дағ*, ҳакас. *тағ*, туркман. *даг*, ўзбек. *тоғ*; ўзбек. *ёғ*, озарб., уйғур. *йағ*; ўзбек. *соғ*, озарб., уйғур, туркман. *саг* каби.

ғ > *в:* *тоғ* – татар. *та°в*, қозоқ, қ.қалпоқ. *тав*; *соғ* – татар, бошқирд. *сав//һав*, қозоқ, қумиқ. *сав*; *боғ* – қумиқ, нўғай, қ.қалпоқ, қозоқ, татар. *бав* каби.

ғ туширилиб, чўзиқ унли ҳосил бўлади (*тоғ* – қирғиз. *тоо*, олтой. *туу*, чуваш. *туу*, ёқут. *тыа*) ёки қисқартирилиб, сўнгги товуш тушади. Масалан, *айиқ* – татар. *айу*, турк, туркман. *айу*; *сариғ* – озарб., қозоқ. *сари*, *қаттиқ//қатық* – *қатты* каби.

***Й (j)* ундоши.** Бу ундош ҳақида мунозарали фикрлар жуда кўп. Айрим туркшунос олимлар *j* ундошини қадимги туркий тилда мавжуд бўлмаган дейишади. Бир томондан буни тўғри дейиш мумкин, чунки *т//д//з* этимологиясига қараганда ҳам *j* ундоши кейинги даврларнинг маҳсули. Иккинчи томондан *j* ундоши сўзнинг турли вазиятларида қоришиқ *ж* ундоши билан алмашади: *йўл//жол* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

С* ундоши.** Сўз бошида ***с ундоши қадимги туркий тилда ҳам мавжуд бўлган: қад.турк. *сақал*, нўғай. *сақал*, қумиқ. *соқал*, ҳакас. *сағал*; *сары* – турк, гагауз. *сары*, уйғур. *серик*, қўмиқ. *сары*, ҳакас. *сарыг*, тува. *сарыг*, олтой. *сары*, чуваш. *саръ* каби.

Сўз бошида ***с*** ундоши фақат ёқут тилида мутлақо сақланмаган; ўзб. *сув*, ҳакас. *суг*, қумиқ. *сув*, озарб. *су*, ёқут. *уу*; ўзбек. *сут*, қумиқ. *сут*, ҳакас. *сут*, ёқут. *уут* каби.

с > з: ҳакас, тува, олтой тилларида бу ҳолатни учратиш мумкин: қад. туркий *кәсәк* – олтой *кезек*, ҳакас. *кизек*, тува. *кезек* каби.

***З* ундоши.** Қадимтуркий тилларда сўз бошида учрамайди.

З ундоши интервокал вазиятда фаол: ўзб. *қизил* – қозоқ. *қызыл*, қ.қалпоқ, нўғай, қумиқ, қирғиз. *қызыл*, уйғур. *қьзьл*, ҳакас, тува. *қызыл*, озарб. *гызыл*, татар. *қызыл*; ўзб. *узук*, турк. *јузук*, қ.қалпоқ, қозоқ. *жузік*, қумиқ. *йузук*, караим. *узук*, татар. *езік*, қ.балқар. *жузук* каби.

з > р: *узун* – чуваш. *вырӑм*; *узук* – чув. *сірі*;

з > h: *узун* – ёқут. *уһун*; *қызыл* – ёқут. *қыһыл*;

з > с: ўзбек. *оз* – ҳакас, шор. *ас*; *оғиз* – ҳакас, тува, олтой, қирғиз. *аас*.

з – р: *йоз* (ёз) – чуваш. *сур*; *гоз* – чуваш. *хур*; *куз* – чуваш. *кір* каби.

Ш* ундоши.** Айрим туркшунос тилшунослар ***ш ундошининг сўз бошида учраганлигини таъкидлашса-да, ҳозирги туркий тиллар ҳолатига қараганда ҳам қадимтуркий тилда сўз бошида ***ш*** ундоши мавжуд бўлган, чунки ҳозирги туркий тиллардаги *шу, шиш* (шишмоқ) сўзларининг на қадимги, на ҳозирги туркий тилларда бундан бошқа шакли мавжуд эмас. Шунга кўра ҳам қадимги туркий тил сўз бошида гарчи кам бўлса-да, ***ш*** ундоши мавжуд бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Интервокал вазиятда ***ш*** ундоши сўз ўртасида сақланган: *киши* – қумиқ. *гиши*, туркм. *киши*, озарб., қирғиз. *киши*; *тешик* – турк, гагауз. *дешик*, татар. *тишік*; ўзб. *йаша* – турк, қумиқ, қ.қалпоқ. *јаша*, қирғ. *жаса* каби.

ш > с: *киши* – қозоқ, нўғай, қ.қалпоқ. *кіси*; *тешик* – *тесік* каби.

ш > ж: *киши* – тува. *кижи*, *оша* – *ажа* каби.

Сўз охирида ***ш*** ундоши деярлик тўлиқ сақланади: *қўш* – қирғиз, караим. *қуш*, гагауз, турк, туркм. *гуш*, олтой, қумиқ. *қуш*, озарб. *гуш*, татар, бошқирд *къш*; *бўш* – олтой, тува, туркман, гагауз, қумиқ, озарб., қирғиз. *бош* каби.

ш > с: *бош* – чуваш. *пус* каби.

ҚОРИШИҚ (АФФРИКАТ) УНДОШЛАР

***Ж* (ж) ундоши.** Қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам бу ундош ҳақида аниқ далилли исботга эга бўлган бирор фикр айтиш қийин. Сабаби *ј > жҷ (ж), жҷ (ж) > ј* ундошлари доимий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтиш ҳолатига эга бўлганлиги учун уларнинг қайси бири қадимий эканлигини ҳам белгилаш мушкул. Лекин ҳозирги туркий тиллар таркибидаги сўзларнинг ҳамма вазиятларида *ж (ж)* ундоши анча фаол: қирғиз, қ.балқар, қозоқ. *жер,* олтой, шор. *киҗи*, тува. *дөҗек*, олтой. *төҗөк* (тўшак) каби.

Ҙ ундоши. Жарангли тиш-тиш (тишлараро) *ҙ* ундоши қадимги туркий тилда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам сўз бошида учрамайди. Шу билан бирга бу ундош жуда кўп ҳозирги тилларга хос эмас. Сўз ўртасида ҳам фақат қадимги туркий тилда *аҙақ* (оёқ), *аҙық* (айик), *қуҙуг* (қудуқ) каби саноқли сўзлардагина учраган.

Ҳозирги туркий тилларда бу ундош ўз ўрнини бошқа ундошларга бўшатиб берган:

ҙ > з: аҙақ (оёқ) – ҳакас. *азах*, шор. *азақ*;

ҙ > j: аҙақ – уйғур, туркман, қозоқ. *аjақ*;

ҙ > д: аҙақ – уйғур, тува. *адақ*;

ҙ > т: аҙақ – ёқут. *атах*.

ҙ > р: аҙақ – чуваш. *ура* ва бошқа.

***Ч* ундоши.** Бу ундош одатда, ўзбек ва бошқа айрим туркий тиллар фонетикасининг ундош товушлар таснифида шовқинли жарангсиз тил олди ундоши сифатида берилади. Туркий тиллар қиёсий фонетикасига бағишлаган монографиялар ва айрим туркий тиллар грамматикаларида (масалан, тува, гагауз грамматикалари) портловчи эмас, балки қоришиқ (аффрикат) ундош сифатида берилади. Бунга сабаб айрим туркий тилларда *ч* ундошининг тил олди ва тил ўрта артикуляцияси оралиғида ҳосил бўлиши бўлса керак,

Қадимтуркий тилда қоришиқ *ч* ундоши сўз бошида келадиган ягона ундош бўлиб, бу ҳолат ҳозирги туркий тилларда ҳам деярлик сақланган: қад.туркий. *чық*, турк. *чиқ*, озарб. *чых* қумиқ. *чық*, туркм. *чық*, қирғиз. *чық*, қ.балқар. *чық*, ўзбек. *чиқ*; қад.туркий. *чақ*, озарб. *чаг*, қумиқ. *чақ*, туркман. *чақ*, қирғиз. *чақ*, қ.балқар. *чақ*, турк. *чак*, ўзбек. *чоғ* каби.

Сўз бошида турли туркий тилларда *ч > ш, с, н, й, ж, җ* алмашиниши мавжуд, буни қуйидаги жадвалдан аниқ кўриш мумкин:

	йил	ер	ёз	ёмғир	енг
тува	*чыл*	*чер*	*час*	*чаьч*	*чаң*
ҳакас	*чыл*	*чир*	*часхы*	*наньмир*	*нинь*
шор	*чыл*	*чер*	*чӓс*	*нагбур*	*ниик*
ёқут	*сыл*	*сир*	*саас*	*самыыр*	*сиэх*
чуваш	*жул*	*жер*	*сур*	*сумар*	*җана*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жадвалнинг давоми

олтой	*йил*	*йер*	*йас*	*йаңмир*	*йен*
қозоқ	*жыл*	*жер*	*жас*	*жамғыр*	*жің*
қир.	*жел*	*жер*	*жаз*	*жамғыр*	*жең*
татар.	*йэл*	*жир*	*яз*	*янгыр*	*жиң*
бошқ.	*йыл*	*ер*	*яз*	*ямгыр*	*ең*
нўғай	*йыл*	*ер*	*яз*	*ямчыр*	*енг*
қумиқ	*йыл*	*ер*	*йаз*	*янгур*	*енг*
турк	*йил*	*йер*	*яз*	*йағмур*	*йенг*
ўзбек	*йил*	*ер*	*ёз*	*ёмғир*	*енг*
уйғур	*йил*	*ер*	*яз*	*ёмғир*	*енг*
озарб.	*ил*	*ер*	*яз*	*ягиш*	–

ч ундоши сўз таркибида унли товушлар орасида кўпгина туркий тилларда ўз ҳолида сақланган: ўзбек. *очиқ* – турк. *ачық*, озарб. *ачых*, туркм. *ачық*. қумиқ. *ачық*, қ.балқар. *ачық*, караим. *ачық*, олтой. *ачық*, ҳакас. *ачық*; ўзбек. *пичоқ* – турк. *бичак*, ҳакас. *пычах*, қирғиз, қумиқ, олтой. *бычақ*, озарб. *бычах* каби.

ч > ш: *очиқ* – қ.қалпоқ, қозоқ, нўғай. *ашық*.

ч > ж: тува. *ажық*.

ч > з: *кечир* – чуваш. *кузар*; *қичит – кізіт*.

ч > ҳ (h): *аччиқ* – ёқут. *аһы; пичоқ – быаһ, узун – уһун* ва бошқ.

Сўз охирида асосан сақланади: қадимтуркий. *ач*, турк, қумиқ, туркм, қирғиз, олтой, балқар. *ач*, ўзбек. *оч;* қадимтуркий. *уч* – озарб., туркм., гагауз, қирғиз, олтой, балқар. *уч*, ўзбек. *уч* каби.

СОНОР УНДОШЛАР

Л ундоши. Тил олди, литерал *л* ундоши тилнинг олд қисмининг оғиз бўшлиғида ҳаво оқимини тўсиши ва тилнинг икки ён томонидан ҳаво оқими учун оралиқ жой қолиши натижасида ҳосил бўлади. Шунинг учун бу ундошни ён товуш ҳам деб юритилади.

Л ундоши туркий тилларда сўз бошида келмайди, лекин бундан ҳозирги туркий тилларда қисман учрайдиган *лип-лип, лоп-лоп, лов-лов* каби тақлидий сўзларни ва четдан қабул қилинган *лампа* (рус), *лола* (форс-тожик), *лаган* (форс-тожик) каби айрим сўзларнигина мустасно қилиш мумкин. Ўзбек тилидаги *лой* каби сўзлар талаффузида ҳам *л* ундошидан олдин қандайдир, тил орқа, қисқа ***ы*** товуши мавжудлиги сезилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз ичида *л* ундоши кенг қўлланилади: қадимтуркий. *ала* (ола) – турк, олтой, қозоқ, қ.қалпоқ, нўғай, қирғиз, туркман, караим, тува. *ала*, татар. *а°ла*, чуваш. *ула*, ёқут. *ала*; қадимтуркий. *булут* – турк, ўзбек, туркман, караим, уйғур, қирғиз, олтой, тува. *булут*, нўғай, татар. *бълът*, озарб. *булуд*, чуваш. *пілім* каби.

Сўз ичида деярлик ҳамма ҳозирги туркий тилларда *л* ундошининг ассимилятив вариантлари мавжуд.

Сўз охирида ҳам *л* ундоши барқарор: ўзбек. *ел* – турк. *ел*, озарб. *ел*, қумиқ, бошқирд. *ел*, татар. *жил*, қ.қалпоқ, қозоқ. *жел*, қирғиз. *жел*; ўзбек. *йўл* – турк, нўғай. *йол*, қ.қалпоқ, қирғиз. *жол*, татар. *йўл*, чуваш. *сул* каби.

***М* ундоши.** Лаб-лаб портловчи бурун товуши *м* сонор ундошлар орасида сўзнинг турли вазиятларида кенг тарқалган ундошдир. Лекин *м* ундошининг ҳам бошқа сонор ундошлар сингари сўз бошида учрамаслиги қайд қилинади ва фақат бундан ўзбек тилидаги *мен* олмоши мустасно қилинади.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, кўпгина туркшунослик адабиётларида бу олмошнинг ҳам *мен – бэн* шаклида бўлганлиги, бошланғич ундошнинг лаб-лаб бурун товуши *м* эмас, балки лаб-лаб жарангли *б* товуши шаклида бўлганлиги таъкидланади.

Сўз ўртасида ҳам *м* ундоши бошқа ундошлар сингари фаол бўлмаган, қадимтуркий. *тамыр* – татар. *та°мър*, қозоқ. *тамър*, олтой. *тамър*, ўзбек. *томир*; қадимтуркий. *туман* – ўзбек, нўғай, қумиқ. *туман*, татар, қозоқ. *тьман* каби сўзлар таркибидагина учрайди.

Сўз охирида эса асосан *ким* олмоши (татар, қумиқ, олтой, қирғиз, қозоқ, қ.балқар, ёқут) таркибидагина сақланганлиги қайд қилинади. Чуваш тилидаги айрим сўзлар охирида учрайдиган *м* ундоши ҳам *н – м* алмашинишидандир: чуваш. *въръм – узун, тідім – тутун, сьм – йун* каби.

***Н* ундоши**. Қадимги туркий тилларда бу ундош сўз бошида учрамаган, лекин ҳозирги туркий тиллар ҳақида бундай деб бўлмайди, чунки ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида *на, не, нима, неча*, татар тилида *нік, нійі, нарса*, бошқирд тилида *ні*, қирғиз тилида *нари* каби сўзларнинг мавжудлиги бунга асос бермайди.

Сўз ичида ва охирида *н* ундоши анча барқарор: ўзбек. *она* – турк, озарб., караим, нўғай, қозоқ. *ана*; ўзбек. *сана* – озарб., қ.қалпоқ, караим, туркман, нўғай, қумиқ, қирғиз, қозоқ, турк. *сана*; ўзбек. *ён* – қумиқ, гагауз, туркман, караим. *јан*, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ. *жан*, олтой. *дьан*, ҳакас. *чан*; ўзбек. *ўн* – турк, туркм., озарб., қумиқ, нўғай, гагауз, қалпоқ, уйғур, қирғиз, олтой, тува, ҳакас. *он*, ёқут. *уон*, чуваш. *вун* каби.

***Ң* ундоши.**

Сўз бошида *ң* ундоши ҳеч учрамайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Интервокал вазиятда *ң* сақланади: қадимтуркий. *јаңы* – татар. *ја°ңа*, ёқут. *саңа*, қозоқ. *жаңа*, қ.қалпоқ. *жаңа*, туркм. *јаңы*, қумиқ. *јаңы*, қ.балқар. *жоңы*, олтой. *дьаңы*, уйғур. *јеңі*; қадимтуркий. *кеңеш* – нўғай. *кеңес*, караим. *кеңеш*, қозоқ. *кеңес*, ўзбек. *кенгаш*, туркман. *геңеш*, татар. *киңеш* каби.

ң* > *н: қадимтуркий. *сиңек* (чивин) – турк. *синек*, гагауз. *синек*, озарб. *синэк*.

ң* > *г* > *j: қадимтуркий. *соңэк* – қозоқ, нўғай, татар. *сојек*.

ң туширилади: *суңек* – ҳакас. *сөөк*; *муңуз* – олтой, шор. *муус* каби.

Сўз охирида сақланади: ўзбек. *кенг* – уйғур. *кэң*, караим. *кең*, қумиқ. *гең*, қирғиз. *кең*, балқар, олтой. *кең*, ёқут. *киэң*; ўзбек. *тонг* – татар, бошқирд. *таң*, қумиқ. *таң*, уйғур. *таң*, қозоқ. *таң*, нўғай, қ.қалпоқ. *таң*, туркм. *даң*, ҳакас. *таң* каби.

***Р* ундоши**. Бу сонор ундош ҳам сўз бошида учрамайди. Бошқа тиллардан кирган айрим сўзларда ҳам *р* ундошидан олдин бир унли орттирилади, *рўмол* татар тилида *ўрамал* каби.

Сўз ичида сақланади: ўзбек. *ора* – қирғиз, қумиқ, олтой, қозоқ, қ.қалпоқ, туркман, тува, ҳакас. *ара*, татар. *а°ра*; ўзбек. *қора* – татар, бошқирд. *қа°ро*, турк, қирғиз, қ.қалпоқ, нўғай, қорачой-балқар, қумиқ. *қара* каби.

Сўз охирида асосан барқарор: ўзбек. *қор* – озарб. *гар*, туркм. *гаар*, турк. *кар*, олтой, қирғиз, қозоқ, қ.қалпоқ, нўғай, тува. *қар*, ҳакас. *хар*, татар, бошқирд. *қа°р*; ўзбек. *ер* – турк, озарб., қумиқ, бошқирд. *ер*, татар. *жир*, қ.қалпоқ. *жер*, қирғиз. *жер*, шор. *чер*, чуваш. *сір* каби.

Охирги *р* ундоши уйғур тилида туширилиб чўзиқ унлига айланади: *ер – јээ, қар – қаа* каби.

БЎҒИН

Бўғин сўз бўлинишининг энг муҳим элементи сифатида умумдунё тиллари, жумладан, барча ҳозирги туркий тилларнинг универсал хусусиятидир. Шунга қарамасдан, сўз бўғини ўзининг товуш тузилиши-қурилиши жиҳатидан ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Бўғин ва фонема сўзнинг товушлар қурилишининг энг муҳим бирлиги бўлиб, туркий сўзлар бир ёки бирдан ортиқ бўғиндан, бўғин эса бир ёки бирдан ортиқ фонемалардан иборатдир.

Ҳозирги туркий тилларда сўз бўғинининг бўғин ҳосил қилувчи элементи унли товуш ҳисобланади, демак, сўз бўғинларининг миқдори унинг таркибидаги унли товушларнинг миқдори билан белгиланади. Нотуркий тилларда баъзан сўз таркибида қатор келган ундош товуш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лардан айрим сонор ундошлар (таркибида шовқинга нисбатан ун, овоз кучли бўлганлиги учун, бундай ундошларни баъзан ярим унлилар ҳам деб юритилади) ҳам бўғин ҳосил қилиши мумкин, лекин бу хусусият туркий тилларга хос эмас.

Туркий тиллар сўз таркибида бўғинлар миқдори кўп бўлиши мумкин, лекин кўп бўғинли сўзлар бир, икки, уч бўғинли сўзларга нисбатан кам учрайди. Гап туркий тиллардаги ўзак сўзлар ҳақида борганда шуни айтиш мумкинки, туб туркий ўзак сўзлар бўғин тузилиши жиҳатидан асосан V (вокал – унли), CV (сонсонант – ундош+унли), VC (унли+ундош) ва CVC (ундош+унли+ундош) типида бўлган. Шунга кўра, сўзнинг умумтуркий бўғин тузилиши товуш таркиби жиҳатидан туб туркий ўзак морфемаларнинг товуш таркибига тенг бўлган очиқ (V, CV) ва ёпиқ (VC, CVC) бўғинлардан ташкил топган ва кейинчалик тил тараққиёти босқичларида сўз бўғинларидаги товушлар таркибида ҳам (VCC, CVCC) ўзгариш юз берган.

Ҳозирги туркий тилларда араб, форс-тожик ва рус тилидан қабул қилинган айрим сўзларни ҳисобга олмаганда, ҳозирги туркий тиллар сўз бўғинларининг олти турини кўрсатиш мумкин:

1. V – бир унли.
2. VC – унли+ундош
3. CV – ундош+унли
4. CVC – ундош+унли+ундош
5. VCC – унли+ундош+ундош
6. CVCC – ундош+унли+ундош+ундош.

Эслатма: сўз бўғинлари таркибининг туркий тилларга нотуркий тиллардан қабул қилинган сўзлар таркибида учрамайдиган, тилшунослик адабиётларида хиатус деб номланадиган бир бўғинда икки ёки ундан ортиқ ундошларнинг келиш ҳолати ҳам учрайди, бундай модел (шакл)лар туб туркий тиллар сўз бўғинлари учун хос эмас, булар:

CVCC – гўшт, суст, дарахт;
CCVCC – спорт, старт;
CCCVC – справка;
CVCCC – Маркс;
VCCCC – Эрнст каби.

Биринчи тип – бир унлидан таркиб топган сўз бўғинлари фақат сўз бошида мавжуд бўлиб, бу икки кўринишга эга:

1) нормал (оддий) чўзиқликка эга бўлган унлилардан таркиб топган сўз бўғинлари: нўғай. *а-јақ*, турк. *е-шік*, туркман. *о-рақ*, қ.қалпоқ. *і-ні*, қирғиз. *у-шақ*;

2) чўзиқ унлилардан таркиб топган сўз бўғинлари (булар фақат қисқа чўзиқ жуфт унлилари мавжуд туркий тилларга хос бўлиб, бундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилларда *а: – аа, у: – уу* каби чўзиқ унлилар бир фонема сифатида қаралади ва бир бўғин ҳосил қилади): туркман. *а:-гыл*, олтой. *э:рі* (эгари), туркм. *о:-ти* (олови), *и:-зи* (изи), *у:ни* (овози) каби.

Иккинчи гуруҳ (VC) бир унли ва бир ундошдан таркиб топган сўз бўғинлари ҳам фақат сўзнинг бошланғич вазиятида мавжуд бўлиб, булар: ўзбек. *оқ, ош*, қозоқ, қ.қалпоқ, нўғай. *ақ, аш*, нўғай. *аб-ди-ра*, туркм. *ай-гыр*, қумиқ. *ес-ки*, уйғур. *ол-жа*, гагауз. *ек-мек* (нон) каби.

Ундош ва унлидан таркиб топган учинчи гуруҳ сўз бўғинлари (CV) сўзнинг ҳар қандай вазиятида кела олади: нўғай. *ба-ла*, қ.қалпоқ. *пи-шак*, ўзбек. *то-ғи*, олтой. *че-чек*, қ.қалпоқ. *не-ге*, турк, гагауз, олтой, қозоқ, қирғиз. *қа-ра* (қора) каби.

Ҳозирги гуркий тилларда энг кўп тарқалган сўз бўғинлари тўртинчи гуруҳ (CVC) ундош+унли+ундош кўринишидаги бўғинлар бўлиб, улар сўзнинг ҳар қандай вазиятида учрайди: озарб., турк. *јан*, уйғур, қирғиз. *кун*, турк, қирғиз, олтой. *қыш*, турк. *јаш*, туркм. *ја:ш*, қозоқ. *бар-ған-да* каби.

Бешинчи гуруҳ (VCC) сўз бўғинлари қадимтуркий. *арт-та* (орқада), қумиқ. *арс-лан* каби сўзларда мавжуд бўлиб, бу туркий тиллар учун кам учрайдиган ҳолатдир.

Ниҳоят, олтинчи гуруҳ (CVCC) типидаги сўз бўғинлари қўлланишига кўра чегаралангандир: қадимтуркий. *јурт-та, қорқ-ту*, ҳозирги туркий тиллардаги *тўрт, дорт* каби.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, сўзнинг бўғинларга ажратилиши унинг морфологик таркиби билан алоқадор эмас, чунки сўзларнинг морфемаларга ажратилиши грамматик ҳодиса бўлса, бўғинларга ажратилиши фонетик ҳодисадир.

Қиёсланг: фонетик бўлиниш – *ба-ла-ла-ри-ма*, морфологик бўлиниш – *бола/лар/им/а* каби.

УРҒУ

Сўз урғуси ҳақида гап борганда, ҳар қандай шу соҳа билан шуғулланувчи мутахассис ҳам, шу ҳақда маълум маълумотга эга бўлган ҳар қандай шахс ҳам, сўз урғусига бериладиган анъанавий таъриф "сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиш ҳодисаси" деган таърифга тўхталади. Бу ҳақ. Ҳақиқатан ҳам, урғу сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиш ҳодисаси. Лекин фақат шунинг ўзи етарли эмас, чунки дунё тиллари урғуси эмас, фақат туркий тиллар урғуси ҳам жуда катта мунозарали масалаларга эга.

Туркий тиллар урғуси билан XIX асрлардан бошлаб рус ва ғарб тилшунослари қизиқиб келган. Бу ҳақда жуда кўп амалий манбалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳисобида илмий хулосалар ҳам чиқарилган. Лекин булар етарли эмас эди.

Кейинги йилларда Қозон ва Петербург фонолабораториялари барча туркий тиллардаги унли ва ундош товушлар хусусиятлари сингари бу соҳада ҳам маълум натижаларга эришди. Бу соҳада туркий тиллар урғуси махсус (ўзбек тили урғуси А.Махмудов, туркман А.Сапаев, қирғиз Т.К.Ахматов, А.К.Арузбоев ва бошқалар томонидан) электроакустик ускуналар воситасида ўрганилди.

Сўз урғуси ҳақида олиб борилган узоқ илмий мулоҳазалар ва эксперимент изланишлар, ниҳоят, туркий тиллар урғуси ҳақида мутахассис тадқиқотчиларни шундай хулосаларга олиб келди:

1. Барча туркий тилларда сўз урғуси куч ёки экспиратор урғудир, лекин ёқут, туркман, қирғиз тилларида куч урғуси билан бирга тон урғуси ҳам мавжуддир.

2. Куч урғуси ўз интенсивлик хусусиятга кўра биринчи ва иккинчи даражали урғуларга ажратилади.

3. Туркий тиллар куч урғуси туркий тиллар агглютинатив босқичга ўтган даврларда, сўзлар ўртасидаги аналитик қурилиш ўрнига аффикслар келиб чиқиши билан шакллана бошлаган.

4. Туркий тиллар бош урғусининг нима учун сўнгги бўғин томон силжиши ҳали тўла аниқланган эмас.

5. Умумтуркий тилларда иккинчи даражали урғунинг ҳосил бўлиши тил тараққиётининг кейинги даврлари маҳсулидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛЕКСИКА

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ЎСУВ ЙЎЛЛАРИ

Тилнинг, жумладан, туркий тиллар ва айрим олинган ҳар бир тилнинг ҳам луғат таркиби тил қурилишининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Туркий тиллар таркибидаги ҳозирги ҳар бир мавжуд туркий тилнинг луғат бойлиги, унинг қай даражада эканлиги у ёки бу халқнинг шаклланиш жараёни, турмуш шароити ҳамда кейинги ўсиш ва ривожланиш тарихи билан боғлиқ.

Туркий тиллар дунёдаги барча тиллар сингари энг қадим тиллардир. Шунинг учун ҳозирги туркий тиллардаги ҳар бир луғавий бирликни энг қадимги даврлардан мавжуд деб билиш керак. Лекин бу луғавий бирликлар энг қадимги даврлардаёқ ҳам товуш томони, ҳам маъноси жиҳатидан у қадар мураккаб бўлмаган сўзлар бўлиб, ҳозирги туркий тилларнинг шаклланишига асос бўлган ўша давр уруғ, қабила, қабилалар уюшмалари тилларининг асосий луғат бойлигини ташкил қилган. Албатта, у ҳозирги туркий тиллар луғат бойлигига нисбатан анча камбағал, лекин ўша давр ижтимоий жамоаларининг ўзаро муомала истеъмолини қондира оладиган даражадаги лексик бирликларни ташкил қилган.

Маълумки, ўтмишда туркий, мўғул, тунгус-манчжур қабилалар уюшмалари ўртасида у қадар аниқ ажралиш мавжуд бўлмаган даврларда бу уруғ, қабилалар, қабилалар уюшмалари лексик жиҳатдан унча узоқ бўлмаган турли лаҳжалардан алоқа воситаси сифатида фойдаланиб келганлар. Бу лаҳжаларнинг лексик қатлами деярлик уларнинг барчаси учун маълум умумийликка эга бўлган:

турк	**мўғул**	**тунгус-манчжур**
буға//буқа	*буха*	*буха//буху*
бол	*бол*	*бола*
тала//дала	*дьалаң*	*тала* каби.

Туркий халқларнинг тарихий тараққиёти жараёнида айрим туркий қабила ва қабилалар иттифоқлари бошқа қабила ва қабилалар иттифоқларига нисбатан иқтисодий ривожланиши қулай бўлган ҳудудларда ўз мустақиллиги ва қисман ҳукмронлик ҳолатини узоқроқ сақлаб турган. Бундай қабилалар уюшмалари шу даврларда атрофидаги бошқа майда уруғ ва қабилалар учун ҳам маълум умумийликка эга бўлган маданият ҳамда тил айримликларини шакллантириш ва ривожлантиришга

www.ziyouz.com kutubxonasi

улгурганлар. Қабилалар иттифоқларининг ижтимоий турмуш ва яшаш шароитидаги ҳар хилликлар уларнинг тил хусусияти, хусусан, лексикада ҳам ўз ифодасини топган, бир-биридан у қадар узоқ бўлмаган тилнинг умумтуркий асосий луғат қатлами сақланиб қолган тил уюшмаларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Ҳозирги чуваш тилининг шаклланишига асос бўлган қадимги булғор тиллари гуруҳи; ҳозирги Сибирь тилларига асос бўлган қадимги уйғур; олтой, ҳозирги турк, озарбайжон, туркман, гагауз тилларига асос бўлган ўғиз; ўзбек, уйғур тилларига асос бўлган қорлиқ ва татар, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай тилларига асос бўлган қипчоқ тиллари гуруҳи ва бу тил уюшмаларидан четда қолган кичик-кичик қабила ҳам элат тиллари ана шундай тиллар бўлган. Бу тиллар умумтуркий асосий луғат қатламини сақлаган ҳолда ҳар бири ўзига хос тараққиёт жараёнини бошдан кечирган.

Ҳозирги туркий тилларнинг умумий луғат таркибига назар ташлаганда шуни кўриш мумкинки, айрим олинган ҳар бир туркий тилнинг ўз ва ўзлашган қатлами мавжуд бўлиб, шунга кўра уларни қиёслашда ҳам бунга амал қилишга тўғри келади:

1. Туркий тиллар лексикасининг ўз қатлами.
2. Туркий тиллар лексикасининг ўзлашган қатлами.

ТУРКИЙ ТИЛЛАР ЛЕКСИКАСИНИНГ ЎЗ ҚАТЛАМИ

Туркий тилларнинг ўз лексик қатламини қадимтуркий сўзлар ёки туб туркий сўзлар ташкил қилади. Бу сўзлар айрим фонетик ва семантик айримликларни ҳисобга олмаганда барча туркий тиллар учун умумий ва туркий тилларни қиёслаш учун асос бўладиган сўзлардир.

Умумтуркий сўзларни қадимийлиги, ҳудудий тарқалиши ва чегараланиши, товуш ва маъно бирлигидаги умумийлик ва бошқа хусусиятларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Туркий тилларда қариндошлик атамалари.
2. Турли ҳайвон ва жониворлар атамалари.
3. Одам, ҳайвон ва паррандалар жисмоний аъзоларига оид номлар.
4. Ўсимлик номлари ва уларнинг аъзоларига оид атамалар.
5. Жўғрофий ва самовий тушунчаларни англатувчи сўзлар.
6. Табиат ҳодисаларини ифодаловчи атамалар.
7. Нарса, ҳодиса, воқеа, ҳаракат, белги ва миқдор номлари, шахс ва сўроқ маъносини англатувчи қадимги сўз ва атамалар.

Қариндошлик атамалари ҳозирги туркий тиллар лексикасининг энг архаик қатламидир. Қариндошлик атамалари қон-қариндошлик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

оила-никоҳ, ота уруғи ва она уруғига доир шахслар ҳамда уларнинг ёш хусусиятларига кўра фарқланади.

Ҳозирги туркий тилларни қариндошлик атамаларининг қайси туркий тилда қандай қўлланишига кўра қиёслашнинг анча мураккабликлари мавжуд, чунки айрим тилларда бир қариндошлик тушунчасини ифодаловчи сўз турли шакл ва кўринишларига (масалан, татар тилида *бобо – баба, абыз, ата, бабай, бабакай*; *момо – би, дәү, әни, абыз ана, беки, әби, әбәкәй*, ўзбек тилида *она – эна, ая, ойи, ача, апа* каби) эга бўлса, айрим тилларда бир атама икки ва ундан ортиқ маъно ҳам англаниши мумкин: ўзб. *ака*, қозоқ. *оға*, татар. *ага*, қирғиз. *ага* шаклида қўлланилгани ҳолда қорачой-балқар. *ата* (ота), чуваш тилида *пичче* каби ифодаланади. Бу хусусиятни туркий тиллардаги *ана* (она) сўзи мисолида янада яққолроқ кўриш мумкин:

1) *она* сўзи озарб., гагауз, қозоқ, қорақалпоқ, татар, турк, уйғур тилларида *ана*, ўзбек тилида *она* шаклида қўлланиб, айрим фонетик айримликларини ҳисобга олмаганда, қадимтуркий *ана* шаклига ҳам фонетик, ҳам маъно жиҳатдан тенг келади;

2) олтой, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, тува, туркман тилларида асосан *эне* шаклида бўлиб, татар. *әни//әннә*, ҳакас. *ине//иней*, турк, чуваш тилларида *ана//анне* шакллари мавжуд;

3) қозоқ, қорақалпоқ, татар, уйғур тилларида *ана//эне//иңе* шаклида қўлланиб, биринчи *ана* шакли *она* мазмунида ишлатилса, иккинчи *эне//ине* шакллари *она* эмас, *қайнона* маъносида қўлланилади;

4) *она* сўзининг турли тиллардаги ҳар хил вариантлари ўзининг семантик дифференциясига ҳам эга: қорақалпоқ, қирғиз. *эне – она*; чуваш. *анне – она*, тува. *эне – опа, хола, эней – момо*, қозоқ. *ене – қайнона*, туркман. *эне – она, момо*, ҳакас. *иней – хотин, аёл* каби.

Қипчоқ гуруҳ тилларда *она* (ва яна айрим) қариндошлик атамасининг чақириш, ундаш шакли ҳам учрайди, бу атаманинг турли вариантлари бу маънода ишлатилганда кўпинча сўз неғизида ***-й*** ундоши орттирилади: *иней, аний* каби. Ўзбек тилида ҳам "***онаси***" шу маънони англатади.

Яна қуйидаги қариндошлик атамаларини қиёсланг:

	ота	апа	дайы	гадын	келин	қайин
озарб.	*ата*	*апа*	*таай*	*кадит*	*келен*	*гайин*
олтой	*ата*	*апа*	*дайы*	*катын*	*келин*	*қай(й)н*
бошқирд	*ата*	*апа*	*дайы*	*қатын*	*келин*	*қай(ы)н*
қозоқ	*ата*	*апа*	*дайы*	*қадын*	*келин*	*қайын*
қ.қалпоқ	*ата*	*апа*	*тай*	*кадын*	*келин*	*қайын*
қирғиз	*ата*	*апа*	*дайы*	*катын*	*келин*	*қайын*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жадвалнинг давоми

қумиқ	*ата*	*апа*	*дайы*	*хатын*	*келин*	*қайын*
нўғай	*ата*	*апа*	*тайу*	*кадын*	*килен*	*қайин*
татар	*ата*	*опа*	*дайы*	*хатын*	*делин*	*қайин*
турк	*ата*	*апа*	*дайы*	*хотин*	*гелин*	*қайин*
туркман	*ота*	*опа*	*тоға*	*хотин*	*келин*	*гайын*
ўзбек	*ата*	*апа*	*тоға*	*ҳатун*	*келин*	*қайин*
уйғур	*ата*	*апа*	*дайи*	*хатин*	*кин*	*қай(ы)н*
ҳакас	*ада,баба*	*аппа*	*тай*	–	*киннит*	*қайын*
чуваш	*атте*	–	*таай*	–	*кийит*	*хаташ*
ёқут	–	–	*дайыка*	*кары*	*гелин*	*кылын*
гагауз	*ата*	*учба*	*даай*	*кат*	–	*қайын*
тува	*апа*		*тоға*	*хотин*	*гэлин*	*кайын*

Қон-қардошлик, ота ва она уруғига кўра қариндошлик номлари асосан қадимги шаклларини сақлаб қолган, бу лексик қиёслашнинг асосини ташкил қилади. Бунда шунга ҳам эътибор бериш керакки, бу соҳадаги атамаларнинг айримларида (*ача//әҗе, апа//аба, аға, уруғ, йеген, бала, эр, кадын//хотун, қуда* каби) ҳозирги туркий тилларда ҳам ўз ўтмишдоши мўғул тиллари билан алоқадорлик сезилиб туради. Масалан, бошқирд тилидаги (*ейенсер < ейен – невара, буләсәр < булла – амаки* сўзларидаги) ***-сар//-сер*** мўғул тили элементларининг айрим туркий тиллардаги қолдиқларидир.

Турли ҳайвон, жонивор, паррандалар ва уларнинг анатомик аъзолари атамалари энг қадимтуркий номлар бўлиб, уларнинг ҳар бири, бир томондан, тур, жинс, ёш хусусиятларига кўра ранг-баранг-ликка эга бўлса, иккинчи томондан, даврлар ўтиши билан фонетик ва семантик хусусиятларига кўра ҳам турли айримликларни касб этган. Шубҳасиз, бунга турли туркий тилларга нотуркий тилларнинг таъсири ҳам сабаб бўлган.

Умумтуркий *ат* (от)//*йилқи* сўзи қадимтуркий тилда келиб чиқиш жиҳатидан мўғул, тунгус-манчжур тиллари билан алоқадор бўлган *жонт* сўзи билан қўлланган бўлиб, кейинчалик турли ном ва маъноларга эга бўлган. Таркибидаги унлининг талаффуздаги айрим фарқларини ҳисобга олмаганда кўп туркий тилларда бир хил: озарб., олтой, балқар, бошқирд, гагауз, қозоқ, караим, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғой, татар, турк, туркман, уйғур, ҳакас, ёқут. *ат*, тува. *аът*, ўзбек. *от*, чуваш. *ут* каби.

Туркий тилларда шу маънода *ат* сўзидан ташқари *бэгір*, *лаша*, *йилқи* сўзлари ҳам қўлланади. *Лаша* ва *бэгір* сўзлари чуваш ва турк тилларидаги айнан юқоридаги маънода қўлланган ҳолда, *йилқи (илқі)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзи ўзига хос семантик айримлигига эга бўлиб, умуман *ат* маъноси билан бирга *табун* (от подаси), урғочи от маъноларини ҳам беради ва кўп туркий тилларда *ат* сўзи билан параллел қўлланади: озарб. *ілхі*, тува, ҳакас. *чілгі*, ёқут. *сілгі*, бошқа ҳамма туркий тилларда *йилқи* каби.

Туркий тилларда тур ва бошқа белгиларига кўра *от* маъносини англатадиган яна кўплаб сўзлар мавжуд: озарб. *бадо*, туркман. *бәдәв* < араб. *бадав*, гагауз. *чіл*, қирғиз. *қаңғил*, нўғай. *арғымоқ*, татар. *јалгәр*, турк. *эшкин*; озарб., ўзбек, уйғур. *ахта// акта*, қозоқ, қирғиз. *ақта*, туркм. *агта*; бошқирд, қумиқ, татар. *алаша*, нўғай. *аласа*, чуваш. *лаша*, озарб., туркман *алаша*; озарб., олтой, бошқирд, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, қумиқ, нўғай, татар, туркман, ўзбек, уйғур. *айғир*, балқар. *азир*, гагауз. *хангир*, тува. *асқир*, ҳакас. *асхир*, чуваш. *ајар*, ёқут. *атир* ва бошқ.

Сығыр – бошқирд. *һијір*, гагауз. *сир*, қозоқ, караим, қорақалпоқ, қумиқ, нўғай, татар. *сыйыр*, ўзбек. *сигир*, туркман. *сығыр*, уйғур. *сийир*; озарб., ўзбек, уйғур. *инак*, олтой, гагауз, қирғиз, тува, туркман, ҳакас. *ине*, ёқут. *инах* каби.

Яна қиёсланг:

	ҳўкиз	эчки	эшак	бўри	қундуз	кирпи
озарб.	*өқуз*	*гэчі*	*эшшак*	*гурд*	*гундуз*	*кирпи*
олтой	*өқуз*	*эчки*	*эштэк*	*бөру*	*қумдус*	–
бошқирд	*үгэз*	*каза*	*ішак*	*бүрэ*	*қондоз*	*тэрпэ*
қозоқ	*огиз*	*эшки*	*йэсэк*	*бөри*	*құндіз*	*кірпі*
қ.қалпоқ	*огиз*	*эшки*	*эшэк*	*бөрд*	*құндуз*	*кірпі*
қирғиз	*огуз*	*эски*	*эшік*	*бөру*	*құндуз*	*кирпи*
қумиқ	*оғуз*	*эчки*	*эшэк*	*бөру*	*құндуз*	*кирпи*
нўғай	*оғиз*	*эшкі*	*эшэк*	*бөру*	*құндуз*	*кирпи*
татар	*үгэз*	*ичкэ*	*ішак*	*бүрэ*	*кондіз*	–
тува	*өқуз*	*өшку*	*элчігэн*	*бөру*	*құндуз*	–
турк	*өқуз*	*кэчі*	*меркен*	*бору*	*гундуз*	*кирпи*
туркман	*өқуз*	*гэчі*	*эшек*	*бүрі*	*гундуз*	*гирпи*
ўзбек	*ҳўкиз*	*эчки*	*эшак*	*бўри*	*қундуз*	*кирпи*
уйғур	*ҳокиз*	*эчку*	*эшак*	*бөру*	*құндуз*	*кіжпі*
ҳакас	*ухар*	*эскі*	–	*пүр*	*ҳамнос*	–
чуваш	*вәқәр*	*качака*	*ишак*	*тукмак*	*ҳандар*	*чэрэп*
ёқут	*атоғус*	*хоһуол*	*оһуол*	*бөбө*	*буобура*	*дуос*
гагауз	*јокуз*	*кэчі*	*эшек*	*јабаны*	*гундуз*	*кирпи*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айрим паррандалар номи:

Турна – тува. *дуруна*, озарб. *дурна*, турк. *турна*, қозоқ. *тырна*, қ.қалпоқ. *тырна*, қирғиз, қумиқ. *турна*, туркм. *дурна*, олтой. *турна*, бошқирд. *тарна*, нўғай. *турна*, татар. *торна*, уйғур, ҳакас. *турна*, чуваш. *тарна*, шор. *туруна*, ёқут. *туруйа*;

Ғоз – тува. *кас*, озарб. *ғаз*, алтай. *кас*, бошқирд. *қаз*, қозоқ. *қаз*, қ.қалпоқ. *ғаз*, қирғиз. *каз*, қумиқ. *кьаз*, нўғай. *каз*, татар, турк. *каз*, туркман. *ғаз*, ўзбек. *ғоз*, уйғур. *ғаз*, ҳакас. *хас*, чуваш. *хур*, шор. *кас*, ёқут. *хаас*.

Турли жонивор ва парранда аъзолари:

	қўз	тиш	туёқ	қанот	тумшуқ
озарб.	*көз*	*диш*	*дырнаг*	*ганад*	*димжык*
олтой	*көс*	*тиш*	*туйғак*	*қанот*	*тумчуқ*
бошқирд	*күҙ*	*теш*	*тояк*	*канат*	*сукыш*
қозоқ	*коз*	*тис*	*туяк*	*қанот*	*тумсық*
қ.қалпоқ	*көз*	*тіс*	*туяк*	*қанот*	*тумсык*
қирғиз	*көз*	*тис*	*туякь*	*кьанат*	*тумшуқ*
қумиқ	*гөз*	*тиш*	*туякъ*	*къанат*	*тумшук*
нўғай	*көз*	*теш*	*туяк*	*қанот*	—
татар	*күз*	*теш*	*туяк*	*канат*	*томшық*
тува	*қарақ*	*диш*	*туюг*	*чалғын*	*думчук*
турк	*гөз*	*tis*	*тырнаг*	*ганат*	*чага*
туркман	*гөз*	*диш*	*тойнак*	*ганат*	*чуңк*
ўзбек	*кўз*	*тиш*	*туёқ*	*қанот*	*тумшуқ*
уйғур	*коз*	*тиш*	*туяк*	*қанот*	*тумшуқ*
ҳакас	*харах*	*тіс*	*туйғак*	*ханат*	*тумзух*
чуваш	*кус*	*шаал*	*черне*	*ҫунат*	*самса*
ёқут	*хароох*	*тиис*	*туяк*	*кынат*	*тумус*

Ўсимлик номлари ва уларнинг аъзоларига оид атамалар ҳар бир туркий халқ яшайдиган ҳудуд ва шу ҳудуд табиатига мувофиқлашган ўсимликлар, халқ хўжалигининг асосини ташкил қиладиган экин номлари билан кўпроқ боғлиқ. Маълум бир ўсимлик у ёки бу халқнинг меҳнат шароити билан, ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаса, бундай ўсимлик номларини у халқ тилида учратмаслик ёки ўзлаштирма сўз-номлар сифатидагина учратиш мумкин. Масалан, Ўрта Осиё маданий ўсимликлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

номларини Сибирь халқлари тилларида, совуқ ўлкаларда ўсадиган айрим ўсимликлар номларини бу ерлик халқлар тилларида кам учратиш мумкин.

Рус тилидан олинган *"рожь"* сўзи татарча *арыш* сўзи билан қўлланиб, бошқирд, олтой, ўзбек тилларида учрамайди, чунки чуваш ва олтой халқлари яқин даврларга қадар фақат чорвачилик билан шуғулланган бўлса, ўзбеклар деҳқончилиги ҳам яқин йилларда пайдо бўлган. Шунинг учун бу каби сўзлар турли туркий тилларда турли номлар билан қўлланади: татар. *арыш*, қозоқ. *қара быдай*, озарб. *чавдар*, турк. *жавдар*, ўзбек. *сули* каби. Бундай ҳолда қиёсланаётган сўзларнинг ҳамма ҳозирги туркий тиллар учун умумийлигига эътибор кучайтирилади.

Дарахт пўстлоғи ўзбекча *қобиқ*, озарб. *габых*, қозоқ, қорақалпоқ. *қабық*, қирғиз. *кабык*, татар. *кабых*, турк. *кабук*, туркман тилларида *габык* шаклида қўлланилгани ҳолда чуваш. *хупа*, татар. *кайры*, ҳакас. *кастырых*, *ҳакнас*, чуваш. *хуйар*, ёқут. *хатырык*, ўзбек, уйғур. *пўст*, олтой. *чобырға*, *чобра*, қирғиз. *кыртыш*, тува. *шаңда*, *човурээ* шаклларида ҳам қўлланган. Юқорида айтилганидек, бир тушунчани ифодаловчи сўзларнинг турли туркий тиллардаги бошқалигига сабаб, бир томондан, шу сўзларнинг турли даврларга мансублиги бўлса, иккинчи томондан, айрим тилларнинг бошқа нотуркий тиллар билан яқин алоқаси бўлган.

Яна қиёсланг:

	бошоқ	япроқ	ёнғоқ	томир	уруғ
озарб.	*сунбул*	*ярпаг*	*гоз*	*көк*	*тохум*
олтой	*мажак*	*йалбырак*	*қузуқ*	*тамыр*	*урен*
бошқирд	*башак*	*ярпак*	*сэмлеуек*	*тамыр*	*орлоқ*
қозоқ	*масақ*	*жапрақ*	*маңғақ*	*тамыр*	*ұрық*
қ.қалпоқ	*масақ*	*жапырақ*	*гоз*	*тамых*	*урық*
қирғиз	*машак*	*жалбырак*	*жаңақ*	*тамыр*	*тухым*
қумиқ	*башахи*	*япроқъ*	*къоз*	*тамур*	*урлукъ*
нўғай	*масак*	*япрак*	*коз*	*тамыр*	*урлык*
татар	*башак*	*яфрак*	*чиклэвек*	*тамыр*	*орлық*
тува	*таражи*	*буру*	*тоорук*	*дазыл*	*урезин*
турк	*сумбула*	*йапрак*	*севиз*	*кок*	*тоҳум*
туркман	*суммул*	*япрак*	*хоз*	*кок*	*тохум*
ўзбек	*бошоқ*	*япроқ*	*ёнғоқ*	*томир*	*уруғ*
уйғур	*бошоқ*	*йапурмоқ*	*яңақ*	*томир*	*уруғ*
ҳакас	*пазах*	*пур*	*хузух*	*чигеле*	*урен*
чуваш	*пучах*	*çулçа*	*майар*	*тымар*	*варлах*
ёқут	*куолоас*	*сэбирдек*	*эриэкэ*	*силис*	*сизме*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Табиат ҳодисаларини англатувчи атамалар:

Ҳаво – бир неча туркий тилларда араб тилидаги *"ҳаво"* сўзидан олинган бўлиб, турли фонетик шаклларига эга.

Озарбайжон, бошқирд, қорақалпоқ, қумиқ, татар, турк, туркман, ўзбек, уйғур тилларида *хава//ҳаво*, ёзувдаги шакллари озарб., уйғур, татар. *ҳава*, бошқирд. *ҳауа*, қумиқ. *гьава*, туркм. *хова*, ўзбек. *ҳаво*, қозоқ, қирғиз, нўғай тилларида *ава* каби.

Айрим туркий тилларда *ҳаво* сўзи мўғул тилидан олинган *хий* (ҳаво) сўзининг турли фонетик шакллари орқали ифодаланган: ҳакас. *кии,* олтой. *кей*, тува. *хей.*

Тува тилида мўғулча *агаар* варианти ҳам бор.

Шор тилида *чел* (ел), чуваш. *сывлаш*, ёқут. *сывлаш*, ёқут. *салғын* каби қўлланган.

Шамол – қорақалпоқ, қирғиз, туркман, ўзбек, уйғур тилларида *шамол* шаклида қўлланган бўлиб, бошқа туркий тилларда (озарб. бошқирд. қорақалпоқ, қумиқ, нўғай, татар, ўзбек, уйғур, ҳакас) *ел, жел, йел* шаклида, ҳакас. *чил*, чуваш. *жил*, ёқут. *тыал*, тува. *хат*, турк. *рузгар* шаклларида қўлланган.

Тўлқин сўзи ҳам шундай мураккабликларига эга. Бир неча туркий тилларда *"тўлқин"* сўзи шу маънода турли хил фонетик кўринишларда шаклланади: бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғай, татар, туркман, ўзбек, уйғур, ёқут тилларида *тўлқин, толқын, толкун, тўлқин, толкун, долгун* шаклида, айрим туркий тилларда эса олтой. *толку*, шор. *толкуг*, озарб. *далға*, тува. *чалгыг*, ҳакас. *салгаҳ*, олтой. *ком*, чуваш. *хум*, олтой. *чапқын*, туркм. *мавж*, ёқут. *балхан* шаклида қўлланган.

Гулдурос, момақалдироқ сўзининг қўлланиши бундан ҳам мураккаброқ. Бу сўзлар ҳамма туркий тилларда ҳам тақлидий ўзак сўз асосида шаклланган, сўз қандай ифодаланган бўлишидан қатъи назар таркибида тақлидий асос бор. Эътибор беринг: озарб. *қурултү*, олтой. *кукурт*, бошқирд. *кук кукрэу*, қозоқ. *күкереу*, қирғ. *күркүроэ*, қумиқ. *коъкюрев*, нўғай. *куъотирев*, турк. *гок гурултусу*, ўзбек. *момақалдироқ*, уйғур. *гулдурмэ*, ҳакас. *кугурт*, чуваш. *аслати*, ёқут. *чағылған* каби.

Яшин сўзининг асоси ҳам – аслида тақлидий сўз. *Илдырым, жылдырым, йилдирим, йашын, жасын, яшин, яшен, чағылған, чақмоқ, чақын, чағын, чағылғын, јалкын, найзағай, айындырық, чақных, шимшек, тегри налыжы* каби қўлланган.

Қор сўзи деярлик ҳамма туркий тилларда бир хил: *қар, ҳар, қор* шаклидадир.

Айрим жўғрофий ва самовий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар ҳам энг қадимий сўзлардир. Шунинг учун бўлса керакки, бундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзларнинг кўпчилиги ҳам ифода, ҳам қўлланиш жиҳатидан деярлик барча туркий тилларда унчалик фарқланмайди:

ой – ўзбек тилида *ой*, ёқут тилида *ый*, бошқа барча ҳозирги туркий тилларда *ай* шаклидадир. Турк, уйғур тилида арабча *қамар* шакли мавжуд;

ер – ҳамма туркий тилларда айрим фонетик фарқлар билан деярли бир хил қўлланади: уйғур. *йэр*, қозоқ, қорақалпоқ. *жер*, олтой. *дъер*, тува, шор. *чер*, ёқут. *сир*, чуваш. *сер*, бошқаларида *ер*, фақат турк тилида арабча *аразы* (ал арзу) шакли мавжуд;

кўл – айрим фонетик фарқлар билан бир хил: *көл* (озарб., олтой, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғай, туркман, ўзбек, ҳакас, шор) *гөл* (турк), *хол* (тува), *кул* (татар, бошқирд), *куол* (ёқут), *кулэ* (чуваш) каби.

Шунга доир яна қуйидаги сўзларни қиёсланг:

	қуёш	юлдуз	денгиз	осмон	дала	дарё
озарб.	*күн*	*улдуз*	*дениз*	*кой*	*тарла,дуз*	*чай*
олтой	*күн*	*йылдыс*	*талай*	*теңери*	*кыра*	*суу*
бошқ.	*кояш*	*йондоз*	*деңиз*	*кук*	*кыр*	*йылга*
қозоқ	*күн*	*жулдыз*	*теңиз*	*кок*	*дала*	*өзен*
қ.қал	*күн*	*жулдыз*	*тенгиз*	*кок*	*дала*	*өзен*
қирғиз	*күн*	*жылдыз*	*дениз*	*кок*	*талаа*	*өзен*
қумиқ	*гъон*	*юлдуз*	*денгиз*	*коък*	*къир*	*чай*
нўғай	*куън*	*юлдыз*	*тенгиз*	*коък*	*кыр*	*йылга*
татар	*кояш*	*йолдыз*	*диңез*	*күк*	*дала*	*су, елга*
тува	*хун*	*сылдыс*	*талай*	*дээр*	*шөл*	*хем*
турк	*гунеш*	*йилдиз*	*деніз*	*гөк*	*тарла*	*чай*
туркм.	*гун*	*йылдыз*	*дениз*	*гөк*	*сахра,дуз*	*деря*
ўзбек	*кун,қуёш*	*юлдуз*	*денгиз*	*кўк*	*дала*	*дарё*
уйғур	*кун*	*юлдуз*	*деңиз*	*көк*	*дала*	*дарё*
ҳакас	*кун*	*чылтыс*	*талай*	*тигір*	*тарлаг*	*суг*
чуваш	*хевел*	*çалтар*	*тинес*	*тупе*	*хир*	*шыв*
шор	*күн*	*чылтыс*	*талай*	*тегри*	*пук,ачык*	-
ёқут	*күн*	*сулус*	*муора*	*халлаан*	*хонуу*	*өрус*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нарса, ҳодиса, воқеа, ҳаракат, белги ва миқдор номлари, шахс ва сўроқ маъносини англатувчи қадимги сўз ва атамалар ҳозирги туркий тиллар умумтуркий лексик қатламининг асосини ташкил қилади. Бу сўзлар туркий тилда сўзлашувчи ҳар бир жамоанинг кундалик турмушида энг кўп қўлланиладиган фаол сўзлардир. Бу сўзлар инсоннинг кундалик фаолиятидаги энг асосий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган нарса ва предмет, воқеа ва ҳодиса, ҳаракат ва ҳолат, белги ва хусусият, миқдор каби зарурий тушунчаларни англатувчи сўзлардир. *Ер, сув, ош, нон, китоб, дафтар, дарахт, тош* каби нарса ва предметни; *шамол, довул, тошқин, ўйин, кулгу, уруш, жанжал* каби воқеа ва ҳодисаларни; *кел, кет, тур, ўтир, е, ич, ухла* каби ҳаракат ва ҳолатни; *узун, қисқа, баланд, паст, шўх, чаққон* каби белги ва хусусияти; *мен, сен, у, биз, сиз, ўз, юз* каби шахс ва миқдорни билдирувчи сўзлар қиёслашнинг манбаидир.

Тилдаги, жумладан, ҳозирги туркий тиллардаги бу каби сўзларга туркум нуқтаи назаридан қараганда ҳам улар беқиёс кўп, беададдир. Масалан, борликдаги барча нарса ва предметлар, воқеа ва ҳодисалар, мавҳум тушунчалар ўз ном ва атамаларига эга. Бошқа туркумдаги сўзлар ҳакида ҳам шундай дейиш мумкин. Шунинг учун уларнинг барчасини қиёслаш доирасига киритиш қийин.

Юқорида кенг маънода нарса, ҳодиса номини англатадиган айрим умумтуркий сўзларнинг қиёси берилди. Қиёсланган сўзларнинг қиёси мавжуд бўлган фонетик ва семантик мослик ва айримликларни ҳозирги туркий тиллардаги бошқа сўзларда ҳам учратиш мумкин. Бу жиҳатдан қараганда белги билдирувчи сўзлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Туркий тилларда энг фаол қўлланадиган ва барча туркий тиллар учун бир умумийликка эга бўлган *узоқ, яқин, буюк, юксак, зўр, бўз (оқ), қора, иссиқ, совуқ* каби белги билдирувчи сўзлар ҳам фонетик ва семантик фарқ ва ўхшашликлари билангина эмас, балки турли синонимик шаклларига эгалиги билан ҳам бошқа сўзлардан ажралиб туради.

Йироқ сўзи турли фонетик шакллари билан деярли ҳамма ҳозирги туркий тилларда мавжуд, лекин ўғиз гуруҳ тилларда бу сўз ўрнини шу сўзнинг синоними *узоқ* сўзи эгаллаган бўлса, қипчоқ гуруҳ тилларда эса *олис* сўзи қўлланади. Фақат ҳозирги туркий тиллардан чуваш тилидагина бу синонимик сўзлардан бирортаси ҳам қўлланмай, этимологик жиҳатдан бу сўзлар билан боғлиқ бўлмаган *"инҗе", "инҗери", "катари", "аякри"* сўзлари ишлатилади.

Қиёланг:

олтой. *ыраак*, қумиқ. *арек*, *иракъ*, *йырак*, татар. *ерак*, татар. *ырак*, ҳакас. *ырах*, шор. *ырак*, ёқут. *ыраах*, бошқирд. *йырак*, *алыс*, қозоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жырақ, алыс, қашық, қирғиз. *ыраак, ырак, алыс*, нўғай. *эрек, алыс, узак*, қорақалпоқ. *жрак, алыс, ўзақ, қашық*, ўзбек. *йироқ, олис, узоқ*, уйғур. *йироқ, узоқ*, туркман. *йырак, ирак, алыс, узак*, озарб. *ираг, узаг*, турк. *ирак, узақ*, шор. *ырак* каби.

Тарихан *йироқ, узоқ, олис* сўзлари қадимтуркий сўзлардир, лекин уларнинг келиб чиқиши ҳақида туркшунослик адабиётида турли фикрлар мавжуд. *Йырақ//ырак* сўзи таркибига кўра икки қисмдан (*йыра-//ыра,-қ*) иборат бўлиб, биринчи қисм *узоқлик* маъносидаги феъл асос, иккинчи қисм феълдан от ясовчи қўшимча деб тахмин қилинади. Аслида бу сўзнинг қадимий асоси *йыра//ыра* шаклидаги феъл эмас, балки *йыр//жыр//ыр* шаклидаги тақлидий ўзак, *-а* тақлидий ўзакдан феъл ясовчи *(йыр//жыр+а, ыр+а), -к//-қ* эса феълдан от (кенг маънода, аслида сифат) ясовчи қўшимча бўлган бўлиши мумкин.

Узоқ сўзининг таркибини ҳам *уз-* (яна қиёсланг: *йуз, йуза, уз, ус, ус+т, уз+ра* – уядош сўзлар) ва ясовчи *-ак/оқ* қўшимчаларидан иборат бўлган деб тахмин қилинса, *олис* сўзининг келиб чиқиши ҳақида бирор аниқ фикр айтиш қийин.

Яқин сўзининг келиб чиқиши ҳақида ҳам деярлик шундай *(йак-//йақ-+ин//+ык)* фикр берилади.

Яқин сўзи турли шаклларда деярлик ҳамма ҳозирги туркий тилларда мавжуд: озарб. *яхин*, бошқирд. *яқин*, қозоқ, қорақалпоқ. *жақын*, қирғиз. *жақин*, татар, туркман. *яқин*, турк. *йақин*, ўзбек. *яқин*, уйғур. *еқин*, ҳакас. *чағын*, шор. *чағын*; олтой. *йуук, дъук*, қирғиз. *жуук*, қумиқ. *ювукъ*, нўғай. *ювык*, тува. *чоок*, чуваш. *сывах*, ёқут. *чугас* каби. Кўринадики, *яқин, ёвуқ* сўзлари фақат ёқут ва чуваш тилларини ҳисобга олмаганда, ҳамма туркий тиллар учун умумийдир.

Ўзбек тилида баланд маъносида қўлланиладиган сифатлар бир нечта бўлиб, шулардан энг фаол учрайдигани *буюк // байик // бейек...* сўзларидир.

Қаранг: озарб. *йуксәк, уча, hүндүр*, олтой. *бийик*, бошқирд. *бейик*, қозоқ. *биік*, қорақалпоқ. *биик, бәлент*, қирғиз. *бийик*, қумиқ. *бийик*, нўғай. *бийік*, татар. *биек*, тува. *бедик*, турк. *йуксек*, туркман. *бейик, белент*, ўзбек. *баланд, юксак*, уйғур. *бэлэнд, эгиз*, ҳакас. *позік*, чуваш. *сулее*, шор. *мөзук*, ёқут. *үрдүк*.

Кўринадики, *буйук* сўзи ҳамма туркий тилларда турли фонетик шаклларда мавжуд бўлиб, *баланд, катта, улуғ* каби маъноларни англатади.

Ўзбек, уйғур, ёқут тилларида *буюк* сўзининг ўрнини бошқа сифатлар эгаллаган: *баланд, егиз, урдук* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаранг: ўзб. *баланд уй, баланд тоғ*; уйғ. *егиз өй, егиз тағ*; ёқут. *үрдүк дьиэ, үрдүк хая*.

Озарбайжон, турк, чуваш тилларида эса: озарб. *уҗе//һундур эв, уҗе//һундур даг;* турк. *йуксек ев, йуксек даг;* чув. *ҫуле ҫурт, ҫуле ту* каби.

Чуваш тилида *буюк* сўзининг бундан ташқари *пысак, асла* (аслы) шакллари (*пыак журт, аслы аппа*) учраса, айрим тилларда *улуғ, улкен, зор, чоң, јаан* шакллари мавжуд.

Нарса ва предмет, воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаракат ва ҳолатини англатадиган сўзлар ҳозирги туркий тиллар лексикасида салмоқли ўрин эгаллайди.

Туркий тилларда феъллар анъанавий равишда ҳаракат ва ҳолат феълларига ажратилади, лекин бу туркий тиллардаги феълларнинг туб семантик айирмаси бўла олмайди, чунки туркий тиллардаги ҳар қандай феъл ҳам ҳаракат, ҳам ҳолат тушунчаларига эга бўлади.

Масалан, ўзбек тилидаги *ўтирмоқ, ухламоқ* каби феълларни шартли равишда ҳолат феъллари деб юритилса ҳам, бу феълларнинг семаник негизида ҳаракат тушунчаси ҳам бор. Демак, ҳар қандай ҳаракат феъли семантикасида ҳолат, ҳар қандай ҳолат феъли семантикасида ҳаракат тушунчаси мавжуд. Барча қиёсланаётган сўзлар сингари ўзак феъллар ҳам айрим фонетик шаклларига эгалиги ҳолда барча туркий тилларда деярлик бир хил қўлланади.

Бор феъли олтой, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғай, татар, тува, турк, уйғур, ёқутда *бар*; ўзбек. *бор*: озар. *вар*: ҳакас, шор. *пар;* чуваш. *пыр*.

Семантик хусусиятига кўра ҳам бу феъл деярлик ҳамма туркий тилларда *бормоқ* маъносини беради, лекин ҳамма сўзлар сингари туркий ўзак феъллар ҳам кўп маънолилик хусусиятига эга. Масалан, турк тилида "*косайа вармак*" (турмушга чиқмоқ), татар тилида "*кияуга бару*" (куёвга тегмоқ) "*вармак*" ва "*бару*" сўзларининг семантикасида ўзгариш юз берган.

Ҳаракат субъектининг маълум ўриндан узоқлашиши, "*кетмоқ*" маъносида қўлланиши фақат турк, татар, озарбайжон тилларида эмас, балки Сибирь туркий тиллари (олтой, тува, ҳакас, шор, ёқут)да ҳам учрайди.

Қиёсланг:

тиллар	бормоқ	кетмоқ	тиллар	бормоқ	кетмоқ
озарб.	*вар*	*кет*	тува	*бур*	*бар*
олтой	*бар*	*бар*	турк	*вар*	*гит*
бошқ.	*бар*	*кит*	туркман	*бар*	*гит*
қозоқ	*бар*	*кет*	ўзбек	*бор*	*кет*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жадвалнинг давоми

қ.қалп.	*бар*	*кет*	уйғур	*бар*	*кет*
қирғ.	*бар*	*кет*	ҳакас	*пар*	*пар*
қумиқ	*бар*	*гет*	чуваш	*пар*	*кай*
нўғай	*бар*	*кет*	шор	*пар*	*пар*
татар	*бар*	*кит*	ёқут	*бар*	*бар*

Қайт феъли бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек, уйғурда: *қайт*; нўғай, татар. *қайт*; қумиқ. *къай*; озарб. *гайыт*; туркман. *қайт* шаклларида семантик жиҳатдан умумтуркий *қайтмоқ* маъносига мос келади.

Озарбайжон, турк, ёқут тиллари бу соҳада алоҳида вазиятга эга. *Қайтмоқ* маъноси турк тилида *дөнмак*, ёқут тилида *төнун* (*дөнмак*, *төнун* сўзлари ўзаклари бир *төн//дөн*) сўзлари орқали ифодаланади. Чуваш тилида бу маънода *тавэрэн* феъли қўлланади.

Де феъли ҳамма туркий тилларда мавжуд. Бу феъл қадимтуркий ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган. Демак, у – қадимтуркий сўзлар намояндаси. Товуш хусусиятига кўра турли тилларда қисман фарқли, лекин кўпчилик туркий тилларда бу феъл жарангли *д* ундоши билан бошланади. *Де* феълининг энг қадимги шакллари *т* жарангсиз ундоши билан бошланган.

Де феъли ҳозирги туркий тилларда қуйидаги фонетик шаклларга эга:

1) озарб. *де*, гагауз. *де*, турк. *де*, туркм. *дий*;

2) бошқирд. *ти*, қозоқ. *де*, қорақалпоқ. *де*, қирғиз. *де*, қумиқ. *де*, нўғай. *де*, татар. *ди*;

3) ўзбек. *де*, уйғур. *де*;

4) олтой. *де*, ҳакас. *ті*, тува. *де*;

5) ёқут. *диэ*;

6) чуваш. *те*;

7) қадимги ёзма ёдгорликларда *тэ* каби.

Бошқа ҳамма ҳолатларда *де* феъли равишдош шаклида кўчирма гапда муаллиф гапи билан кўчирма гапни боғловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМИ

Жамиятнинг тараққиёти билан бирга тил доим тараққий этиб, ўзгариб туради. Тилнинг энг ўзгарувчан қисми унинг лексикасидир. Тилнинг фонетик тизими ва грамматик қурилишида эса ўзгариш жуда секинлик билан юз беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилнинг луғат таркиби ўсиши ва ўзгаришининг турли омиллари мавжуд:

1) луғат бойлигининг ўзгариши энг аввало тилнинг ўз ички имкониятлари асосида юз беради, турли усуллар билан янги сўзлар ҳосил бўлади, ясалади, сўзнинг ички семантикасида ўзгариш юз бериб, унинг маъносида дифференцияланиш содир бўлади, сўзнинг ҳар бир янги маъноси янги сўз ҳосил қилади;

2) адабий тил ва унинг таркибидаги диалектлар ўртасида доимий муносабат, алоқа мавжуд бўлади, бу алоқа диалектлар таркибидаги айрим сўзлар ҳисобига адабий тил луғат бойлигини ошириб боради;

3) қариндош халқлар ўртасидаги доимий ижтимоий, сиёсий, маданий ва ишлаб чиқариш алоқалари тиллар ўртасидаги алоқани ҳам кучайтиради, бундай алоқалар ҳар иккала тил ва тиллар ўртасидаги лексик алмашинувга катта имконият яратади;

4) ноқариндош халқлар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқалар тиллар ўртасидаги алоқани ҳам вужудга келтиради ва бу кўпинча бир тилда, баъзан эса ҳар иккала тилда ҳам лексик олинмаларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Туркий тиллар лексикасининг ўзлашган қатлами ана шу сўнгги ноқариндош халқлар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда ҳудудий яқинликнинг натижаси сифатида, аввало, тиллар ўртасидаги алоқа ва яқинликнинг шаклланиши ва ривожланиши, кейинчалик эса муносабатдаги ҳар икки тил ва тилларарo лексик олинмаларнинг ўсиб бориши, ривожланиши ва ниҳоят, муносабатдаги ноқариндош тиллар лексикасининг ўз қатлами билан бирга ўзлашган қатламини вужудга келтиради.

Лексикада ўзлашган қатламнинг пайдо бўлиши ҳам доим бир хил усулда юз бермайди, ўзлаштириш сабаблари характери жиҳатидан ҳар хил бўлади:

1. Ноқариндош эллар ва тилларнинг тенглиги асосида. Бу ўзаро алоқадаги халқларнинг ҳудудий яқинлиги, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва кундалик турмуш шароитларининг умумийлиги асосига қурилади, буларнинг барчаси тилда ўз ифодасини топади, жуда узоқ тарихий жараёнда алоқадаги тиллар ўртасида лексик олинмалар ўсиб, ривожланиб боради, тиллар таркибида янги – ўзлашган қатламни шакллантиради.

Масалан, ўзбек тили лексикасиқ таркибидаги тожик-форс сўзлари ўзбек ва тожик халқларининг, озарбайжон тили таркибидаги тожик-форс сўзлари озарбайжон ва курд (эрон) халқларининг, уйғур тили таркибидаги хитой, мўғул элементлари уйғур ва хитой, мўғул халқлари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтой ва Шарқий Сибирь туркий тиллари таркибидаги мўғул элементлари шу халқларнинг ва тилларнинг азалий алоқалари натижасидир. Буни уйғур тили таркибидаги хитойча *бан* > *банг* – эълонлар тахтаси, жар солиш, бонг урмоқ: *чжан* > *занг//жанг* (чалмоқ): *цзичэ* > *жиче* – машина, паровоз; *чафан* > *чафанг* – чойхона; *чанчэн* > *чангчанг* – буюк хитой девори; *чэцзэ* > *чези* – харва, арава; *хуар* > *хуаргул* – гул: *даҳанъцзи* > *даханза* – узун одам: *цзинча* > *сингчай* – кўк чой: *шанъцзи* > *шанзи* – елпигич: *қапяо* > *қапыйа* –қашқар пули: *гунши* > *гонши* – элчи: *лянмянь* > *лэнгмэн* – лағмон; *ли* > *ли* – узунлик ўлчови; *мяньцзи* > *мэниз* – юз, афт; *юаньбио* > *йамбу* –олтин, кумуш қуймаси каби мисоллар орқали изоҳлаш мумкин.

2. Ноқариндош қавмлар ва халқлар ўртасидаги ташқи зиддиятлар, ўзаро босқинчилик урушлари, ғолиб ва мағлуб қавм ва халқларни, мамлакатларни вужудга келтиради. Ғолиб мамлакатларнинг мағлуб мамлакатлар устидан ҳукмронлиги мағлуб мамлакат элат ва халқларининг ижтимоий турмуш шароити, урф-одат ва маданиятига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Бу, даставвал ғолиб ва мағлуб халқлар тилларида ўз аксини топади, чунки ғолиб мамлакат ҳукмронлари босиб олинган ҳудудларда ўз тилини ҳукмрон тил даражасига кўтаришга, давлатни бошқаришни ўз тилларида олиб боришга, ёзув ва ёзма ҳужжатларни ўз тили ҳисобига ўзгартиришга интилади. Натижада бир тил лексикасида иккинчи тил лексикасига оид янги сўзлар, дублетлар пайдо бўла бошлайди ва даврлар ўтиши билан тобора кенгая боради, мағлуб тиллар лексикасида ўз қатлами билан ёнма-ён ўзлашган қатлам вужудга келади.

Ҳозирги туркий халқлар ва туркий тиллар ҳам худди шундай тарихий жараёнларни бошдан кечирган.

Туркий ва нотуркий халқлар ҳамда уларнинг тиллари ўртасидаги муносабат узоқ тарихий жараёнда ҳамма халқлар ва тиллар учун бир хил бўлмаган. Агар ҳозирги туркий тиллар лексик олинмалар қатламига назар ташланса, Сибирь туркий тиллари таркибида кўпроқ Хитой, мўғул, рус сўзларини, Ўрта ва Марказий Осиё туркий тилларида араб, форс-тожик ва русча сўзларни, турк тили таркибида араб, эрон, Волга бўйи тилларида асосан араб ва рус, қисман эрон, Шимолий Кавказ туркий тилларида эса, асосан араб ва рус сўзларини учратиш мумкин. Бу бир томондан бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги туркий тилларнинг ўзлашган қатлами таркибидаги хўжалик, сиёсий-иқтисодий турмуш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ атамалар; диний, маданий-маиший ва илмий атамалар; мавҳум тушунчаларни номловчи атамаларнинг кўлами жиҳатидан ҳам бир хил эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий ва нотуркий тиллар ўртасидаги ана шу муносабатлар ва лексик олинмаларнинг хусусиятларига кўра уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Туркий тиллар ва мўғул, хитой тиллари.
2. Туркий тиллар ва араб тили.
3. Туркий тиллар ва форс-тожик тиллари.
4. Туркий тиллар ва рус тили.

Туркий тиллар ва мўғул, хитой тиллари

Ҳозирги туркий тиллар лексикасининг ўзлашган қатламининг маълум қисмини мўғул тилидан олинган сўзлар ташкил қилади.

Бунга асосий сабаб, бир томондан, ўтмишда турк, мўғул, тунгус-манжур уруғ ва қабилаларининг генетик (келиб чиқиш) бирлиги бўлса, иккинчи томондан, кейинги даврларда туркий қабилалар уюшмалари ва элатлари яшайдиган деярлик бутун ҳудудларнинг мўғуллар томонидан истило қилинишидир.

Сўз қабул қилишда мўғул тилининг нуфузи ҳамма туркий тилларда бир хил эмас, ҳамма туркий тилларни назарда тутганда, мўғул тил элементлари нисбатан, қирғиз, уйғур, олтой, тува, ёқут ва ҳакас тилларида кўпроқ сақланиб қолган дейиш мумкин, чунки бу халқлар мўғул ва туркий қабила ҳамда элатларнинг алоҳида уруғ ва қабилалар уюшмалари сифатида ажралиб чиқишидан кейин ҳам мўғул уруғ ва қабилалари уюшмалари билан ҳам ҳудудий, ҳам иқтисодий турмуш шароитларига кўра ўзаро яқин бўлган. Шунинг учун бошқа туркий тилларда мўғул тилига хос айрим этноним ва топонимлар сақланиб қолгани ҳолда мўғулларга яқин туркий тилларда кишиларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган сўзларни ҳам кўп учратиш мумкин.

Масалан: мўғулда *тал* (чўл) – қирғиз. *тала*; олтой. *чоол;* тува. *шол*; уйғур. *чөл*. Мўғулда *тэнгэр* (осмон) – тува. *дээр*; уйғур. *тэнгри*; ҳакас. *тигір*; шор. *тэгри*; бошқа туркий тилларда *кўк, осмон*. Мўғулда *мөс// мөсөн* (муз) – қирғиз. *мөз*; нўғай. *буз*; ҳакас. *пус*; шор. *мус*; ёқут. *муус*; бошқа туркий тилларда *муз//буз* каби.

Мўғул ва деярли барча туркий тилларда *хара//қара, алтан//алтын, ајран// айран, аха//оға, ара//арал, балту//болта, зил//жыл//йыл, алаг//ала, байан//бой, сара//сары, миңгон//минг* (1000) каби кўплаб сўзлар параллел ҳолда қўлланади, лекин бу сўзларнинг ҳаммасини мўғул тилидан туркий тилларнинг олинмалари деб эмас, балки бу каби сўзлар ўтмишда мўғул ҳамда туркий уруғ ва қабила тилларида бир вақтда ва бир хил пайтда бўлган деб қаралиши керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий элат ва халқлар яшайдиган ерлар, ҳатто, Аму соҳилларигача мўғуллар томонидан истило қилинганда ҳам мўғул империяси ҳукмдорлари туркий тилларга тазйиқ ўтказа олмаган. Улар босиб олинган ерларда талончилик ва вайронгарчилик билан шуғулланган. Бу даврлардаги туркий халқлар ижтимоий турмуш шароити, урф-одати, маданияти, санъати ва архитектураси, ёзув тили ва адабиёти жиҳатидан мўғулларга нисбатан мутлақо устун бўлган. Мўғуллар ўзлари эгаллаб олган жойларда ҳеч нарса қурмаган, фақат бузган. Бу ҳақда машҳур венгер туркшунос тилшуноси Х.Вембери мўғуллар туркларга тил ўргатмади, балки улардан ўрганди, деганида ҳақли бўлган.

Туркий тилларда мўғул тилидан олинмалар ҳақида яна қуйидаги сўзларни қиёсланг:

	бўсаға	осмон	дўл	кумуш	буғ
мўғул	*босго*	*тэнгер*	*мөндор*	*мөң*	*уур*
тува	*бозага*	*дээр*	*мөндур*	*мөңун*	-
олтой	*бозого*	*тенери*	*мөндур*	*мөңун*	-
қ.қалп.	*босага*	-	-	-	-
қирғиз	*босого*	-	*мөндур*	-	-
қумиқ	*посағьа*	-	-	-	-
татар	*босага*	-	-	-	-
турк	*босого*	-	-	-	-
ўзбек	*бўсаға*	-	-	-	-
уйғур	*босуға*	-	-	-	-
ҳакас	-	*тигэр*	*тасминдар*	-	*оор*
шор	*позага*	*тэгри*	*мундур*	-	-
ёқут	*модъого*	*таңаре*	-	*мөңгун*	-

Яна қаранг:

мўғул	тува	олтой	ҳакас	ёқут	қирғиз	бошқа тиллар
хаан	*хаан*	*каан*	*хан*	*хан*	*хан*	*хон*
бөөр	*буурек*	*бөрөк*	*пурек*	*буөр*	*бөрөк*	*буйрак*
серуун	*сериин*	*серуун*	*сөрөн*	*серуун*	-	*салқин*
салаа	*салаа*	*салаа*	*салаа*	*салаа*	*салаа*	*оқим*
овоо	*оваа*	*обоо*	*обаа*	-	-	*қишлоқ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тиллар луғат таркибида у қадар кўп бўлмаса ҳам, хитой тилидан олинган сўзларни ҳам учратиш мумкин.

Хитой ва туркий тиллар ўртасидаги алоқа ҳам жуда қадимий бўлиб, ҳали қадимги кўчманчи туркий қабила ва элатлар ғарбга томон силжимасдан олдин, мўғул ва туркий қабилалар хитойликлар билан бевосита алоқада бўлган пайтларда мавжуд бўлган. Ҳозирги туркий тилларда учрайдиган *занг* < хитой *jand*, *чой* < хитой *ча*, *тайша* (хон) < хитой *таи тцу*, *чанақ* (идиш) < хитой *чан*, *гонши // қонши // қўшни* < хитой *гунши*, *йомби* < хитой *юаньбао* каби олинмаларга шундай деб қараш керак.

Туркий тиллар ва араб тили

Араб тили лексикаси барча туркий тилларнинг ўзлашган қатлами сифатида X асрлардан бошлаб бутун туркий ҳудудлар араблар томонидан босиб олингандан кейин ёппасига кириб кела бошлади. Бу даврларда араб тили фақат арабларнинг ўзи учун эмас, балки барча араб давлатлари ҳамда араблар томонидан босиб олинган ерлар халқлари учун ҳам дин, фан, мактаб ва маҳкамалар тилига айланиб қолган эди.

Араб тили дунёдаги ўзлаштирилиши энг оғир бўлган тиллардан бири эди. Шундай бўлишига қарамасдан, араблар ўзлари босиб олган давлатлар ерли аҳолисини мажбуран ислом динига киритди, муқаддас Қуръон тилини босиб олинган ерлардаги барча мавжуд мактаб ва мадрасаларда она тили ўрнида асосий давлат тили сифатида ўқитишга ва ўргатишга эришди.

Араб тили лексикасини ўзлаштириш ҳамма жойда ҳам бир хил кечмади. Туркия, Қозон, Астрахань, Қрим хонликлари, Озарбайжон ва Эрон каби ўз ёзуви, ёзма адабиёти мавжуд бўлган ва фан тараққий этган ҳудудларда араб тили лексикаси асосан ёзув ва ёзма нутқ орқали ўзлаштирилган бўлса, ўз ёзувига эга бўлмаган халқлар ўзлаштиришнинг оғзаки шаклидан фойдаландилар. Баъзи тиллар араб тили лексикасини бевосита арабларнинг ўзидан қабул қилган бўлса, қозоқ, қорақалпоқ тилларига ўзбек ва тожик тиллари орқали қабул қилинди.

Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар ҳамма туркий тилларда кўлами жиҳатидан ҳам бир хил эмас, чунки X–XI асрлардаёқ Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий каби буюк алломалар ўз илмий асарларини араб тилида яратган бўлсалар, айрим тилларда араб тилига оид айрим сўзларгина мавжуд бўлиб, араблар томонидан истило қилинмаган, ислом динини қабул қилмаган Шарқ туркий тилларида арабча сўзлар деярли йўқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда араб тилидан олинган сўзларни маъноларига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

диний тушунчаларни англатувчи атамалар: *охират, акырат, ахырат, агырат; Оллоҳ, Алла, Аллаҳ; амин, омин, аумин, авмин; таҳорат, дарет, тэрет, тэрэт; имон, иман, ийман, ыйман; масжид, мачит, мечет, ислом, ислам* каби;

илмий абстракт атамалар: *ақлли // акыллы // агыллы; одил // адил // эдил; адаб // ажап // ажайып, аҳвол // аухал // ахуал; абжад // абжат, эбджит; олам // элам // алам; гайрат // гайрат // кайрат; давлат // давлет; таъм // там // дем // деме // деми; дунйо // дунё // дунйа // дуйна; қодир // кэдир // қадир; хайр // хайыр // қайыр; маъно // мэни // маны // мени // мэне; тақдир // тағдыр // тақтыр; вақт // уағ // уақт // уғағыт // уақ // уат // уахт; шафоат // шаппат // шапаат // шапағат;*

иқтисодий ишлаб чиқариш атамалари: *қассоб//қассап; мол//мал; меҳнат//мийнат; фойда//пайда;*

ижтимоий-сиёсий атамалар: *ариза//арза//арзы; гариб//гарыб: жамият//жамийат; золим//залым//зулум;*

грамматик маъно ифодаловчи атамалар: *ва//ве; асло//асла// хасла; алгараз//алгарез; албатта//албетте* каби;

аниқ атамалар: араб. ***бәдән*** – озарб. ва қ.қалпоқ. *бедән, беден*; турк. *беден*; туркман. *беден*; ўзбек. *бадан*; уйғур. *бәдән*; бошқа туркий тилларда *тән//тана//дене*. Араб. ***сумбуле*** – озарб. *сумбул*; турк. *сумбула*; туркм. *сумбул*; бошқа тилларда *бошоқ//масақ//баш*. Араб. ***ҳаво*** – ўзбек. *ҳаво*; озарб., бошқирд, қ.қалпоқ, татар, турк, уйғур. *ҳава*; туркман. *хава*; қумиқ. *гьава*; қозоқ, қирғиз, нўғай. *ава*. Араб. ***саҳро*** – озарб. *сэҳра*, турк. *саҳра*; туркм. *сәҳра*; ўзбек. *саҳро*; қозоқ. *саҳара*; қ.қалпоқ. *сахра*, бошқа тилларда *чўл//дала*. Араб. ***гоил*** (аёл) – қорақалпоқ. *ҳаял*; туркман *аял*; ўзбек. *аёл*; қозоқ. *эйел*; қирғиз. *аял*; уйғур. *айал*. Араб. ***аврат*** (аёл) – озарб. *арват*, эр – *аврат*. Арабча ***заъиф***, ***заъифа*** сўзлари ҳам шу маънода айрим туркий тилларда қўлланилади.

Туркий тиллар ва форс-тожик тили

Туркий тиллар (хусусан, ўзбек, озарбайжон) ва тожик-форс тиллари ўртасидаги муносабат жуда қадим замонлардан бошланган, чунки Марказий ва Ўрта Осиё, Эрон Озарбайжони (қурдлар)да туркий ўзбек ва озарбайжонлар форс ва тожиклар билан бирга яшаб келган.

Туркий ва тожик тиллари ўртасидаги алоқа тенглик ва тинчлик асосида юз берган, шубҳасиз, яшаш ҳудудлари бир бўлган ўзбек (қисман қарақалпоқ, туркман), озарбайжон, форс ва тожик халқларининг иқтисодий турмуш шароити, ишлаб чиқариш, фан ва маданияти,

www.ziyouz.com kutubxonasi

санъатида ҳам умумийлик бўлган, бу уларнинг урф-одатлари, оилавий муносабатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Туркий тиллардаги форс-тожик олинмаларининг манбаи асосан ривожланган форс-тожик адабий тили бўлган. Ўрта Осиёнинг мўғуллар истилосигача бўлган даврида Қорахонийлар ва Хоразм давлатлари адабий тили, ундан кейин эса Олтин Ўрда ва Темурийлар давлати адабий тили ҳамда илмий-адабий алоқалари туркий тиллар лексикаси таркибидаги форс-тожик олинмаларининг асоси бўлган.

Туркий халқлар ва форс-тожик халқлари, туркий тиллар ва форс-тожик тиллари ўртасидаги азалий алоқа ва муносабатни фақат ўзбек ва тожик халқлари, ўзбек ва тожик тиллари ўртасидаги муносабатлар орқали яққол изоҳлаш мумкин. Маълумки, Тожикистоннинг бутун жанубий ҳудудлари (Вахш ва Кофарниҳон водийларидаги Қўрғонтепа, Кабадиён, Жиликўл, Шаҳартуз ноҳиялари) ва Хўжанд вилоятида, Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Наманган, Термиз каби марказий шаҳарлари ва Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг кўпгина ҳудудларида ўзбек ва тожиклар бирга яшашади. Бу бирлик асосидаги ўзбек ва тожик ўзаро оғзаки мулоқоти Бухоро, Самарқанд (XIV–XV асрлардаёқ Ҳирот, Исфаҳон, Қандаҳор, Балх) шаҳарларида ўзбек ва тожик иккитиллилигини шакллантирган бўлса, кўп асрлар давомидаги буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Муқимий ва Муҳйи, Садриддин Айний ва Ойбеклар ўртасидаги илмий-адабий ҳамкорлик ва зуллисонайнлик, Темурийлар даври ва кейинчалик Бухоро, Қўқон хонликларида давлат-идора ишларининг икки тилда олиб борилиши, шубҳасиз, ҳар икки тилнинг ҳам фонетик, лексик-грамматик равнақига самарали таъсир кўрсатган. Шунинг учун форс-тожик тилининг ўзбек тилига таъсирини фақат ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасида эмас, балки унинг товушлар таркибида, грамматик қурилишида ҳам кўриш мумкин.

Форс-тожик олинмалари ҳамма туркий тилларда бир хил эмас, асосан ўзбек, уйғур, озарбайжон тилларида учрайди, қорақалпоқ, қозоқ, туркман тиллари ҳам мавжуд олинмаларни бевосита форс-тожик тиллари орқали эмас, балки ўзбек, уйғур тиллари орқали қабул қилган. Буни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин:

	осмон	дарё	калла	бечора	баланд	гул	наботот
озарб.	-	-	*кәллә*	*бичара*	-	*кул*	-
олтой	-	-	-	-	-	-	-
бошкирд	-	-	-	*бисара*	-	*гол*	-
қозоқ	*аспан*	-	-	*бичара*	-	*гул*	-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жадвалнинг давоми

қ.қалп.	аспан	дарья	-	бичара	балант	гул	-
қирғиз	асман	дария	-	-	-	гул	-
қумиқ	-	-	-	-	-	-	-
нўғай	-	-	-	-	-	-	-
татар	-	-	-	-	-	-	-
тува	-	-	-	-	-	-	-
турк	-	-	-	-	-	-	-
турк	асмон	деря	келле	-	белент	гул	-
ўзбек	осмон	дарё	калла	бечора	баланд	гул	наботот
уйғур	осмон	дарья	кәллә	бичаре	баланд	гул	-
ҳакас	-	-	-	-	-	-	-
чуваш	-	-	-	-	-	-	-
ёқут	-	-	-	-	-	-	-

Жадвалдан кўринадики, форс-тожик олинмалари олтой, қумиқ, нўғай, татар, тува, ҳакас, чуваш, ёқут тилларида ҳеч учрамайди, бошқирд, турк тилларида фақат бир мартадан қайд қилинади, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам кам.

Буни яна қуйидаги рўйхатдан ҳам кўриш мумкин:

ўзбек	уйғур	қ.қалпоқ	қозоқ	туркман
нав	-	-	-	-
шер	щер	-	-	шер
лаб	ләб	-	-	-
кафт	даст	-	-	-
банд	бәнд	бәнт	-	-
гўшт	гошт	гөш	-	-
коса	кәсә	кесе	-	гаса
гадо	гедей	кедей	-	гада
дўст	дост	дос	дос	-
сарой	сарай	-	-	-
анор	анар	анар	-	аанар
бозор	бәзәр	базар	базар	баазар
-	-	гоза	-	-
дон	дән	ден	дене	дэн
хирмон	-	қырман	кырман	-
пахта	пахта	пақта	макта	пахта
пилла	пилла	пиллэ	-	пиллэ
пиёз	пъйаз	пъйаз	пыйаз	пыйаз

www.ziyouz.com kutubxonasi

жадвалнинг давоми

чинни	*чинни*	*шини*	*шыны*	-
армон	*әрмән*	*арман*	*арман*	*эрман*
осмон	*асман*	*аспан*	*аспан*	*асман*
бахт	*бахт*	*бахыт*	*бахит*	*бэгит*
даркор	*даркор*	*даркәр*	-	-
дуруст	*дуруст*	*дуруст*	-	-
мардона	*мардәна*	*мәрдәнә*	-	*мардана*

Туркий тиллар ва рус тили

Рус тили ва туркий тиллар муносабати, ўзаро алоқаси ҳақида гап борганда, рус тили билан барча туркий тиллар алоқасини умумий тавсифлаш имконияти йўқ. Чунки бу жараён ҳам давр хусусиятига кўра, ҳам ҳар бир туркий халқнинг рус халқи билан алоқасига кўра турли хусусиятларга эга.

Бир неча мисоллар:

1. Турк халқи билан рус халқи қадим замонлардан ёндош яшаган бўлсалар ҳам, турк тили билан рус тили ўртасида яқин алоқалар бўлмаган. Шунинг учун ҳозирги турк тилида русча олинмаларга нисбатан араб, инглиз, француз ва бошқа Оврўпа тилларидан қабул қилинган сўзлар устунликни ташкил қилади.

2. Рус халқи Волга бўйи халқлари (татар, чуваш, бошқирд) билан узоқ асрлар ижтимоий-иқтисодий алоқада бўлиб келган. Бу татар, бошқирд тиллари ва рус тили муносабатида ҳам ўз ифодасини топган.

3. Руслар томонидан Шарқий Сибирнинг илк асрларда ўзлаштирилганлиги учун ўша жойлар ерли халқлари тилига рус тили жуда катта таъсир кўрсатган. Бу шу даражада бўлганки, XX аср ўрталарида қарийб ёқут ва рус, ҳакас ва рус иккитиллилигининг шакллана бошлашига ҳам сабаб бўлган.

4. Гагауз тили жуда мураккаб жараённи бошдан кечирган. Гагаузлар XVII аср охири ва XIX аср бошларида алоҳида туркий этник гуруҳ сифатида ҳозирги Украина, Болгария, Молдавия ҳудудларида яшаган. Келиб чиқиши ноаниқ бўлса ҳам, тил хусусиятига кўра ўғиз гуруҳ тиллар қаторига киритилган гагаузларнинг узоқ асрлар болгарлар билан, XIX аср бошларидан Биссарабияда Молдаванлар билан, XIX аср охирларида руслар билан, 1918–1940 йиллар Биссарабия Руминия томонидан босиб олингач, руминлар билан ва, ниҳоят 1940 йилдан яна руслар билан бирлашиши гагауз "иккитиллилиги" эмас, балки гагауз "кўптиллилигини" юзага келтирган. Шунинг учун гагауз тили лексик

www.ziyouz.com kutubxonasi

таркибида туркий ўз қатлам билан бирга рус, болгар, румин, молдаван тилига хос ўзлашган қатлам мавжуд. Лекин эътироф қилиш керакки, шундай мураккаб тарихий жараёнда гагауз тилининг ўз мустақиллигини сақлаб қолишини ҳақиқий қаҳрамонлик дейиш мумкин.

5. Тува ўлкаси 1940 йилда собиқ Иттифоқ таркибига киргунча Мўғулистон ҳукмронлигида бўлган. Шунинг учун тува тилида яқин йилларгача ўзлашган лексик қатламни, асосан, мўғул тили элементлари ташкил қилган. Тува тилига рус тили олинмалари 1940 йилдан сўнг Тува ўлкасида лотин графикасидаги ёзув ва орфографиянинг ташкил қилиниши, мактаб ва маорифнинг ривожланиши, дастлаб мактаб дарсликлари чоп этилиши, ҳукумат қарорлари, фан-техникасига доир айрим илмий адабиётларнинг пайдо бўлиши натижасида ёппасига кириб кела бошлади ва жуда қисқа вақт ичида тува тилидан мўғул олинмаларини сиқиб чиқариб, рус тили ва рус тили орқали бошқа Оврўпа тилларидан киритилган олинмалар тува тилининг асосий лексик олинмалар қатламига айланиб қолди.

6. Озарбайжон ва руслар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар XIX асрда ҳам мавжуд бўлиб, эски озарбайжон тилида ҳам рус тили олинмалари маълум ўрин олган, лекин Шимолий Кавказ ўлкасидаги бошқа туркий тиллар (қорачой, балқар) ва ҳозирги озарбайжон тилига рус тили олинмалари 1920–1930 йиллардан бошлаб кириб кела бошлаган.

7. Бу жараён ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва олтой тилларида ҳам ўзига хос хусусиятига эга. XIX аср II ярмида Ўрта Осиё ва Олтой ўлкасининг кўп қисмининг Русия қарамоғига ўтиши ва ўша давр хонликларида Русия билан қисман иқтисодий-ижтимоий алоқаларнинг юзага кела бошлаши, ўзбек, қирғиз тилларига иқтисодий муносабатлар ва ишлаб чиқаришга доир айрим русча сўзлар (*завод, гиназия, бўлис, пристав, губерна* каби) кириб кела бошлаган, лекин олтой, туркман ва қорақалпоқ тилларида русча олинмалар 1930 йиллардан кейинги давр маҳсулидир.

Ривожланган ва мукаммал ёзма адабий тил шаклларига эга бўлган турк, чуваш, татар, бошқирд, озарбайжон, ўзбек, қирғиз тилларини ҳисобга олмаганда ҳозирги барча мавжуд туркий тиллар 1920–1930 йиллардан кейин равнақ топди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бунга барча туркий халқларнинг собиқ Иттифоқ таркибига киритилиши, уларнинг сиёсий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, маданий ва кундалик турмуш шароитларидаги кескин ўзгаришлар уларнинг тилида ҳам ҳар бир туркий тилнинг ўзига хос тарзда ўз ифодасини топди, барча туркий тилларнинг ижтимоий функцияси (вазифаси)да ўзгариш, янгиланиш юз берди.

Бу ўзгариш ва янгиланишлар асосан қуйидагилар билан характерланади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ҳамма туркий ўлка ва республикалар миллий адабий тилларининг функционал (вазифавий) аҳамияти кенгайди.

2. Миллий тилларнинг луғат таркиби мисли кўрилмаган тараққиёт даражасига кўтарилди.

3. Миллий тиллар фонетик тизими ва грамматик қурилиши тараққиётида силжиш юз берди.

4. Ҳар бир туркий адабий тилда янги-янги тил услублари шаклланди.

Бу янгиланиш ва ўзгаришлар ҳаммадан олдин ҳар бир туркий адабий тилнинг лексик қурилишида намоён бўлди. Ҳамма туркий тиллар тилда пайдо бўлаётган янги тушунчалар ва предмет номларини ифодалаш учун рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кириб келган янги олинмалар ҳисобига жадаллик билан ўсиб-ўзгариб борди: туркман тилида *совет, министр, республика*; бошқирд. *экзамен, партия, политика*; татар. *документаль, реактив*; чуваш. *законсарлах* (беззаконие), *пассивлах* (пассивность); қ.балқар. *авторлук, законлук, агрардык, отчеттых*; қирғиз. *таланттүү*; чуваш. *опытла* (опытный); тува. *массалыг* (массовый); бошқирд. *шахматсы*; туркман. *фронтдаш, полкдаш*; қирғиз. *дифомациялоо*; балқар. *анализел* (анализлаш); чуваш. *сортла* (сортировать); туркман. *планлаштырыш* каби.

Ҳозирги туркий тилларда рус тилидан олинган сўзлар икки усулда қабул қилинган:

1. Русча сўзларни тўғридан-тўғри ўз шаклини ўзгартирмаган ҳолда. Масалан, тува тилида *край, район, область, институт, стадион, гимнастика, трактор, плуг, самолёт, костюм, завод, электр* ва бошқалар.

2. Калька (рус тилидаги мураккаб бирикмаларни ўз тилига айнан ёки қисман таржима қилиш) усулида. Масалан, татар: *акт төзу, виза салу*; қумиқ: *маска гийдирмак, цитат гелтирмаг*; озарбайжон: *аннотасия язмак, газ чакыгы*; қирғиз: *акт түзүү, аннотация түзүү*; қозоқ: *коллекция жинау, маска кидиру*; ўзбек: *аннотация ёзмоқ, виза қўймоқ*; туркман: *акт дузмак, цитата гедирмак*; чуваш: *виза хур, маска тахан*; тува: *акт тургузар, виза салыр*; уйғур: *акт язмак, виза қоймак*; ҳакас: *акт пас саларга, маска саларга*; турк: *маска қоймак* каби.

Ҳозирги туркий тилларда рус тилидан қабул қилинган сўзлар асосан отлар бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини англатувчи сўз ва атамалардир. Булар ҳозирги ўзбек адабий тили мисолида:

1. Кундалик турмуш билан боғлиқ сўз ва атамалар: *чойнак, стакан, банка, кострюл, лампа, газ, электр, стол, стул, шкаф, этажерка, диван, каравот, кастрюл, костюм, пальто, ботинка, галстук, торт, конфет, печенье* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ сўз ва атамалар: *трактор, комбайн, плуг, дизель, бригадир, завод, фабрика, комбинат, электростанция, автоколонна, автозаправка, водхоз, лесхоз* каби.

3. Фан, халқ таълимига доир сўз ва атамалар: *арифметика, алгебра, география, астрономия, плюс, минус, фонетика, морфология, лексика, академия, диссертация* каби.

4. Санъат, маданият, спорт билан боғлиқ сўз ва атамалар: *театр, кино, клуб, спектакл, премьера, музика, концерт, ансамбль, радио, телевизор, роман, поэма, драматург, футбол, теннис, стадион, гимнастика, шахмат, шашка, чемпион, гроссмейстр* каби.

5. Ижтимоий-сиёсий атамалар: *республика, демократия, капитализм, кризис, материя, конституция, декрет, бюджет, блокада, инфляция* каби.

Рус тилидан қабул қилинган сўзлар миқдор жиҳатдан ҳам ҳамма тилларда бир хил эмас, айрим тиллар луғатлари асосида қиёс қилинганда қуйидагича манзарани кўриш мумкин:

Озарбайжон тилида: *декан, декораейа, дикоратив, демагог, демагоглуг, декрет, демократик, демократия, депутат, дефис, диаграм, диалект, диалектология, диктатор, диктор, динамик, диплом, дипломат, директив, директор, директив, дирижёр, доктор, доцент, драм, драматик, драматуржи, дурбин* ва б.

Қумиқ тилида: *дежурний, декабрь, декада, декан, декломация, деклорация, декрет, делбезер, демократик, дефис, дициметр, диалект, дизель, диктант, диктатор, диктор, дикция, динамика, динамит, динамо, диплом, дипломат, директива, дирижёр, диспетчер, диспут, диссертация, доверенность, доза, доклад, доктор, документ, домино, домкрат, домна, домовой, доска, доцент, драма, драматург, драп, дробь, дружина, духи, духовой, душ* каби.

Қорақалпоқ тилида: *квартал, кварталлык, квартет, квартира, квартирша, кварц, квас, квитанция, кворум, кило, киловать, киловаттсоат, килограмм, километр, кинематография, кино, киноаппарат, киножурнал, кинокомадия, киномеханик, кинофестиваль, кинофикация, кинофильм, кинохропика, киоск, кислород, кислата, кит, китель, класс, классик, классификация, клеёнка, клетка, клиент, клиентура, клизма, климат, клиника, клише, клуб, кнопка, князь, коалиция, коверкот, код, кодекс, кокаин, кокс, кокслау, колба, колбаса, коллекционер, коллегия, коллектив, коллективлес тирну, коллекционер, коллекция, колониализм, колонизатор, колонизация, колония, колонка, колонна, колонтитул, колоцифра, колхоз, колхозы, колгедон, команда, командары, командир, командировка, командирование, комбайн, комбайнер, комбинат, комбинезон, комедия, комендант, комендатура, комета, коми, комиссар, комиссариат, комиссарлык, комиссия, комитет, коментарий, комментатор, коммуна, коммунальлык, коммунар, коммунист, коммутатор, коммюнике, компания, компартия, компас,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

компенсация, комплекс, комплект, комплекция, комплимент, композитор, композиция, компостер, компот, компресс, компресар, компромисе, комсомол, комсомолец, комсомол-жасслар, комсорг, комсастав, конвейер, конвенция, конверция, конверт, конверттас, конвай, конгресс, кондитер, кондуктор, конкрет, конкретли, конкурент, конкуренция, конкурс, консерва, конерватизм, консерватор, консерватория, консилиум, конспект, конституция, конструктив, конструктор, конструкция, консул, консуллык, консультант, консультация, контакт, контейнер, континент, континсент, континенталь, контора, контробанда, контр-адмирал, контрактация, контрибудия, контролёр, контроль, контроллык, контрразведка, контрразведчик, контрреволюция, контузия, конус, конфедерация, конферансье, конференция, конфета, конфискация, конфликт, концентрат, концентрация, концерн, концерт, концессия, концлагерь, коньюнктура, коньки, коньяк, кооператив, кооператор, кооперация, координата, копия, корабль, кореяли, корзинка, коридор, корифей, король, корпус, корректор, корректура, косеканс, космополит, космополитизм, космос, космослик, костюм, костюмшалбар, котангенс, котлета, крайлык, коттедж, кофе, коэффициент, край, кран, красногвардеец, крахмал, кредит, кредитор, крейсер, кремоторий, крепдешин, крепостник, крепостной, крепость, крест, кризис, кристалл, критик, критика, критикалау, кровать, крокодил, кроес, кружка, кружок, куб, кубометр, кулак, культиватор, культура, купе, купец, куплет, курорт, курс, куреант, курсив, куберткейли, квалификация, квадрат, кафедра, каучук, католик, катод, категория, каталог, кострюль, касторка, кассир, касса, карточка, картофель, картотека картограмма, карниз, карнавал, каррикатура, карантин, купуста, капрон, капитан, капитал, каникуль, концерт, канал, комфора, кальций, калькуляция, колория, калий, календарь, казарма, кадр, кавалкада кавалерист, кабель, кабинет каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГРАММАТИКА

ГРАММАТИКА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Грамматика (qrammatike techne – ёзув санъати, савод) тилнинг энг кам ўзгарувчан, барқарор қисми бўлиб, воқеликни энг юксак абстракциялаш (умумлаштириш) натижаси сифатида акс эттиради.

Умумийлаштириш фақат грамматикага хос эмас, балки лексикага ҳам хосдир. Гарчи, лексика ихтиёридаги ҳар бир сўз ўзининг конкрет лексик маъносига эга бўлса-да, сўз ўзи ифодалаган тушунчани умумлаштириб англатади. Масалан, дарахт сўзи конкрет предмет номи бўлиши билан бирга "умуман дарахт", тушунчасини билдиради, чунки дарахт игна баргли, кенг япроқли бўлиши, кенг япроқли дарахт мевали, мевасиз бўлиши; мевали дарахт ўрик ё шафтоли, шафтоли тукли шафтоли ё луччак шафтоли бўлиши мумкин. Бундан кўринадики, умумлаштириш лексикада ҳам мавжуд бўлса-да, грамматик умумлаштириш лексик умумлаштиришнинг сифат жиҳатдан ўзгарган шакли эмас, балки умумлаштиришнинг энг юксак даражадаги шаклидир. Бу жиҳатдан грамматикани геометрияга ўхшатишади. Чунки геометрияни, масалан, ғиштнинг таркиби, нимадан яратилганлиги қизиқтирмасдан, унинг шакли: бўйи, эни, баландлиги, ҳажми қизиқтирганидек, грамматикани ҳам "ғишт" сўзининг предметлик тушунчасини англатиши эмас, балки унинг бошқа сўзлар билан муносабати қизиқтиради. Бошқача қилиб айтганда, қаратқич келишигининг ўзи қўшилиб келаётган сўзнинг қандай лексик маънода бўлишидан қатъи назар ҳамма от ва отлашган сўзларга қўшилиб қарашлилик маъносини англатади:

Қ.келишиги
- *Ер*
- *Осмон*
- *Ҳаво*
- *Дарахт*
- *Одам*
- *Парранда*
- *Ҳайвон*

Грамматика тилнинг грамматик қурилиши – грамматик тизими соҳасида баҳс юритадиган фандир. Сўзнинг грамматик тизими дейилганда, сўзнинг ҳар бир грамматик маъноси, грамматик маънони шакллантирувчи грамматик форма (шакл) лар, ана шу шакллар асосида грамматик маънони юзага чиқарувчи грамматик ифода усуллари ҳамда бир туркумдаги (сўзлар туркуми эмас, бир туркумдаги грамматик маънолар гуруҳи) грамматик маъноларни умумлаштирувчи грамматик категориялар кўзда тутилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилда ҳар бир сўз ўзаро боғланган лексик ва грамматик маъноларнинг бир бутунлигидан иборат. Сўзнинг лексик маъноси унинг предмет, белги кабилар ҳақидаги тушунчасини реаллаштириши, нимани англатиши бўлса, унинг грамматик маъноси сўзнинг асосий маъносига қўшиладиган шахс, сон, келишик, майл, замон каби қўшимча маънолар бўлиб, булар сўзлар ўртасидаги муносабатни кўрсатади.

Сўзнинг грамматик маъноси махсус грамматик форма (шакл) лар орқали рўёбга чиқади. Масалан, *далаларимизга* сўзидаги грамматик кўплик маъноси *-лар*, грамматик эгалик (шахс) маъноси *-имиз*, грамматик келишик маъноси *-га* шакллари орқали шаклланган.

Тилда сўзнинг грамматик маъносини шакллантириш фақат сўз негизига махсус шакллар – грамматик қўшимчалар қўшиш усули орқали эмас, бошқа усуллар: сўз ўзагининг ички ўзгариши – ички флекция, сўзларни тўғридан-тўғри ўзаро бириктириш – қўшма, жуфт ва такрорланган сўзлар, ёрдамчи сўзлар, тартиб, урғу ва интонация орқали ҳам амалга оширилади. Буларни грамматик ифода усуллари деб юритилади. Грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик ифода усуллари биргаликда тилнинг грамматик тузилиши, айни пайтда, грамматик маъно билан унинг формал ифодаси ва уни юзага келтирувчи усул ҳамда воситалар биргаликда бир бутунлик ҳосил қилувчи, бири бошқасисиз мавжуд бўлмайдиган, ажралмайдиган, ажралмас ҳодисалар бўлиб, уларнинг бирлиги грамматик категорияни ташкил қилади.

Грамматик категория тушунчаси грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик ифода усуллари тушунчаларига нисбатан кенг. Масалан, отларнинг кўплик шакли унинг бирлик шаклига зид қўйилиб, грамматик кўплик маъноси махсус *-лар* аффикси орқали ҳам (*китоб – китоблар* каби – аффиксация усули), сўзларни жуфтлаштириш орқали ҳам (*катта-кичик, ёш-қари* – композиция) шакллантирилиб, грамматик сон категориясини ҳосил қилади. Демак, грамматик категория сўзга хос бўлган, умумлашган характердаги умумий маънолар бўлиб, грамматик маъно бу умумий маъноларнинг хусусий кўринишидир. Масалан, ўзбек тилидаги барча келишиклар шу категориянинг умумий кўриниши бўлса, қаратқич келишиги унинг хусусий кўринишидир.

Тил қурилишининг шу каби хусусиятлари грамматиканинг **морфология** ва **синтаксис** қисмларида ўрганилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОРФОЛОГИЯ

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ

Туркий тиллар морфологик типологиясига кўра агглютинатив (лат. ***agglutinare*** – ёпиштирмоқ, тиркамоқ) тиллар бўлиб, сўзнинг турли грамматик шакллари сўз негизларига маълум қўшимчаларни изчиллик билан қўшиш орқали ҳосил қилинади. Шунга кўра туркий тиллардаги сўзларнинг морфологик таркиби ўзак ва қўшимча морфемалардан иборатдир.

Барча агглютинатив тизимдаги тиллар каби туркий тилларда ҳам сўзнинг асоси барқарор товушлар комплексига эга бўлган семантик бирликлар бўлиб, улар нарса ва ҳодиса, воқеа ва ҳодиса, белги ва хусусият, ҳаракат ва ҳолат, миқдор каби тушунчалар ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Қўшимчалар эса фонетик жиҳатдан асос таркибидаги товушларнинг сифатига кўра барқарор товушлар таркибига эга эмас, ўзгарувчан, кўп вариантли бўлиб, ўзи алоҳида семантик мустақиллигига ҳам эга эмас. Ҳар қандай қўшимчанинг маъноси асос билан биргаликдагина конкретлашади.

Туркий тиллардаги сўзлар асоси ва қўшимчаларга берилган бундай таъриф ҳар вақт ҳам тўғри кела бермайди, чунки айрим туркий тилларда сўзлар таркиби морфологик бўлинишига кўра бошқачароқ ҳам бўлиши мумкин. Масалан, татар тилида *миңа* < *мин-га*; ҳакас. *палии* < *палых+ы*, *ойнир* < *ойна+ар*; тува. *ооң* < *ол+нуң*, *оон* < *ол+дан*, *ап* < *ал+ып*; ўзбек. *мениң* < *мен+нинг*, *сенинг* < *сен+нинг* каби.

Туркий тилларда юқоридаги каби айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, сўзнинг таркиби бошқа тизимдаги тилларга нисбатан осонликча ўзак ва қўшимча морфемаларга ажратилади: *иш+чи*, *иш+чан*, *иш+сиз*, *иш+лар*, *иш+га*, *иш+дан* каби.

Сўзнинг бош, асосий лексик маъносини ташувчи қисмига сўзнинг ўзаги дейилади. *Ишчи*, *ишчан*, *ишсиз*, *ишлар*, *ишга*, *ишдан* сўзларининг ўзаги ишдир.

Сўзнинг қўшимча маъно берувчи қисмлари аффикс морфемалар дейилади. Аффикс морфемалар англатадиган семантик-грамматик маъноларига кўра уч турга бўлинади.

1. Сўз ясовчи морфемалар.
2. Шакл ясовчи морфемалар.
3. Сўз ўзгартирувчи морфемалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз ясовчи аффикслар сўз негизларига қўшилиб, ундан янги лексик маъно англатувчи сўзлар ҳосил қилади. Масалан, тува тилидаги *-чи (-чи//-чы, -чу//-чү, -жи//-жы, -жу//жү)* аффикси сўз ясовчи аффиксдир. *Иш+чи, аң+чы* (овчи), *тудуг-жу* (қурувчи), *садыг-жы* (сотувчи) каби.

Шакл ясовчи аффикслар сўз негизларига қўшилиб, унинг асосий, бош маъносини ўзгартирмаган ҳолда унга қўшимча маъно беради, унинг шаклини (шаклини) ўзгартиради. Ҳамма туркий тиллардаги *-лар* аффикси шакл ясовчи аффиксдир.

Масалан: ўзб. *уйлар, далалар*; туркман. *-лор//лер*: *гушлар* (қушлар), *гөзлөр* (кўзлар); уйғур. *-лар//о-лә(р)*: *қушла(р), уйла(р)*; олтой. *-лур//-лир: алдалур* (ҳайвонлар), *карлар* (қорлар); бошқирд. *-дар//дер//дәр: қулдар* (қуллар), *сөздер* (сўзлар), *қәрдәр* (қорлар) каби.

Сўз ўзгартирувчи аффикслар сўз негизларига қўшилиб сўзнинг бош маъносини ҳам, шаклини ҳам ўзгартирмасдан унга грамматик маъно беради ва сўзлар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Отлардаги турловчи қўшимчалар ва феъллардаги тусловчи қўшимчалар (шахс-сон) сўз ўзгартирувчи қўшимчалардир.

Масалан, I шахс кўпликдаги эгалик қўшимчаси *-миз (-быз//биз, -быт//бит, -мыз//миз, -выз//виз, -выс//вис)* татар. *йулибиз*; қумиқ. *атыбыз*; ёқут. *уолбыт* (ўғлимиз); уйғур. *ағамиз*; ўзбек. *китобимиз* каби.

Сўзнинг ҳар қандай морфологик қўшилиши учун асос бўлган қисмига негиз дейилади. Сўз негизлари аффикс морфемаларнинг характерига кўра уч хил бўлади:

1. Лексик негизлар.
2. Морфологик негизлар.
3. Синтактик негизлар.

Сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўшилишига асос бўлган негизлар лексик негизлар дейилади.

озарб.	***дил***	***чи***	қирг.	***жый***	***ым***	***жы***
	ўзак	афф.		ўзак	афф.	афф.
	лек. нег.	сўз ясов.		I лек.н.	сўз ясов.	сўз ясов.
				II лек. негиз		

Шакл ясовчи қўшимчаларнинг қўшилишига асос бўлган негизлар морфологик негизлар дейилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

олтой.

кий ўзак	*дир* афф.
морф. негиз	шакл ясов.

тува.

бат ўзак	*ыр* афф.	*тыр* афф.	*ды* афф.
I морф. негиз	шакл ясов.	шакл ясов.	шакл ясов.
II морф. негиз			
III морф. негиз			

Сўз ўзгартирувчи қўшимчаларнинг қўшилишига асос бўлган негизлар синтактик негизлар дейилади:

гагауз.

боба ўзак	*мыс* афф.
синт нег.	сўз ўзгар.

суд ўз.	*ун* афф.	*дэн* афф.
I синт. негиз	сўз ўзгар.	сўз ўзгар.
II синт. негиз		

(сутидан)

Ҳозирги туркий тиллар сўз таркибидаги асосий ва қўшимча морфемаларнинг хусусиятларини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкин:

1.Туркий тилларда сўз негизларига турли аффикслар қўшилганда сўзнинг асоси товуш жиҳатдан асосан ўзгармайди. Масалан, тува тилида *малы* (моли), *бажаыы* (уйи), *куннү* (тойчоғи) каби.

2.Туркий тиллардаги аффикслар бир маъноли: *-га* – жўналиш келишиги, *-лар* – кўплик қўшимчаси каби.

3.Туркий тиллардаги аффикслар стандарт, ҳамма ҳолатларда ҳамма сўзлар учун бир хил. Масалан, жўналиш келишиги қўшимчаси *-га* ҳамма от (ва отлашган сўз) лар учун бирликда ҳам, кўпликда ҳам *-га* шаклида, кўплик қўшимча *-лар* ҳамма келишиклар учун шу шаклда қўлланади.

4.Туркий тилларда аффикс морфемалар сўз асосларига қўшилганда ҳар вақт ҳам сўз асоси ва аффикс морфемалар таркибини ажратиш осон бўлмайди. Баъзан сўз асосига аффикс морфемалар қўшилгач, сўзнинг таркибини аниқ ажратиш имкони бўлмайди, сўзнинг асоси ҳам, аффикслар қисми ҳам деформацияга учрайди. Бундай ҳолларда сўзни морфемаларга ажратиш қийинлашади. Масалан, тува тилида *сактыр* < *сагынтыр, инээ* < *инек+и* (сигири) *ооң*<*ол+нуң* каби.

5.Туркий тилларда сўзнинг асоси ва қўшимчалар ўртасидаги бирикиш оддий тирқалиш асосида юз беради. Шунинг учун туркий тиллардаги сўз таркибини осонликча морфемаларга ажратиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан, тува тилида *малчыннарывыстың* (чорвадорларимизнинг) сўзини *мал-чын+нар+ывыс+тың* каби морфемаларга ажратиш мумкин, лекин бу ҳар вақт эмас. Баъзан сўзнинг асос қисми ва аффикс морфемалари ўртасидаги чегарани аниқлаш қийинлашади.

Масалан, *ап* < *ал+ып, кээп* < *кел+ип* каби. Бундай ҳолларда сўз таркибида соддаланиш юз беради.

Сўзнинг асоси ва қўшимчаларидаги бу хусусиятларнинг барчаси, туркий тилларнинг агглютинатив қурилишидан далолат беради.

ОТ

От мустақил сўз туркумларидан бири бўлиб, от сўзнинг лексик маъно ташувчи қисми (от лексема) кенг маънода предметлик маъносини англатади. Демак, от лексемалар фақат предмет маъносини эмас, балки предметлик тасаввурига эга бўлган воқеа ва ҳодисалар, белги ва хусусиятлар, мавҳум тушунчалар номини ҳам англатади.

Ҳозирги туркий тиллардаги от лексемалар семантик хусусиятларига кўра бошқа барча тиллар билан ёндош бўлса-да, грамматик хусусиятларига кўра бошқа тизимдаги тиллар билан айрим фарқ ва тафовутларга эга. Туркий тиллардаги отлар грамматик сон, эгалик, келишик категорияларига эга бўлгани ҳолда жонли ва жонсизлик, грамматик жинс категорияларига эга эмас.

Туркий тиллардаги от лексемалар ўзи олган келишик шаклига мувофиқ эга, қаратувчи, тўлдирувчи, номинатив гап, изоҳловчи, ундалма, ҳолнинг келишик билан шаклланувчи турлари вазифасида келади.

Шунга кўра, предметлик маъносини англатиб, нутқда сон, келишик, эгалик категориялари шаклини олиб, эга, тўлдирувчи, қаратувчи, изоҳловчи каби вазифаларда келадиган лексемага от дейилади.

СОН КАТЕГОРИЯСИ

Ўзбек тилидаги сингари қадимги ва ҳозирги туркий тилларда ўз морфологик шакли, грамматик белгисига эга бўлган грамматик жуфтлик маъносини англатувчи махсус кўрсаткич мавжуд эмас. Қадимги ва ҳозирги туркий тилларда кўплик маъносини англатувчи ягона *-лар* қўшимчаси мавжуд. Бу қўшимча фақат чуваш тилида учрамайди, чуваш тилида бошқа туркий тилларда кўплик маъносини англатувчи *-лар* қўшимчаси ўрнида *-сэм* қўшимчаси қўлланилиб, у *-лар* англатган маънони ифодалайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркшунослик адабиётларида ўтмишда кишилар предметларни махсус кўрсаткичлар орқали бирлик ва кўпликка ажратмаганликлари, бу грамматик маъно тил бирлиги шаклида эмас, балки қадимги кишилар онгида тушунчавий хусусиятга эга бўлганлиги, яъни тушунчавий бирлик ва кўплик категорияси мавжуд бўлган, деган фикр берилади. Бу хусусият ҳозирги туркий тилларда ҳам маълум маънода сақланиб қолган. Масалан, дарахт лексемасининг якка предметни англатиши, бирликдаги от сифатида қаралиши унинг грамматик кўплик қўшимчасини олган дарахтлар лексемасига зид қўйилиши натижасидир. Лекин аслида дарахт сўзи якка предметни эмас, балки умуман дарахтни, унинг чегарасиз миқдорий тушунчасини, барча дарахтлар тушунчасини ҳам билдиради. Ҳақиқатдан ҳам, дарахт мантиқий кўплик жиҳатдан ҳамма дарахт тушунчасига эга. Шунинг учун грамматик кўплик ва мантиқий кўплик бир-биридан фарқланади, дарахт сўзи якка предмет, дарахтлар эса шу турдаги предметларнинг кўплиги сифатида тушунилади.

Қадимги туркий грамматик сон категориясининг жамловчи кўплик шакли мавжуд бўлган. Предметнинг миқдорий тушунчасини англатиш махсус грамматик кўрсаткичлар орқали шакллантирилган. Бундай грамматик кўрсаткичлар қадимтуркий тилларда анча бўлиб, ҳозирги туркий тилларда ҳам уларнинг айрим рилект (қолдиқ) лари сақланиб қолган. Қадимтуркий тилларда унли товушлар нисбатан беқарор бўлганлиги сабабли жамловчи кўплик маъноси асосан ундош товушлар воситасида ҳосил қилинган. Жамловчи кўплик маъносини англатувчи қуйидаги элементларни кўрсатиш мумкин: ***з, қ (к), л, м, н, р, с, ч, ш*** ва бошқалар.

Жамловчи кўплик англатувчи айрим элементларни кўриб чиқилганда, масалан, ***-з*** кўрсаткичи турк тилида (бошқа туркий тилларда ҳам) кишилик олмошларининг I ва II шахс кўплиги *биз, сиз* таркибида, *икиз* (эгиз), *гөз* (кўз), *гөгуз* (кўкс, кўкрак), *тиз*; татар. *мөгиз* (шоҳ), *ба°рма+гьз* сўзлари ва *оғ+уз* (ўғизлар), *кырғ+ыз* (қирғизлар) этнонимларида учраши таъкидланади. Келтирилган мисолларнинг жуфтлик, кўплик маъноларини англатишига шубҳа бўлмаган бўлса ҳам, лекин қадимтуркий тилларда якка предмет саналадиган *қаз, қиз ўз, аз, буз* (муз) каби сўзларнинг таркибида *з* ундошининг мавжудлиги ёки, аксинча, *қаш, қол, айақ, қулақ, эрин* (лаб), *эгин*, (елка) каби жуфтлик англатувчи сўзлар таркибида *з* элементининг мавжуд эмаслиги юқоридаги фикрларнинг илмий асосланганлигига шубҳа уйғотади. Жамловчи кўплик англатувчи бошқа кўрсаткичлар ҳақида ҳам шундай фикр бериш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда грамматик кўплик маъносини англатувчи энг фаол шакл қадимтуркий *-лар//-лер* ва жуда кўп (12–15 тагача) шаклларга эга бўлган *-лар* аффиксидир.

Грамматик кўплик англатувчи *-лар* аффиксининг турли туркий тиллардаги шакл (вариант)лари:

1) *-лар//-ләр//-лер*: турк. *ташлар*; озарб. *мэшәләр* (ўрмонлар); туркм. *ишлер*; қумиқ. *терезелер*; балқар. *адамлар, затлар* (нарсалар); нўғой. *уйлер*; қ.қалпоқ. *қатуллар*; қозоқ. *кишилер*; татар. *ташлар*; бошқирд. *кешеләр*; ўзбек. *ишчилар*; ҳакас. *хуралар* (шудгорлар); шор. *қайалар*, ёқут. *сулгулар* (отлар), *киҳилер* (кишилар);

2) *-лор//лөр*: туркман. *гушлор, гөзлөр*; нўғай. *бөрүлөр, күнлөр*; олтой. *олор* (улар); ёқут. *бөрөлөр* (бўрилар);

3) *-ла//-ле, -ла//-лэ:* туркман. *китаплам* (китобларим), *серчеле* (каптарлар), қ.балқар. *атала, қозула, күзгүле*; ўзбек. (диал.) *силә* (сизлар); уйғур. *адамлә;*

4) *-ло//-лө*: уйғур. *гүллө*;

5) *-лур//-лир*: олтой. *алдалур* (ҳайвонлар), *қарлур* (қорлар);

6) *-ли:* уйғур. *машинили* (машиналар), *сили* (сизлар);

7) *-алар*: бошқирд. *жеңгаңалар* (кудалар), *Азаталар* (Азатовлар)

8) *-нар//-нер//нәр:* туркм. *оглоннар*, қ.қалпоқ. *қатуннар, сеннер*; татар. *қуяннар*; олтой. *аңнар* (ҳайвонлар); тува. *дшиңнер* (олмахонлар); ҳакас. *тааннар* (майналар); шор. *киреген нер* (кадрлар), *иннер* (инлар), ёқут. *куһаннар* (буқалар), *қулуннар* (қулунлар);

9) *-нор//-нер*: туркман. *оглоннор, гүннөр*; ёқут. *дъоннор* (халқлар), *оғоннор* (кексалар);

10) *-дар//-дер//-дәр*: озарб. *арваддар* (аёллар), *агачдар* (дарахтлар), бошқирд. *қулдар* (қўллар); қозоқ. *создер* (сўзлар); олтой. *балдар* (болалар), уйғур. *бесдер* (бизлар); ёқут. *саҳулдар* (тулкилар); *үөрдер* (подалар);

11) *-дор//-дөр*: олтой. *көлдөр*; ёқут. *котордөр* (қушлар);

12) *-тар//-тер//тәр*: бошқирд. *агастар*; қозоқ. *заттар*; олтой. *аттар*; тува. *аттар, инектер* (сигирлар); ҳакас. *хартар* (қоплар), *пөриктер* (шапкалар); шор. *алуптар* (алплар); ёқут. *үөлаттар* (ёшлар), *туңуреттер* (совчилар):

13) *-зар//-зер//-зәр*: озарб. *газзар* (ғозлар), *үкүззәр* (хўкизлар);

14) *-рар//-рәр*: озарб. *дохторрар, йәррур* (ерлар) ва бошқалар.

Чуваш тилида кўплик маъноси *-сәм* аффикси орқали ҳосил қилинади. Бу аффикс айрим чуваш диалектларида *-сам//-сем, -сән//-сен*

www.ziyouz.com kutubxonasi

вариантларига ҳам эга. Чуваш тилидаги бу қўшимчанинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар бор, лекин ҳозиргача аниқланмаган.

ЭГАЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Грамматик эгалик категорияси от туркумига хос грамматик кўрсаткичлар йиғиндиси бўлиб, барча туркий тиллар учун умумийдир. Бу категориянинг ўзига хослиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам шахсга қарашли предметни, ҳам шу предметга эгалик қилувчи шахсни англатади. Масалан, китоби сўзидаги *-и* қўшимчаси, бир томондан, предмет (китоб) нинг III шахсга қарашлилигини билдирса, иккинчи томондан, шу шахснинг предмет (китоб)га эгалигини англатади.

Туркий тилларда грамматик эгалик маъноси турли усуллар билан ифодаланади:

1. Морфологик усул, яъни сўз негизларига эгаликни англатувчи махсус қўшимчаларни қўшиш орқали: тува тилида *тевем, тевең, тевези, тевевис, тевеңер, тевези* каби.

2. Морфологик-синтактик усул, яъни қаратувчи қаратқич келишигидаги кишилик олмоши ва қаралмиш-эгалик аффиксини олган от ёки отлашган лексема: турк. *беним достим, сенин достун, онун досту, бизим достумуз, сизин достунуз, онун досту* каби.

3. Синтактик усул, яъни қарашлиликнинг эгалик қўшимчаларсиз, сўз тартиби усулида ифодаланади. Масалан, ўзбек тилида *бизнинг уй, уй меники*; чуваш тилида *ман ал* (менинг қўлим), *сан ал* (сенинг қўлинг) каби.

Грамматик эгаликнинг морфологик усул билан ифодаланиши қадимтуркий тилларнинг ҳам асосий хусусияти бўлган. Эгалик қўшимчаларининг энг қадимги шаклларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

БИРЛИК		КЎПЛИК
I.	*-м, -ым//-им*	*-быз//-биз, -ыбыз//-ибиз*
II.	*-ң, -ың//-иң*	*-ңыз//-ңиз, -ыңыз//-иңиз*
	-г, -ыг//иг	*-гыз//-гиз, -ыгыз//-игиз*
III.	*-ы//и, -сы//-си*	*-ы//и, -сы//си*

БИРЛИК		КЎПЛИК
I.	*ат+ым, ата+м*	*ат+ыбыз, ата+быз*
II.	*ат+ың, ата+ң*	*ат+ыңыз, ата+ңыз*
	ат+ыг, ата+г	*ат+ыгыз, ата+гыз*
III.	*ат+ы, ата+сы*	*ат+ы, ата+сы.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Грамматик эгаликнинг **I шахс** бирлик қўшимчалари барча туркий тиллар учун ***-м, -ым//-им, -ум//-үм*** шаклидадир. Бу шаклда қўшимчалар таркибидаги унли товушларнинг ўзгариши сўз негизи таркибидаги унли товушнинг хусусиятига боғлиқ, бунда унлилар уйғунлиги (сингармонизм) қоидаси тўла кучга киради. Фақат чуваш тилида I шахснинг бирлик шаклининг қўшимчасиз қўлланиш ҳолати учрайди: *ман ал* (менинг қўлим), *сан ал* (сенинг қўлинг каби).

Масалан, гагауз тилида I шахс бирликнинг ифодаланиши: *бобам* (отам), *булум* (холам), *кийадым* (китобим), *койунум* (қўйим), *йанаам* (ёноғим), *балыым* (балиғим), *көпәәм* (кўпагим), *билезиим* (билакузугим), *үзүүм* (узугим) ва бошқ.

Грамматик эгаликнинг **II шахс** бирлик шакли ҳозирги туркий тилларда асосан ***-ң, -ың//-иң, -уң//-үң*** қўшимчалари орқали шаклланади: *атың, итиң, уйуң* каби. Бу шахснинг *-г, -ыг//-иг, -уг//-үг* каби архаик шакли қадимги ёзма ёдгорликлар тилида маълум даражада фаол бўлган бўлса ҳам, ҳозирги туркий тилларда фақат чуваш тилидагина сақланиб қолган: *ывылу//оғылыг//оғлуг* (ўғлинг) каби. Озарбайжон турк, туркман, гагауз, тилларида *-н, ын//-ин, -ун//-үн* шакллари орқали ўзгаради.

Масалан, озарбайжон тилида *аадың* эмас, *аадин*, *эвиң* эмас, *эвин*; гагауз тилида: *бобан* (отанг), *булун* (холанг), *кийадын* (китобинг), *койунун* (қўйинг), *йанаан* (яноғинг), *балыын* (балиғинг), *узуун* (узугинг) каби.

II шахс бирлик шаклларидаги эгалик аффиксларининг *-й, -ый // -ий* шаклларини караим тили ва айрим ўзбек шеваларида учратиш мумкин: караим. *атый* (отанг), *уйий* (уйинг); ўзбек (диал) *уйий*(ла), *китобий* (ла), *аҳволий* (ла) каби.

Эгалик қўшимчаларининг кўплик англатувчи шакллари кўп нусхалидир. Бунда фақат эгалик қўшимчалари таркибидаги унли товушларгина ўзгариб қолмасдан, балки қўшимчаларнинг боши ва охиридаги ундош товушлар ҳам ўзгаришга учрайди Масалан, *-биз//-миз* қўшимчалари таркибидаги *и* унлиси турли туркий тилларда *и//ы//ъ//і* шаклларида ўзгарса, бошланғич *б* ундоши *б//в//м//п*, сўнгги *з* ундоши эса *з//с//м//р//* каби товуш алмашинишларига эга. Буни гагауз тилидаги I, II шахс кўплик шаклларининг ўзгаришида яққол кўриш мумкин: *бобамыс, бобаниз* (ота), *булумуз, будунуз* (хола), *кийадымыз, кийадыныс* (китоб) каби.

Туркий тилларда I шахснинг кўплик шакллари қуйидаги кўринишларга эга: *-быз//-биз, -быт//-бит, -мыз//-миз, -выз//-виз, -выс//-вис, -мыр//-мир* ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I шахс кўпликдаги эгалик қўшимчаларнинг *-быз//-биз* шакли шу турдаги қўшимчаларнинг энг қадимги шакли бўлиб, қумиқ, қорачой, балқар, шор, олтой, қирғиз, бошқирд, татар тилларида қўлланилади: татар. *йулибиз*, қумиқ. *атыбыз*, қирғиз. *атабыз* каби.

Ёқут тилидаги *-быт//-бит* қўшимчалари охиридаги *т* ундоши *-быз//-биз* қўшимчалари охиридаги *з* ундошининг *с* сифатида жаранг-сизлашидан ҳосил бўлган: *уолбут* (ўғлимиз), *агабыт* (отамиз) каби.

Бу шахснинг деярли кўпгина туркий тилларда учрайдиган *-мыз// -миз* вариантлари қадимги *-быз//-биз* шаклидан келиб чиққан. Аффикс бошидаги *б* ундошининг *м* ундошига ўтиши туркий тилларда умумий ҳолат бўлиб, бу *б* ундоши унлилар ўртасида келганда ҳам, *б* ундошининг ассимиляциясидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Бу шаклнинг вариантлари кўп: *-виз//-вуз, -вис//-вус*, ўзбек адабий тили лаҳжаларида *-веа, -увза, -ъммъз* каби.

Мисоллар, ўзбек. *даламиз, уйимиз*, тува. *тевевис* (туямиз), *өшхүвүс* (эчкимиз), ўзбек лаҳжаларида *уйивуз, уйивза, қизимиз* ва бошқ.

Бу шахсда эгалик аффиксининг *-мьр//мір* шакли фақат чуваш тилида учрайди: *абьмьр* (отамиз), *ывылмир* (ўғлимиз) каби.

Эгалик аффиксларининг II шахс кўплигининг қадимги шакли *-ңыз//-ңиз* бўлиб, бу ҳам I шахс кўплик кўшимчалари каби кўп вариантли ва бошқа эгалик аффиксларига нисбатан туркий тиллараро тарқалиш диапазони ҳам кенг. Ўзбек, қозоқ, нўғай, қорақалпоқ, туркман тилида *-ңыз//-ңиз*, турк, гагауз, озарбайжон, караим тилларида *-ныз// -низ, ыныз//-иниз*, караим тилининг айрим диалектларида *-йыз//-йиз, ыйыз//-ийиз*, татар, бошқирд, қумиқ, қорачой-балқар тилларида *-гыз// -гиз* шакллари қўлланилади.

Айрим туркий тиллар, масалан, татар, қумиқ тилларида *ң>г* алмашинишига *ң* ундошининг унлилар ўртасида келган ҳолати сабаб бўлган деб кўрсатилади. Масалан, татар. *а°вылыгиз*, қумиқ. *ытыгиз* каби.

II шахс кўпликдаги эгалик аффикслари тува ва ҳакас тилларида бошқа туркий тиллардан кескин фарқ қилади. Бу тилларда *-ыңар, -ңар, -ңер, -ңер:* ҳакас. *атаңар*, тува. *тевеңер* (туянгиз), *өшкөңер* (эчкингиз), *аъдыңар* (отингиз), *номуңар* (китобингиз) каби.

Эгалик аффиксларининг II шахс кўплиги:

турк, гагауз, озарбайжон, тилларида *-ныз//-низ, ыныз//-иниз*: озарб. *бабаныз*, турк. *эвиниз*, гагауз. *бабаныз, булунуз* (холангиз), *кийдыныс* (китобингиз), *койунуз* (қўйингиз), *көпеениз* (итингиз) каби;

караим, айрим ўзбек диалектларида *-йыз//-йыз, -ы йыз//-ийиз, -ыз//-из*: *уйимиз, уйиз*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

татар, бошқирд, қумық, қорачой-балқар тилларида *-гыз//гиз:* қумық *атығыз, татар. авылығыз*;

тува, ҳакас тилида *-ҷар//-ыҷар: атаҷар*;

олтой тилида *-ыгар//-игер*;

шор тилида *-ҷ//ың: тураларың* (шаҳарларинг);

ёқут тилида *-гыт//-хът//кът: уолгыт* (ўғлингиз), *атыгыт* (отингиз);

чуваш тилида *-ър//-ір*: *удьр* (отингиз), *үдір* (танангиз) каби.

Эгалик аффикслариниг **III шахси** бирликда ҳам, кўпликда ҳам шакл ва мазмуни жиҳатидан бир хил, деярли ҳамма туркий тилларда ундош билан тугаган сўз негизларига ***-ы//-и***, унли билан тугаган сўз негизларига ***-сы//-си*** аффикслари қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Эгаликнинг бу шахсидаги *-ы//-и* қўшимчалари қадимий бўлиб *-сы//-си* қўшимчалари нисбатан тил тараққиётининг кейинги даврлари маҳсули деб ҳисобланади ва *-сы//-си* қўшимчаларининг келиб чиқишининг сабаблари ҳам ишонарли тарзда изоҳланади. Маълумки, қадимги шакл фақат бир унли *(-ы//-и)* товушдан иборат бўлиб, бу қўшимча унли товуш билан тугаган туркий ўзакларга қўшилганда (*эна+ы, ата+ы* каби), артикуляцияни қийинлаштирган. Бу қийинчиликни бартараф қилиш учун шунга мувофиқ ундош талаб қилинган. Бу вазифани шунга мойил *с*, айрим туркий тилларда *з, ш* ундошлари бажарган ва *-ы//-и* аффикслариниг *-сы//-си зы//-зи* вариантлари келиб чиққан.

Эгалик аффиксининг III шахс бирлик ва кўплик шакллари ҳам маълум ҳар хилликларга эга. Тува, ҳакас, шор тилларида интервокал ҳолатда (унлилар ўртасида) *-сы//-си* аффикслариниг биринчи ундоши *з* ундошига *(-зы//-зи)* айланади: тува. *тевези* (туяси), ҳакас. *кижезі* (кемаси), шор. *кебези* (кемаси) каби. Ёқут тилида *-ы//-и* қўшимчалари *-а//-э* (*ата-оти, эдийа-опаси*), *-сы//-си* аффикслари эса *-та//-тэ* (*аҕата-отаси, ҕиэтэ-уйи*) шаклларига айланган.

Бошқирд тилида *-сы//-си* қўшимча *-һъ//-һи (а°таһъ)* шаклини олган.

Чуваш тилида ундош билан тугаган негизлардан кейин *-ы//-и* сақланган: *сир+и* (ери), *ывъл-и* (ўғли) каби, лекин айрим ҳолатларда келиб чиқиши ноаниқ бўлган *-жи* аффикси ҳам қўлланади: *абъжи* (опаси), *амъжи* (онаси) каби.

Ҳозирги туркий тиллардаги III шахс бирлик ва кўпликдаги эгалик аффикси деярли барча туркий тилларда ўзига хос кўп маънолилик ва морфологик ҳар хилликларга ҳам эга. Бу шахс қўшимчаларининг ана шундай характерли хусусиятларидан бири туркий тиллар морфологик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурилишида деярли учрамайдиган бир сўз таркибида бир грамматик шаклнинг (III шахс эгалик қўшимчаларининг) бирдан ортиқ қўлланишидир: *қай+и+си+си* каби. Бу ҳолат ўзбек тилининг айрим диалектларида (*улиси – ўғли, мунниси – бурни, хотиниси, қўниси, сийниси, икковиси, туй бошиси* каби), қозоқ тилида (*вақтиси-вақти, акириси-охиргиси* каби), ёқут тилида (*саннита < санн+и+та < сарин < елкаси, киннита < кинна < килин-келин, тумсута < тумус < тумшуқ*), гагауз тилида (*бойнусу*), татар тилида (*бусиси, тигисиси*) анча кенг тарқалган.

III шахс эгалик аффикслари кўп маънолидир. Бундай ҳолда эгалик аффикслари ўз маъноси (қарашлилик маъноси)ни йўқотади: *отаси, онаси, яхшиси* каби.

Бу шахс шакллари сўз ясаш вазифасини ҳам бажаради: Мисоллар: озарб. *дүнү* (кечаси), *сабаҳлари* (эртаси); ўзбек. *эртаси, тонгласи, кечаси, қисқаси*; уйғур. *язлиги* (ёзда), *кузлуғу* (кузда) каби.

Олтой тилида *адази ули* (ота ва ўғил), *энэзи балази* (она ва бола), шор тилида *карази кундузи-бэ* (кеча ва кундуз), *абази палази* (ота ва ўғил) каби бирикмаларда боғловчи вазифасини ҳам бажаради.

КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

Туркий тиллар келишиклар тизими ҳақида гап борганда, аввало, туркий тилларнинг энг қадимий бобо тил давридаги келишиклар тизими кўзда тутилса, иккинчидан, туркий тилларнинг мустақил тиллар ва лаҳжаларга ажралиш ва ундан кейинги тараққиёти давридаги келишиклар тизимининг ҳолати кўзда тутилади.

Қадимги туркий тиллар келишиклар тизими ҳозирги туркий тиллар келишиклар тизимига нисбатан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан фарқланган. Сифат жиҳатдан қадимги ва ҳозирги туркий тиллар келишиклар тизими грамматик шакллари ва улар англатадиган маъноларга кўра ранг-баранг бўлган бўлса, миқдор жиҳатдан ҳам улар ҳар хил бўлган. Ҳозирги туркий тиллар ҳам бу жиҳатдан турличадир.

Туркий тиллар қиёсий грамматикаларида ҳозирги туркий тилларда 6–8 келишик мавжудлиги ҳақида гап борса-да, айрим тил ва лаҳжаларда қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт келишикларининг бир шаклда қўлланиши, ёқут тили каби айрим тилларда қаратқич келишигининг мавжуд эмаслигини кўзда тутиб, ҳозирги туркий тилларни 5–7 келишик тизимига эга дейиш мумкин.

Шунга қарамай, туркий тиллар келишиклар тизими қуйидагича тасвирланади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

бош келишик	–
тушум келишиги	*-ы//-и, -ыг//-иг*
	-а//-ə
	-қа//-ка
	-ра//-рə
жўналиш келишиги	*-ры//-ри*
	-ары//-ари
	-гары//-гəри
	-ча//-чə
	-н
ўрин-чиқиш келишиги	*-та//-тə*
	-да//-дə
қурол келишиги	*-ын//-ин*
	-лыг//-лиг
биргалик келишиги	*-ла//-лə*
	-лан//-лəн
ўхшатиш-қиёслаш келишиги	*-ча//-чə*

Ҳозирги туркий тилларда ёқут тили 5 келишик, гагауз, тува тили 7 келишик шаклига эга бўлиб, бошқа ҳамма туркий тиллар 6 келишик шаклларига эга.

Бош келишик – қадимги туркий тилларда ҳам ҳозирги туркий тилда ҳам махсус грамматик кўрсаткичига эга бўлмаган, ноль кўрсаткичли келишикдир. Бу келишик бошланғич шакл сифатида бошқа келишикларга зид қўйилади.

Қаратқич келишиги – қадимги туркий тилларда мавжуд бўлмаган. Қадимги туркий тилларда қаратгувчи ва қаралмиш бош келишикдаги икки отнинг синтактик алоқаси орқали шаклланган. Бунинг айрим кўринишлари ҳозирги туркий тилларда ҳам кўринади:

ёқут тилида *эт баһа* (от боши), *а°т башъ* (от боши) каби.

Ҳозирги туркий қаратқич келишиги энг кўп вариантли келишик шаклларидан бири бўлиб, бу шакллар қуйидагича гуруҳланади:

1) ***-ниң//-ньң*:** татар, ўзбек, уйғур тилларига хос – *башнинг, ўқувчининг, атаниң, бизниң*;

2) ***ниң// -ньң// -нуң// -ноң// -диң// -дуң// -доң// -тиң// -туң// -тоң*:** олтой, бошқирд, тува, ҳакас, шор тиллари: *тонниң, молдиң, судиң, гульдьң, беззең, даланиң*;

3) ***-нин//-нун//-дин//-дун//-тин//-тун//*:** қирғиз тили – *баланин, тонун, тондун, оқтун, биздин*;

4) ***-нин//-нун*:** караим тили – *атанин, атнин, мəнин*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

5) ***-иң//-уң//-ниң//-нуң***: туркман тили – *ағажиң, оқувчиниң, мәниң, онуң*:

6) ***-ин//-ун//-нин//-нун***: озарбайжон, гагауз, турк – *китобин, арабанин, онларин, мәним, бәним, бизим*:

7) ***-ни//-ну***: қорачой - болқар, қумиқ – *бурну, бойну*;

8) ***-ни//-ди//-ти//-ми//-зи//-си//-ти//-ри//-хи//-чи//-ли//-ви***: ўзбек тили Тошкент диалекти – *нонни, отти, томми, туззи, ишши, эгарри, толли, сувви*;

9) ***-н//-ән//-нән***: чуваш тили – *пуллән* (балиқнинг), *тирен* (терининг), *лажан* (отнинг), *пирен* (бизнинг) ва бошқалар.

Ёқут тилида қаратқич келишиги мавжуд эмас. Буни баъзи туркшунос олимлар қаратқич келишиги туркий тилларнинг ажралиши, тарқалиши давридан кейин пайдо бўлган, бу даврда ёқут тили бошқа туркий тиллар билан алоқада бўлмаганлиги, ҳудудий ва иқтисодий турмуш шароити жиҳатидан ҳам туркий халқлардан узоқ бўлганлиги сабабли ёқут тили қадимги 5 келишик шаклини сақлаб қолган деб тахмин қилишади.

Тушум келишиги – ҳамма туркий тилларда маъно жиҳатидан бир хил бўлиб, феълдан англашилган ҳаракатни қабул қиладиган объект, ҳаракатнинг бажарилишидаги восита, қурол маъносини англатади. Бу келишик қўшимчаси қадимги туркий тилда *-ы//-и, -ыг//-иг* шаклида бўлиб, ҳозирги тилларда *-ыг//-иг* шакли деярли сақланмаган, *-ы//-и* шакли ҳам кишилик ва кўрсатиш олмошлари сўнгги товушининг ассимиляцияси ва морфологик қайта бўлиниши натижасида ҳозирги туркий тилларда *-ны//-ни* ва унинг турли ассимилятив вариантлари келиб чиққан.

Ҳозирги туркий тилларда тушум келишиги қўшимчаси қуйидаги кўринишларга эга:

1) ўғиз гуруҳ тиллардан бошқа барча туркий тилларда ***-ни//-ны//-ну // -но//-нө//-ди//-ду//-до//-ти//-ту//-то***: олтой. *қапти* (қопни), *угуни* (уккини), *қарди* (қорни), тува. *тевени, номну* (китобни), *малды* (молни);

2) караим, қумиқ, қорачой-балқар тилларида ***-ны//-ни//-ну//-но// -ди//-ду//-ти//-ту***: *угуни* (уккини), *йулди, кошто, башни, йолну, тасти*;

3) ўзбек тили ва лаҳжалари, бошқа айрим тилларда: ***-ны//-ни// -ди// -ти//-ми//-зи//-ши//-си//-хи//-чи***: *қапти, қарди, уйни, уйди, уйди, отти, одамми, шоххи, соччи;*

4) озарбайжон, ёқут туркман тилларида ***-ни//-ну//-(й)и//-(й)у***: *апани, адами, бугдуйу, көрпойу*;

5) гагауз, турк тилларида ***-и//-у, -йи//-йу***: *бурну, бийэйи* (йилқини):

6) олтой, ҳакас, шор тилида ***-н, -бын, -гын***: *атин, атибин, атыгын.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаратқич ва тушум келишиклари қўшимчалари шакл жиҳатидан кўп ҳолларда тенг келса ҳам, уларнинг келиб чиқишига бу яқинликнинг алоқаси йўқ, чунки бу икки келишик шаклларидаги яқинлик тил тараққиётининг кейинги даврлари маҳсулидир.

Жўналиш келишиги ҳозирги туркий тилларда асосан битта маънони – ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини ифодалайди. Жўналиш келишигидаги сўзнинг ҳаракат йўналтирилган объект, ўрин ёки пайтни англатиши бу келишик шаклини олган ва уни бошқарган негизнинг маъносига боғлиқ.

Жўналиш келишиги мазмун жиҳатдан ана шундай маълум даражада чегараланган бўлишига қарамай, турли туркий тилларда ана шу маъноларни ифодаловчи шаклларига кўра ранг-барангдир.

Ҳозирги туркий тиллардаги жўналиш келишиги шакли деб саналадиган барча қўшимчаларнинг таркибида *а* унлиси учрайди: *-га, -ка, -қа, -га, -ча* каби. Шунга кўра, қадимтуркий тилларда жўналиш келишиги шакли асосан *-а* бўлиб *г, к, қ, г, ч* каби элементлар маънони конкретлаштирувчи воситалар сифатида келишик қўшимчалари таркибида кейин ҳосил бўлган деб тахмин қилинади. Ҳар қандай қадимги туркий тилларда жўналиш келишиги шакли *-а//-ə* кенг тарқалган шакл бўлган, шунинг учун бу шакл ҳозирги туркий тилларда ҳам сақланиб қолган: турк. *тас+а* (косага), туркман. *ова+а* (овулга), озарбайжон. *ох+а* (ўққа), чуваш. *јал+а* (қишлоққа), татар. *атым+а*, қирғиз. *енем+е*; қозоқ. *қорам+а* каби.

Жўналиш келишиги қўшимчаларини қайси туркий тилларда мавжудлигига кўра турли гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) қипчоқ, қорлуқ-уйғур гуруҳ тиллар ва Сибирь, Олтой туркий тилларининг барчасида ***-га (-қа//-ја)//-қа//-ха//-го//-қо//-хо:*** олтой. *ајылга* (уйга), *јапашқа* (чайлага), *тойго, тошко* (музга); караим. *атаға, атқа, маа* (менга), *бизга*; қирғиз. *малга, тонго, атқа, көлгө, мага* (менга); ёқут. *далға* (сурувга), *қысқа* (қизга), *куолгэ* (қўлга), *інахха* (сигирга), *қунаңңа* (ҳўкизга), *бііһіэхэ* (бизга); қ.қалпоқ. *атасына*; татар. *бабасына* ва бошқ.

2) ҳакас тили ва диалектларида ***-гаа//-қаа//-хаа***: *хаска* (ўрдакка), *тағаа* (тоққа), *саға* (сенга) *аа//-ага* (унга), *палааға* (болага) каби.

3) ўғиз гуруҳ тиллар, қисман олтой, ҳакас, шор тилларида ***-а//-ја***: озарбайжон. *адама, гапија* (эшикка), *мәнә, она саа//сә* (сенга); гагауз. *кира* (далада), *масаја* (столга), *сокаа* (сокак – қучага), *бана* (менга): туркман. *гэчаа* (эчкига), *дурнаа* (турнага), ҳакас. *таға* (тоққа) ва бошқ.

4) чуваш тилида ***-а//-на (-ја)***: *хира* (далада), *хулан* (шаҳарда), *мана* (менга) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимтуркий тилда ҳозирги туркий тиллар учун архаик ҳисобланган ***-гари//-кари, -гари//-қари*** шакли ҳам бўлган. Ҳозирги ўзбек тилидаги *илгари, ичкари, ташқари* каби сўзлар таркибида учрайдиган *-гари//-кари, -гари//-қари* аффикслари маълум даврларда ҳозирги маъноси сингари жўналиш маъносини англатган ва шу келишик аффикси бўлган, лекин келишик ўзи қўшилиб келган негиз билан бирга ажралмас бутунликка айланиб, ўрин ва пайт равишларига ўтиб қолган. Қиёсланг, олтой. *тишқари, эрингари* (кечқурун), *ичкари, кускари* (кўзга), *тэскэри*; гагауз, турк. *илери, ичери, дишари*; қ.балқар. *ичкари, тишхари, оғари* (юқори) каби.

Чуваш тилида жўналиш маъносини берадиган, келиб чиқиши номаълум бўлган ***-алла*** аффикси мавжуд: *варманалла* (ўрмонга) *килəллə* (уйга), *отаралла* (отарга) каби. Фақат ҳакас тилида сақланиб қолган ***-сар//-зар//-са//-саа//-заа*** (сари) аффикси ҳам ўзига хос хусусиятга эга: ҳакас. *Абаканзар* (Абаканга), *атсар* (отга), *хозанзар* (қуёнга), *тағзар* (тоққа), *тураза* (уйга), *агассаа* (дарахтга) каби.

Гап жўналиш келишиги ҳақида борганда тува тилида еттинчи келишик деб номланадиган **"углаарының падежи"** (жўналиш келишиги) ҳақида ҳам гапирмасдан бўлмайди. Бу келишик шакли, маъноси ва сўроқлари жиҳатидан ҳамма туркий тиллардаги жўналиш келишигидан фарқланмайди, лекин бошқа туркий тиллардаги жўналиш келишиги шакли *-га//-ка* ва унинг вариантлари асосида эмас, балки махсус, фақат тува тилига хос қўшимчалар орқали ифодаланади.

Булар:

1. ***-че//-же*** **қўшимчаси**. Бу қўшимчалардан *-че* қўшимчаси барча жарангсиз ундошлар ва *м, н, ң* сонорларидан кейин, *-же* қўшимчаси эса жарангли *г,* тил ўрта *й* ва сонор *р* ундошидан кейин қўшилади. Қандай бўлишидан қатъи назар бошқа туркий тиллардаги жўналиш маъносини англатади. Қиёсланг: *хэмче угланныр* (дарёга жўнамоқ), *хөлче чоокшулаар* (кўлга яқинлашмоқ), *башкыже баар* (ўқитувчига бормоқ), *бажыңче кирер* (уйга кирмоқ), *ыттарны койгунче дукпурар* (итларни қуёнга бошқармоқ), *сугну бусче хуулдурар* (сувни парга айлантирмоқ) каби.

Яна қиёсланг:

олтой. *менинъ кийнимче эки бала келди*;

тува. *мээң артимдан ийи уруг келди*;

татар. *менем артымга ике бала килде*;

ўзбек. *менинг орқамдан икки бола келди*;

шор. *пис кодуреча торумнап чорчабыс*;

тува. *бис тулаа биле тооруктап чор бис*;

татар. *без сазлык аша чикләвек жиярга йөрибез*;

ўзбек. *биз ботқоқ орқали ёнгоққа борамиз.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. ***-тыва//-тиве, -тува//-туве, -дыва//-диве, -дува//-дуве*** **қўшимчаси.** Бу қўшимчалар ҳам асосан жўналиш келишиги қўшимчалари маъноларини беради: *дагдива* (тоққа), *кыжидиве* (одамга) *оттува* (оловга), *хундуве* (қуёш (кун))га каби.

Бу аффикс асли ўзбек тилидаги томон, бошқа туркий тиллардаги *таба* кўмакчиларининг аффикслашган шаклидир. Қаранг: шор. *мен каяга тебе аттым* (мен қояга томон оттим); татар. *кичке таба, урманга таба*; қозоқ. *мектеп ке таман, кешке таман*; қумиқ. *базарга таба*; ўзбек. *уйга томон* каби.

Ўрин-пайт келишиги – ҳаракат содир бўлган ўрин, пайт ёки ҳаракатнинг бажарилишига восита бўлган предмет маъносини англатади.

Ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси қадимтуркий тилда *-да//-дә, -та//-тә* бўлиб, ҳозирги туркий тилларда *-да//-до//-та//-то//-ла//-ло// -за//-зо//-са//-со//-на//-но* шакллари мавжуд. Мисоллар: олтой. *туда* (тоғда), *эмдэ* (эмда-дорида), *қойда* (қўйда), *тошто* (тошда), *қааста* (қоғозда), *бистэ* (бизда), *оларда* (уларда): бошқирд. *йулда* (йўлда), *башта* (бошда), *қазза* (ғозда), *далала* (чўлда), *қалала* (шаҳарда), *минда* (менда), *бизза* (бизда), *уларда*; чуваш. *лажара* (отда), *хулара* (шаҳарда), *вэрманда* (ўрмонда) *кілдэ* (уйда), *шурда* (ботқоқда), *улахра* (тўқайда), *манра* (менда), *пирда* (бизда), *унра* (унда) каби.

Бу келишик қўшимчаларининг ***-за, -ла*** шакллари бошқирд тилида, ***-ра, -ча*** шакллари чуваш, ***-за, -на*** шакллари туркман тилининг айрим диалектларида учрайди.

Ёқут тилида ***-да//-та*** қўшимчалари қурол келишиги қўшимчасининг вариантлари ***-тан//-дан*** (билан)га жуда яқинлашади. Ёқут тилида ***-да*** (на) *манна* (шу ерда), *суманна* (мана шу ерда), *итиннэ* (ана у ерда), *онно* (у ерда), *сонно* (айнан ўша ерда) каби олмошларда учрайди.

Туркшунослик адабиётларида *-ын//-ин* қўшимчалари орқали ҳосил бўладиган архаик қурол келишиги деб номланадиган келишик шакли ва маъноси ҳам аслида ўрин-пайт келишиги маъносини беради. Буни ҳозирги туркий тилларда ўрин-пайт равишлари деб юритиладиган айрим сўзлар таркибида яққол кўриш мумкин: олтой. *дазин* (баҳорда), *кузун* (кузда), *тунун* (тунда); бошқирд. *қишын* (қишда), *јазин* (ёзда); қозоқ. *жазин* (ёзда), *қысын* (қишда); ҳакас. *часхизин* (баҳорда); ёқут. *қиҳын* (қиш), *сайын* (ёз), *куҳун* (куз) каби.

Қурол келишигининг "*билан*" кўмакчисидан келиб чиққан ***-ла//-ло, -лан//-нан, -бэн//-ман//-била//-пцла*** каби вариантлари ҳам асосан ўрин-пайт, баъзан биргалик маъноларини беради: олтой. *малтава, атла, қўйла;* гагауз. *аошамнан* (оқшомдан): қозоқ. *таспэн* (тош билан), *қазбэн*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ғоз билан); шор. *пычакпыла* (пичоқ билан), *салғынмыла* (салқинла) ва бошқалар.

Чиқиш келишиги – феълдан англашилган ҳаракатнинг бошланиш ўрни, пайти, ҳаракатнинг бажарилиш ё бажарилмаслигига восита бўлган предметни англатади.

Чиқиш келишиги қўшимчаси ҳамма туркий тилларда асосан *-дан* бўлиб, унинг турли туркий тилларда йигирмадан ортиқ вариантлари бор. Уларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1) қипчоқ ва ўғиз гуруҳ тиллар, тува ва ўзбек тилларида ***-дан // -дон// -тан// -тон// -нан// -нон// -лан// -лон// -зон// -сан// -сон***: озарбайжон. *дагдан, менден, биздан*, олтой. *аттаң, малдаң, көлдөң*; гагауз. *йувадан* (уядан), *дередэн* (дарёдан), *баадан* (боғдан), *судан* (сувдан), *иштан, суттан, сокактан* (кўчадан), *инектэн* (сигирдан); ўзбек. *уйдан, даладан, мактабдан*; тува. *тайгадан, айдан, шивидэн* (арчадан), *даштан* (тошдан), *ыяштан* (ёғочдан) ва бошқалар;

2) олтой, ҳакас, шор тилларида ***-даң//-доң//-таң//-тоң-наң//-ноң***: *аттаң, состоң* (сўздан), *малдаң, малдаң, таңнаң*; шор. *мэнэң* (мендан) *сэнэң* (сендан), *анаң* (ундан) каби;

3) ёқут тилида ***-тан//-ттан//-тон***: *тастан* (тошдан), *ойуртан* (ўрмонда), *табаттан* (буғудан), *бороттон* (бўридан) каби;

4) чуваш тилида ***-тан//-ран***: *лажаран* (отдан), *хуларан* (шаҳардан), *вармандан* (ўрмондан), *урамран* (кўчадан), *манран* (мендан) ва бошқалар.

ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Ҳар бир тилнинг сўзлари, лексикаси доим ҳаракатда бўлиб, натижада унинг таркиби турли типдаги ўзгаришларга учрайди: баъзи сўзлар эскириб, фаол қўлланишдан чиқади, қўлланиши чегараланиб, бора-бора умумистеъмолдан қолади, янги сўзлар пайдо бўлиб, улар лексикани тўлдиради, бойитади, айрим сўзларнинг маъноларида янгиланиш юз беради ва ҳоказо.

Ҳар бир тилнинг лексик таркиби асосан четдан сўз олиш ва ўз ички имкониятларига кўра янги сўзлар ясаш, янги ясамалар ҳисобига бойиб боради.

Янги сўзлар турли усуллар билан ясалади: фонетик йўл билан (*тугма – тугма* каби) лексик-семантик йўл билан (*тўз – чанг, тўзон; тўз – тўзмоқ, тўзғимоқ* каби), морфологик йўл билан (*тош+лоқ, кўрс+дош* каби) ва синтактик йўл билан: *зартепа, паст-баланд* каби. Бу усулларнинг барчаси ҳамма туркий тилларнинг умумий хусусиятидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма тилларда, жумладан, туркий тилларда ҳам луғат бойлигининг кўп қисмини от туркумига мансуб лексемалар ташкил қилади. Энг тез ва сезиларли даражада бойиб борувчи туркум ҳам от туркумидир.

Туркий тилларда сўз ясашнинг, жумладан, от ясашнинг энг фаол усули морфологик усул, яъни сўз негизларига от ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали янги отлар ҳосил қилишдир. Лексемага лексема ясовчи морфема қўшиш йўли билан ҳосил қилинган отга ясама от дейилади. Лексема ясовчи морфема бунда сўзга эмас, балки негизга қўшилади, бундай негиз лексема ясаш негизи деб юритилади.

Қадимги туркий тилларда морфологик усул билан сўз ясаш анча фаол бўлган, лекин тил тараққиётининг кейинги даврларида уларнинг айримлари архаиклашиб, кам унум аффиксларга айланиб қолган. Шунга қарамасдан, ҳозирги туркий тиллардаги барча мавжуд от ясовчи аффикслар ва улар ифодалайдиган маъноларни атрофлича таҳлил қилиб чиқиш қийин. Шунинг учун ҳозирги туркий тиллардаги энг фаол от ясовчи аффиксларнигина кўриб чиқиш мумкин. Бундай аффикслар қуйидагилар:

-чы//-чи аффикси. Бу аффикс энг қадимги даврлардан бошлаб ҳамма туркий тилларда энг фаол от ясовчи аффикслардан бири бўлиб, жуда кўп вариантларга эгадир: *-чу//-чи, -шу//-ши, -су//-си, -ча//-че, -зу//-зи* ва бошқалар.

Туркий тилларда бу аффикс ёрдамида шахснинг касб-ҳунари, турли ҳаракати, ижтимоий тобелиги, яшаш ўрни маъносидаги отлар ҳосил қилинади. Бу аффикснинг энг қадимги маъноси шахс отини англатиш бўлган.

Туркшунослик адабиётларида бу аффикснинг қадимда сифат ясовчи қўшимча бўлганлиги, шахс оти ясаш вазифаси кейин пайдо бўлганлиги, бу аффикснинг аслида сифат ясовчи *-ли* аффикси билан маънодошлиги ҳақида фикрлар берилади.

Шахс томонидан юзага келтириладиган ҳаракатнинг характери, турли касб-ҳунар билан боғлиқ шахс оти маъносида бу аффикс орқали ясалган отлар ҳамма тилларда учрайди:

озарбайжон. *оғучу* (йиғловчи), *бичинчи* (ўрувчи), *қазмачи* (шахтер, қазувчи);

олтой. *дулкучу* (отбоқар), *чаначи* (чана ҳайдовчи), *қомусчи* (музикачи, қўбизчи), *курашчи, тегунчи* (ёлғончи).

бошқирд. *баликсу, тимерсе, ҳунарсу* (овчи), *қошсо* (кушчи), *йазуусу*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

гагауз. *дуушчу* (ҳазилчи), *йолчу* (йўлчи), *чифичи* (ер ҳайдовчи), *ҳайванжу* (чорвадор);

караим. *бурғучи* (бурғучи), *балтачу* (уста), *қарақчу, аначу* (доя), *торачи* (ҳакам, судья);

қорақалпоқ. *темирши, балуқшу, тузшу, етикчи, қойшу*, (чўпон), *сувшу, базаршу*;

қорачай-балқар. *кумушсу* (мисгар), *тирменчи* (тегирмончи), *қайуқчу*;

нўғай. *қойшу* (чўпон), *тузшу, балиқшу, анжу* (овчи), *йазувшу*:

ўзбек. *балиқчи, трактopчи, тарихчи*;

уйғур. *өтукчи* (этикдўз);

шор. *уршу* (урушқоқ);

турк. *ағчу* (овчи), *демирчи, балуқчу* ва бошқ.

Ижтимоий тобелик маъноси:

бошқирд. *республикасу, миллетсе*;

қ.балқар. *искрачу, стахановчу*;

ўзбек. *динчи, сиёсатчи* каби.

Яшаш жойи маъноси:

тува, қ.балқар. *конделенчи* (Гунделенда яшовчи), *булумчи* (Биллимда яшовчи), *басханчу* (Баксанда яшовчи) каби.

-дош//-даш (вариантлари: *-даш//-дәш, -таш//-тәш, -дас//-дәс, -лаш//-ләс* ва бошқ). Бу аффикс камунум аффикс бўлиб биргалик, ҳамкорлик маъносидаги отлар ҳосил қилади:

бошқирд. *йақташ* (тарафчи), *йулдас, иптас* (ўртоқ), *илдәш* (юртдош);

олтой. *қарундаш, дъолдас, айулдаш* (овулдош);

озарбайжон. *қардаш, сирдаш, чуғурдош* (йўлдош):

қ.балқар. *қарундаш-қарнаш* (ука), *кундеш*;

қозоқ. *жолдас, жерлес* (юртдош), *қузметтес*;

қирғиз. *авулдаш, замандаш*;

караим. *қарундаш*;

нўғай. *қарундас*;

татар. *исемдаш, тиңдаш*;

турк. *қўлдаш, йўлдаш*;

туркман. *бойдаш, илдеш*;

шор. *чолдаш, қарундаш*;

чуваш. *йолташ, хуранташ* (қариндош) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-луқ аффикси. Ҳозирги туркий тилларда энг серунум от ясовчи аффикслардан бири. Бу аффикс *-луқ//-лəқ//-лик, -дук//-дик//, -тик/ /-тук, -ник//-луг* каби вариантларига эга.

Бу аффикс полисемантик хусусиятлидир. *-лук* аффиксини қорачой-балқар, қорақалпоқ, караим тилларида ўзак ифодалаган маъно билан боғлиқ ўлчам, ўрин, ҳолат, муносабат, касб-ҳунар, мавҳумлик, вақт ўлчови, тақлид маъноларини англатади дейилади, лекин бу маъноларнинг қайси бири шу аффикснинг етакчи, бош маъноси эканлиги ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмайди.

Ҳозирги деярлик ҳамма туркий тилларда *-луқ* аффикси ўзак ифодалаган маъно билан боғлиқ жамлик, кўплик, умумийлик маъноларини англатади:

озарбайжон. *агачлуқ, булутлуқ*;
караим. *ташлуқ, қозлух* (ёнғоқзор);
татар. *қайенлук, ташлуқ*;
бошқирд. *ўрманлуқ, қомлоқ*;
нўғай. *агачлуқ, ташлуқ*;
қумиқ. *агачлуқ, будайлуқ*;
ёқут. *йуманлых* (тўнкалик), *гуллах* (тошлик);
ўзбек. *даштлик, тераклик, сувлик* каби.

Мавҳум маъно англатади:
озарбайжон. *башғалуғ, динчлик, йуксаклук*;
олтой. *байлуқ, айлуқ*;
бошқирд. *йашлик, йегетлик*;
караим. *тарлуқ, ачлуқ*;
қ.балқар. *бийиклик, оқлуқ*;
татар. *соқурлук, батурлук*;
нўғай. *ақлуқ, йаманлуқ, сувлуқ*;
ўзбек. *дўстлик, оқлик*;
гагауз. *чохлук* (кўплик), *учахлук* (болалик);
уйғур. *балалик, йахшилик*;
қозоқ. *балалуқ, жилилик*;
қумиқ. *сарылык, гоглук*;
қирғиз. *жашлук, жахшулуқ* каби.

-к//-г//-ик//-ик, -ук//-уқ аффикси: *билиг* (билим), *дилег* (тилак), тува. *одаг*, турк. *отак*, ҳакас. *отах*, қозоқ. *отау* ва бошқалар.

-лаг//-лақ аффикси: тува. *чайлаг* (яйлов), ҳакас. *чайлаг*, уйғ. *яйлак*, турк. *йайлақ*, қозоқ. *жайлау*, шор. *киштаг*, турк. *қишлақ*, ўзбек. *қишлоқ*, қозоқ. *қыстақ* каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

-к//-қ, -ик//-иқ, -ук//-уқ аффикси: тува. *будук* < *буду – буйа+к*, олтой. *будук*, уйғур. *бояк*, ўзб. *бўёқ*, қирғиз. *боёк*, озарб. *бояг*, қозоқ. *бойу*;

-ш аффикси: *көруш* (қараш), *согуш*, *таныш*, *тыныш*;

-ки//-қи аффикси: *жылытқи* (парник), *хирги* (қирги), *ажытки*;

-нды//-ынды аффикси: *қырынди*; *чуунду* (ювинди);

-дырык аффикси: *мойундурук* каби.

-ик//-иқ аффикси: турк. *бузуқ*, татар. *ашык*, қумиқ. *йыртық*, олтой. *ортық*, қозоқ. *айық*;

-кин//-қын аффикси: татар. *йа°нгын*; гагауз. *качкын*, қирғиз. *тутқын*, шор. *ташқын*, туркман. *сургун*, ўзбек. *учқун*;

-ма//-мә аффикси: озарбайжон. *йарма*, ҳакас. *чарба* (ёрма), татар, бошқирд. *бўлма*, қозоқ. *тоқыма*, қирғиз. *кесие*.

-м//-ым//-им//-ум аффикси: озарбайжон. *кийим*, олтой. *олум*, қумиқ. *алым*, ҳакас. *турым*, тува. *озум* (ўсим), қирғиз. *жутум*, туркман. *сагым*, турк. *бичим*;

-миш//-мыш аффикси: татар. *търмъш*, қирғиз. *жазмыш*, чуваш. *симес* (емиш), турк. *емиш*, ўзбек. *ўтмиш*, қозоқ. *къліъс*;

-ин//-ын аффикси: уйғур. *тутун*, озарбайжон. *экин*, шор. *туун* (тугун), тува. *чыдын* (ётоқ), қирғиз. *жыйым*, турк. *акын*;

-ги//-ки//-қы//-ғы аффикси: шор. *қапқи*, турк. *бургу*, нўғай. *шалғи*;

-кич//-ғич аффикси: олтой. *асқыш*, татар. *сьзгьч*, ҳакас. *пасхыс* (босқич), қирғиз. *кескич*, қ.қалпоқ. *ачқыч*, ўзбек. *чизгич* каби.

Ҳамма туркий тилларда кичрайтиш, эркалаш отлари деярли бир хил маънода қўлланади:

-к//-қ, -ақ//-әк: олтой. *салқынак*, *қойонок* (қуёнча), шор. *қозанок* (қуёнча); татар. *башақ*, ҳакас. *позах*, олтой. *мажақ*, қирғиз. *машақ*, қозоқ. *масақ* (бошоқ);

-қа//-кә: қирғиз. *атаке* (отажон), қозоқ. *шешеке* (онажон), ўзбек. *эрка*;

-қай//-кай: татар. *қуйанкай, дусқай* (дўстжон), ўзбек. *болакай*;

-ча//-чә: татар. *теркилше* (гуруҳча), қозоқ. *бытақша, китапша*, озарбайжон. *бағча*, қирғиз. *скузче*, ўзбек. *кўприкча*, қ.қалпоқ. *жолша*: уйғур. *алмичә* (олмача);

-чақ//-чәқ: олтой. *балачақ*, ҳакас. *туражак* (уйча), қозоқ. *қульшақ*, шор. *қушчақ*;

-чик//-чық: турк. *евчик* (уйча), тува. *хемчик* (дарёча), туркман. *көпружук*, ҳакас. *кимежек*, қ.балқар. *қызчиқ* (қизча);

-лоқ//-лә: *буталоқ, төйлоқ*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

-(а)н//-(ə)н: турк. *оолан* (ўғилча), қозоқ. *өзен* (дарёча);

-тай//-тэй: *эркатой*, қозоқ. *ағатай* (бобо).

Ҳозирги туркий тиллар отларнинг синтактик усул билан ясалиши жиҳатдан бир-биридан у қадар фарқ қилмайди, лекин бу усул ҳам сўз ясашнинг фаол усулларидан биридир. Сўз ясашнинг бу усулига кўра ўзбек тилидаги сингари қўшма ва қисқартма отлар (аббревиатуралар) ҳосил қилинади.

Қўшма сўзлар ҳам бирикиш усули, ҳам маъно хусусиятларига кўра деярли ҳамма туркий тилларда бир хил. Лекин жуфт сўзлар масаласида туркий тиллар бошқа тилларга нисбатан айрим ўзига хосликларга эга.

Туркий тилларда жуфт отлар уч хил тузилади:

а) компонентлари ўзаро синоним, антоним бўлган жуфт сўзлар;

б) айнан такрорланган сўзлар;

в) таркибидаги компонентларнинг бири ўзгаришидан ҳосил бўлган жуфт отлар.

Биринчи ва иккинчи тип жуфт сўзлар ҳамма туркий тилларда бир хил. Туркий тилларда учинчи тип жуфт сўзлар ўзига хос хусусиятларга эга:

а) биринчи қисми маъноли, иккинчи қисми маъносиз сўзлар: *эски-туски, бола-чақа* каби;

б) ҳар иккала қисми ҳам маъносиз сўзлар: *лаш-луш: пала-партиш* каби;

в) биринчи қисми маъноли, иккинчи қисми унинг деформациясидан (ўзгаришидан) ҳосил бўлган сўзлар: *от-пот, нон-пон, сув-пув, ирим-сирим* каби;

Аббревиатуралар ҳамма туркий тилларга рус тилининг таъсири натижасида кириб келган бўлиб, шаклан ва мазмунан ҳамма туркий тилларда бир хилдир: *БМТ, АҚШ, ГАИ* (ўзбекча *ДАН*) каби.

Сўз ясалишида **субстантивация** масаласи ҳамма туркий тиллар учун ҳам мураккаб масалалардан биридир. Субстантивация бошқа туркумдаги сўзларнинг отга кўчиши, отлашишидир.

Субстантивация конверсиянинг бир кўриниши бўлиб, аслида лексик-семантик усул билан сўз ясаш, аниқроғи от бўлмаган сўзлардан от ясаш, бошқа туркумдаги сўзларнинг ўз шаклини ўзгартирмаган ҳолда отга кўчиши, отлашишидир. Масалан, *яхши топиб гапиради, ёмон қопиб, яхшидан от қолади, ёмондан дод* каби мақолларда "***яхши***" ва "***ёмон***" сўзлари аслида белги билдирувчи сўз – сифатдир. Шубҳасиз, *яхши бола, ёмон одат* каби бирикмаларида яхши ва ёмон сўзлари асл маъносида бўлиб, бошқа аслий сифатлар каби предметнинг турғун

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгисини билдириш, сифатга хос грамматик шаклларни олиб келиши мумкин: *яхшироқ, энг яхши, энг ёмон* каби. Лекин юқоридаги мақолларда *яхши* ва *ёмон* сўзлари бошқа сифатлар каби белги билдириш ва сифатга хос грамматик шаклларни олиш хусусиятини йўқотиб, предметнинг номини англатишга хосланган, отлашган, сифат отга кўчган, конверсия усулида субстантив отлар ҳосил бўлган. Шунинг учун мисоллардаги яхши ва ёмон сўзлари аввалгидай *қандай?, қанақа?* сўроқларига жавоб бўлмай, даража кўрсаткичларига ҳам эга бўлмасдан, балки *ким?, нима?* сўроқларига жавоб бўлиб, от каби турланади: *яхшиси, ёмони, яхшининг, ёмоннинг, яхшини, ёмонни, яхшидан, ёмондан* каби. Бу сўзлар семантик жиҳатдан белги билдиришдан предмет маъносини билдиришга томон силжийди, кўчади, категориясини ўзгартиради, сифат категориясидан от категориясига ўтади. Натижада, сифатдан (бошқа туркумдаги сўзлардан ҳам) субстантив от ҳосил бўлади.

Бошқа туркумдаги сўзларнинг отга кўчиши – субстантивация икки усул билан юз беради.

1. Субстантивациянинг лексик-синтактик усули ёки от бўлмаган сўзларнинг маълум контекстда (гап ичида) ўз шаклини ўзгартирмаган ҳолда предметлик маъносига эга бўлиб отга кўчиши. Бунга оккозионал ёки контекстуал субстантивация ҳам деб юритилади.

2. Субстантивациянинг лексик-морфологик усули ёки от бўлмаган сўзларнинг маълум морфологик ўзгаришга учрашидан ўз маъносини ўзгартириш. Бундай ҳолда от бўлмаган сўз кўплик, эгалик, келишик қўшимчаларини олиб ўз шаклини ўзгартиради, субстантивлашади.

Субстантивациянинг биринчи усулида от бўлмаган сўзларнинг отга кўчишининг икки кўриниши мавжуд:

1) барқарор субстантивацияда сўз олдинги ўз маъносини қисман сақлаган ҳолда янги предметлик маъносини касб этади, умумграмматик маъноси нуқтаи назаридан сўз янги маъносига кўра от туркумига ҳам, эски маъносига кўра ўз туркумига ҳам мансуб бўлади. Сўз ясалишининг ҳар қандай усулидаги сингари бундай субстанцияда ҳам мазмунан алоқадорлик мавжуд бўлади, маънода узилиш юз бермайди;

2) окказионал ёки контекстуал субстантивацияда субстантивлашган сўз фақат айрим контекстдагина предметлик маъносини касб этади. Бу субстантивлашишнинг энг сермаҳсул усули бўлиб, ҳамма туркий тиллар учун умумийдир: *ушке дөртту қадарга, чеда боор* (учга тўртни қўшса, етти бўлур).

Субстантивациянинг иккинчи контекстуал тури турли туркумдаги сўз негизларига III шахс бирликдаги эгалик қўшимчасини қўшиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали ҳосил қилинади, бу субстантивациянинг энг сермаҳсул усулидир:

О башчада уч чичек вар:
Бири *лаалэ,* ***бири*** *зумбул,*
Бирисида *гул* каби.

Субстантивлашиш, айниқса, сон, сифат, сифатдошлар ва ҳаракат номларида кучли, чунки бу типдаги сўзлар семантик-грамматик жиҳатдан отларга мойилдир.

СИФАТ

Сифат предметнинг (кенг маънода) доимий, турғун белгисини билдирувчи сўз туркумидир. Бу сифатларнинг асосий хусусиятидир, чунки улар баъзан ҳаракатнинг белгисини ҳам англатиши мумкин. Масалан, барча туркий тилларда айрим сифатлар ҳам предмет, ҳам ҳаракат белгисини англатгани ҳолда, баъзи сифатлар фақат предмет белгисини англатишга хосланган. Қиёсланг: *йахши//жахси//яҳшы* ва *оқ, қора, сөз* сифатлари.

Морфологик хусусиятларига кўра сифатлар бошқа туркумдаги сўзлар (масалан, от ва феъллар) каби кенг тараққий этган эмас, улар турланмайди ва тусланмайди, айрим белгилари озайтирувчи ва кучайтирувчи кўрсаткичларига (*-рақ//-ырақ* каби) эга. Шунинг учун айрим туркшунос олимлар қадимтуркий тилда сифатлар мустақил сўз туркуми сифатида мавжуд бўлмаган, чунки улар бошқа туркумлардан фарқлантирувчи махсус грамматик кўрсаткичларига эга эмас, деган фикрни билдирадилар. Бу у қадар тўғри эмас, чунки инсон у қайси тил оиласига мансублигидан қатъи назар, предметни англаш билан бир даврда унга хос бўлган айрим белги ва хусусиятларни ҳам мушоҳада қила бошлаган бўлиши керак. Бунга барча ҳозирги туркий тилларда негиз жиҳатдан уларнинг туб ва ясама сифатларга ажратилиши ҳам далил бўла олади.

Масалан: турк, қумиқ, нўғай, қозоқ, қорақалпоқ, олтой, ўзбек, уйғур, қирғизда *қара*, озарбайжон, гагауз, туркманда *гара*, татар. *қа°ра*, чуваш. *хура*; турк, туркман, гагауз. *ак*, қипчоқ гуруҳ тилларида *ақ*, татар, бошқирд. *а°қ*; ўзбек, уйғур. *йанги*, нўғай, қумиқ. *йаңы*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *жаңа*, турк, озарбайжон. *йени* каби.

Сифатларнинг бошқа туркумлардан, хусусан, отлардан ажралиши туркий тилларнинг қадимтуркий даврида икки йўл билан юзага келган: отларнинг сифатларга семантик-вазифавий трансформацияси, кўчиши, тўғридан-тўғри отнинг сифатга ўтиши йўли билан ва мустақил ҳолда

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатларни бошқа туркумлардан фарқлантирувчи морфологик белгиларнинг келиб чиқиши йўли билан. Отларнинг семантик трансформацияси натижасида сифатга кўчиши, сифатларнинг келиб чиқишини, ҳозирги туркий тиллардаги туб аслий сифатлар орқали изоҳлаш мумкин: *көк* (ранг-тус) < *көк* (осмон), *қара* (ранг-тус) < *қара* (тун, зулмат), *йаш* (белги) < *йаш* (йигит, одам) каби.

Сифатлар деярлик ҳамма туркий тиллар грамматикаларида лексик-семантик гуруҳларга ажратилади, лекин уларнинг ҳамма туркий тиллар учун умумий бўлган таснифи йўқ.

Гарчи, ҳамма грамматикаларда сифатларнинг ҳам предмет белгисини, ҳам ҳаракат белгисини англатиши, шунга кўра синтактик жиҳатдан ҳам аниқловчи ё ҳол вазифасида келиши таъкидланса-да, уларнинг чегараси аниқланмайди, бу жиҳатдан ҳамма сифатларнинг бир хил эмаслиги назардан четда қолади.

Сифатларнинг бу хусусиятларига эътибор бериш уларни синтактик жиҳатдан тасниф қилишнинг ҳам имконини беради. Шунга кўра ҳаракатнинг белгисини билдирмайдиган, фақат отга боғланиб, предмет белгисини билдирувчи сифатларни семантик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) **ранг-тус билдирувчи сифатлар:** *ақ, қара; көк, сары*;

2) **маза, таъм билдирувчи сифатлар**: ўзбек. *шўр*, қозоқ. *сор*, озарб., туркман, уйғур, қирғиз, шор, турк. *шур*; ўзбек. *аччиқ*, қозоқ. *ачы*, қирғиз. *ажыг*;

3) **ҳажм-шакл билдирувчи сифатлар**: озарб. *бөйүк*, қирғиз. *бийик*, шор. *мозук*, ўзбек. *баланд*, уйғур. *егиз*, ёқут. *урдук*, тува. *бедик, узун, улуг, биче* (кичик);

4) **киши ва ҳайвонларнинг физик хусусиятларини англатувчи сифатлар**: турк. *сагыр* (кар), *көр*, *йаш, коса* (кекса), *шишман* (семиз), *кучук* (кичик);

5) **одам ва ҳайвонларнинг физиологик ҳолатини англатувчи сифатлар**: *ач, тоқ, саг*;

6) **нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини билдирувчи сифатлар**: тува. *соок* (совуқ), *аар* (оғир), *чиик* (енгил);

7) **кишиларнинг турли ҳолатини англатувчи сифатлар**: озарб. *гариб*, турк. *гарип*, татар. *гарип*, ўзбек. *бечора*, озарб. *фахыр*, татар. *мескин*, қозоқ. *байғус* ва бошқалар.

Сифатларнинг бу семантик бўлиниши уларнинг анъанавий аслий ва нисбий сифатларга бўлинишига ҳам асос бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аслий сифатлар предмет ва ҳодисаларга бевосита боғлиқ бўлган белгиларни англатадиган сифатлардир. Юқоридаги семантик белгиларга эга бўлган сифатларнинг жами аслий сифатлардир. Аслий сифатларнинг нисбий сифатлардан асосий фарқли белгиси сифатларга хос барча морфологик кўрсаткичларга эга бўлишидир: *-(i) рақ, -илтым //-ултум* каби.

Нисбий сифатлар бир предметнинг белгисини бошқа бир предметга нисбатлаб кўрсатади ва белгининг ўрин ҳамда пайтга муносабатини билдиради. Аслий сифатлар билан нисбий сифатларнинг фарқли белгиси шундаки, аслий сифатлар туб ва ясама бўлиши, нисбий сифатлар эса махсус нисбий сифатлар ҳосил қилувчи аффикслар асосида ҳосил бўлган ясалмалардан иборат бўлади.

Нисбий сифат ҳосил қилувчи морфологик кўрсаткичларнинг энг қадимги шакли ***-лыг*** аффиксидир. Бу аффиксни, гарчи, туркшунослик адабиётларида бу ҳақда турли фикрлар мавжуд бўлса ҳам, абстракт от ясовчи *-лик* аффиксидан фарқлаш керак. Ҳозирги туркий тилларда *-лыг* аффиксининг яна бир шакли турли вариантлардаги *-ли* аффиксидир.

Масалан: олтой. *атту* (олти), *туралу* (уйли), *карлу* (тоғли), *агачту* (ёғочли); бошқирд. *һөтлө* (сутли), *итле* (гўштли); гагауз. *анали* (аналик); қозоқ. *тонди* (тунли), *далали* (чўлли), *акылды* (ақлли), *акшали* (пулли); караим. *кирли* (кирли), *тамирли* (темирли), *қутлу* (бахтли); қирғиз. *күчтү* (кучли), *малду* (молли); татар. *қомлы* (қумли), *көчле* (кучли); тува. *даштыг* (тошли), *даглиг* (тоғли), *суглиг* (сувли); ўзбек. *ёқимли, қўрқинчли*; ҳакас. *маллыг* (молли), *төллиг* (зотли), *төнниг* (тунли); чуваш. *хайулла* (қувноқ); шор. *қарлыг* (қорли), *тамниг* (таъмли), *палыктиг* (балиқли) ва бошқалар.

Кўпинча ***-лыг*** ва ***-лик*** аффикслари семантик фарқи йўқ даражага келиб қолади. Бу, айниқса шу аффикслар турли вариантда ўрин-жой ва ижтимоий келиб чиқишига боғлиқ нисбий сифатлар ҳосил қилинганда кўринади: қорачой-балқар. *китайлы* (хитойлик), *оруслу* (рус), *малкарлы* (болқарлик), *қорачойлы*; турк. *истамбуллу*; туркман. *марили, чөрчавли*; ўзбек. *тошкентлик, самарқандлик* каби.

Туркман, уйғур тилларида бу аффикслар ўрнида баъзан *-лак//-ләк* (туркман. *әтләк*, уйғур. *музлак*), ёқут тилида *-таах//-лээх* (*аттаах* – отли, *иккилээх* – икки ёшли, *муҥнаах* – мунгли, *уттээх* – сутли, *оҕолоох* – болали) аффикслари қўлланади.

Белгини ўрин ва пайтга нисбатлаб кўрсатадиган энг фаол нисбий сифат аффиксларидан яна бири ***-ки//-қи, -ги//-ги*** аффиксларидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу аффикс асосан пайт билдирувчи отларга қўшилиб, ўзак ифодалаган белгига эга бўлган нисбий сифатлар ҳосил қилади: қирғиз. *жазги*, гагауз. *кышкы*, ёқут. *сааски* (баҳорги), нўғай. *қысқы*, тува. *часқы* (баҳорги), ўзбек. *ёзги*, озарбайжон. *ахшамкы*, турк. *сабаҳкы*, шор. *қышқы*, татар. *йа°зги*, чуваш. *сурки* (баҳорги) каби.

Бу аффикслар ўрин-жойга нисбат билдирувчи сифатлар ҳам ясайди, бунда кўпинча бу аффикс кенгайиб *-даги* (*-да* ўрин-пайт келишиги қўшимчаси) аффиксини ҳосил қилади ва шу маънодаги нисбий сифатлар ясайди: нўғай. *тыскы* (ташқи), қирғиз. *башқь* (бошланғич), турк. *дашкы* (ички), турк. *долаптаки* (шкафдаги), ўзбек. *уйдаги*, ёқут. *тыстаағы* (тайгадаги), олтой. *айылдаги* (овулдаги), ҳакас. *чирдеги* (ердаги) каби.

Нисбий сифат ҳосил қилувчи фаол аффикслардан яна бири ***-сиз*** аффиксидир: татар. *сусиз*, *урмансиз*, озарбайжон. *йағсиз*, *сусуз*, *гуҗсуз* (кучсиз), ўзбек. *тузсиз*, нўғай. *атсиз*, қирғиз. *суусуз*, қозоқ. *сусиз*, қорақалпоқ. *жерсиз*, турк. *татсыз* (таъмсиз), қорачой-балқар. *сансыз* ва бошқалар.

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Сифатларда белгини қиёслаш даражаси дунё тилларида бўлгани каби туркий тилларда ҳам фақат аслий сифатларгагина хос. Бу икки хил:

1) бир предметдаги белгини шу предметнинг ўзига хос муайян белгиси билан қиёлаш: *сары – саргылт – саргыш – сарырақ* каби;

2) бир предметдаги белгини бошқа предметдаги шундай белги билан қиёслаш: озарбайжон: *бажым менден кичикдир* (синглим мендан кичик), қумиқ: *дениз көлден уллу* (денгиз кўлдан катта), ўзбек: *олтин темирдан оғир* каби.

Предметлардаги белгини қиёслашда, одатда, қиёслашга асос бўлган предметнинг муайян белгиси муҳим критерий ҳисобланади. Шунга кўра ҳамма туркий тилларда анъанавий тарзда сифат даражалари учга бўлинади:

1. Оддий даража.
2. Қиёсий даража.
3. Орттирма даража.

Оддий даража сифатларнинг белги англатиш жиҳатидан муайян шакли бўлиб, сифатларнинг бошқа ҳамма даража шакллари аналитик ва синтетик йўл билан сифатларнинг шу шаклидан ҳосил бўлади.

Муайян, доимий белгига эга бўлган барча туб ва ясама сифатлар оддий даражадаги сифатлардир: озарб. *көк*, *сары*, *аз*, *кўп*, *дар*, *кең*, *улуғ*,

www.ziyouz.com kutubxonasi

узун, изиг, ажыг; ўзбек. *совуқ*, тува. *соок*, шор. *соок*, ҳакас. *соох*, олтой. *соок*, қирғиз. *суук*, озарб. *союк*, туркман. *совуқ*, турк. *согук*, уйғур. *совуқ*, бошқирд. *қыуык*, қозоқ. *суық*, қумиқ. *сувукъ*, нўғай. *сувық*, татар. *суык*, чуваш. *сиве* каби.

Қиёсий даража нутқ вазиятига кўра белгининг муайян даражаларидан ё бироз камликни, ё бироз ортиқликни англатади. Сифатнинг қиёсий даражаси сифат негизларига *-рақ//-(и)рақ* қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *жахсы – жахсыроқ* каби.

Ҳозирги туркий тилларда ***-(и)рақ*** қиёсий даража аффикси саналса ҳам туркшунослик адабиётларида бу ҳақда турли хил қарама-қарши фикрлар мавжуд: Н.К.Дмитриев *-(и)рақ* аффикси белги тушунчасининг асосий миқдори модификатори (даражаловчиси), бу турли томонга йўналтирилган бўлиши мумкин, *-(и)роқ* бир ҳолатда асосий белги тушунчасини кучайтириш учун хизмат қилса, иккинчи ҳолатда белгининг камлигини англатиши мумкин деса, А.М.Шчербак *-(и)роқ* аффикси қиёсий даража шакли эмаслиги, унинг ҳеч қачон бу вазифани бажармаганлиги ҳақидаги фикрни беради. Шундай бўлишига қарамасдан, деярли барча туркий тиллар грамматикаларида Н.К.Дмитриев фикрига қўшилган ҳолда *-(и)роқ* аффикси туркий тиллардаги ягона қиёсий даража қўшимчаси деб юритилади.

Келиб чиқиш жиҳатидан *(-и)-рақ* аффикси қадимги сўз *арах* юкламаси шаклида бўлиб, кейин аффикслашган.

Ҳакас, шор, тува тилларида *-(и)рақ* аффикси "бир оз" маъносини англатувчи ***арах, ааракъ*** шаклидаги юклама бўлган: ҳакас. *хузул арах* (қизилроқ), *кок арах* (кўкроқ), *саруг арах* (сариғроқ); тува. *саруг ааракъ* (сариғроқ), *көк ааракъ* (кўкроқ) каби.

Шор тилида *ааракъ* юкламаси *-аруқ//-аракъ* шаклида аффикслашган: *қузулаарақ//қузуларақ//қузуларуқ* каби. Олтой тилида эса мутлақ турли вариантлардаги аффиксларга айланган: *ағарук* (оқроқ), *көгөрик* (кўкроқ) каби.

Бошқа туркий тилларда бу аффикс *-рақ//-рәк//-рек* шаклида кенг қўлланади. Мисоллар: озарб. *кәдәрәк* (қисқароқ), бошқирд. *азерәк* (аччиқроқ), гагауз. *күрүрәк* (кичикроқ), *бүүрәк* (буюкроқ), караим. *йахшурақ*, қорақалпоқ. *аларақ*, қозоқ. *аласарақ*, қирғиз. *қатурақ* (қаттиқроқ), нўғай. *қузулурақ*, қумиқ. *теңрек*, татар. *матуррак* (гўзалроқ), турк. *инжерек* (ингичкароқ), туркман. *овунгурак* (майдароқ), ўзбек. *ақллироқ*, чуваш. *азарах* (иссиқроқ) ва бошқ.

-роқ аффикси ёқут тилида қўлланмайди.

Орттирма даража шакли ҳамма туркий тилларда аналитик усул билан ҳосил бўлиб, белгининг меъёридагидан ўта ортиқлигини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатади. Бу сифат негизларидан олдин махсус кучайтирувчи элементларни қўшиш орқали ҳосил қилинади: ***эң, чох, чум, тим, лап, асру, аша, ота, тунд, бэк, чим*** каби.

Мисоллар: озарбайжон. *тунд ғирмизи, дум ғара, лаф йахши*; олтой. *эң дьакши, коркушту дъакши*; бошқирд. *сом ғара, ота акылды*; қозоқ. *шим қизил, тим жақсы;* қирғиз. *йаман қури, бэк сувук, көп бэк арив*, нўғай. *бэк ийги* (жуда яхши); татар. *дем өзөн, чом кара*; тува. *дика улуг, эң-нэ улуг, эң улуг*; турк. *эң буюк*; туркман. *иң ули, чим ғызыл, чув ак, шар ғара*; ўзбек. *энг узун* (диал. *дим узун, зил қара аша йугурук*); ҳакас. *иң чахсы, тиң чахси*; чуваш. *чи лайах* (жуда яхши), *сэм тедем* (тим қора), *сэм суккар* (мутлоқ кўр); шор. *энг чакши, тиң кок, сум ак*; ёқут. *бэрт учугэ* (жуда яхши) ва бошқалар.

Озайтирма ва кучайтирма сифатлар

Сифатлар даража категориясига эгалигидан ташқари озайтирма ва кучайтирма шаклларига ҳам эга.

Озайтирма сифатлар белгининг нормал ҳолатдан камлигини англатади. Бу махсус шакллар орқали шакллантирилади. Булар қуйидагилар:

-қай//-кай: қозоқ. *сьрқай* (сариғроқ), *търбъқай* (пастроқ);

-ил//-ул, -илт//-улт, -илтим//-ултум, -илтий//-ултуй, -илтир//-ултур: олтой. *қисқилтим* (қизилроқ), *сарғылтым, қаралтым*; бошқирд. *һарғылт, йашкилт, сөскөлт//сөскөлтем* (ширинроқ), *эскилт, эскилтим* (аччиқроқ); қозоқ. *бозғил// бозғилт// бозғилтим* (оқроқ), *қизғилтим // қизғилт*; қорачой-балқар. *морғулдум* (яшилроқ), *қизғил//қизғилдим, сарғил// сарғилдим*; қирғиз. *ағалтим//ағилтир, қизғилт//қизғилтим*; қорақалпоқ. *сарғылт*; қумиқ. *қизғилт, сарғилт, йашғилт*; нўғай. *сарғил// сарғилдим// сарғилдий, ағилзим//ағылдий*; татар. *эскилт//эскилтим, сарғилт*; тува. *сарғил// сарғилдир*; туркман. *ғизғилт, зарғилт;* шор. *Көгулдурум* ва бошқалар;

имтир//-имтил//-умтул: озарб. *бозумтул* (оқроқ), *саримтил, қарамтил*; қозоқ. *сарғимтил, кокимтил*; турк. *йэшилимтирак, саримтирак, кирмизимтирак*; туркман. *ағымтил, қарамтил, когумтил*; ўзбек. *қорамтил, оқимтир, сарғимтир*;

-дав: қозоқ. *жасылдав*;

-мсы//-мтыл: *мавимси* (мовийроқ), озарбайжон. *бозумтил* (оқчил);

-су: татар. *олсу* (қизилроқ), *көксу* (кўкиш);

www.ziyouz.com kutubxonasi

-сығ: тува. *дуссуғ* (тузсиз), татар. *алсуғ* (қизил);

-ча//-жа: озарб. *ажижа* (аччиқроқ), гагауз. *сарижа*;

-ш//-иш: ўзбек. *оқиш*, *кўкиш*, қирғиз. *когуш*;

-симан//-суман//-зибан, -симак, -симар: олтой. *қизилзимак, каразимак, аксимак*; қумиқ. *қизилшумал, ақшумал*; қорачой-балқар. *қизилсимон, сарисимон, аксиман*; қирғиз. *қизилсимак;* нўғай. *бийиксимал*; тува. *қизилзимар*; ўзбек. *қорасимон*; шор. *қизилзибан, каразибан* каби;

-чил//-шил: қозоқ. *саршил, ақшил, кокшил//кокшилтим*; нўғай. *ақшил//ақшилт*; турк. *ақчил, кокчил*; қумиқ. *акшилт, гогшилт*; ўзбек. *кўкчил, оқчил*;

-сав//-сов//-сув//-сив: озарбайжон. *қумиқ, узунсов, далисав* (телбароқ), *назиксув, уллусув* ва бошқалар.

Кучайтирма сифатлар ҳам сифатларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Сифатларнинг бу шакли асосан аналитик йўл билан ҳосил бўлади.

1) тўлиқ такрор: туркман. *бэйик-бэйик*; уйғур. *майда-майда*; чуваш. *шура-шура* (оқ-оқ);

2) қисман такрор: озарбайжон. *гипгирмизи, гом-гой* (кўм-кўк); олтой. *боп-боро, чоп-чоқур*: гагауз. *капкати* (қап-қаттиқ); қозоқ. *сапсари, қип-қизил*; қумиқ. *ап-ақ*; нўғай. *йап-йашил*; татар. *ап-ачи, кўм-кўк*; тува. *сап-сариғ, чап-чаа* (яп-янги); турк. *бомбош, дос-долу*; ўзбек. *бўмбўш, қип-қизил*; уйғур. *уп-узун*; хакас. *қип-қизил, сап-сариғ*; ёқут. *апаһи* (ап-аччиқ), *уп-уһун* (уп-узун);

3) қўшимча бўғинли тўлиқсиз такрор: гагауз. *дупу-дуз* (тептекис); қозоқ. *туппа-тура*; қорачой-балқар. *топпа-толу*; турк. *сапасоғлам* ва бошқалар.

Сифатларнинг ясалиши

Сифатлар таркибига кўра, туб, ясама, қўшма, жуфт бўлади. Фақат ўзак морфемадан иборат бўлган сифатлар туб сифатлар (*ақ, қара, бош* каби), туб лексик морфемага сифат ясовчи морфемалар қўшиб ҳосил қилинган сифатларга ясама сифатлар дейилади: шор. *аттыг, куштуг, тустуг, суттуг*, уйғур. *атлық, кучлук, тузлуқ, сутлуг* каби.

Сифат ясашнинг фаол усули морфологик усул бўлиб, сифат ясашда қуйидаги сифат ясовчи қўшимчалар иштирок этади:

-к//-г, -қ//-ғ, -ик//-иг, -иқ//-иғ **аффикслари**. Баъзан сўнги ундошлар туширилади. Бу аффикслар энг қадимги аффикслар бўлиб, кўп вариантлидир.

Мисоллар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

	қаттиқ	аччиқ	иссиқ	совуқ	буюк	ортиқ
тува	*кадыг*	*ажыг*	*изиг*	*соок*	*бердик*	*артык*
шор	*кадыг*	*ачыг*	*изиг*	*соок*	*мозук*	*артык*
ҳакас	*хатыг*	*ачиг*	*изиг*	*соох*	*позик*	*артых*
уйғур	*қаттиқ*	*аччиқ*	*иссиқ*	*совуқ*	*буюк*	*артуқ*
ўзбек	*қаттиқ*	*аччиқ*	*иссиқ*	*совуқ*	*буюк*	*ортиқ*
қозоқ	*қатты*	*аши*	*истық*	*суық*	*бейек*	*артик*
қ.қалп.	*қатты*	*ашшы*	*ыссы*	*суик*	*биик*	*артық*
қирғиз	*қаттуу*	*ачуу*	*ысык*	*суук*	*бийик*	*артык*
олтой	*кату*	*ачу*	*изу*	*соок*	*бийик*	*артык*
озарб.	*гаты*	*аҗы*	*исти*	*союг*	*бойук*	*артыг*
туркм.	*гаты*	*аси*	*ыссы*	*совуқ*	*бейик*	*артык*
турк	*кати*	*аччы*	–	*согук*	*буюук*	*артик*
қумиқ	*къатты*	*аччы*	*исси*	*сувукъ*	*бийик*	*артикъ*
нўғай	*каты*	*аши*	*исси*	*сувик*	*бийик*	*артык*
бошқ.	*каты*	*аси*	*эсе*	*Ныуық*	*бейек*	*артык*
татар	*каты*	*ачы*	*эссе*	*суык*	*биек*	*артык*

-ли//-лы: қозоқ. *тасты*, нўғай. *къмлъ*, татар. *а°йли*, қумиқ. *тузлу*, турк. *атли*, озарб. *астарли*, бошқирд. *а°тли*;

-лыҡ//-лик: татар. *а°тналък* (ҳафталик), нўғай. *айлък*, озарбайжон. *гышлых*, қирғиз. *аймақтық*, тува. *чылдык* (йиллик), чуваш. *вырлъхлъх* (уруғлик);

-чы//-чи: шор. *урушчу* (урушқоқ), олтой. *қатқычи* (кулгили);

-чаң//-чаң: олтой. *соғушчаң*, бошқирд. *буйсан*, қозоқ. *бойшаң*, қирғиз. *атчан*, қорақалпоқ. *ишшең*, туркман. *ишжең*, ўзбек. *уйчан*, уйғур. *ишчан*, чуваш. *шарччан* (уятчан);

-чақ//-чәк: татар. *уйънашақ* (ҳазилкаш), олтой. *ачынчақ* (ғазабли), шор. *урушчақ* (урушқоқ), ҳакас. *тарынчах* (куюнчак), *ундутчах* (унутувчан):

-чыл//-чил: озарбайжон. *ишчил*, қирғиз. *ойчул*, туркман. *гайғычыл*, татар. *қунақшил*;

-қай//-кай: олтой. *ыйлақай* (йиғлоқи), қирғиз. *сынарқай* (синувчан);

-ма//-мә: ўзбек. *ўрма*, *ёзма*, озарбайжон. *бурма*, турк. *йарма*, татар. *қўшма*, туркман. *өрма*;

-ик//-ик: тува. *узук*, қирғиз. *жабық*, ҳакас. *изирик* (маст), гагауз. *йыртық*, нўғай. *ашак*, гагауз. *йыртық*;

-қан//-кан: тува. *ырхон* (орик), чуваш. *хыткан* (орик), ўзбек. *солғун*, озарбайжон. *кәсгин* (кескин), турк. *кырғын*, қирғиз. *азғын*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

-аған//-әгән: туркман. *дураган* (турагон), ёқут. *умнуган* (унутувчан), озарбайжон. *йатаған*;

-ын//-ин: қирғиз. *изин*;

-қир//-кир//-ғыр//-гир: туркман. *алғир*, ўзбек. *сезгир*, татар. *сизгир*, қирғиз. *тапқир* ва бошқалар.

Қўшма ва жуфт сифатлар.

Бу усул билан ясалган сифатлар икки ёки ундан ортиқ ўзакларнинг бирикувидан тузилади.

Қўшма сифатлар:

1) туб ва ясама сифатлар бирикмасидан: *ақ йүрекли*;
2) икки туб сифатдан: *дойу гок*;
3) икки ясама сифатдан: *овнуқушақ*;
4) туб сифат ва отдан: *гуммат баҳа*;
5) от ва ясама сифатдан: *йүзйашли*;
6) от ва ясама сифатдан: *кумушсимли*;
7) сон ва отдан: *икки қават*;
8) айнан такрор: *ўркач-ўркач*;
9) турли отлардан: *элгарама* (юрт);
10) олмош ва ясама сифат: *оз эркли* (одам) каби.

СОН

Сонлар предметнинг миқдорини, саноғини, тартибини, сирасини англатадиган сўз туркумидир.

Сонлар фақат предмет англатувчи сўзлар билан бириккан ҳолдагина аниқ миқдор тушунчасига эга бўлади, бошқа ҳолларда эса унинг миқдорий маъноси мавҳум бўлади, шундай бўлишига қарамасдан айрим олинган ҳар қандай сон ҳам фикран предметлик тушунчаси билан алоқадор бўлади, шунинг учун отга яқин туради, кенг маънодаги отлар ҳисобланади.

Сонлар қадимтуркий сўзлар бўлганлиги учун сонларнинг фонетик, семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида айтиладиган барча фикрлар ҳозирги туркий тиллардаги барча сонлар учун умумийдир. Шунга кўра сонлар ҳамма туркий тилларда дастлаб саноқ сонлар, тартиб сонларга, саноқ сонлар эса ўз навбатида дона сонлар, жамловчи сонлар, тақсим сонлар, чама сонлар ва каср сонларга бўлинади.

Саноқ сонлар

Туркий тилларда 1 дан 10 гача туб саноқ сонлар айрим фонетик хусусиятлари билангина фарқланади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

	1	2	3	4	5	6	7	8	9
тува	*бир*	*ийи*	*ус*	*дөрт*	*беш*	*алду*	*чеди*	*сес*	*тос*
озарб.	*бир*	*ики*	*ус*	*дөрт*	*баш*	*алду*	*еди*	*секкиз*	*докуз*
турк	*бир*	*ики*	*ус*	*дөрт*	*баш*	*алту*	*еди*	*секиз*	*докуз*
туркм.	*бир*	*ики*	*ус*	*дөрт*	*бааш*	*алту*	*еди*	*секиз*	*докуз*
олтой	*бир*	*екки*	*ус*	*торт*	*биш*	*алту*	*ете*	*сегиз*	*тоғуз*
қозоқ	*бир*	*еки*	*уш*	*төрт*	*бес*	*алту*	*жети*	*сегиз*	*тоғуз*
қ.қалп.	*бир*	*еки*	*уш*	*төрт*	*бес*	*алту*	*жети*	*сегиз*	*тоғуз*
қирғ.	*бир*	*еки*	*уш*	*төрт*	*бес*	*алту*	*жети*	*сегиз*	*тоғуз*
қумиқ	*бир*	*еки*	*уш*	*төрт*	*бес*	*алту*	*жети*	*сегиз*	*тоғуз*
нўғай	*бир*	*еки*	*уш*	*дорт*	*биш*	*алту*	*жеди*	*сегиз*	*тоғиз*
татар	*бер*	*ик*	*уш*	*дурт*	*биш*	*алту*	*жеди*	*сегиз*	*тоғиз*
ўзбек	*бир*	*икки*	*уч*	*тўрт*	*беш*	*олти*	*етти*	*саккиз*	*тўққиз*
уйғур	*бир*	*аки*	*уч*	*тоор*	*баш*	*алта*	*етти*	*сакиз*	*туққуз*
ҳакас	*пир*	*ики*	*ус*	*төрт*	*пис*	*алту*	*чеди*	*сигес*	*тоғиз*
чуваш	*пер*	*иге*	*вис*	*тавада*	*пилек*	*улт*	*сич*	*сағар*	*тоғар*
шор	*пир*	*ийги*	*ус*	*төрт*	*пеш*	*алту*	*четти*	*сегиз*	*тоғус*
ёқут	*биир*	*икки*	*ис*	*туорт*	*биэс*	*алта*	*сэттэ*	*ағыс*	*тоғус*

Кўринадики, бирликлар фақат чуваш, қисман ёқут, шор, ҳакас тилларини ҳисобга олмаганда, бошқа барча ҳозирги туркий тилларда деярли бир хил.

Туб туркий ўнликлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, буни қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин:

ўнликлар	тува	ёқут	олтой	ҳакас	чуваш	бошқа туркий тиллар
ўн	*он*	*уон*	*уон*	*он*	*вунна*	*он//ун*
йигирма	*игээрби*	*суурбэ*	*дьирме*	*сибирги*	*жирем*	*егерме*
ўттиз	*ужен*	*отут*	*одус*	*отыс*	*вәтәр*	*отуз*
қирқ	*дөртен*	*туортуон*	*тортон*	*хырых*	*херех*	*қырық*
эллик	*бежен*	*бижуон*	*бежен*	*илиг*	*алла*	*элли*
олтмиш	*алдан*	*алтиуон*	*алтан*	*алтон*	*утмәл*	*алтмиш*
етмиш	*чеден*	*сэтээуон*	*дьетон*	*читон*	*жутмәл*	*жетмиш*
саксон	*сезен*	*ағысуон*	*сегизен*	*сагизон*	*сакарвунна*	*сексен*
тўқсон	*тозан*	*тоғусуон*	*тўғузон*	*тўғизон*	*тәхәрвунна*	*токсан*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўнликлардан юқори туб сонлар ҳамма туркий тилларда деярлик бир хил (100 – *йуз//жуз*, 1000 – *миң//бин*) қўлланса, 1000000 – қирғиз. *сан*, ёқут. *молуйуон*, олтой, ҳакас тилларида *сайа* шаклида қўлланади.

Бундан ташқари йирик рақамларни ифодалаш учун туман (10000), *лак* (100000), *корур* (10000000) сўзлари ишлатилса, бутун сонгача бўлган миқдорни англатиш учун гагауз, турк тилларида *бучук* (ярим), озарбайжон, гагауз, қумиқ, турк, туркман тилларида *йарым* (ҳакас, шор. *чариш*; озарб., турк, туркман. *йарпы*; қ.қалпоқ. *жарпы*; татар. *йарты*) ва *чарак//чорак//сирэк//-чирэк*, *руб* (1/4), *төбэ* (1/4) сўзларидан фойдаланилади.

Таркибли (мураккаб) сонларда, одатда, йирик сонлар олдин, кичик сонлар кейин келади (бир минг икки юз йигирма уч каби), лекин аксинча бўлиши ҳам мукин: *уч иғирма* (13), *дөрт оттуз* (24) каби. Мураккаб сонлар балқар, қумиқ тилларида *йийирма бла ўн* (30), *эки йийирма* (40), бошқирд тилида *дөрт биш* (20), *эки остик* (6), *уч отуз он йаши олсун* (юзга кирсин), *икки элли йаша* (100 яша) каби тизимларига ҳам эга.

Ҳозирги туркий тилларда мураккаб сонларнинг бирикишида, одатда, боғловчилар қўлланилмайди. Мураккаб сонларнинг боғловчилар билан бирикишини фақат чуваш тилидагина учратиш мумкин: *сер тэ икке* (юз ва икки), *пин тэ виссе* (минг ва уч) каби. Бир сўзи ҳамма туркий тилларда ҳам кўп маънолилик хусусиятига эга: қорачой-балқар. *бир сары тана била, бир боз койну кордум*, ўзб. *бир ўн кун бўламан*, озарбайжон. *бир кэлэди, бир кэтэди* каби.

Тартиб сонлар

Тартиб сонлар саноқ сонлар сингари мавҳум миқдор маъносини эмас, балки аниқ миқдор маъносини англатади, чунки улар доим маълум бир предмет билан боғланиб келиб, шу предмет ва шу предмет сирасига кирадиган бошқа предметларнинг тартибини, жойланиш ўрнини англатади.

Ҳозирги туркий тилларда тартиб сон ҳосил қилувчи бир неча шакллар мавжуд:

1) тартиб сон ҳосил қилувчи энг фаол қўшимча ўзбек тилидаги ***-нчи//-инчи*** қўшимчаларининг турли шакллари (*-нчи//-унчи, -нжи//-унжи, инши//-унщу, инчи//өнщв*) бўлиб, бу қўшимчалар деярли ҳамма туркий тилларда сон негизларига қўшилиб тартиб сонлар ҳосил қилади: озарб. *учунжу*, олтой. *экинчи*, бошқирд. *осонсо*, гагауз. *илкинжи* (биринчи), қозоқ. *ортанши*, турк. *башинжи* каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) ***-мәш//-мас*** фақат чуваш тилидагина учрайди: *сэккэрмэш* – саккизинчи, *тоххәрмаш* – тўққизинчи каби;

3) ***-ламчи*** ва унинг турли шакллари турли туркий тилларда мавжуд: *учламчи, бешламчи* каби;

4) ***-ку//-ки, -гу//-ги*** қўшимчаси фақат тува тилидагина маълум: *бирчи* – биринчи, *үскү* – учинчи, *бешки* – бешинчи, *алдүгү* – олтинчи каби;

5) ***-дугар*** (мўғул тилида "номер" маъносидаги дугар сўзининг аффикслашган шакли) қўшимчаси орқали тартиб сон ҳосил қилиниши ҳам фақат тува тилида учрайди: *бир дугаар* – биринчи, *ис дугаар* – учинчи, *алду дугаар* – олтинчи каби.

Дона сонлар

Саноқ соннинг бу тури фақат ўзбек тилида мавжуд бўлиб, сон негизларига ***-та*** қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *битта, иккита, ўнта, юзта* каби.

-та аслида тожик-форс дона маъносидаги сўз бўлиб, тожик тилида ҳам шу маънодаги сонлар ҳосил қилади. Масалан, *йакта* – бир дона, *дута* – икки дона, *сета* – уч дона каби. Тожик ва ўзбек тиллари таъсирида туркман ва қирғиз тилларига ҳам ўтиб, *-та* доналик сон ҳосил қилади, лекин бу умумтуркий ҳодиса эмас. Ёқут тилида ҳам шу шаклдаги (*-та*) қўшимчаси мавжуд бўлиб, бу қўшимча ёқут тилида дона сон ҳосил қилмайди, балки равиш ҳосил қилади: *бирдаа, туорттаа* – тўрт марта каби.

Жамловчи сонлар

Жамловчи сонлар маълум миқдордаги предметларнинг жамлигини кўрсатади ва ҳозирги туркий тилларда ўзбек тилидаги сингари асосан уч хил қўшимчалар орқали шаклланади:

1) ***-ав//-әв//-ов//-өв//-уу//-уо//-иа:*** ўзбек. *икков, учов, тўртов*; олтой. *бируу, экуу, учуу*; бошқирд. *бирәв, икәв, учагу*; қозоқ. *бирэв, экэв, үшэв*; қ.балқар. *экэв, алтав*; қирғиз. *бирөв, экөв, үчөв*; нўғай. *үшоов, алтав*; татар. *икав, алтав, җидав, унав*; туркман. *башав, алтав*; ўзбек. *икков, учов*; ёқут. *иккиэ, алтык* каби;

-ав//-ов қўшимчалари ҳамма туркий тилларда бирдан еттигача қўшилади, лекин тува ва уйғур тилларида бир сўзигагина қўшилади: уйғур. *бирав* (бир), тува. *бирэ* (бир) каби;

2) ***-авла//-ала*** қўшимчалари ўзбек, олтой, тува, шор тилида учрайди: *иковла, учавла*; олтой. *экилэ, түртулэ*; тува. *дөртэлэ, бэжэлэ*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

3) ***-авлан//-алаан//-алаң//-лаң*:** ўзбек. *икавлан, учавлан*; қорачой. *учэвлэн, оновлаи*; тува. *ійлән, ужэлэн*; туркм. *икилан, учлан* каби.

Бундан ташқари тува тилида "*дөртелдерзи келди*" – тўрталамиз келдик, "*дөртелдирзенге белек бердивис*" – биз тўрталангизга тортиқ бердик каби ибораларда – *елдерзе* шакли учрайдики, бу бошқа туркий тилларда мавжуд эмас.

Тақсим сонлар

Тақсим сонлар мавҳум миқдор маъносини англатиб, асосан предметларни каттадан кичикка қараб гуруҳлаштириш маъносини англатади. Тақсим сонлар деярли барча ҳозирги туркий тилларда аналитик ва синтетик йўл билан ҳосил қилинади.

Ўзбек тилида соннинг бу маъноси асосан *-овлан* (тўртовлан, бешовлан), *-ала* (иккала, учала) қўшимчалари ва жуфт сонлар орқали, ҳосил қилинади: *битта-битта, ўнта-ўнта, юзта-юзта* каби.

Бошқа туркий тилларда:

1) **чиқиш келишиги қўшимчаси орқали**: нўғай. *торттен*, қозоқ. *уштен*, қорақалпоқ. *екиден*, бошқирд. *биштан*, қирғиз. *екиден*, шор. *пештең*;

2) **хакас тилида *ардаң//ердең***: *тортердең, отузардаң*;

3) **нўғай *-лар//-лер***: *жетилер, алтулар, онлар*;

4) ***-арлар//-ерлер***: *шорлар//-шерлар*; нўғай. *онарлар*, қумиқ. *екишерлер*, ҳакас. *пизерлер* (бешовлан);

5) ***-илер***: қ.қалпоқ. *бирилер*;

6) ***-лу//-ну, -ту//-ду***: ёқут. *алталу, уусту* каби.

Тақсим сонларнинг аналитик шакли ҳамма туркий тилларда бир хил.

Чама сонлар

Ҳозирги туркий тилларда соннинг ноаниқ, чама шакли синтетик ва аналитик йўллар билан шаклланади.

Ситетик йўл билан:

1) ***-ча* қўшимчаси**: уйғур. *онча*, қирғиз. *йузча*, ҳакас. *чегирбече*, шор. *сегисче*, ёқут. *уонча*;

2) ***-лар//-лер***: татар. *ушлер*;

3) ***-тача***: ўзбек. *ўнтача*;

4) ***-ларжа***: озарбайжон. *ийирмиларжа*;

5) ***-лаган//-лаган***: татар. *юзлаган, меңлаган*; бошқирд. *биштаган*, қозоқ. *йузлеген*, қ.қалпоқ. *алтылаган* ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аналитик йўл билан: озарб. *отуза гадар*, қозоқ. *он шамали*, тува. *он шаа*, ўзбек. *ўн чоғли*; шор. *ийгибе, усре* – иккитадан, учтадан; жуфт сонлар *икки-уч, беш-ўн, ўттиз-қирқ* каби.

Каср сонлар

Каср сонлар аналитик шаклда ҳосил бўлиб, таркибидаги сонлардан бири чиқиш келишигида, иккинчиси эгалик аффиксини олган сонлар қўшимчасидан ҳосил бўлади: *иккидан бир, тўртдан бир*, озарб. *дордда бир, йузда он ики*, бошқирд. *биштэн ос,* қ.қалпоқ. *тўртдан бир*, қумиқ. *экидэн бири*, нўғай. *алтыдан эки*, туркман. *ондан бир* каби.

Айрим туркий тилларда каср сонлар изофали бирикмадан ҳосил бўлади: олтой. *бештинг уч улуши*, қозоқ. *үштиң бири*, қумиқ. *сегизни алтиси*, уйғур. *башниң иккиси* каби.

Чуваш ва ёқут тиллари каср сонларни ҳосил қилишда ўзига хос хусусиятга эга: чуваш. *висее пиллекмеш* (2/5), *икке виссемет* (2/3), ёқут. *хоос туорт гиммит бира* (1/4), *биэс гиммит уса* (1/4), олтой. *төртинчи улу* (1/4) каби.

ОЛМОШ

Олмошлар маъно жиҳатидан бошқа мустақил сўзлардан маълум даражада фарқ қилади. Улар предмет, белги ва миқдор маъноларини тўғридан-тўғри ифодаламай, бошқа предмет, белги ва миқдор тушунчалари билан ифодалайди. Олмошлар асли мавҳум маъно ифодаловчи сўзлар категорияси бўлиб, унинг маъноси фақат нутқ жараёнида конкретлашади. Шунга кўра улар мустақил маъноли сўзлар каби шахс, предмет, белги, миқдорни билдирмай, баъзан улар ўрнида алмашиниб қўлланади, қандайдир йўл билан уларга ишора қилади, ўрни билан уларнинг ўринбосарига айланади.

Демак, олмошлар нутқда от, сифат, сон ўрнида қўлланадиган ва худди шу туркумлардан махсус сўз ясовчи қўшимчалари мавжуд эмаслиги билан фарқланадиган сўз туркумидир. Ана шу хусусиятлари жиҳатидан олмошлар барча туркий тилларда ўзи алмашадиган бошқа туркумдаги сўзлар билан турланиш парадигмаси ва айрим грамматик кўрсаткичлари билан деярли бир хилдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан:

	ўзбек	турк	туркман
Бош келишик	*шу*	*бу*	*ол*
Қаратқич к.	*шунинг*	*бунун*	*онуң*
Тушум к.	*шуни*	*буну*	*оны*
Жўналиш к.	*шунга*	*буна*	*она*
Ўрин-пайт к.	*шунда*	*бунда*	*онда*
Чиқиш к.	*шундан*	*бундан*	*ондан*

Шунга қарамасдан, барибир, олмошлар тусланиш парадигмаси ва бошқа айрим хусусиятларига кўра ўз мустақиллигига эга, келиб чиқиши жиҳатидан ҳам анча мунозаралидир. Бу, айниқса, айрим кўрсатиш ва қисман кишилик олмошларининг турланиши ва турланиш жараёнидаги ўзгаришларда кўринади. Қиёсланг:

озарбайжон. *бу* (бун-), олтой. *бу* (мин-), бошқирд. *бил* (бин-), караим. *бу//бул* (-бун), қумиқ. *бу* (мун-);

бошқирд. *ул* (ун-), қирғиз. *ал* (ан-), ўзбек. *у* (ун-), ҳакас, шор. *ол* (ан);

чуваш. *эбэ* (мен – манна – менга, манран – мендан), *эзе* – сен, (сан, сана – сенга, санран – сендан), *вал* – у (ун, эн), *эбир* – биз, *эзир* – сиз;

ёкут. *бу* (ман: маниаха – бунга, мани – буни, мантан – ундан), ол (он: онуоха – унга, ону – уни, онтон – ундан), *субу* – ушбу (саман: саманиаха – ана шунга, самани – ана шуни, самантан – мана бундан) каби.

Мисоллардан кўринадики, чуваш ва ёкут тилларидаги кўрсатиш олмошларини ҳисобга олмаганда бошқа барча туркий тиллардаги кўрсатиш ва кишилик олмошлари турланишидаги ***-н-*** ундошининг орттирилишини ҳар хил изоҳлаш мумкин:

1) кўрсатиш олмоши ўзаги таркибидаги охирги ундош (ол) ва келишик қўшимчаси таркибидаги биринчи ундош тўлиқсиз ассимиляциясидан: *ол+да > онда* каби;

2) олмош ўзаги билан қўшимчалар ўртасидаги морфологик қайта бўлинишдан: *мен+нинг > менинг* каби;

3) аналогия натижасида. Маълумки, кўрсатиш ва кишилик олмошлари тарихан бир лексик-грамматик гуруҳни ташкил қилган. Шунга кўра, кўрсатиш олмоши *ол*+келишик қўшимчаси бирикишида ***-н-*** ундошининг пайдо бўлиши аналогия натижасида бошқа шу каби қўшилишларда ҳам шаклланган бўлиши мумкин.

Шу каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олмошларни семантик ва функционал (вазифавий) жиҳатдан қуйидаги турларга ажратилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Кишилик олмошлари.
2. Кўрсатиш олмошлари.
3. Ўзлик олмоши.
4. Сўроқ олмоши.
5. Белгилаш олмошлари.
6. Бўлишсизлик олмошлари.
7. Гумон олмошлари.

Кишилик олмошлари

Кишилик олмошлари от характеридаги олмошлар бўлиб, семантик жиҳатдан улар асосан шахс маъноларини, баъзан кўрсатиш маъносини ҳам (III шахс бирлик, ҳамда кўплиги *у//ол*) англатади ва отлар каби грамматик белгиларга эга бўлади, отлар бажарган синтактик вазифаларни бажаради.

Кишилик олмошлари деярли барча туркий тилларда бир хил:

озарб. *мән, сән, о, биз, сиз, онлар*;

олтой. *мән, сән, ол, бес (бистәр), слэр, олор*;

бошқирд. *мин, син, ул, бис, һис, улар*;

қозоқ. *мэн, сэн, ол, биз, (биздэр), сиз (сиздэр), олар*;

қ.қалп. *мэн, сэн, о, биз, сиз, ола (р)*;

қирғиз. *мән, сән, ал, биз, сиз, ала (р)*;

қ.балқар. *мэн, сэн, о(л), биз, сиз, ала(р)*;

қумиқ. *мэн, сэн, о, биз, сиз, олар//алар*;

тува. *мэн, сэн, ол, бис, (бистәр//бистәрләр), силәр (силэрләр), олар (олэрлар)*;

турк. *бән, сән, о, биз, сиз, онлар*;

ўзбек. *мен, сен, у, биз* (диал. *бизләр//бизлә//бизә), сиз* (диал. *силәр//силә//сизәр//силә) улар (улә)*;

уйғур. *мән, сән, у, биз (бизләр, силәр, улар)*;

ҳакас. *мин, син, ол, пис, сирар, олар*;

чуваш. *эбе* (диал. *эп//йэп*), *эзе* (диал. *эс//йэс*), *вәл* (диал. *ву, у, ул, во, о, ол*), *эбир* (диал. *ибир*), *эзир* (диал. *изир*), *везэм* (диал. *узем//озем//эзем*);

шор. *мэн, сэн, ол, пис, слэр, улар*.

Умумтуркий кишилик олмошларидан фақат ёқут тили III шахс бирлик ва кўпликдаги олмошлари фарқланади. Қиёсланг: *мин, эн, киһи, биһиги* (биһи), *эһиги* (иһиги, иһи), *киһилэр*. Бундан ташқари ёқут тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

I, II шахс кўплик олмошлари бошқа туркий тиллардан фарқли ҳолда *иги* шаклида қўлланади.

Туркий тиллардаги кишилик олмошларининг энг қадимги шакллари ҳақида турли туркшунос олимлар ўртасида ҳар хил фикрлар бўлишига қарамасдан А.М.Шчербак уларнинг энг қадимги шаклини қуйидагича тасвирлайди:

	Бирлик	Кўплик
I.	*пэн*	*пиис*
II.	*сэн*	*сиис*
III.	*ын, ан*	*анлар*

Лекин кишилик олмошлари этимологияси билан шуғулланган ҳамма олимлар томонидан I–II шахс бирлик ва кўпликдаги олмошларнинг сўнгги ундошлари *(-н, -с)* кейинги даврлар маҳсули эканлиги, III шахс олмошлари ҳам *ын, ин* шаклида эмас, балки кўрсатиш олмоши *ол* шаклида бўлганлигини таъкидлашади.

Ҳозирги туркий тиллардаги кишилик олмошлари худди отлар каби турланади.

Масалан:

	Бирлик	
	озарбайжон	**тува**
Бош к.	*мән*	*мен*
	сән	*сен*
	о	*ол*
Қаратқич к.	*мәним*	*мээң*
	сәниң	*сээң*
	онуң	*ооң*
Тушум к.	*мәни*	*мени*
	сәни	*мени*
	ону	*ону*
Жўналиш к.	*мәңә*	*мэңээ/мээ*
	сәңә	*сэңээ/сээ*
	онә	*оңаа*
Ўрин-пайт к.	*мәндә*	*менде*
	сәндә	*сенде*
	онда	*ында*
Чиқиш к.	*мәннән*	*менден*
	сәннән	*сенден*
	онән	*оон*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тува тилида еттинчи келишикнинг бирлиги *менче//мендиве, сенче //сендиве, олче//олдува* шаклида турланади.

	Кўплик	
	озарбайжон	**тува**
Бош к.	*биз*	*бис*
	сиз	*сис*
	онлар	*олар*
Қаратқич к.	*бизиң*	*бистиң*
	сизиң	*силерниң*
	олариң	*оларның*
Тушум к.	*бизи*	*бисти*
	сизи	*силерни*
	олары	*оларны*
Жўналиш к.	*бизе*	*биске*
	сизе	*силерге*
	олара	*оларга*
Ўрин-пайт к.	*бизде*	*бисте*
	сизде	*силерде*
	оларда	*оларда*
Чиқиш к.	*бизден*	*бистен*
	сизден	*силерден*
	олардан	*олардан.*

Тува тилида 7-келишикнинг кўплиги ҳам *бисче//бистиве, силерже// силердиве, силерже//силердиве, оларже//олардыва* шаклида турланади.

Бир қатор туркий тилларда кишилик олмошларининг I–II шахс бирлиги турланганда олмош таркибидаги унли товушлар ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди, масалан, озарбайжон тилида *мән, мәним, мәңә*, тува тилида *сен, сени, сенде* каби. Аксинча, бир неча туркий тиллардаги кишилик олмошлари таркибидаги унли товуш жўналиш келишигининг I шахс бирлигида ўзгаришга учрайди: турк. *бен – бәнә*, шор. *мен – маға*, ҳакас. *мен – маға*, қумиқ. *мен – маға* каби.

Кишилик олмошларининг *-ники* аффиксини олган шакли ҳам одатдаги турланиш парадигмасига эга. Масалан, татар тилида *минеке, синеке, аныкы, безнеке, сезнеке, аларныкы* каби.

Қозоқ тили келишиклари турланишидаги *маған, саған* эса қадимги жўналиш келишиги шакли аффиксининг ягона қолдиғидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрсатиш олмошлари

Кўрсатиш олмошлари бутун дунё тилларида бўлгани сингари туркий тилларда ҳам предметнинг жойланиш ўрни, масофаси билан сўзловчи орасидаги муносабатни англатади: *яқин, ўрта* (оралиқ), *узоқ* каби.

Барча туркий тилларда шу олмоши сўзловчи ва тингловчига маълум, аниқ бўлган масофа ё пайтни англатса, бу жиҳатдан *у* ва *бу* олмошлари маъноси умумийдир.

У ва *бу* олмошлари қадимтуркий тилларда ҳам мавжуд бўлиб *бу//пу, у//ол* шаклида бўлган. Ҳозирги туркий тиллардан озарбайжон, гагауз, қорачой-балқар, қумиқ, туркман тилларида *бу, о(л)*; олтой, караим. *бу, ол*; бошқирд. *бил, ул*; қозоқ, қорақалпоқ, нўғай, *бу (л), ол*; қирғиз. *бу (л), ол;* татар. *бу, ул*; тува. *бо, ол*, ўзбек, уйғур. *бу, у*, ҳакас. *пу, ол*; чуваш. *вал*; шор. *по, ол*; ёқут. *бу, ол* шаклида бўлган. Чуваш тилида бу олмошининг *ку*, бошқа айрим тилларда *бул* шакли ҳам мавжуд.

Маъно жиҳатдан *у, бу, шу* олмошлари ҳақида туркшунослик адабиётларида турли фикрлар айтилса ҳам, шу олмоши нутқ сўзланиб турган пайтда сўзловчи ва тингловчига, энг яқин бўлган (шу китоб каби) предметни, бу олмоши вақт ва масофа жиҳатдан унга нисбатан узоқроқ бўлган предметни (бу китоб), у эса янада узоқроқ, сўзловчи ва тингловчига баъзан маълум бўлмаган предметни англатади. Буни шу олмошининг маъносига қўшимча экспрессивлик, кучайтирув маъноларининг ҳам мавжудлиги тасдиқлайди.

Шу олмоши *у* ва *бу* олмошларига нисбатан кейин пайдо бўлган бўлиб, ҳозирги туркий тилларнинг барчасида турли шаклларда учрайди: эски ўзбек *ушбу(л), ушу(л) // ўша(л);* бошқирд. *еше, шул*; қозоқ. *оси, сол*; қирғиз. *ушу(л), ошо(л)*; караим. *ушпу//ушбу//успу, ошол//осол*; қ.қалпоқ. *осу//ўсў//ўси, сол*; нўғай. *шу, шо(л), шошу//шушу//шиши*; татар. *шуши, шул*; турк. *ишбу, шу*; туркман. *ушбу, шу, шо(л)*; ўзбек. *шу, ўша(л)*, уйғур. *ушбу, оша//ошу//шу//шул*, ёқут. *субу* (ушбу), *сити* (ана шу), *сол* (шу) ва бошқалар.

Юқорида айтилгани сингари *шу, ўша* олмошларида экспрессивлик элементининг мавжудлиги уларни образли сўзларга яқинлаштиради ва "асли шу" маъносида маънони кучайтириб, таъкидлаб кўрсатади.

У, ол олмошларида умумлаштириш маъноси янада кучлироқдир.

Кўрсатиш олмошларининг янә бир гуруҳи *ана, мана, инэ* олмошларидир. Мисоллар: балқар. *инол* (мана бу), туркман. *инэ*, бошқирд. *мина бил, мина шул, ана шул*, қозоқ. *минав, осинав, анав,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

сонав, қирғиз. *мобу(л)*, *мана бу(л)*, ҳакас. *минзи, анзи*, ўзбек. *манави, анави* (диалектал 20 га яқин варианти бор), уйғур. *мана шу, мошу, айна бу* ва бошқалар.

Қўлланиш диапазонига кўра олтой, бошқирд, татар, шор тилларидаги *тэги//тиги* олмошлари ҳам кенг тарқалган олмошлардир.

Айрим кўрсатиш олмошларининг маъноларини конкретлаштиришда олмошлардан ясалган *бўлай, шулай, шундай, болай, солай, минадай, анадай, сосиндай, шунингдай* каби сифат ва равишлар ҳам маълум хизмат қилади.

Кўрсатиш олмошлари турланиш парадигмаси жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, бу олмошнинг турланиши:

	озарб.	туркман	тува
Б.к.	*бу*	*бу*	*бо*
Қ.к.	*бунун*	*мунуң*	*мооң*
Ж.к.	*буна*	*муна*	*мооң*
Т.к.	*буну*	*муны*	*маңаа*
Ў-п.к.	*бунда*	*мунда*	*минда*
Ч.к.	*бундан*	*мундан*	*моон*

	ёқут	бошқирд	ҳакас	шор
Б.к.	*бу*	*был*	*пу*	*по*
Қ.к.	-	*бызың*	*мыныңь*	*пооңъ*
Ж.к.	*маныаха*	*быга*	*пугаа*	*поо*
Т.к.	*маны*	*быны*	*мыны*	*поны*
Ў-п.к.	*манна*	*бында*	*мында*	*мында*
Ч.к.	*мантан*	*бынан*	*мыннынъ*	*мынынъ*

Шу олмошининг турланишида ҳам бош келишикдан бошқа ҳамма олмошларда *н* товуши орттирилади: *шу, шунан, шуна, шуну, шунда, шундан* каби.

О//-ол олмоши ҳам қисман ўзига хосликка эга. Туркман, ёқут, олтой, нўғай, қозоқ тилларида охирги *н, л* товушига айланади: *ол, онуң оңа, они, онда, ондан* каби.

Ўзлик олмоши

Туркий тилларда бошқа олмошлар сингари тарихан ўзлик олмоши мавжуд бўлмаган. Ҳозирги туркий тилларда ўзлик олмоши деб юритиладиган, *ўз* (оз), *кенди, бод* каби сўзларнинг ўзаги ҳам асосан

www.ziyouz.com kutubxonasi

отлардир. Шунинг учун бўлса керак, кўпгина туркий тиллар грамматикалари олмошларнинг маъносига кўра таснифида бу олмошлар "ўзлик олмоши" номи билан берилмасдан, белгилаш олмошларининг бир тури сифатида қаралади.

Ҳозирги туркий тилларнинг деярлик кўпчилигида ўзлик олмоши тарихан "ич", "қалб" маъноларини билдирадиган "*өз*" оти орқали ифодаланади. Бу сўзнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу олмош деярлик ҳар вақт эгалик аффикслари билан бирга қўлланади ва одатдагидек турланади.

Масалан: озарб. *өзүм*, қирғиз. *өзүм*, қозоқ. *өзүм*, туркман. *өзүм*, татар. *үзем*, бошқирд. *үзем*, кумиқ. *өзим*, караим. *өзим*, нўғай. *өзим*, қорақалпоқ. *өзим*, уйғур. *өзәм*, ўзбек. *ўзим* каби.

Турланиши: *өзим, өзимниң, өзимни, өзимда, өзимдан, өзимга* каби.

Ўзлик олмоши шор, ҳакас, тува, олтой тилларида тарихан *бооз* (ўз) сўзидан келиб чиққан *позым, бодум, бојым* сўзлари орқали ифодаланади.

Тува тилидаги *бод*, олтой, шор тилларида *бој*, ҳакас тилидаги *пос* сўзлари аслида мўғул тилида "жисм", "нарса", "предмет", "организм", "шахс", "бўй" маъноларида қўлланиладиган "бод", "бийе" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, тува, ҳакас, шор, олтой тилларида ҳам шу каби маънони англатади ва ўзлик олмоши шаклида келганда албатта эгалик аффиксларини олиб ўзгаради ва келишиклар орқали турланади: Тува тилида қуйидагича:

Б.к. *бодум, бодуң, боду, бодувус//боттарывыс, бодуңар// боттарыңар, боттары.*

Қ.к. *бодумунуң, бодуңнуң, бодунуң, бодувустуң // боттарывыстың, бодуңарның // боттарыңарның, боттарының.*

Т.к. *бодумну, будуңиңу, бодун, бодувусту // боттарывысты, бодуңарни//боттарыңарны, боттарны.*

Ж.к. *бодумга, бодуңга, бодуңга, бодувуска//боттарывыска, бодуңңарга//боттарыңарга, боттарыңга.*

Ў-п.к. *бодумга, бодуңда, бодунда, бодувуста // боттарывыста, бодуңарда//бөттариңарда, баттарында.*

Ч.к. *бодумдан, бодуңдан, бодундан, бодувустан // боттарывысын, бодуңардан // боттарыңардан боттарындан.*

Тува, ҳакас тилларидаги 7-келишик ёки углаарының падежи – жўналиш келишиги мазмунан бошқа туркий тиллардаги жўналиш келишигига мос бўлса ҳам, турловчи шакли жиҳатидан фарқланади: *бодумче//бодумдува, бодуңче//бодуңдува, бодунче//бодундува, бодувусче//*

www.ziyouz.com kutubxonasi

боттарывыстыва, бодыңарже, боттарыңардыва, боттарынче, боттарындыва каби.

Ёқут тилининг ўзлик олмоши *бэйэ, бэйэм, бэйэн* ҳам мўғул тилидан олинган бўлиб, ҳам ўзак, ҳам маъно жиҳатдан тува, ҳакас, шор тилларидаги *бод, бой, бос* (қаранг: шор. *бой*, ёқут. *бэйэ*) олмошлари билан бир хилдир.

Ўзлик олмоши қорачой-балқар тилларида *кес* (ўз), чуваш тилида ҳам (ўз) шаклида қўлланади.

Турк, гагауз тилида ўзлик олмоши шакли "*кенди*"дир. Бу тилларда *кенди* (ўз, ўзим) олмоши эгалик аффиксларини олиб (*кендим, кендин, кендиси* каби) аниқлов, белгилаш, ўзлик маъноларини беради.

Мисоллар: *Казма қуйу аалемэ, кендин душарсин* (Бировга чуқур қазма, ўзинг тушарсан), *Кендим еттим, кендим булдум* (Ўзим қилдим, ўзим топдим) каби.

Сўроқ олмошлари

Сўроқ олмошлари туркий тилларда шакли ва миқдор жиҳатидан анча кўп бўлишига қарамасдан, мазмунан уларнинг барчаси ҳамма туркий тилларда бир хил бўлиб, улар асосан *ким, нә, қо//ҳ-қай* ўзакларидан келиб чиққан: *ким, нә, негу, нәрәк, нэчук, нэлик, нэлук, нэтак, қай, қайу, қани, қайси, қанда, қач* каби.

Масалан, қиёсланг: озарбайжон. *ким, нә, hанси*; олтой. *кәм, нә, нәмә, қандий*; бошқирд. *ким, нэй, нәрзә, нәйәрдә, нәмәрзә, нәйәтта, нимкай, нәрдәкай, нинтай*; қозоқ. *ким, нэ, нәмәнә, қай*; караим. *ким, нэ, қайсы, нинди*; қорачой-балқар. *ким, нэ, нэмэнэ, қайси*; қирғиз. *ким, нэ, қандай*; татар. *ким, ни, нарса, қайси, нинди*; тува. *ким, қандыг, қайи*; туркман. *ким, нэ, нээма, хайзи*; ўзбек. *ким, нима, қандай, қандоғ, қанақа, қанча, қачон, қайси, қалай, қай*; уйғур. *ким//чим, нәмә, қайси, қанақа*; ҳакас. *кәм, нимә, хайдағ, хайзы*; чуваш. *кам, хаже* (қайси), шор. *кәм, кай//кайи, кайзи*; ёқут. *ким, ханнык, хайдах* (қандай) ва бошқалар.

Сўроқ олмоши *ким* туркий тилларда олтой. *кем*, бошқирд. *ким* қирғиз, қумиқ, турк, озарбайжон, туркман, уйғур, қорачой-балқар, караим, ёқут. *ким*, чуваш. *кам*, татар, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *кім*, тува. *кым* шаклларида учраб, ҳамма туркий тилларда шахсга нисбатан бериладиган ягона сўроқ олмошидир.

Ким олмоши бошқа ҳамма туркий тиллардан фарқли равишда *кым* шаклида учраши билан бирга унинг тува тилида ҳеч қайси туркий тилда учрамайдиган *чү//чүү* шакли ҳам мавжуд. Бу олмошни мўғул *йу* (нима?) сўроқ олмошидан қабул қилинган деб тахмин қилинади. Қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганда ҳам тува тилида *кым, чү//чүү* сўроқ олмошлари бошқа ҳамма туркий тиллардаги *ким, кім, кәм* олмошлари билан мос бўлиб, от ва кишилик олмошлари каби эгалик, кўплик, келишик қўшимчаларини олиб ўзгаради: *кымның, кымнарнаң, чүнүң, чуларның* каби.

Бу олмошлар эгалик аффиксларини олиб ўзгарганда маъно жиҳатидан қарашлилик англатувчи белгилаш олмошларига яқинлашди.

Сўроқ маъноси жиҳатидан деярли ҳамма туркий тилларда ким олмошига зид *нима* олмоши қўлланади. *Ким* олмоши шахсларни аниқлаш учун хосланган бўлиб, *нима* олмоши шахсдан ташқари барча жонли ва жонсиз предметлар ҳақидаги сўроқни билдиради.

Нима сўроқ олмошлари барча туркий тилларда *нә, ни, нәмә, не, немне, ни, нарса, неме, нимe, нимэ, нәмә, эмне, нәрсә (<нәәрсэ)* шаклларида учраб, юқоридаги маъноларни аниқлаш учун хизмат қилади ва *нә//ни//не* олмошлари билан ўзакдошлар.

Нә//ни//нэ олмошлари қумиқ. *нечик*; туркман. *ничик, нинен*, татар. *нишик*; озарб. *нечә, не гәдәр*; қумиқ. *нече*; нўғай. *неше*; татар. *ниша*; туркман. *нече*; бошқирд. *нисә*; ўзбек, уйғур. *неча*; туркман. *нирә*; турк. *нерейе*; озарбайжон. *hара, hарайа* олмошлари таркибида қўлланиб, шахс ёки предметнинг ҳолатини, ҳаракат содир бўлган ё ҳаракат йўналтирилган ўринни, шахс ё предметнинг миқдорини аниқловчи сўроқ олмошларини ҳосил қилади.

Нутқий муомала амалиётида шундай ҳолатлар юз берадики, илгаридан аниқ шахс, предмет, нарса ёки воқеа ва ҳодисанинг бирор белгиси, миқдори, ўрин ва пайтга муносабатини аниқлаш талаб қилинади. Бундай ҳолатларда барча туркий тилларда ***қа-, қай-*** ўзакли олмошлардан фойдаланилади.

Масалан: ўзбек. *қа, қай, қандай, қанақа, қанча, қайси, қалай*; қорақалпоқ. *қандай, қанша, қашан, қайда*; қирғиз. *қандай, қайсы, қанча, қачан, қайда*; қозоқ. *қандай, қайеъ, қалай, қанша, қашан, қайында*; олтой. *қандий, қанча, қачон, қайда*; уйғур. *қандығ, қайсъ, қачан, қай, эргә*; ёқут. *хаһык < қандығ, хайдах, хаһан*; татар. *қайси, қай, қайшан, қаойда, қумиқ, қайсы, қай, қайчан, қайда*; қумиқ. *қайсы, қай, қайчан, қайдан*; нўғай. *қайсъ, қалай, қашан, қайда*; ҳакас. *ҳайи, шор қайзы, ҳанча, қанча, хачан*; тува. *қандыг, қажан, қайда, қанча*; турк. *қай, қайы, қайызы, қайдан, қажан;* туркман. *хачан, ханча*; чуваш. *хъзан, қажан*; озарбайжон. *hачан, невахт, хара, hарайа* ва бошқалар.

Туркшунослик адабиётларида бу сериялардаги олмошларнинг қадимги ўзаги *қа-* ёки *қай-* бўлганлиги ҳақида мунозарали фикрлар бор. Шунга қарамасдан, бу олмошларнинг қадимги ўзаги *қа* шаклидаги мустақил олмош бўлган дейиш мумкин, чунки эски ўзбек адабий тилида (*сән қо йурттан*) шу шаклда сақланган. *Қай* (татар. *син қай урамда тырасың*) ва *қач* (эски ўзбек тилида *қач йил*?), *қо* ўзагидан ҳосил бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқа ҳамма шу ўзакли олмошлар *қо-, қай-* ўзакларига турли аффикслар қўшиш (*қандай, қалай*) ва сўз қўшиш (*қач-он, қай-чоғ*) натижасида ҳосил бўлган.

Белгилаш олмошлари

Белгилаш олмошлари барча туркий тилларда жамлик, жамлик-чегаралаш маъноларини англатиб, *бор* (мавжудлик), *бут* (тўла), *ҳар* негизларига турли қўшимчаларни қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Белгилаш олмошларининг катта қисми кишилик ва кўрсатиш олмошлари бўлиб, уларни қадимтуркий тилларда ҳам учратиш мумкин: *бари, барча, барита, барлик, барчин, бутун, буткул, тугә(л), тутуш, камуг, тагма* каби.

Ҳозирги туркий тиллардан озарбайжон тилида *вар, вари, һамү, бутун*; олтой. *барчан //баршин// парчан*; гагауз. *бутун*; қозоқ. *бар, бәри, барша, барлық, бутин*; караим. *бар, бутун, тугал*; қорачой-балқар. *бари, битав*; қирғиз. *бари, бардык, буткул, бутун*; қумиқ. *бари, бутун*; татар. *бари, барча, барлык, ботин*; турк. *бутун*; туркман. *бари, бутин, тутиш, тукат*; ўзбек. *бари, барча, бутун*; уйғур. *бари, барча, путун, путкул*; ҳакас. *пудун*; шор. *парча, парчин, тоза*; ёқут. *барита* шаклларида мавжуд бўлиб асосан жамлик маъносини англатади.

Белгилаш олмошларининг маълум қисми тил тараққиётининг кейинги даврларида туркий тилларга араб (баъзи) ва форс-тожик (ҳар) тилларининг таъсири натижасида пайдо бўлган бўлиб, улар ўзи мустақил ва туб туркий сўзлар билан қўшилиб, жамлик ва жамлик-чегаралов маъносидаги олмошларни ҳосил қилади. Булар қуйидагилар, озарбайжон. *ҳар, баъзи, ҳар кас, ҳар бир*: қозоқ. *арбир, арким, арнә*; қорақалпоқ. *ҳар ким, ҳар қайси*; қирғиз. *ар ким*; татар. *һамма, ҳар, ҳар ким*; турк. *ҳар кимсе*; туркман. *һәммә*; ўзбек, уйғур. *ҳар, баъзи, ҳар бир, баъзи бир, ҳар нарса*; шор. *ар* ва бошқалар.

Белгилаш олмошлари тува ва ҳакас тилларида барча туркий тиллардан фарқланиб, тува тилида бу олмошларнинг қуйидаги турлари мавжуд; *бугу, бугуде, бурун, дооза, дөгере, төду, хамык, шупту, буру, бот* каби.

Тува тилидаги *бугу* олмоши < мўғул. *бүх* – ҳамма, *бугуде* < мўғул. *бүгд* – ҳамма, *бурун* < мўғул. *бүрэни* – ҳамма, *хамык* < мўғул. *хамаг* – ҳамма, *шупту* < мўғул. *шовт* – барча олмошлари мўғул тилидан кириб келган бўлиб туркий тиллардаги белгилаш олмошлари англатган маъноларни англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гагауз тилида *хер, хербир(и), херкез, хепси, бутун* белгилаш олмошлари мавжуд бўлиб, булар талаффуз жиҳатидангина бошқа туркий тиллардаги олмошлардан фарқланади, маънода фарқ йўқ.

Бўлишсизлик олмошлари

Бўлишсизлик олмошлари қадимги туркий тилларда бўлмаган. Қадимги туркий тилларда бўлишсизлик олмошлари англатадиган маъно феълнинг бўлишсизлик шакли ***(-ма)*** орқали ифодаланган.

Масалан, татар тилидаги "*бир нарсә-дә билмим*" (ҳеч нарса билмайман) гапида феъл таркибидаги *-ма* гумон олмоши (бир нарса) билан биргаликда бўлишсизлик маъносини берган.

Ҳозирги туркий тиллардаги *ҳеч* (форс-тожик) + сўроқ олмошлари типидаги бўлишсизлик олмошлари кейинги даврларда келиб чиққан: озарбайжон. *ҳэч ким, ҳэч кимсә, ҳеч кәс* (ҳеч ким), *ҳэч нә* (ҳеч нима), *ҳеч ҳанси* (ҳеч қайси); олтой. *эш нәмә*; бошқирд. *ҳис ким, ҳис нәмә, ҳис ни*; гагауз. *ҳич бишай* (ҳеч нарса); қозоқ. *эшбир, эшким, эшбирав, эштәмә, эшнәрсә, эшқайси*; қирғиз. *эч ким, эч бир, эч нарса, эч қайси*; турк. *ҳич кимсә, ҳичбир*; ўзбек. *ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қандай* каби.

Бўлишсизлик олмошлари келишик қўшимчаларини олиб кенгайган сўроқ олмошларига бир сўзни қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади; бошқирд. *бир ким дә* (ҳеч ким), *бир нимә дә* (ҳеч нима); қорачой-балқар. *бир затда*; татар. *бир ким* ва бошқалар.

Гумон олмошлари

Гумон олмошларининг энг қадимги шакли *бир*+от, сифат, сўроқ олмошлари тарзида бўлган; олтой. *бир кижи, бир нәмә*; гагауз. *бишәй* (нимадир); қозоқ. *бирнәрсә, бирдәмә*; қорачой-балқар. *бир киши, бир зот, бир йук* (нимадиҏ); қирғиз. *бир нәмә, бир нәрсә;* қумиқ. *бир зот*; нўғай. *бир ким, бир зат*; тува. *бир кижи*; туркман. *бир нәрсә, бир хайзи*; ўзбек. *бир нарса, бир нима*; ҳакас. *пир кизи, пир нимә*; қирғиз. *қайбир, қайси бир* каби.

Баъзан *бир* сўзи алоҳида ҳам гумон маъносини беради: озарбайжон. *бири, бириси*; қумиқ. *бири, бириси*; қозоқ, туркман, ўзбек, уйғур. *бирәв*; ўзбек, уйғур. *бирор* ва бошқалар.

Гумон олмошлари яна қуйидагича ҳосил бўлади:

1) сўроқ олмошлари+*са//-сә//-ѳэй*: озарбайжон. *кимсә, нәсә нә эсэ*, гагауз. *кимсә, нэсә*; караим. *нэ-эс, нинди-эс*; қумиқ. *кимса*; ўзбек. *кимса* каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) *-алла//-ала//-алда//-алли*+сўроқ олмошлари: бошқирд. *аллаким, алланима;* қозоқ. *алдебир, алдэким, алдэнэ;* қирғиз. *алда ким, алда эмнэ*; ўзбек. *алла ким, алла нима* ва бошқалар.

3) Кавказ ва Ўрта Осиё туркий тилларида гумон маъносини фалон (араб) сўзи орқали ифодаланади: озарбайжон. *фалан, фаланкэс*; гагауз. *филан*; қозоқ. *палэн*; қумиқ. *паланча*; татар. *фалан*; ўзбек. *фалон, фалончи* кабилар.

ФЕЪЛ

Феъл – предметнинг ҳаракати ва ҳолатини англатадиган мустақил сўз туркуми. Феъллар бутун дунё тилларида, жумладан, барча туркий тилларда келиб чиқиши, тарихий тараққиёти ва ҳозирги туркий тиллардаги семантик-грамматик хусусиятлари жиҳатидан энг мураккаб ва мунозарали сўз туркумларидан биридир.

Феъллар отлар каби қадимтуркий, чунки улар туркий тилларнинг пайдо бўлиш даврларидан бошлаб ўзларининг грамматик қурилиши жиҳатидан энг тараққий қилган сўз туркумларидан бири бўлган: уч замон маъносини англатадиган феъл замонлари тизимига, фақат феъл ясаш учун хосланган сўз ясовчи аффиксларига, феълларни отлардан фарқлантирадиган бўлишсизлик-инкор шаклларига, турли феъл нисбатларини шакллантирувчи грамматик кўрсаткичлари ва грамматик модалликни англатувчи майл турларига эга бўлган.

Шунга қарамай, туркий тиллар таркибидаги *дад* (озарб.) ва *тат* (қирғиз) сўзларининг ҳам *таъм*, ҳам *татимоқ* маъносидаги *қат* (олтой) сўзининг ҳам *қатор*, ҳам *қатламоқ* маъносидаги, *қари* (шор) сўзининг ҳам *кекса*, ҳам *қаримоқ* маъносидаги омонимик жуфтларга эга бўлиши кўпгина туркшунос олимларнинг бу каби сўзларга ҳали от ва феъл сифатида тўла дифференциялашмаган "ибтидоий рилект" сифатида қарашига сабаб бўлган.

Ҳақиқатдан ҳам қадимги ва ҳозирги туркий тилларда айрим сўзларнинг ҳам предметлик, ҳам ҳурмат маъносини англатишига қараб, бу сўзларни ҳали етарли дифференциялашиб улгурмаган от ва феълларнинг "ибтидоий рилект"лари дейиш мумкинми, деган савол қўйиладиган бўлса, бу саволга тўла ишонч билан ё ижобий ё салбий жавоб бериш қийин.

Чунки бундай семантик ёндошликни фақат от ва феълларда учрайдиган айрим сўзларда эмас, балки сифат ва равишларда, ҳатто юклама ва модал сўзлар, ундов ва тақлидий сўзлар таркибидаги айрим сўзларда ҳам кўриш мумкин. Иккинчи томондан, ҳозирги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилларда феъллардан бошқа ҳамма туркумдаги сўзларнинг тил тараққиётининг кейинги босқичларида от ва феъллардан ажралиб чиққанлиги аниқ.

Масаланинг энг қадимги биринчи, "ибтидоий" сўзлар отлар бўлганми ёки от ва феъллар бўлганми, деб қўйилиши ҳам бирёқламаликка ўхшаб кўринади. Сабаби шундаки, жамиятнинг ибтидоий босқичида инсон онги эндигина шакллана бошлаган даврларда унинг учун биринчи идеал унинг атроф-муҳитини ўраб олган предметлар бўлса, уни идрок этган, ном берган – отларни пайдо қилган бўлиши, агар унинг яшаши учун зарурият ҳаракат бўлган бўлса, ҳаракатни номлаган – феъллар яратган бўлиши мумкин. Буни исботлаш учун инсоннинг ибтидоий жамоа давридан ҳеч қандай манба бўлмаганлиги каби, ҳозирги тиллар ҳолатига кўра ҳам аниқ фикр бериш қийин.

Туркий тиллар қиёсий грамматикалари муаллифларидан Б.А.Серебренников, Н.З.Гаджиевалар ўзларининг ҳозиргача туркий тиллар қиёсига бағишланган ягона "Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков" ("Туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикаси", М., 1986, 147 бет) асарида бу ҳақда яхши фикр берадилар. Улар ёзадики, айрим олинган бирорта сўз айни пайтда ҳам феъл, ҳам от маъносини англатишига ишониш қийин, бир сўз турли туркумларнинг қўшма, комплекс маъносини англатишини тасдиқловчи фикрлар хато, чунки ҳар бир тил бирлиги ўзининг аниқ ва қатъий чегараланган ҳаракат доирасига эга, масалан, озарбайжон тилидаги *јабық* (озмоқ), *јабық* (озғин) сўзлари шаклан бир хил бўлса ҳам, биринчиси фақат феъл доирасида, иккинчиси эса фақат сифат доирасида қўлланиб, феъл ва сифатга хос ўзгаришларга эга бўлади. Улар таркибидаги ***-(ы)қ*** аффикси ҳам келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил: биринчи ҳолатда ***-(ы)қ*** ҳаракатнинг такрорини англатувчи архаик аффикс бўлса, иккинчи ҳолатда архаик равишдош шаклидир.

Феъллар отлар каби ўзига хос семантик ранг-баранглигига ҳам эга.

Одатда, феълларни семантик хусусиятига кўра дастлаб ҳаракат феъллари ва ҳолат феълларига ажратилади. Ҳақиқатдан ҳам феълларнинг асосий қисмини ҳаракат феъллари ташкил қилади. Статистик жиҳатдан қараганда ҳамма туркий тилларда ҳам *ўтир, ухла, ёт* каби ҳолат феъллари саноқли. Шунга кўра туркий тиллардаги феълларни семантик категория сифатида ҳаракат ва ҳолат феълларига ажратиш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади, чунки ҳамма феъллар кенг маънода ҳаракат тушунчасига эга бўлади, *ухла, ёт, ўтир* каби феъллар замирида ҳам ҳаракат мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феълдан англашилган ҳар қандай ҳаракат маълум йўналишга эга бўлади. Шунга кўра, феълларни икки йирик горизонтал йўналишдаги ҳаракатни ифодаловчи феъллар ва вертикал йўналишдаги ҳаракатни ифодаловчи феълларга ажратиш мақсадга мувофиққа ўхшаб кўринади.

Феъллар тарикибига кўра туб ва ясама бўлади.

Туб феъллар

Туб феъллар фақат ўзак морфемадан иборат бўлган сўзнинг бош, асосий маъносини ташувчи қисми бўлиб, қадимтуркий ва ҳозирги туркий тиллар феъл ўзаклари ҳақида машҳур туркшунос олимлар В.В.Радлов, Н.Ф.Катанов, В.Котвич, Рамстедт, Н.А.Баскаков, Л.Н.Харитонов, Б.Юнусалиев ва бошқалар томонидан қимматли фикрлар айтилган.

Туркий тилларда туб феъллар у қадар кўп эмас. Туркий тиллардаги мавжуд ўзак феълларни товуш таркибига кўра асосан VC (*ич, ил, ос, уч, уз* каби) CV (фақат *дэ, жэ*), CVC (*бил, бит, кэл, кэт* каби) товушларнинг бирикишидан таркиб топган бўлиб, маълум даражада VCV (*иси, ула, уйу* каби), VCC (фақат *орт, элт*), CVCV (*сава, тала, тира*), CVCC (*санч, қирқ, йанч*) каби товушларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган феъллар ҳам учрайди.

Феъл ўзаклар таркибидаги унли ва ундош товушларнинг иштирокига кўра ҳам ўзига хос хусусиятларига эга. Масалан, ўзбек тилида феъл ўзак сўз бошида ***в, л, р, ф, х, г*** ундошлари ҳеч учрамайди, ***а*** унлиси фақат *ай* (айт), *г* ундоши фақат *гэз, гом*, ***з*** фақат *зерик*, ***м*** фақат *ма, мин*, ***п*** фақат *пис, пич* ўзакларида учрагани ҳолда, туб феъллар охирида ***б, д, ж, ф, х, ҳ*** ундошлари ҳеч қатнашмайди.

Туб феълларнинг яна таркибий таҳлили шуни кўрсатадики:

1) Ҳозирги тилларда туб феъл деб қараладиган ўзак феълларнинг катта қисми от (*бута, туса, ата* каби), тақлидий сўз (*дўки, сила, тўқи, чўқи, гажи* каби), ундов (*ҳайда, ҳайиқ* каби) ва бошқа туркумлардан келиб чиққан;

2) *йур//жур, жил, жир, жой, жар, йирт, йоз, жит* каби феъллардаги семантик алоқадорлик бу феълларнинг товуш алмашиниши натижасида бир ўзакдан тарқалганлигидан дарак беради;

3) *зерик, йўтал, дайди* каби феълларнинг таркибини аниқлаш қийин.

Ясама феъллар

Феъллар синтетик ва аналитик усул билан ясалади. Синтетик усул феъл ясашнинг энг фаол усулидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аффиксация усули билан бошқа туркумлардан феъл ясаш сўз ясашнинг энг қадимий усулларидан бири бўлиб, уларнинг тарихи мўғул ва тунгус-манчжур тиллари сўз ясалиши билан алоқадордир.

Ҳозирги туркий тиллардаги феъл ясовчи аффиксларнинг деярли кўпчилиги қадимтуркий характерга эга бўлиб, гарчи баъзилари ҳозирги тилларда архаиклашган бўлса ҳам, от, сифат, сон, ундов ва тақлидий сўз асосларига қўшилиб, феъл лексик қатламини бойитувчи барқарор аффикслардир.

Феъл ясовчи маҳсулдор аффиксларнинг кўпчилиги кўп маънолидир, ясалмаларнинг кўп маънолилиги фақат ясовчиларнинг маъноси билан эмас, ясалувчи асосларнинг маъноси билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга феъл ясовчи ҳар бир аффикс ўзининг қатъий сўз ясаш моделига эга.

-ла//-ле аффикси ҳамма туркий тилларда энг сермаҳсул аффикс бўлиб, кўп вариантлидир: тува. *-на//-не, -та//-те, -да//-де*: ёқут. *лаа//-лее, -лоо//-лөө, -таа-тее, -тоо//-төө, -даа//-дее, -наа//-нее* ва бошқ.

-ла//-ле аффикслари от, сифат, сон, олмош, равиш, ундов ва тақлидий сўзларга қўшилиб, турли маънодаги феъллар ясайди:

а) ўзак ифодаланган предмет воситасида юзага келган ҳаракатни: бошқирд. *утекла* (утюгла);

б) ўзак ифодаланган ҳолат хусусиятига эга бўлган ҳаракатни: *оқла, яхшила* каби.

Мисоллар: озарбайжон. *айағла, караим тисла*, қорачой-балқар. *ақла*, ўзбек. *балтала*, татар. *тозла*, тува. *шайла* (чойла), туркман. *нағышла* (нақшла), ҳакас. *майғала* (тайгага бормоқ), *чайла* (ёзла), қозоқ. *тиңда*, тува. *диңна*, ҳакас. *палыхта*, ўзбек. *ўнла*, қорачой-балқар. *боркулда*, нўғай. *увилда*, турк. *чаңырда*, туркман. *лағырда*, чуваш. *шаңарда*, ўзбек. *қурша, йумша* ва бошқалар.

-а аффикси от, сифат, равиш, тақлидий сўзларга қўшилиб, ўзак ифодаланган маъноларга эга бўлган ҳаракатни англатади: бошқирд. *йыра* (куйла), караим. *боша*, татар. *буша*, ўзбек. *бўша*, тува, ҳакас. *ада* (ата), туркман. *ойна*, турк. *қапа* (ёпмоқ), ёқут. *ыараа* (оғирла), *аҳаа* (е), *киҳаа* (қишла), турк. *кана, йаша*, қумиқ. *сана*, қорақалпоқ. *ота, туне* ва бошқалар.

-ир//-ур аффикси: озарбайжон. *асғыр, тупур*, бошқирд. *укыр, фишғыр*, гагауз. *ансыр, хынчкыр*, қозоқ. *кекір, һискір*, караим. *қычхыр, шақыр, пычхыр, кэкір*, қирғиз. *ишкир, қийқыр*, татар. *пошкыр, қышқыр*, ҳакас. *хатхыр* (хо-хола), шор. *қыйғыр* каби;

-ы//-и аффикси: ўзбек. *бойи*, озарб. *берки, авру* (оғри);

www.ziyouz.com kutubxonasi

-қа//-кə аффикси: татар. *ша°йқа*, қозоқ. *шайқа*, ўзбек. *чайқа*, озарбайжон. *чалха*, туркман. *чалға* (кўзғамоқ);

-ғала//-қала аффикси: *килғала* (келмоқ), татар. *йа°зғала* (ёзишмоқ), туркман. *дуртқула*;

-қан//-кан аффикси: қозоқ. *сескен, қызған*;

-қар//-ғар аффикси: нўғай. *сувғар*, олтой. *суурғар*, уйғур. *суғар*, ҳакас. *сувғар*, қозоқ. *шижғир* (қовурмоқ), татар. *қитқар* (кутқармоқ);

-қаз//-ғаз аффикси: ўзбек. *ўтказ, юргиз*;

-қыр//-гир аффикси: озарбайжон. *ҳичғар*, караим. *кичхар*, нўғай, татар. *сизғир* (ишқир), туркман. *пышғыр*, татар. *пышғыр*;

-ык//-ик аффикси: ўзбек. *бирик, кечик*, қозоқ. *тиник*, чуваш. *сарих*, караим. *савух*, қозоқ. *татық* (чайнамоқ);

-ала//-әлə аффикси: озарбайжон. *говала* (кувламоқ), туркман. *сепеле* (сепмоқ), турк. *чиселе* (совумоқ);

-ал//-әл аффикси: гагауз. *кысал* (тартибга солинмоқ), туркман. *азал* (озаймоқ), *гарал* (қораймоқ), озарбайжон. *дарал* (тиқилмоқ), *сағал* (сағаймоқ), турк. *азал* (озаймоқ), чуваш. *хурал* (қораймоқ);

-ыл//-ил аффикси: озарбайжон. *картил* (кемтилмоқ), қозоқ. *сувъл* (қуримоқ), *кечил* (кечирмоқ);

-ма//-мэ аффикси: қозоқ. *қарма* (ушламоқ): татар. *тырма* (қашимоқ);

-мала//-мəлə аффикси: ҳакас, чуваш. *чулмала* (юлмала), қозо́қ. *сиқмала* (сиқмоқ);

-мса//-мсира аффикси: ҳакас. *кулумсира*, татар. *кёлемсира*, шор. *кулимзире*, олтой. *кулумзире*;

-на//-нə аффикси: озарбайжон. *гысна* (қисмоқ), татар. *ка°йна*, ўзбек. *йиғна*;

-ар//-әртыр//-ир аффикси: озарбайжон. *йашар*, нўғай. *когер*, қозоқ. *жаңар, қысқар*;

-са//-сə аффикси: татар. *суса*, қозоқ. *суса*, тува. *суқса, бижиксе* (ёзмоқ);

-сыра//-сира: уйғур. *қапсире*, ўзбек. *сувсира, гумонсира* ва б.

Қўшма феъллар

Аналитик усул билан феъл ясаш қадимтуркий тилларда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам кам учрайдиган ҳолат. Деярли ҳамма туркий тиллар грамматикаларида қўшма феъллар дейилганда, феълнинг аналитик шакли – тўлиқсиз ва кўмакчи феъллар воситасида тузилган от+феъл ва феъл+феъл қўшилмалар кўзда тутилган. Бундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

феъллар янги маънодаги феъллар эмас, балки ҳаракатнинг такрорини, давомлилигини, узлуксизлигини, ҳаракатнинг юз беришидаги бошқа турли ҳолатларни англатади.

Мисоллар:

-қил//-қыл//-қул феъли: *бай қил, йоқ қил, шарт-шурт қил*;

бол феъли: *тамам бол, йоқ бол, керек бол, тутгун бол*;

тут феъли: *коз тут, қулақ тут*;

кел феъли: татар. *барасим килэ, чуваш баргум килэ, алдагусу келет*;

ет феъли: *чериг ит, таг ит*;

бер феъли: *арқа бер, бойун бер, алқуш бер, багыр бер*;

кор феъли: *йақши кор*;

айрим ҳолларда феълнинг ўзидан жуфт ва қўшма сифатлар ясалишини айрим туркий тилларда учратиш мумкин: *ашайе, бишкес, алу бер* ва бошқ.

Бўлишсиз феъллар

Феълнинг бўлишсиз шакли ҳамма туркий тилларда феълнинг бўлишли шаклига *-ма//-мэ, (ба//-бе, па//-пе)* аффиксларини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Туркий тилларда *-ма//-мэ* бўлишсизлик аффикси феълнинг энг қадимги шаклларидан биридир.

Тува тилида *-ма//-мэ* аффиксининг *-ба//-бе, -па//-пе, -ва//-ве* шакллари учрайди: *тутпа*, (тутма), *чугаалашһа* (гаплашма, чуғурлашма), *кесһе* (кесма), *киришһе* (қатнашма), *бодава* (ўйлама), *эгелеве* (бошлама), *боданма* (ўйланма) каби.

Бўлишсизлик аффикси *-ма//-мэ* бошқа туркий тиллардан ёқут тилида анча фарқ қилади. Ёқут тилида феълнинг инкор шакли *-м (-ма//-ыма,-мэ//-имэ)* шаклида бўлиб, феъл негизларига қўшилгач, феъл негизи охиридаги ундошнинг хусусиятига кўра ассимиляцияга учрайди ва вариантлар сони кўпаяди: *-ба//-па//-мэ, -бэ//-пэ//-мэ,-бат// -пат//-мат, -бэт//-пэт//-мэт* каби.

Масалан: *сытыма* (ётма), *сыппатах//сытматах* (ётмайман) каби.

Бўлишсизлик аффикси *-ма* сифатдошнинг *-ган* шаклидан кейин *-мас* шаклини олади, масалан, кумик. *келмас, ба°рмас* каби.

Татар тилида айрим ҳолларда феъл негизининг табиатига кўра *-ма* аффиксида дифтонглашиш юз беради: *алмыум* (олмайди) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чуваш тилида *-ма* ўрнида *-мас* туб феъллардан кейин қўшилади: *сирмаспьн* (ёзмайман) каби. Бу ҳолатни ёқут тилида ҳам учратиш мумкин. Масалан: *барбат* (бормайди) каби.

Айрим туркий тилларда *-мас* шаклидаги *-с -р* билан алмашади: туркман:

	Бирлик	Кўплик
I.	*йазмарын*	*йазмарыс*
II.	*йазмарсың*	*йазмарысыныз*
III.	*йазмаз*	*йазмазлар.*

Қадимтуркий тилларда бўлишсизлик аффикси *-ма* феълнинг маълум замон шаклига мосланган бўлган, лекин ҳозирги туркий тилларда *-ма* аффикси феъл замонларига нисбатан нейтраллашган.

Масалан: татар. *йа°змайашақ* (ёзмайди), озарбайжон. *алмырам* (олмайман), ёқут. *барымаам* (бормайман), чуваш. *сырмән* (ёзмайман) каби.

Бўлишсизлик маъноси феълнинг сифатдош шаклларида икки хил қўлланиши мумкин: татар. *йа°змаган*, ўзбек тилида *келмаган – келган эмас – келгани йўқ* каби.

Туркий тилларда бўлишсизлик аффиксининг энг қадимги шакли *-ғай* (ҳозирги замон), *-ба* (ўтган замон) ва *-бас* (келаси замон) шаклида бўлган. Бу қадимги шакл ҳозирги айрим тилларда ҳам сақланган.

Қиёсланг:

қирғиз, озарбайжон: *албаймын, албайдым, албасмын*;

олтой: *келбедим*, шор: *чербедим*, ёқут: *корботум*.

Лекин *-бай, -ба, бас-* шаклларидаги бошланғич ***б*** барқарор бўлгани учун кейинчалик ***м*** ундоши билан алмаштирилган: нўғай. *бармайман*, татар. *бармъым*, қорачой-балқар. *алмайма*, ўзбек. *ёзмайман*, турк, туркман, қумиқ. *алмады* каби.

Бўлишсизлик қўшимчалари *-ма//-мә* ва *-ба//-бе, -па//-пэ* вариантлари бош товуши ***м, б, п*** алмашинишини ассимиляция натижаси дейиш мумкин.

ФЕЪЛЛАРДА ШАХС ВА СОН

Туркий тиллар феъл негизларидан кейин шахс-сон қўшимчалари ўз қатъий ўрни ва изчиллигига эга: феъл негизи+бўлишсизлик аффикси+феълнинг функционал шакл қўшимчалари+нисбат+майл шакллари+замон ва шахс-сон қўшимчалари каби. Фақат айрим ҳоллардагина бу изчилликнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқалигига дуч келиш мумкин. Масалан: қорачой-балқар феълларида *кэтинг+чи* ўрнида *кэт+чи+гиз* (кетсангизчи), ўзбек тилида *қочинглар – қочларинг*, *борсанглар – борсаларинг* каби.

Туркий тилларда феъллар тусланишли ва тусланишсиз шаклларига эга бўлиб, феълнинг тусланишли шакллари шахс-сон қўшимчалари олиб ўзгаради.

Қадимги туркий ва айрим ҳозирги туркий тилларда феълнинг тусланишли шаклларида ҳам баъзан шахс-сон қўшимчаларини олиб ўзгармаслик ҳолати учрайди.

Масалан: қадимтуркий тилда *мән шунда турдук* (мен шу ерда турган эдим), *ол кэлдук* (у келди); қорақалпоқ. *мән алған, сән алған*; татар. *мин барган, син барган*; ўзбек (диал.). *биз борган, сиз борган* ва бошқалар.

Шу каби айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда ҳозирги туркий тиллардаги шахс-сон қўшимчаларини уч типга бўлиш мумкин.

I тип

Феълнинг I тип шахс-сон қўшимчалари феълнинг ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон шаклларидан кейин қўшилиб, уларнинг қадимтуркий шакли қуйидагича тасвирланади:

	Бирлик	Кўплик
I.	*-бэн//-бэн*	*-быз//-биз*
II.	*-саң//-сэң; сыг//-сыг*	*-сыз//-сиз*
III.	–	–

Кўриниб турибдики, бу қўшимчалар I, II шахс бирлик ва кўпликдаги кишилик олмошлари ва уларнинг турли фонетик вариантларидир.

Булар қуйидагилар:

I шахс бирлик:

-бын//-бин: қозоқ, ёқут, ҳакас;

-мын//-мин: ёқут, қирғиз, қорақалпоқ;

-мън//-мін: татар, бошқирд, қозоқ;

-ман//-мен: нўғай, қорақалпоқ, қумиқ, ўзбек;

-мән: уйғур;

-м: татар, бошқирд;

-ым//-им; олтой, шор, гагауз;

-ын//-ин: туркман;

-п (ъп): чуваш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II шахс бирлик:
-сың//-сиң: қирғиз, караим;
-сың//-сиң: турк, гагауз;
-съң//-сің: татар, бошқирд, қозоқ, қ.қалпоқ, нўғай;
-сең: тува;
-саң//-сең: ўзбек, қорақалпоқ, нўғай;
-са//-се: қорачой-балқар;
-сен: уйғур;
-сың//-сиң: туркман;
-һъң//-һэң: бошқирд;
-ғын//-гиң: ёқут.

III шахс бирлик фақат олтой тилида ***-ы//-и*** (*отур+ы, борадыр+ы*) шаклида мавжуд.

I шахс кўплик:
-быз//-биз: қорачой-балқар, қирғиз, қумиқ, караим;
-боз//-біз: бошқирд;
-быс//-бис: олтой, ҳакас, шор, тува;
-быт//-бит: ёқут;
-мыз//-миз: ўзбек, уйғур;
-мъз//-миз: қозоқ, қорақалпоқ, нўғай;
-ыз//-из: турк, гагауз;
-ыш//-иш: туркман;
-выс//-вис: татар;
-ых//-их: озарбайжон (йазырых);
-пир//-пір: чуваш.

II шахс кўплик:
-сыз//-сиз: қумиқ, караим, уйғур, ўзбек;
-съз//-сіз: татар, нўғай, қорақалпоқ;
-сыңыз//-сиңиз: туркман, гагауз, турк, озарбайжон;
-съңдар//-сиңдер: қозоқ;
-сыңар//-сиңер: ҳакас, қирғиз;
-зар//-зер: ҳакас, шор;
-сыгар//-сигер: олтой;
-ғыт//-гит, -қат//хит: ёқут;
-ър//-ір: чуваш;
-силер//-силэр: тува, уйғур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

III шахс кўпликнинг чуваш тилида *-сі* шакли мавжуд: *киллесі* (келадилар), *сыратсі* (ёзадилар) каби.

Мисоллар:

Сон	Бирлик		Кўплик	
шахс	I	II	I	II
озарб.	*аларам*	*аларсан*	*ларыг*	*аларсиниз*
олтой	*аларим*	*аларзиң*	*аларибис*	*ларыгар*
бошқ.	*алам (ин)*	*алаһің*	*алабіз*	*алаһігіз*
гагауз	*аларим*	*аларсин*	*алариз*	*аларсиниз*
қозоқ	*аларин*	*аласиң*	*аламиз*	*аласиңдар*
караим	*алам (ин)*	*алас (ин)*	*алабиз*	*аласиз*
қ.балқар	*аламан*	*аласаң*	*аламиз*	*аласиз(лар)*
қирғиз	*алам (ин)*	*аласиң*	*алабиз*	*аласиңлар*
қумиқ	*аламан*	*аласан*	*алабиз*	*аласиз*
нўғай	*аламан*	*аласың*	*алабиз*	*аласиз*
тува	*алырмэн*	*алыр сэн*	*ларбиз*	*алырсилэр*
турк.	*алирим*	*алирсин*	*алариз*	*алирсиниз*
турм.	*аларин*	*аларзиң*	*алариз*	*аларзиниз*
ўзбек	*оламан*	*оласан*	*оламиз*	*оласиз*
уйғур	*алиман*	*алисан*	*алимиз*	*алисила(р)*
ҳакас	*ларбин*	*аларзиң*	*ларбис*	*аларзар*
чуваш	*илэдеп*	*илэден*	*илэтпер*	*илэдер*
шор	*ларбин*	*аларзиң*	*ларбис*	*аларзар*
ёқут	*ілабін*	*ілагін*	*ілабіт*	*ілагіт*

III шахснинг бирлик ва кўплигида махсус шахс қўшимчаси йўқ. Тусланишда феълнинг бирлик ва кўпликдаги бу шакси тўғридан-тўғри феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли ***-ду*** қўшимчасини олади. Бу қўшимча асли тур феълидан келиб чиққан бўлиб, унинг турли туркий тилларда *-тур//-дур//-ди//-ти-ту//-ду//-т* шакллари мавжуд. III шахснинг кўплиги баъзан *-лар* аффиксини олади.

Мисоллар: эски ўзбек тили *оладурур//оладур*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *олади*, караим. *олади(р)//-алат*, қирғиз, қ.балқар. *алат*, чуваш. *ілет*, уйғур. *алиптў*, чуваш. *пелмӗст*, тува. *ол алыр ол*, *ап турлар*, чуваш. *ілэссе*, ёқут. *ілаллар* (оладилар) ва бошқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II тип

Шахс-сон қўшимчаларининг иккинчи типи феълнинг ўтган замон шаклидан кейин қўшилиб, унинг энг қадимги шакли қуйидагича:

	Бирлик	Кўплик
I.	*-м*	*-к,-қ*
II.	*-ң,г, -иг*	*-гиз, -гыз*
III.	-	-

Иккинчи тип шахс-сон қўшимчаларининг биринчи шахс-сон қўшимчаларига нисбатан вариантлари жуда кам. Булар қуйидагилар:

Биринчи шахс бирлик:

-м: барча туркий тилларда бир хил.

Иккинчи шахс бирлик:

-ң: *-н* билан алмашган ҳамма туркий тилларда бир хил.

-г//-иг: ҳозирги туркий тилларда мавжуд эмас.

Учинчи шахс бирлик: туркий тилларда асосий кўрсаткичи йўқ.

I шахс кўплик:

-к//-қ//-г//-х: деярли ҳамма туркий тилларда;

-быз//-биз, быс//-бис, пые//-пые, -выс//-вис, -мър//-мір, бът//-бім: олтой, тува, ҳакас, чуваш, шор, ёқут.

II шахс кўплик:

-гыз//-гиз: қорачой-балқар, қумиқ;

-гъз//-гиз: татар;

-гъз//-гиз: бошқирд;

-қыз//-қиз: туркман, ўзбек, қозоқ;

-ныз//-низ: озарбайжон, турк, гагауз;

-ңлар//-ңлер: уйғур;

-ңдар//-ңдер: қозоқ;

-ңар//-ңер: тува, ҳакас, қирғиз;

-гар//-гер: олтой;

-ър//-ір: чуваш;

-гыт//-гит: ёқут.

III шахс кўплик:

Махсус шахс қўшимча йўқ, айрим тилларда ***-лар*** аффиксини олади: туркман. *билдилер*, озарбайжон. *йаздылар* каби.

Мисоллар, қиёсланг:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сон	Бирлик		Кўплик	
шахс	I	II	I	II
озарб.	*алдим, алсам*	*алдин, алсан*	*алдиг, алсаг*	*алдиниз, алсаниз*
олтой	*алдим, алзам*	*алдиқ, алзақ*	*алдик, алзак*	*алдигор, алзағар*
бошқ.	*алдим, алҳам*	*алдиқ, алхақ*	*алдик, алҳак*	*алдигиз, анагиз*
гагауз	*алдим, алсам*	*алдин, алсан*	*алдик, алсак*	*алдиниз, алсаниз*
қозоқ	*алдим, алсам*	*алдиқ, алсақ*	*алдик, алсак*	*алдиқ, алсақ*
караим	*алдим ,алсам*	*алдий, алсай*	*алдик, алсак*	*алдиниз, алсаниз*
қ.балқ.	*алдич, алсам*	*алдиқ, алсақ*	*алдик, алсак*	*алдигиз, алсағиз*
тува	*алдим, алзимза*	*алдиқ, алдиқза*	*алдивис, алдивисса*	*алдиқар, алзиқзар*
ҳакас	*алдим, алзим*	*алдиқ, алзақ*	*алдибис, алзабис*	*алдар, алзар*
чуваш	*илдем*	*илден*	*илдемер*	*илдер*
шор	*алдим, алзам*	*алдиқ, алзақ*	*алдибис, алзаюис*	*алдир, алзар*
ёқут	*иллим, илларбиҷ*	*иллиқ, илларғин*	*иллибит, илларбит*	*иллигит, илларғит*

III тип

Шахс-сон қўшимчаларининг учинчи типи феълнинг буйруқ-истак майлларидан кейин қўшилади. Бу шахс қўшимчалари қуйидагича:

I шахс бирлик: ***-м//-н***;

II шахс бирлик: йўқ;

III шахс бирлик: *-си//-су//-зу̇//-син//-зин//-сун//-сын//-ин//-зун//-сини//-суни//-тин//-тун, -тар.*

I шахс кўплик:

-вуз//-з//-р//-в//-м;

-к//-г//-х//-й//-ң;

-гун//-гуз;

-ңтар//-ңлар//-ңнар//-ңар;

II шахс кўплик:

-ıҷ//-и//-й;

-с//-з//-р;

-ңиз//-ңуз//-қиз//-ғиз//-гуз//-йиз//-низ//-нуз;

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ҷлар//-ҷла//-ҷдар//-ҷор//-ғар//-ар//-йла//-йнар//-йна//-на;

-син(лар)//-сун(лар)//-син(лар)//-сун(лар)//-син(дар)//-ҳин(дар) -тиннар//-туннар;

-ччар.

Мисоллар:

Сон	Бирлик		Кўплик	
шахс	I	II	I	II
озарб.	*алым*	*алсин*	*алағ*	*алын (из)*
олтой	*алайын*	*алзын*	*алааликтар*	*алиңар*
бошқ.	*алайын*	*алҳын*	*алайык*	*алығид*
гагауз	*алайым*	*алсын*	*алалым*	*алын (из)*
қозоқ	*алайын*	*алсын*	*алайык*	*алиң (из)*
караим	*алайым*	*алсын*	*алайых*	*алын (из)*
қирғиз	*алайын*	*алсын*	*алали*	*алиңиз*
татар	*алийм*	*алсын*	*алийк*	*алығиз*
тува	*алийн*	*алзын*	*алилиңар*	*алиңар*
турк.	*алайым*	*алсын*	*алали*	*алиң (из)*
туркм.	*алайын*	*алзын*	*алалиң*	*алиң*
ҳакас	*алым*	*алзын*	*алаңар*	*алиңар*
чуваш	*илэм*	*илдэр*	*илэр*	*илаар*
шор	*алайын*	*алзын*	*алиңиар*	*алаар*
ёкут	*илим*	*иллин*	*илаағиң*	*илиң*

Биринчи, иккинчи гуруҳдаги шахс қўшимчаларининг бирлик ва кўпликдаги барча биринчи ва иккинчи шахс кўрсаткичлари кишилик олмошларининг шу шахс бирлик ва кўплик шаклларидан келиб чиққан. Шу гуруҳлардаги III шахс қўшимчалари тараққиёти эса *турур//-дурур* > *тур//-дур* > *-ту//-ду* > *-ти//-ди* > *//-т* шаклида бўлган.

III гуруҳ бирлик ва кўпликдаги шахс қўшимчаларининг келиб чиқиши ҳақида туркшунос олимлар ўртасида анча мунозарали фикрлар бўлса-да, бирор аниқ фикр мавжуд эмас. А.М.Щербак йирик туркшунос тилшуносларнинг фикрига асосланган ҳолда бу гуруҳдаги шахс қўшимчаларининг ҳам кишилик олмошлари билан алоқадорлигини таъкидлайди. Буни шу гуруҳнинг биринчи шахс кўплик шаклларининг ўзгаришида кўриш мумкин: *-вуз//-з//-р//-в//-м* каби.

Ҳозирги туркий тилларда шахс ва сон маъноларининг кўчган ҳолда қўлланиши ҳам учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллар: ўзбек тилида *юринг, уйга кетайлик, келсинлар, кирсинлар* (III шахс кўплик, II шахс бирлик ўрнида), бошқирд тилида *кўптан ишга сиғар инем* (I шахс бирлик II шахс бирлик ўрнида), *дадамлар келдилар* (III шахс кўплик, II шахс бирлик ўрнида) каби.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

Феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи субъектнинг ҳаракат ўтувчи, ҳаракатни қабул қилувчи объектга муносабатини ифодаловчи феъл категориясига феъл нисбатлари дейилади. Масалан: *Карима кўйлакни ювди* гапи фаол конструкцияли (қурилишли) гап бўлиб, феълдан (ювди) англашилган ҳаракат *Карима* (субъект) томонидан юзага келтирилади, ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ (Карима), *Карима* томонидан юзага келтирилган ҳаракатнинг таъсирига *кўйлак* учрайди, ҳаракат таъсири объектга (кўйлакка) ўтади. Демак, субъектнинг (Каримaнинг) ҳаракати таъсирига объект учрайди. Бу юқоридаги қоидага тўла мос келади (ҳаракатни бажарувчи субъектнинг объектга муносабати).

Бошқача бўлиши ҳам мумкин. *Кўйлак Карима томонидан ювилди* гапи (пассив конструкция – ҳаракатни бажарувчи шахс субъект ноаниқ)да олдингига нисбатан мазмун ҳам шакл ҳам ўзгаради. Бунда воситали келишикдаги (Карима) шахс томонидан юзага келтирилган ҳаракат бош келишик шаклидаги субъект (кўйлак)га ўтади. Фикр мантиқан тўғри: феълдан англашилган ҳаракат, ҳаракатни бажарувчи шахс, ҳаракатни қабул қилувчи, ҳаракат таъсирига учровчи предмет (кўйлак) аниқ, лекин грамматик жиҳатдан ҳаракатнинг бажарувчиси воситали келишик шаклидаги от (эга эмас, воситали тўлдирувчи), ҳаракат объекти эса бош келишик шаклидаги от (тўлдирувчи эмас, эга) бўлади. Кўринадики, феъл шаклининг ва мазмунининг ўзгариши (ювди – ювилди) феълнинг нисбатини ҳам ўзгартиради, аниқ нисбатдаги феъл ноаниқ – мажҳул нисбатга айланади.

Карима ювинди гапида вазият – шакл ва мазмун яна ўзгаради. Бунда феълдан англатилган ҳаракат (ювмоқ), ҳаракатни бажарувчи субъект (Карима) аниқ, лекин субъект томонидан юзага келтирилган ҳаракатни қабул қилувчи объект грамматик жиҳатидан ноль – ноаниқ. Бундай ҳолатда ҳаракатни бажарувчи субъект ҳам, ҳаракатни қабул қилувчи объект ҳам грамматик субъектнинг ўзи ("ўзини-ўзи" маъносида) бўлади.

Феъл нисбатларида баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, ҳаракатнинг бажарувчиси, бирдан ортиқ бўлади. Карима кўйлакни ювишди гапида шундай ҳолат юз берган: *ювмоқ* ҳаракати *Карима* ва бошқа бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс билан биргаликда бажарилган. Бажарувчи шахслар иштироки бундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин.

Қиёсланг: бошқирд. *јаз* – ҳаракатни бажарувчи (хатни) биринчи, асосий иштирокчи; *јаз+зір* – ҳаракат биринчи иштирокчи воситасида иккинчи иштирокчи орқали бажарилиши мўлжалланган: *јаз+зір+т* – биринчи, иккинчи ва учинчи иштирокчи; *јаз+зір+т+тір* – тўртинчи иштирокчи орқали юз беради.

Яна: олтой. *кэч+ір+т+тір*, гагауз. *гэз+дыр+т+тыр*, караим. *јан+дыр+т+тыр* каби.

Туркий тиллардаги барча тасвирий грамматикалар ва феъл нисбатларига бағишланган махсус адабиётларда феъл нисбатлари ҳаракатнинг субъекти ва объекти, ҳаракат ва субъект (ҳаракатнинг субъектга муносабати), ҳаракатнинг бир томондан субъект ва объект, иккинчи томонидан, объект ва субъектнинг ҳаракатга муносабатини ифодаловчи категория сифатида қаралади.

Феълдан англатилган ҳаракатнинг субъект томонидан юзага келтирилиши, ҳаракатнинг субъектга ҳам, объектга ҳам йўналтирилиши, ҳаракатнинг бир неча субъект томонидан бажарилиши мумкинлиги ва ҳаракатнинг воситасиз, воситали бажарилиши феъл нисбатларини қуйидаги турларга ажратишга имкон беради:

1. Бош (оддий) нисбат.
2. Мажҳул нисбат.
3. Ўзлик нисбат.
4. Биргалик нисбат.
5. Орттирма нисбат.

Оддий нисбат

Феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси – грамматик субъекти ҳаракат билдирувчи феълнинг ўзидан англашилиб турадиган, синтактик жиҳатдан фаол конструкцияли гап қурилмасини шакллантира оладиган феъл шаклларига оддий нисбат дейилади. Масалан: татар. *Мин китаб а°лдым*; *Узиң билəсиң, а°т кибик ишлəдим мин* каби.

Оддий нисбатдаги феъл кесимли гапларда ҳаракатнинг бажарувчиси уч хил йўл билан ифодаланади.

1) субъект бевосита феълнинг шахс шаклларидан англашилиб туради: *алдым*;

2) субъект синтактик йўл билан ифодаланади; *мен алғач*;

3) субъект ҳам морфологик, ҳам синтактик йўл билан ифодаланади: *мен алсам* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда кесими оддий нисбатдаги феъл билан ифодаланган гап қурилишларида бу усулларнинг ҳар учаласи ҳам фаол қўлланса-да, кейинги, учинчи ҳолат кўпинча услубий талабга кўра шаклланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳаракатнинг бажарувчиси алоҳида таъкидланади: *Ат кибик ишләдим мин* каби.

Оддий нисбатдаги феъллар, содда қилиб айтганда, таркибида бошқа нисбат шакллари мавжуд бўлмаган феълнинг ҳамма замон маъноларини англатувчи феъл шаклларидир.

Мисоллар: татар. *а°лам, а°лабъз*; қирғиз. *жазам, жазабъз*; турк. *алыр, алырмыз*; олтой. *барадырым, барадырбыз*; туркман. *алярын, алярыс*; қорачой-балқар. *йазивчума, йазиычубуз*; ўзбек. *ёзмоқдаман, ёзмоқдасиз*; қирғиз. *жазып жатамын, жазып жатабыз*; ҳакас. *ойнапчам, ойнап чабыз*; тува. *аптурмен, аптурбыз*; уйғур. *алаттьм, алаттуқ*; ўзбек. *келмоқда эдим, келмоқда эдик*; қозоқ. *баратьнмын, баратынбъз*; шор. *аңачаңым, аңагаңмыс* (овламоқ); олтой. *барыб дъаттым, барыб дъаттық*; қумиқ. *бара едим, бара едиң*; ўзбек. *келганман, келганмиз*; қирғиз. *алыпмын, алыппыз*; шор, ҳакас. *сырзаттым, сирзаттьмьр* (ёздим); қозоқ. *айтьп едим, айтьп едиң*; турк, озарбайжон. *охуйаҗағем, охуйаҗағих*; қорачой-балқар. *барлықма, барлықбыз*; ўзбек, уйғур. *билгайман, билгайсан* ва бошқалар.

Мажҳул нисбат

Феълнинг мажҳул нисбати феъл негизларига *-л//-ил//-ул*, ёқут тилида *-илин//-улун* аффиксларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Феъл негизнинг охирги ундоши *л* ундоши билан тугаган бўлса, мажҳул нисбат аффикслари вазифасини *-н//-ин//-ун* қўшимчалари бажаради. Айрим туркий тилларда *-н//-ин//-ун* аффикслари негизи унли билан тугаган, ёқут тилида эса негизи чўзиқ унли, дифтонглар билан тугаган феъл негизларига ҳам қўшилади. Баъзан эса *-ил//-ул//-л* ундоши билан тугаган феъл негизларига ҳам қўшилиши мумкин.

Мисоллар: озарбайжон. *йазилди*, олтой. *кэзилди, төтөлди* (тутилди), *буйалди*, гагауз. *бичилди, бозулди*, қозоқ. *жәңилди, сөйланди*, қорачой-балқар. *оқулди*, қумиқ. *ичилди, ашалди*, нўғай. *табилди*, тува. *адирилди* (ажралди), *бағланди*, турк. *танинди, йурунди*, туркман. *эшидилди, болунди*, ўзбек. *айтилди, қилинди*, ҳакас. *пазилди* (ёзилди), ёқут. *биһилинди* (кесилди) ва бошқ.

Мажҳул нисбат қўшимчалари, одатда, ўтимли феълларга, баъзан ўтимсиз феълларга қўшилади. Ўтимсиз феъллардан мажҳул нисбат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилиниши кўпинча ўтимсиз феъл феълнинг аналитик шаклида кўмакчи феъл вазифасида келганда юз беради.

Масалан: *Қубадин Марғинонга кэлинди*, турк. *бу одайа гирилмаз қапалидир* (бу хонага кирилмас, ёпиқдир), *ақшама эвэ донулэжэк* (кечга уйга қайтилади); туркман. *йолдан гэчилди* (йўлдан ўтилди); ўзбек. *Хоразмга Амударё орқали борилади*; ёқут. *улэгэ эрдэ туруллар* (ишга эрта турадилар) ва бошқ.

Кесими мажҳул нисбатдаги феъл билан ифодаланган гаплар нофаол қурилишдаги гаплар бўлиб, бундай гапларда ҳаракатнинг бажарувчиси воситали келишик шаклидаги от, ҳаракат объекти эса бош келишик шаклидаги от бўлади. Бундай гапларда бу ҳолат доимий эмас, нисбийдир. Чунки баъзан бундай гапларнинг ҳаракатни бажарувчиси *билан, мэнэн, бирла, орқали, тарафиндан, томонидан, жиҳатидан* кўмакчиларини олган жўналиш, чиқиш келишигидаги отлар билан ҳам ифодаланиши мумкин: қирғиз. *мен тарабимдан айтылған соз*; ҳакас. *аниң холинаң тихталғон тракторлар* (унинг қўли билан ремонт қилинган тракторлар), *ағастар чилгэ чайхалчалар* (дарахтлар шамол туфайли тебранмоқда) каби. Эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек тилларида бу тушум келишигидаги сўз билан ҳам ифодаланиши мумкин: *мэнинг ганимим қўрғонда эди: ҳам қўрғонини алинди, ҳам ганимни қочурилди, сабабин сорулди эрса; ошни ейилди, чойни ичилди* ва бошқ.

Мажҳул нисбат шакли ҳаракатни бажарувчи субъектнинг нофаоллигини, ўрни билан унинг ҳаракат объектига айланишини ифодалайди. Мажҳул нисбатнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бундай феълдан англашилган ҳаракатни юзага келтирувчи шахс инкор қилинади. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги туркий тилларда мажҳул нисбат шаклидаги феъл грамматик объект томонидан юзага келтирилган, грамматик субъектга ўтадиган ҳаракатни ифодалайди.

Мажҳул ва ўзлик нисбат шаклларининг бир хиллигига қараб баъзи тилшунослар уларнинг семантикасида ҳам қандайдир умумийлик борлигини қайд қиладилар. Ўзбек тилидаги *кўрилди – кўринди, йасалди – ясанди*, қозоқ тилидаги *жувылды – жувынды* каби феълларнинг мазмуни тил тараққиётининг қадимтуркий давриданоқ бу нисбатларнинг мустақил мазмуни ва шаклига эгалигини исботлайди.

Ўзлик нисбат

Феълнинг ҳамма нисбатлари сингари ўзлик нисбатда ҳам феълдан англашилган ҳаракат, ҳаракатни бажарувчи субъект ва субъект томонидан бажарилган ҳаракат йўналтирилган объект ўртасидаги муно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сабат мавжуд. Ўзлик нисбатдаги феълларнинг аниқ ва мажҳул нисбатдаги феъллардан фарқи шундаки, аниқ нисбатда ҳаракатни бажарувчи субъект ва ҳаракат объекти аниқ, мажҳул нисбатда бажарувчи шахс ноаниқ бўлса, ўзлик нисбатда феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ, грамматик субъект бўлиб, субъект томонидан бажарилган ҳаракат йўналтирилган объект ноаниқ бўлади. Шунинг учун ҳаракатни бажарувчи субъект, ўзи бажарган, юзага келтирган ҳаракатнинг объектига айланади, ўзи томонидан юзага келтирилган ҳаракатнинг таъсирига ўзи учрайди. Ўзлик нисбатдаги феълдан англашиладиган маъно эса "ўзини-ўзи" маъносига тенг келади: *ювинди – ўзини ўзи ювди.*

Ўзлик нисбати феъл негизларига *-н//-ин//-ун*, тува тилида *-тин//-тун//-дин//-дун* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Баъзан феъл негизи *и* ундоши билан тугаган сўзларда *-л//-ил* қўшилиш ҳолати учрайди. Масалан: *у тинмасди, ўзидан катталар олдида бир оз уялганидан тинилди* каби. Қиёсланг: эски ўзбек тилида *ясанди, кўрунди*; озарбайжон. *бурунди* (бурканди), *йуйунди* (ювинди); бошқирд. *безәнди, башланди*; гагауз. *бакинди* (қаранди), *йолланди* (оқланди); қозоқ. *таранди, кәбинди*, (ўзини ўзи қуритди маъносида), караим. *йабунду* (ёпинди), *махтанди*; қорачой-балқар. *йувинди, атланди*; қирғиз. *йуунди* (ювинди), *кийинди*; қумиқ. *қашинди, тазаланди*; нўғай. *суртунди, шешинди*; тува. *беринди* (берилди), *кеттин* (кийинди); турк. *горунди, булунди* (тапинди), туркман. *закланди* (сақланди); ўзбек. *йэчинди, мақтанди*, ҳакас. *хиринди*, (қиринди); ёқут. *баан* (пастланди), *сабинди* (ёпинди), *билинди* (ўзини ўзи англади); чуваш. *сэвэн* (ювинди), *пэрен* (уринди) ва бошқ.

Мажҳул нисбат шакллари сингари ўзлик нисбати қўшимчалари *-н//-ин//-ун* ҳам ўтимли феълларга, қисман ўтимсиз феълларга қўшилади. Ўтимли феъллардан ясалган ўзлик нисбат шакли бош ва тушум келишикларидаги воситасиз тўлдирувчиларни бошқаради. Феълнинг синтактик усул билан эмас, морфологик усул билан ҳаракат объектини англатувчи ўзлик нисбат шакллари ўтимли феълларнинг маъносини шу даражада кенгайтирадики, натижада улар мустақил ясалма даражасига келиб қолади. Ўзлик нисбатда, айниқса, ўтимсиз феъллар ўзларининг туб лексик маъносини деярли ўзгартириб, фаол ҳаракатни англатувчи феълларга айланади. Масалан, бошқирд. *қисин* < *қиси* (қичимоқ), *қирен* < *қир* (қуримоқ), *қизин* < *қиз – чиниқиоқ* каби.

Анъанавий равишда ўзлик нисбатдаги феълларнинг уч маъноси ҳақида фикр юритилади.

1) асл ўзлик маъноси ("ўз-ўзини");

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) умум ўзлик маъноси ("ўзи-ўзига");

3) восита ўзлик маъноси ("ўзи учун");

Мисоллар: олтой. *алин* (ўзига олмоқ, ўзи учун олмоқ), *кэзин* (ўзига кесмоқ, ўзи учун кесмоқ); караим. *коргузун* (кўринмоқ); турк. *эдин* (ўзига, ўзи учун), *бакин* (қаранмоқ); туркман. *қазин* (ўзига қазмоқ, ўзи учун қазмоқ); уйғур. *ойлан* (ўйланмоқ); ёқут. *сурун* (ўзига ёзмоқ, ўзи учун ёзмоқ), *тарбан* (қичинмоқ) ва бошқ.

Феълнинг ўзлик нисбати бошқа барча туркий тилларга нисбатан тува тилида баъзи фарқларга эга. Масалан, тува тилида ўзлик нисбати маъноси феъл негизларига *-н//-тын//-тин//-тун//-түн* аффикслари билан бирга "*бот*" (ўз, ўзлик олмоши) сўзини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади.

Масалан: *бодун кэттиниб алди* (у кийинди), *даг көрбейин эдээң азынма, суг корбейн идиң ужулба* (тоғ кўрмайин этагинг турма, сув кўрмайин этигинг ечма); *бодун боду билинмес* (ўзини ўзи сезмайди) каби.

Биргалик нисбат

Биргалик нисбатдаги феъллар феълдан англашилган ҳаракатнинг икки ёки ундан ортиқ шахс, субъектлар томонидан бажарилишини англатади: *кўришди, ўпишди* каби.

Феълнинг биргалик нисбати феъл негизларига *-ш//-иш//-уш,-с// -ис// -ус*, ёқут тилида *-сис//-сус* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Мисоллар, эски ўзбек тили: *бир-бирингизга бақиштуқ, бир-бирига яқинлаштилар*; олтой. *согушти*; бошқирд. *йазышти, көлөшти*; гагауз. *бакишти*; қозоқ. *сөйлэсти*; караим. *қучушти*; қорачой-балқар. *саломлашди, ойнашди*; қирғиз. *йазышти*; татар. *узышди*; турк. *сэвишти, учушту*; туркман. *душушду, йашашти*; уйғур. *ишлашди*; ҳакас. *чугуристи, көристи*; ёқут. *ahac* (ейишди), *баас* (боғлашди), барсис (боришди) ва бошқ.

Биргалик нисбати қўшимчалари *-ш//-иш//-уш* ўтимли ва ўтимсиз феъллар негизидаги мажҳул ва ўзлик нисбат қўшимчаларидан кейин, орттирма нисбат қўшимчаларидан олдин ва кейин қўшилади: қозоқ. *кийиндириси, жарастириси*; тува. *бодаштирти* (ўйлаштиришди), *санаштиришди*; ҳакас. *чарилистирди* (бирлаштирди), *кулинисти* (кулишишди) каби.

Биргалик нисбати шаклидаги феъллар феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишида камида иккита иштирокчи – субъектнинг биргаликдаги ҳаракатини тақозо қилади. Лекин бундай феъллар

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатадиган маънода, бир томондан, ҳаракатни бажарувчи субъектларнинг шу ҳаракатни бажаришдаги иштирокида ҳар хиллик бўлса, иккинчи томондан, субъектлар томонидан юзага келтирилган ҳаракатнинг таъсирига учрайдиган объектлар бир хил бўлмайди. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

а) биргалик нисбатидаги феълдан англашилган ҳаракатни бажаришда субъектлар баравар, биргаликда иштирок этади ва ҳаракат ўтадиган, ҳаракатни қабул қиладиган объект иштирокчиларидан "ташқарида" бирор нарса ё предмет, воқеа ёки ҳодиса бўлади, масалан, ўзбекча деҳқонлар ғўзани суғоришди гапида суғоришди феълидан англашилган ҳаракат деҳқонлар томонидан биргаликда бажарилган, лекин бажарилган, юзага келган ҳаракат уларнинг ўзига дахлсиз, бошқа объектга, ғўзага ўтади;

б) феълдан англашилган ҳаракат ҳам биргаликда бажарилади, ҳаракатнинг таъсирига ҳам бажарувчи субъектларнинг ўзи баравар учрайди, қисман ўзлик нисбатидаги каби ҳаракат таъсири бажарувчиларнинг ўзига ўтади: озарбайжон. *вурушди* (бир-бирини урди маъносида), ўзбек. *ўпишди, кўришди* (масалан, қўл бериб), *биттаси ўпиб, биттаси қараб турмади, ҳар иккиси бир-бирини ўпди*;

в) ҳаракат биргаликда, объект ҳаракатнинг натижаси бўлади: чуваш. *јазішді* (хатни);

г) биргалик нисбати қўшимчаси ўтимсиз феълларга қўшилганда, феълдан англашилган ҳаракат ҳаракатни бажарувчи субъектларнинг ҳолатини англатиб, объект ноаниқ бўлади: олтой. *турушди, қийғиришди* (бирга, лекин объектсиз) ва бошқ.

Эслатма: қирғиз тилида *јазышат* (ўзбекча *ёзишди – ёзишдилар*) феъли биргаликда маъноси билан бирга кўплик англатади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, кўплик маъносини англатувчи *-лар* ёки *-ш//-иш* феълларга қўшилганда, аслида, ҳаракатнинг кўплигини эмас, балки ҳаракатни бажарувчи шахсларнинг кўплигини англатади, *јазышат* феълида кўплик (аниқроғи, биргалик, кўплик маъносига нисбатан биргалик маъноси устун) бажарувчи шахсларга тааллуқли, ёзиш ҳаракати кўп эмас, шу ҳаракатни бажарувчи шахс кўп. Бу, айниқса *-лар* аффиксини олган феълларда яққолроқ кўринади: *болалар келдилар* – келиш ҳаракатини бажарувчи шахс кўп.

Булардан ташқари, биргалик нисбати маъноларини конкретлаштирувчи турли воситалар ҳам мавжуд, биргалик маъносини ифодаловчи воситалардан бири *илэ, билан, мінан* кўмакчиларидир. Масалан, бошқирд. *ўзора*, қозоқ. *бириман бири// бир-бириман*, туркман. *бири-бири билэн*, ёқут. *бэйэ бэйэларин* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биргалик ҳаракатда иштирокчилардан бирининг ҳаракатини бошқасидан ажратиб, таъкидлаб кўрсатишда баъзан контекстдан, баъзан жўналиш келишигидаги от ё олмошдан фойдаланилади: бошқирд. *мин уға ишләшәм*, қозоқ. *биз оларға мақта тэристик*, татар. *Азат Маратқа утин кисишти*, турк. *аижаниз бэйэфэнди илэ чок сэвишириз* (акангиз билан биз бир-биримизни севишамиз), туркман. *бу гойни азиш* (бу қўйни осиш), ҳакас. *оймах хазис* (чуқур қазиш), ёкут. *биҳиэхэ маста кэрдис* (ўтин кесишга ёрдамлаш), *кини миэхэ от тиэйистэ* (у менга ўт келтиришга ёрдамлашди) ва бошқалар.

Орттирма нисбат

Феълнинг орттирма нисбат шаклида феълдан англашилган ҳаракат билан ҳаракатни бажарувчи субъект, ҳаракатни қабул қилувчи объект ва объект билан субъект ўртасидаги муносабатлар бошқа нисбатларга нисбатан анча мураккабдир. Чунки феълнинг бу шаклида ҳаракатнинг объектга таъсири бевосита бош субъект орқали бажарилмай, воситали бўлади.

Масалан: *Карима кўйлакни ювдирди* гапида гарчи, *Карима* гапнинг асосий субъекти бўлса ҳам, *ювиш* ҳаракати *Карима* томонидан бажарилмайди, балки бошқа шахс томонидан бажарилади. Бунда *Карима* ювиш ҳаркатини бажарувчи шахсни шу ҳаракатни бажаришга ундовчи, қўзғовчи шахс бўлади, ҳаракатнинг бажарилишида бевосита иштирок этмайди, воситачи бўлади.

Буни шундай тушунтириш мумкинки, биринчи субъект А иккинчи субъект Б ни орттирма нисбат шаклидаги феълдан англашилган ҳаракатни бажаришга ундайди, иккинчи субъект Б ҳаракатни бажаради, юзага келтиради, иккинчи субъект томонидан бажарилган ҳаракат ё ҳаракатни қабул қилувчи объект В га ёки тўғридан-тўғри биринчи субъект А га ўтади. Масалан: *Карима кўйлакни ювдирди* гапида ҳаракат биринчи субъект А (Карима) томонидан эмас, балки *Карима* томонидан ҳаракатни бажаришга ундалган иккинчи субъект Б томонидан (ювиш ҳаракати) бажарилади, бу ўринда иккинчи (Б) субъект томонидан бажарилган ҳаракатнинг таъсирига кўйлак учрайди. Баъзан ҳаракат таъсири тўғридан-тўғри биринчи субъектга – А га ҳам ўтиши мумкин. Бу нутқ ситуацияси, феълнинг ўтимли, ўтимсизлиги ва бошқа ҳолатларга ҳам боғлиқ.

Орттирма нисбат шакллари келиб чиқиш ва қандай феълларга қўшилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган бир неча аффикслар орқали ҳосил қилинади. Орттирма нисбат шакли аффиксларининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўплиги билан ҳам бошқа нисбат шаклларидан фарқланади. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: караим. *йандир, йандирт*; нўғай. *миңиет* (мингаш), *кирист* (кириш); турк. *гүлдүр* (аралаш), *гүлдүрт* (аралаштир); уйғур. *оқут, кулдур, көргуз*; олтой. *тойдир, тойғыс*; қозоқ. *жаздир, жазғыз*; караим. *аздир, азғыр*; қирғиз. *өткөр, өткөз*; қумиқ. *гөрсэт, гөргуз*; нўғай. *миндир, миңиет*; ўзбек. *кўрсат, кўргаз*, ҳакас. *көрдир, козит* ва бошқ.

Орттирма нисбат қўшимчалари бир фъол негизига бирдан ортиқ ҳам қўшилиши мумкин: озарбайжон. *гэтирттир*, қорачой-балқар. *билдиртир* каби.

Орттирма нисбатнинг энг кўп қўлланадиган аффикслари қуйидагилар:

-тир//-тур//-тар//-дир//-дур//-дар: озарбайжон. *йаздир*; олтой. *көрдир, кэстир*; бошқирд. *төттөр* (туттир), *баэтир* (бостир), *көлдөр* (аралаштир); гагауз. *гэздир, таптир*; қозоқ. *өстир*; караим. *баттир* (ботир); қорачой-балқар. *алдир*; қирғиз. *айттыр*; қорақалпоқ. *таптыр, соқтыр*; қумиқ. *салдыр, бақтыр, йаптыр*; нўғай. *аштыр*; турк. *гийдир, қоштур, саттыр*; туркман. *йуздур, туттур*; ўзбек. *миндир*; ҳакас. *тиктир, халдыр* (қолдир), *чиғдир* (йиғдир); чуваш. *пахтар* (қарат), *сидэр* (етказ); ёқут. *бэрдэр, көрдөр, миннэр* (миндир) ва бошқ.

-т: олтой. *кэңит, бичит* (ёздир), *эрит, ойнот, көгөрт*; бошқирд. *бизат* (безат), *башлат*; гагауз. *бэнзэт*, (менгаат); *үркүт* (қўрқит), *аннат* (англат); караим. *тохтат, уйалт, ағарт*; қорачой-балқар. *ашат, тилэт*; қирғиз. *баштат*; қорақалпоқ. *босат, сорат*; қумиқ. *сөйлэт*; нўғай. *қорқит*; турк. *қайнат*; уйғур. *бағлат*; ҳакас. *чилит* (исит), *чугурт* (югурт); чуваш. *тахтат* (тўхтат), *хаарт* (қурит); ёқут. *сойит* (совит), *қурт* (қурит), *сурт* (қочмоқ) каби.

-р//-ир//-ур//-ар: олтой. *өчур, кэчир*; бошқирд. *қайтар, сығар* (чиқар); гагауз. *шашир, битир*; қозоқ. *өшир* (ўчир), *тусир* (тушир) караим. *ичир*; қирғиз. *батир, чығар*; қумиқ. *гочур*; турк. *дойур* (тўйдур); ҳакас. *азир* (ошир); чуваш. *казар* (кузат); ёқут. *туруор* (турғиз), *тоңор* (музлат) ва бошқ.

-қир//-қур//-қар//-ғир//-ғур//-ғар: эски ўзбек. *йэткур, йазғур*; олтой. *өшкур, өткур*; караим. *азғыр*; нўғай. *йатқар* (жойлаштир), *өткар*; ҳакас. *асхир* (қутқар). *өскир* (ўсдир) каби.

-киз//-куз//-каз//-гиз//-гуз//-газ: эски ўзбек: *олторгуз, киргуз*; олтой. *турғус, коргус*; бошқирд. *ўтказ, миңиз*; қозоқ. *ишкиз, ўзгиз*; қирғиз. *отургыз*; туркман. *горкэз*, ўзбек. *йэтказ, йутқаз*; ҳакас. *паргыс* (борғиз) ва бошқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-из//-уз: олтой. *эмис*; қозоқ, нўғай. *эмиз*, қорачой-балқар, қумиқ, ўзбек. *эмиз*, олтой. *агис*, нўғай. *тамиз* каби.

-дуз: қадимтуркий. *билдуз* (тушунтир), *болдуз* (ярат):

-сэт: қумиқ. *горсэт*; турк. *гостэр*, қирғиз. *көрсөт*, қозоқ. *көрсэт* ва бошқ.

Орттирма нисбат қўшимчалари ўтимли феълларга ҳам ўтимсиз феълларга ҳам қўшилади. Бу қўшимчалар ўтимсиз феълга қўшилганда ўтимсиз феълни ўтимлилаштирса, ўтимли феълга қўшилганда эса ўтимли феълни "иккиламчи" ўтимлилаштиради: караим. *соңдур* (учир), уйғур. *қайнат*, ёқут. *өлөр* (улдир), ўзбек. *билдир* (бил – ўтимсиз+аффикс-ўтимли): ўзбек. *ўқит* (ўқи – ўтимли+аффикс-ўтимли+ўтимли) каби.

Ҳозирги туркий тилларда феълнинг орттирма нисбати ўзининг барқарорлиги, шакл ва мазмун жиҳатидан деярли ҳамма туркий тилларда бир хиллиги билан феълнинг бошқа нисбатларидан ажралиб туради.

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

Майл категорияси ҳаракат билан субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини кўрсатади.

Майл феълнинг грамматик модаллик категорияси бўлиб, ҳаракат билан ҳаракатни бажарувчи субъект ўртасидаги алоқа характерига сўзловчининг баҳосини, салбий ё ижобий муносабатини англатади. Бошқача қилиб айтганда, майлнинг мазмуни шундан иборатки, ҳаракатнинг воқеликка муносабатига сўзловчининг турли субъектив (шахсий, хусусий) баҳосидир.

Феълнинг ҳамма майл шакллари грамматик замон маъносига эга бўлиши билан бирга грамматик модаллик маъносини ҳам англатади: сўзловчининг айтилаётган фикрга; воқеликка субъектив муносабатини билдиради, объектив борлиққа нисбатан унинг таъкидини, тасдиғини, инкорини англатади.

Туркий тилларда феъл майлларини шакл ва мазмун хусусиятларига кўра тўрттадан ўн иккитагача (масалан, караим тилида тўртта, гагауз тилида бешта, қорачой-балқар тилида еттита, ёқут тилида ўнта, озарбайжон тилида бештадан ўн иккитагача) мавжуд деб ҳисобланади. Ҳозирги туркий тиллар тасвирий грамматикаларида феъл майлларининг асосан уч-беш шакли кўрсатилади.

1. Аниқлик майли.
2. Буйруқ майли.
3. Истак майли.
4. Шарт майли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аниқлик майли

Аниқлик майлидаги феъллар феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг аниқ бажарилган ёки бажарилмаганлигини унинг юз бериш вақти билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Бу майлда ҳаракатнинг юз бериш ёки юз бермаслик тушунчаси бўлади, феълдан англашилган ҳар қандай ҳаракат маълум макон ва замонда юз берганлиги туфайли бу майлдаги феъл ҳам, албатта, бирор замон шаклида бўлади.

Масалан: нўғай. *баратағанман, баратағансаң, баратаған*; ўзбек. *ёзар эдим, ёзар эдинг, ёзар эди*; озарбайжон. *охуйажағам, охуйажағсан, охуйажак* каби.

Аниқлик майлининг махсус грамматик кўрсаткичи йўқ. У феълга замон, шахс-сон қўшимчаларининг қўшилиши орқали шаклланади. Аниқлик майлининг махсус грамматик кўрсаткичга эга эмаслиги табиий, чунки бу майлдаги замон шаклларининг ўзи ҳаракатнинг воқеликка муносатини кўрсатиб туради. Демак, феълнинг аниқлик майли грамматик замон маъносига ва бу маънони ифодалайдиган шаклларга эгалиги билан характерланади, шу орқали ўз ичида эмас, балки феълнинг бошқа майл шакллари билан ҳам парадигматик қатор ҳосил қила олади, чунки бу майл шаклларининг бошланғич шаклидир (махсус шаклсиз, ноль кўрсаткичли ҳолат кўзда тутилади).

Буйруқ майли

Феълнинг буйруқ майли феъл майлларининг махсус морфологик кўрсаткичига эга бўлмаган ноль кўрсаткичли, ташқи томондан феъл асосига мос келадиган шаклидир. Буни қозоқ тилидаги буйруқ майли парадигмаси таҳлилида яққол кўриш мумкин:

	Бирлик	Кўплик
I.	*алайын*	*алайық*
II.	*ал*	*алыңдар*
III.	*алсын*	*алсын.*

Бундан кўринадики, юқоридаги фикрларни айтишга буйруқ майлининг II шахс бирлик шакли кўзда тутилган. Бу шакл шу майлнинг бирлик ва кўпликдаги бошқа шахслари учун ҳам асосдир. Бошқа шахслардаги феъл негизларига айрим аффикслар ва юкламалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшилиб, майлнинг асосий семантикасига қўшимча (истак, қисташ, эмоционаллик каби) маънолар киритади.

Мисоллар: озарбайжон. *унутмайын-ho* (унутманглар), бошқирд. *кил-әли* (кел-чи), нўғай. *бар-тағы* (бор-чи), *барсын-тағы*, туркман. *гит-гил*, чуваш. *кил-сэм* (келгин-чи), *ларар-сам* (ўтир-чи), *бис-ий, биссар-ий, бисиң-ий* (кесчи, кесингчи) ва бошқалар.

Буйруқ майлидаги феълларнинг семантик жиҳатдан ўзига хослиги шу майлдаги феъл асосларидан кейин турли аффикларни олиб, асос англатган маънога қўшимча маънолар киритилишига сабаб бўлади. Бу аффикслар:

-қил//-ғил аффикси буйруқ майлидаги феълнинг фақат II шахс бирлигидан кейин қўшилиб, асос ифодаланган буйруқ маъносини кучайтиради: эски ўзбек. *тутқил, боргил*; қозоқ. *баргил*; татар. *биргил*; туркман. *гитгил* каби;

-қин//-қун//-ғин//-ғун аффикси ҳам фақат шу майлдаги феълнинг II шахс бирлигига қўшилиб, юқоридаги каби қўшимча маъно киритади: олтой. *баргин*; қозоқ. *алғин*; қирғиз, қумиқ. *алғин*; караим. *айткин*; қорачой-балқар. *кэлгин*; туркман. *гэлгин*; қумиқ. *йашагин*; ўзбек. *келгин*; ўғуз гуруҳ тилларда бу аффикснинг *-ғинан//-гунан* шакллари ҳам учрайди. Қаранг: озарбайжон. *алғинан* (ол), *гэлгинэн* (кел); туркман. *болгуниң* (бол), *оқогунуң* (ўқи) каби;

-қир//-қур//-ғир//-ғур аффикси олдинги аффикслардан фарқли равишда феъл асосларга қўшилиб, асос ифодаланган маънога кучли эмоционал оттенка қўшади. Бу аффиксни олган сўз турғун бирикмалар таркибида келганда, кучли истак, сўкиш, қарғиш каби маъноларни ҳам ифодалайди: бошқирд. *қирилғири* (қирил), *тилиңнан алғири* (тилинг кесилсин); қумиқ. *йузун қара болғур, сен узақ йашағир*; ўзбек. *умринг узоқ бўлгур, барака топгур, ордона қолгур, йашшамагур* ва бошқалар.

-у аффикси фақат эски ўзбек тилида *бору* (бор), *ахтару* (ахтар), *бошқару* (бошқар), *қутқару* каби сўзлардагина учрайди;

-дэк//-дэк аффикси ҳам эски ўзбек тилида учрайди: *кимки кўнглин истамас ғамгин тилини асрадэк* (асрадэк-асрасин);

-сан(а)//-син(а) аффикси таркибидаги *-а* тарихан *-чи* аффикс юкламаси маъносини берган: озарбайжон. *алсана* (олсанг-чи); гагауз. *чиқсана* (чиқсанг-чи), *куртарсана* (бўшат-чи); ҳакас. *пирзина* (бер-чи), *сөлазина* (айт-чи) каби.

Буйруқ майлининг III шахс бирлик ва кўплиги ўзбек. *кетиб қолмасин*, турк. *нэрэдэн билсин*, олтой. *на болзин* каби ибораларда буйруқ, чақириқ, ҳаракатнинг содир бўлишига шубҳа, ишончсизлик каби маъноларни англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Истак майли

Истак майлидаги феъллар феъл негизига асосан архаик *-қай//-ғай, -кай//-ғай* аффикслари (бошқа аффикслар ҳам мавжуд), қўшиш орқали ҳосил қилиниб, турли маънолар ифодалайди:

а) тахмин;

б) истак (умид, хоҳиш, илтимос);

в) маълум ҳаракатнинг бажарилишига розилик, имтиёз, маслаҳат каби.

Феълнинг *-ғай//-кай* аффикси орқали ҳосил бўлган истак майли шакли айрим тилларни ҳисобга олмаганда, деярли барча туркий тилларда бир хил, шу феъл негизларига тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади:

Мисоллар,

нўғай тилида

	Бирлик	Кўплик
I.	*боргайман*	*боргаймыз*
II.	*боргайсаң*	*боргайсыз*
III.	*боргай*	*боргайлар.*

ҳакас тилида

	Бирлик	Кўплик
I.	*мин алғайбин*	*пис алғайбис*
II.	*син алғайсиң*	*силер алғайзар*
III.	*ол алғай*	*олар алғайлар.*

олтой тилида

	Бирлик	Кўплик
I.	*мең алғайим*	*биз алғайибиз*
II.	*сен алғайиң*	*слер алғайиғар*
III.	*ол олғай*	*олар алғай*

Ёқут тилида шу шаклдаги феълнинг бирлик шакли қуйидагича: *мин бар-аайи+бын, сен бар+аайа+гың, ол бар+аайа+ғай* каби.

Феълнинг истак майли шаклини ҳосил қилинадиган *-ай//-ий* қўшимчаси, гарчи шаклан *-қай//-ғай* аффиксларига яқин бўлса ҳам, шу аффикснинг *-(қ)-ай//-(ғ)ай* шаклидаги варианти эмас, ҳам материал, ҳам семантик жиҳатидан мустақил майл шаклидир.

Истак майли шакли *-ай//-ий* аффикслари *-қай//-ғай* аффикслариниг ўзгарган шакли эмаслигини яна шу нарса исботлайдики, бир томондан, *-ай//-ий* аффикслари *-қай//-ғай* аффиксларида учрамайдиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ым, -ын вариантларига эга бўлса, иккинчи томондан, *-қай//-гай* аффикслариданкейин шахс-сон қўшимчалари тўлиқ шакли (*борғай+ман*) қўшилгани ҳолда, *-ай//-ий* аффикслариданкейин қисқа шаклдаги (*бор+ай+ым*) шахс-сон қўшимчалари қўшилади.

Бу шаклдаги истак майлининг тусланиш парадигмаси қуйидагича:

	Бирлик	Кўплик
I.	*бар+ай+ым*	*бар+ай+ық*
II.	*бар+ай+иң*	*бар+ай+гиз*
III.	*бар+ай*	*бар+ай*

Шуни айтиш керакки, истак майлининг бу шакли ҳозирги туркий тилларда асосан ўғуз ва қипчоқ гуруҳ тилларида мавжуд бўлиб, бошқа туркий тилларда деярли учрамайди.

Қиёсланг: қозоқ. *алайын*, татар. *алыйм, алыйк*, тува. *келийн*, туркман. *йазайын*, чуваш. *пулам* (бўлайин), шор. *парайын*, ёқут. *илим* (олайин), олтой. *алайын*, бошқирд. *булайым*, нўғай. *барайым* ва бошқалар. Бу шаклдаги истак майли шакли ҳозирги ўзбек тилида учрамайди (бунда буйруқ майли I шахс бирлигини аралаштирмаслик керак).

Ҳозирги турк, озарбайжон, гагауз тиллари, қадим туркий тилларда истак майли шаклини ҳосил қиладиган *-асы* шакли ҳам бўлганлигини кўрсатади. Истак майлининг бу шакли феъл негизларига *-асы* ва тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинган:

	Бирлик	Кўплик
I.	*аласыбын*	*аласыбыз*
II.	*аласысын*	*аласысыз*
III.	*аласы*	*аласы.*

Истак майлининг бу шакли ҳозирги бошқа туркий тилларда сақланмай, ўғиз гуруҳ тиллардан ташқари фақат ёқут тилида сақланиб қолган:

	Бирлик	Кўплик
I.	*барыыҳыбын*	*бырыыҳыбыт*
II.	*барыыҳыгың*	*бырыыҳыгыт*
III.	*барыыҳы*	*барыыҳылар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феълнинг истак майлини ҳосил қиладиган *-а* аффикси ҳам фақат ўғиз гуруҳ тилларда сақланиб қолган. Бу шаклдан кейин қисқа шаклдаги шахс-сон қўшимчалари қўшилади. Тусланиши:

Озарбайжон тилида

	Бирлик	Кўплик
I.	*алам*	*алах*
II.	*аласан*	*аласыныз*
III.	*ала*	*алалар*

Турк тилида

	Бирлик	Кўплик
I.	*йазайым*	*йазалым*
II.	*йазасын*	*йазасыныз*
III.	*йаза*	*йазалар*

Шарт майли

Шарт майли шаклидаги феъл бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиш шартини, пайтини, сўзловчининг истагини, илтимосини, иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун сўзловчининг истагини, илтимосини билдиради ва шу ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини шарт майли шакли билдирган ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигига боғлиқ бўлади.

Феълнинг шарт майли шакли қадимги туркий тилларда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам феъл негизларига *-са // -со// -за // -зо // -ha*, қадимтуркий *-тар// -тор// -дар//-дор//-лар//-лор//-нар//-нор* < *сар* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади:

Мисоллар: озарбайжон. *йазса*; олтой. *тутса, барза, ойнозо*; бошқирд. *қараһа*; қумиқ. *гэлсэ*; ёқут. *бардарбин*; чуваш. *варза, варзассан* ва бошқалар.

Шарт майли шакли бевосита феъл асосига шахс-сон қўшимчаларидан олдин қўшилади ва қуйидагича тусланади:

	Бирлик	Кўплик
I.	*алсам*	*алсақ*
II.	*алсаң*	*алсағыз*
III.	*алса*	*алса*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тува, олтой, ҳакас, шор тилларида ҳам *-са//-се* аффикслари тўғридан-тўғри феъл асосларига қўшилади, лекин феъл негизидаги сўнгги ундош сонор ё унли бўлса, аффикс фонетик ўзгаришга учраб, *-за//-зе* шаклини олади: *алза, корзе, ойназа* каби. Бошқа туркий тиллардан тува тилида шарт майли шаклининг қўлланишидаги фарқи шундаки, тува тилида шарт майли шакли *-за//-зе* шахс-сон қўшимчаларининг тўлиқ шаклидан кейин қўшилади. Тусланиши:

	Бирлик	Кўплик
I.	*алзымза, албазымза*	*алзывысса, албазывысса*
II.	*алзыңза, албазыңза*	*алзыңарза, албазыңарза*
III.	*алза, албаза*	*алза, албаза*

Феълнинг шарт майли шакли феъл негизларига *-сар//-сер* ва шахс-сон қўшимчалари қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади:

	Бирлик	Кўплик
I.	*алсарман*	*алсарбыз*
II.	*алсарсаң*	*алсарсыз*
III.	*алсар*	*алсар*

Бу шакл ҳозирги туркий тиллар учун хос эмас, лекин ёқут тилида *-сар* аффикси *-тар//-тер//-дар//-дер, -лар//-лер, -нар//-нер* шаклида сақланиб қолган. Тусланиши:

	Бирлик	Кўплик
I.	*көрдөрбүн*	*көрдөрбүт*
II.	*көрдөргүң*	*көрдөргүт*
III.	*көрдөр*	*көрдөрлөр*

Чуваш тилида шарт майли *-сан* аффикси орқали ҳам ҳосил қилинади: *касхине пужа пулзам, курнъз ъбер* (Агар бўш бўлсак, кечга учрашамиз). Баъзи туркшунос олимлар фикрича бу аффикс асли шарт майли шакли бўлмай, қадимда бошқа майл шакли сифатида қўлланган.

Масалан: *Ех, алъзъм пулзанчи! – тери въл* (Эҳ, қўлларим бўлса эди, - деди у).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИ

Феълдан англашилган ҳаракат замон (вақт) ва макон (ўрин) тушунчаси билан боғлиқ, чунки ҳар қандай ҳаракат маълум бир ўринда, маълум бир вақт кесмасида содир бўлади. Масалан, *олма тушди* гапида *тушди* феъли ҳам ҳаракатни (тушиш), ҳам ҳаракат содир бўлган ўринни (дарахтдан ерга), ҳам тушиш ҳаракатни юз берган вақт кесмасини (олманинг дарахтдан ерга тушгунча ўтган вақти) – замонни англатади.

Феъл билдирган ҳаракат объектив ҳаракатнинг тилдаги ифодаси бўлганидек, феъллардаги замон ҳам ҳаракатнинг бажарилиши билан алоқадор бўлган объектив вақтнинг тилдаги ифодасидир. Лекин объектив замоннинг тилдаги ифодаси грамматик замон категорияси эмас, Грамматик замон категорияси ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини ифодалайди, чунки ҳар қандай ҳаракат маълум шахс (субъект-предмет, воқеа, ҳодиса) томонидан маълум вақтда бажарилади, бу вақт бутун замонни англатмай, нутқ сўзланиб турган вақтга қиёсан олинади.

Нутқ моменти ҳам субъект томонидан белгиланадиган қандайдир вақт бўлмай, объектив замоннинг сўзловчи нутқи (сўзлаш пайти)га тўғри келган бўлагидир. Юқорида "тушди" феълидан англашилган ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин юз берган. Демак, ҳаракат ё нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин, ё нутқ сўзланиб турган пайтда ё кейин юз бериши мумкин. Шунга кўра феъллар ҳам уч замон шаклига эга бўлади:

1. Ўтган замон феъллари.
2. Ҳозирги замон феъллари.
3. Келаси замон феъллари.

Ўтган замон феъллари

Ўтган замон феъллари нутқ сўзланиб турган пайтдан, нутқ моментидан олдин юз берган ёки юз бермаган ҳаракатни англатадиган феъл шаклларидир.

Масалан: қозоқ. *алғанман*, татар. *алган идим*, ўзбек. *ёзиб эдим*, қирғиз. *алыпмын*, олтой. *уренип турдим* каби.

Мисоллардан кўринадики, турли феъл шаклларидан шаклланган бу феълларнинг барчаси ўтган замонни – нутқ моментидан олдин юз берган ҳаракатларни англатса ҳам, ҳаракатнинг бажарилиш вақти жиҳатидан бир хил эмас, нутқ моментигача бўлган даврнинг турли вақт бўлакларини англатади: қирғизча *алыпмын* феъли қозоқча *алганмын* феълига нисбатан нутқ моментидан анча олдинроқ юз берган ҳаракатни билдиради. Бу яна шуни кўрсатадики, ҳамма туркий тилларда феълнинг уч замон шакли бир парадигматик қаторни ташкил қилса, ҳар бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

замоннинг юқоридаги каби ички бўлинишлари яна ўз ичида кичик парадигмаларни ташкил қилади.

Шунга кўра, ҳар бир замоннинг, жумладан, ўтган замон шаклининг ички бўлинишини ҳам ўзбек грамматикаларида замон категориясининг берилишига мувофиқлаштириб, машҳур ўзбек тилшуноси проф. Аюб Ғуломов таснифи асосида берилди. Бу таснифга кўра ўтган замон феъллари шакл ва мазмун жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ўтган замон аниқлик феъли.
2. Тарихий ўтган замон феъли.
3. Узоқ ўтган замон феъли.
4. Ўтган замон ҳикоя феъли.
5. Ўтган замон эшитилганлик феъли.
6. Тугалланмаган ўтган замон феъли.

Ўтган замон аниқлик феъли ёки аниқ ўтган замон феъли айрим фонетик вариантларини ҳисобга олмаганда ҳамма туркий тилларда бир хил шаклда тарқалган бўлиб, қадимги туркий тилларда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам феъл негизларига ўтган замон шакли ***-ди*** ва шахс-сон қўшимчаларининг қисқа шаклини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Унинг тусланиш парадигмаси қуйидагича:

	Бирлик	Кўплик
I.	*алдым*	*алдық*
II.	*алдың*	*алдығыз*
III.	*алди*	*алды*

Бу шакл билан шаклланган ўтган замон аниқлик феълининг ҳамма туркий тилларда барқарор бўлганлигига сабаб шунда бўлган бўлса керакки, бу замон шакли феълдан англашилган ҳаракатнинг тугалланган ёки тугалланмаганлигини аниқ констатация қилади, таъкидлаб кўрсатади ва ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин юз берганини умумлаштириб ифодалайди.

Қиёсланг:

			Бирлик		
	тува	чуваш	турк	уйғур	бошқирд
I.	*ал+дым*	*сир+тэм*	*ал+дым*	*йаз+дым*	*ал+дым*
II.	*ал+дың*	*сир+тан*	*ал+дың*	*йаз+дың*	*ал+дың*
III.	*ал+ди*	*сир+çе*	*ал+ди*	*йаз+ди*	*ал+ди*
			Кўплик		
I.	*ал+дывыс*	*сир+тәмәр*	*ал+дық*	*йаз+дуқ*	*ал+дық*
II.	*ал+дуңар*	*сир+тәр*	*ал+дунуз*	*йаз+дуңлар*	*ал+дығыз*
III.	*ал+дылар*	*сир+çас*	*ал+дулар*	*йаз+ди*	*ал+дылар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтган замон аниқлик феъли, юқорида айтилганидек, семантик жиҳатдан феълдан англашилган ҳаракатнинг нутқ моментидан сал илгарироқ юз берганини, ҳаракатнинг тугалланганлигини, ҳаракат сўзловчининг кўзи олдида юз берганини, сўзловчининг ҳаракатнинг бажарилишида бевосита гувоҳ бўлганлигини билдиради. Масалан, тува тилидаги *"тевени ап кааптарывыска, дирлип келдиң"* (игнани суғурганимизда, тирилдинг), ўзбек тилида *университетда менинг қўлимда ўқидинг* гапларидаги *дирлип келдиң, ўқидинг* феълларида шу маънолар ифодаланган.

Ўтган замон аниқлик феъли маъноси айрим ҳолатларда услубий талабга кўра ёки шаклдаги ўзгаришга кўра бошқа замон (ҳозирги, келаси) шаклларига транформациялашган, кўчган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, татар тилида *мин ул кадар йиракка бардим йук* гапида *бардим йук* – бормайман шаклида келаси замон маъносини англатган.

Тарихий ўтган замон феъли феъл негизларига сифатдошнинг ўтган замон шакли *-ган* ва тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Феълнинг бу замон шакли ҳам *-ди* шакли сингари татар, бошқирд, қорачой-балқар, қумиқ, нўғай, қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек, қирғиз, уйғур, олтой, ҳакас, тува, шор тилларида фаол қўлланади.

Бу феълнинг тусланиши қуйидагича:

Бирлик

шахс	ўзбек	татар	қозоқ	қирғиз
I.	*олганман*	*а°лганмын*	*алғанмын*	*алғанмын*
II.	*олгансан*	*а°лгансың*	*алғансың*	*алғансың*
III.	*олган*	*а°лган*	*алған*	*алған*

Кўплик

I.	*олганмиз*	*а°лганбыз*	*алғанбыз*	*алғанбыз*
II.	*олгансиз*	*а°лгансыз*	*алғансыңар*	*алғансыңар*
III.	*олганлар*	*а°лганнар*	*алған*	*алған*

Ўтган замон сифатдоши *-ган* аффикси орқали ҳосил бўлган тарихий ўтган замон феъли ҳаракатнинг ўтган замон аниқлик феълидаги вақтдан олдинроқ юз беришини билдиради ва ҳаракатнинг нутқ моментига қадар бажарилганлигини констатация қилади. Бунда сўзловчи тингловчини ҳаракатнинг ўзига эмас, балки ҳаракатнинг натижасига жалб қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёсланг:

	тува	шор	ҳакас	олтой	гагауз
		Бирлик			
I.	*алганмен*	*алгам*	*алғам*	*алгам*	*учаным*
II.	*алгансен*	*алганзиң*	*алганзың*	*алгансиң*	*учансин*
III.	*алган*	*алган*	*алған*	*алган*	*учан*
		Кўплик			
I.	*алганбыс*	*алганмыс*	*алғабыс*	*алганык*	*учаныз*
II.	*алгансилер*	*алганзар*	*алғазар*	*алганыңар*	*учансиниз*
III.	*алганнар*	*алганнар*	*алған*	*алган*	*учан*

Узоқ ўтган замон феъли туркий тилларда фақат битта шакл эмас, балки турли шакллар орқали (*-ган эди, -миш эди, -ди эди*) шаклланади. Бундай кўринадики, узоқ ўтган замон феъли қўшма замон шаклига *-ган* аффиксини олган феъллардан кейин қисқа шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Бу шакл узоқ ўтган замон феълининг барча туркий тиллар учун энг фаол шакли бўлиб, тусланиш парадигмаси қуйидагича:

Ўзбек тилида

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	*борган эдим*	*борган эдик*
II.	*борган эдинг*	*борган эдингиз*
III.	*борган эди*	*борган эди(лар)*

Қозоқ тилида

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	*алған едим*	*алған едік*
II.	*алған едің*	*алған едіңдер*
III.	*алған еді*	*алған еді*

Қирғиз тилида

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	*барған елем*	*барған елек*
II.	*барған елең*	*барған елеңер*
III.	*барған еле*	*барған еле*

Чуваш тилида бу замон шакли феъл негизига шарт майли шакли *-са* ва тўлиқсиз феълнинг тусланган шаклларини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *сырзаттьм* (ёздим), *сырзаттьн, сырзаччи, сырзаттьмьр, сырзаттьр, сырзаччи* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўғиз гуруҳ тилларда эса бу шакл феъл негизига *-ган* аффиксининг қисқарган шакли (*-ан*) ва *-ды* (*эди*) + шахс-сон қўшимчаларининг қисқа шаклини қўшиш орқали ҳосил қилинади, туркман тилида:

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	*аландым*	*аландық*
II.	*аландың*	*аландыныз*
III.	*аланды*	*аланды*

Бу замон шакли феъл замони англатган вақт нуқтаи назаридан олдинги замон шаклларидан фарқланади: ўтган замон аниқлик феъли ишнинг яқинда бўлиб ўтганлигини, тарихий ўтган замон феъли ишнинг бундан олдинроқ бўлганлигини билдирса, бу замон шакли ишнинг бунга нисбатан ҳам олдинроқ юз берганлигини англатади.

Бу феълнинг маъно хусусияти тўлиқсиз феълнинг қайси турда бўлишига боғлиқ. Тўлиқсиз феъл *эди* шаклида келса, анча илгари бўлган ҳаракатни эслатиш, ишнинг аниқ бажарилганлигини англатиш, *экан* шаклида келса, айтилаётган фикрнинг сўзловчига аввалдан маълум бўлмай, кейин билинганлигини, *эмиш* шаклида эса, ҳаракатнинг бажарилган-бажарилмаганлигига сўзловчининг ишончсизлиги, гумони каби маъноларни англатади.

Бу каби маъноларни узоқ ўтган замон феълининг бошқа шаклларида ҳам кўриш мумкин.

Узоқ ўтган замон феъли айрим туркий тилларда баъзан *-мыш, -ды* қўшимчаларидан кейин тўлиқсиз феълнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб қисқарган шаклларини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади.

Ўғиз гуруҳ тилларда:

1) негиз+*мыш*+редукциялашган тўлиқсиз феъл:

		Бирлик	
шахс	турк	озарбайжон	гагауз
I.	*йазмыштым*	*йазмышдым*	*алмыштым*
II.	*йазмыштын*	*йазмышдын*	*алмыштын*
III.	*йазмышты*	*йазмышды*	*алмышты*
		Кўплик	
I.	*йазмыштык*	*йазмышдых*	*алмыштык*
II.	*йазмыштыныз*	*йазмышдыныз*	*алмыштыныз*
III.	*йазмышларды*	*йазмышларды*	*алмыштылар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) негиз+*ди*+редукциялашган тўлиқсиз феъл:

шахс	турк		гагауз	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*йаздыйдым*	*йаздыйдык*	*алдийдым*	*алдыйдык*
II.	*йаздыйдын*	*йаздыйдынъз*	*алдыйдың*	*алдыйдыңыз*
III.	*йаздыйды*	*йаздыйдылар*	*алдыйди*	*алдыйдылар*

Ўтган замон ҳикоя феъли феъл негизига равишдошнинг *-б, -иб* ли шакли ва шахс-сон қўшимчаларининг қисқа шаклини олган тўлиқсиз феълни қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бунинг олдинги замон шаклидан фарқи шундаки, бунда тўлиқсиз феълнинг фақат *эди* шакли қўлланади.

Бу феълнинг маъноси бўлиб ўтган бирор иш-ҳаракат, воқеа ёки ҳодисани эслатиш, ҳикоя қилиш йўли билан ифодаланади.

Бу феълнинг тусланиши қуйидагича:

шахс	ўзбек		қозоқ	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*ёзиб эдим*	*ёзиб эдик*	*айтып едим*	*айтып едик*
II.	*ёзиб эдинг*	*ёзиб эдингиз*	*айтып едің*	*айтып едіңдэр*
III.	*ёзиб эди*	*ёзиб эдилар*	*айтып еди*	*айтып еди*

Ўтган замон эшитилганлик феъли феъл негизларига *-б, -иб* қўшимчаси орқали ясалган равишдошга тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бу феълнинг асосий маъноси феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилган ё бажарилмаганлигини сўзловчининг ўзи кўрмаган, бошқа биров орқали билганлигини, эшитганлигини англатади.

Бу феъл қуйидагича тусланади:

Бирлик

шахс	ўзбек	қирғиз	нўғай	қозоқ
I.	*ёзибман*	*алыпмын*	*альппан*	*альппьи*
II.	*ёзибсан*	*алыпсың*	*альпсаң*	*альпсьң*
III.	*ёзибди*	*алыпты*	*альпть*	*альпть*

Кўплик

I.	*ёзибмиз*	*алыппыз*	*альппьз*	*альппьз*
II.	*ёзибсиз*	*алыпсыңар*	*альпсьз*	*альпсьңдар*
III.	*ёзибди*	*алыптыр*	*альптьлар*	*альпть*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу замон шаклининг асосий маъносига (эшитилганлик) қараганда I шахс бирлик шакли ифодаланмаслиги керак, чунки сўзловчи ҳаракатнинг бажарилган-бажарилмаганлигини бошқа шахс орқали билади. Шу сабаб бўлса керак, озарбайжон тилида бу феълнинг I шахс бирлиги ҳам, кўплиги ҳам ифодаланмаган:

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	-	-
II.	*алыбсаң*	*алыбсынныз*
III.	*алыбдыр*	*алыб (дыр) лар*

Уйғур тилида бу феъл фонетик ўзгаришга учраб, қуйидаги шаклни олган:

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	*аптимен*	*аптьмьз*
II.	*апсәң*	*апсилә(р)*
III.	*апту*	*апту*

Ўғиз гуруҳ тилларда феълнинг бу замони феъл негизига *-миш* ва тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчасини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади: озарбайжон. *йазмышам, йазмышсан, йазмишдир, йазмышых, йазмышсыныз, йазмишлар*; гагауз тилида *алмышым, алмышын, алмыш, алмышык, алмышыныз, алмышлар* каби.

Бу шаклнинг фонетик ўзгариши ёқут тилида *-быс//-быт* шаклларини келтириб чиқарган:

Шахс	Бирлик	Кўплик
I.	*көрбүттүм*	*көрбүппүт*
II.	*көрбүттүң*	*көрбүппыс*
III.	*көрбүт*	*көрбүттәр*

Тугалланмаган ўтган замон феъли (ўтган замон давом феъли) асосан феъл негизларига *-р, -ар* орқали ясалган сифатдошлардан кейин қисқа шаклдаги шахс-сон қўшимчалари олган тўлиқсиз феълни қўшиш орқали ҳосил қилинади, бу феълни ҳосил қилувчи шакллар кўп.

Тугалланмаган ўтган замон феъли асосан феълдан англашилган ҳаракатнинг тугалланмаганлигини, давомлилигини англатиш билан бирга ҳаракатнинг такрори, бажариладиган ҳаракатнинг шартланганлиги, тўлиқсиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълнинг қандай қўлланишига қараб тахмин, чама, гумон, эслатиш каби турли маъноларни англатади.

Бу феълнинг тусланиши қуйидаги кўринишларга эга:

1) феъл негизи + *-р, -ар* шакли орқали ясалган сифатдош + қисқа шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини олган тўлиқсиз феъл: , .

		Бирлик		
шахс	ўзбек	караим	қ.қалпоқ	ёқут
I.	*ёзар эдим*	*алыр едим*	*алар едим*	*аҳар этим*
II.	*ёзар эдинг*	*алыр едиң*	*алар едиң*	*аҳар этиң*
III.	*ёзар эди*	*алыр еди*	*алар еди*	*аҳар этэ*
		Кўплик		
I.	*ёзар эдик*	*алыр едик*	*алар едык*	*аҳар этибит*
II.	*ёзар эдингиз*	*алыр едиңиз*	*алар едиңиз*	*аҳар этигит*
III.	*ёзар эдилар*	*алыр едилар*	*алар еди*	*аҳар этилер*

2) уйғур: *алаттым, алаттың, алаттъ, алаттуқ, алаттыңлар, алатть*;

3) негиз+*-р, -ар*, + *-ди* < *эди*: туркман. *алардым, алардың, аларди, алардық, алардыңыз, алардылар*; озарбайжон. *алардым, алардың, аларды, алардых, алардыныз, алардылар*;

4) негиз+мокда+редукциялашган тўлиқсиз феъл:

		Бирлик	
шахс	ўзбек	озарбайжон	турк
I.	*ёзмоқчи эдим*	*йазмахта идим*	*йазмактайдым*
II.	*ёзмоқчи эдинг*	*йазмахта идин*	*йазмактайдын*
III.	*ёзмоқчи эди*	*йазмахта иди*	*йазмактайды*
		Кўплик	
I.	*ёзмоқчи эдик*	*йазмахта идик*	*йазмактайдык*
II.	*ёзмоқчи эдингиз*	*йазмахта идиниз*	*йазмактайдиниз*
III.	*ёзмоқчи эдилар*	*йазмахта идилэр*	*йазмактайдилар*

5) негиз + *-а, -й* ли равишдош + турган + шахс-сон қўшимчасини олган тўлиқсиз феъл:

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс	татар	нўғай	қозоқ
		Бирлик	
I.	*баратырган идим*	*баратаған едим*	*баратьнмън*
II.	*баратырган идиң*	*баратаған едиң*	*баратьнъң*
III.	*баратырган иди*	*баратаған еди*	*баратъı*
		Кўплик	
I.	*баратырган идик*	*баратиған едик*	*баратьибъз*
II.	*баратырган идигиз*	*баратаған едиңиз*	*баратьнсъз*
III.	*баратырган идилэр*	*баратаған едилар*	*баратън*

6) негиз + *увчи* + шахс-сон қўшимчасини олган тўлиқсиз феъл:

шахс	қорачой-балқар		қирғиз	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*барывчу едим*	*барывчу едик*	*жазчумун*	*жазчубуз*
II.	*бараывчу едиң*	*барывчу едиғиз*	*жазчусуңар*	*жазчусуңар*
III.	*барывчу еди*	*барывчу едиле*	*жазчу*	*жазышчу*

7) негиз + равишдош шакли + *чаң* + шахс-сон қўшимчасининг тўлиқ шакли:

шахс	шор (*аң* – ов)		хакас (*ырла* – куйла)	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*аңачаңым*	*аңачаңмыс*	*ырлачаңмын*	*ырлачаңмыс*
II.	*аңачаңзың*	*аңачаңзар*	*ырлачаңсың*	*ырланчыңзар*
III.	*аңачаң*	*аңачаңнар*	*ирлачаң*	*ырлачаңнар*

8) негиз + *а, -й* ли равишдош шакли +*ётган* сифатдош шакли + шахс-сон қўшимчасини олган тўлиқсиз феъл ўзбек. *ёзаётган эдим, ёзаётган эдинг, ёзаётган эди, ёзаётган эдик, ёзаётган эдингиз, ёзаётган эдилар*; қозоқ. *келе жатыр едим, келе жатыр едиң, келе жатыр еди, келе жатыр едик, келе жатыр едиңиз, келе жатыр еди*; олтой. *барып даттым, барып даттың, барып датты, барып даттык, бырап даттыгар, барып даттылар*;

9) негиз + равишдошнинг *-а, -й* ли шакли + тўлиқсиз феъл:

шахс	бошқирд		қумиқ, нўғай, қ.балқар	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*а°ла иним*	*а°ла иник*	*бара едим*	*бара едик*
II.	*а°ола иниң*	*а°ла инигиз*	*бара едиң*	*бара едигиз*
III.	*а°ла ини*	*а°ла инилэр*	*бара еди*	*бара едилер*

www.ziyouz.com kutubxonasi

10) негиз + *йар* + *ди* + шахс-сон:

шахс	туркман	Бирлик турк	озарбайжон
I.	*йазйардым*	*йазыйордум*	*алырдым*
II.	*йазйардың*	*йазыйордун*	*алырдын*
III.	*йазйарды*	*йазыйор*	*алыр*
		Кўплик	
I.	*йазйардык*	*йазыйордук*	*алырдых*
II.	*йазйердыңыз*	*йазыйордунуз*	*алырдыныз*
III.	*йазйардылер*	*йазыйордулер*	*алырдылар*

Ҳозирги замон феъллари

Ҳозирги замон феъллари феълдан англашилган ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда, нутқ моментида юз бериши ёки юз бермаслигини, ҳаракатнинг нутқ моментига дуч келишини англатадиган феъллардир.

Мисоллар: нўғай. *аламан*, олтой. *барадырым*, турк. *йазийорум*, қорачой-балқар. *барывчума*, татар. *алтыгым*, озарбайжон. *йазмахтайам*, қирғиз. *жазып жатамын*, уйғур. *оқувэтимэн*, ўзбек. *ёзиб ўтирибман* каби.

Мисоллардан кўринадики, ҳозирги туркий тилларда феълнинг ҳозирги замон шаклини ҳосил қиладиган шакллар кўп, улар ҳам аналитик, ҳам синтетик усул билан феъл негизларига қўшилиб, ҳозирги замон феълларини ҳосил қилади, демак таркиб жиҳатидан ҳозирги замон феълларининг содда ва қўшма шакллари мавжуд.

Ҳозирги туркий тиллардаги бу замон шакли аниқ вақт ўлчови, вақт амплитудасини белгилаш жиҳатидан ҳам хилма-хилдир. Ҳозирги замон феълларидан англашилган ҳаракат ҳар вақт ҳам нутқ сўзланиб турган пайтга дуч келавермайди: баъзи шакллар ҳаракатнинг нутқ моментидан олдин бошланиб (ўтган замонда) ҳали давом этаётганлигини англатиш, баъзи шакллар эса ҳаракатнинг нутқ моментида бошланиб, ҳаракатнинг ҳали тугалланмаганлигини, давомлилигини, узлуксизлигини ёки такрорини ифодалайди. Шунинг учун ҳам айрим туркий тиллар грамматикаларида ҳозирги замон феълининг замон англатиш жиҳатидан ички бўлинишига **"ўтган ҳозирги замон", "конкрет ҳозирги замон", "ҳозирги келаси замон", "кўзма-кўз ҳозирги замон", "аралаш ҳозирги замон"** каби атамалар қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тиллардаги ҳозирги замон феъллари англатган маънолари ва вақт англатиш хусусияти ҳамда ўзбек тили грамматикаларидаги анъанавий таснифларга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Конкрет ҳозирги замон феъллари.
2. Ҳозирги-келаси замон феъллари.

Конкрет ҳозирги замон феъли ҳамма туркий тилларда эмас, асосан Ўрта Осиё ва Сибирь туркий тилларида кенг тарқалган бўлиб, феъл негизидан кейин тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини олган *-мақта* ҳамда феълнинг *-а, -й* ли равишдош шаклидан кейин тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини олган *-яп, -ётир* < *ётмоқ* қўшимчалари ҳамда *тур, ўтир* каби кўмакчи феъллар воситасидаги қўшма замон шаклларида ҳосил бўлади. Конкрет ҳозирги замон феълининг *-моқда* аффикси феълнинг ҳаракат номи шакли *-моқ* + ўрин-пайт келишиги қўшимчаси *-да* сифатида ҳосил бўлган бўлиб, феълдан англашилган ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин бошлангани, нутқ сўзланиб турган пайтда ҳам давом этаётгани, давом этиши ифодаланади. Демак, феълнинг бу замони ҳам, гарчи конкрет ҳозирги замон феъли дейилган билан феълдан англашилган замон (вақт) маъносини айнан нутқ сўзланиб турган пайт билан чегараланган эмас, унга нисбатан узоқроқ вақтни қамраб олган.

Қиёсланг:

шахс	ўзбек		турк	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*ёзмоқдаман*	*ёзмоқдамиз*	*йазмактайым*	*йазмактайыз*
II.	*ёзмоқдасан*	*ёзмоқдасиз*	*йазмактасын*	*йазмактасыныз*
III.	*ёзмоқда*	*ёзмоқдалар*	*йазмактадыр*	*йазмактадырлар*

шахс	озарбайжон	
	бирлик	кўплик
I.	*йазмахтайам*	*йазмахтайых*
II.	*йазмахтасин*	*йазмахтасыныз*
III.	*йазмахтадыр*	*йазмахтадырлар*

Конкрет ҳозирги замон феълининг *-ёт, -ётир* аффикслари орқали ҳосил бўлган турининг тарқалиш диапазони (туркий тиллараро дистрибуцияси) олдинги замон шаклига нисбатан анча кенг. Маъноси-га

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўра ҳам нутқ сўзланаётган пайтда бошланиб, кейин ҳам давом ётаётган, ҳали тугалланмаган ҳаракатни аниқ англатади.

Мисоллар:

шахс	ўзбек		нўғай	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*ёзаётирман*	*ёзаётирмиз*	*бара йатырман*	*бара йатырмыз*
II.	*ёзаётирсан*	*ёзаётирсиз*	*бара йатырсың*	*бара йатырсыз*
III.	*ёзаётир*	*ёзаётир*	*бара йатыр*	*бара йатырлар*

Конкрет ҳозирги замон феълининг *-ёт, -ётир* шакли феълнинг *-б, -иб* ли равишдош шаклидан кейин кўшилиб, ҳаракатнинг давомлилиги маъносини англатади.

Қиёсланг:

шахс	қирғиз	
	бирлик	кўплик
I.	*жазып жатымын*	*жазып жатабыз*
II.	*жазып жатасың*	*жазып жатасыңдар*
III.	*жазып жатат*	*жазып жатышат*
	қозоқ, қорақалпоқ	
	бирлик	кўплик
I.	*алып жатырмын*	*алып жатырмыз*
II.	*алып жатырсың*	*алып жатырсыз*
III.	*алып жатыр*	*алып жатыр*

Бу шакл уйғур, туркман, олтой тилларида бошқачароқ шаклда ифодаланади:

		бирлик	
шахс	уйғур	туркман	олтой
I.	*оқуватымән*	*оқап йатырын*	*алып дадым*
II.	*оқуватысән*	*оқап йатырсың*	*алып дадың*
III.	*оқуватыду*	*оқап йатыр*	*алып дат*
		кўплик	
I.	*оқуваттымыз*	*оқап йарырыс*	*алып дадыбыс*
II.	*оқуваттысыз*	*оқап йатырсыңыз*	*алып дадыгар*
III.	*оқуватыду*	*оқап йатырлар*	*алып дат*

Тува, ҳакас, шор каби Сибирь туркий тилларида *-ёт, -ётир* шакли *-чат//-чит* шаклида қўлланади. Бундай ҳолда баъзан феълнинг равишдош шакли туширилиб, *-чат//-чит* аффикслари бевосита феъл негизига қўшилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс	ҳакас		шор	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I.	*ойнапчам*	*ойнапчабыс*	*көрчим*	*көрчабыс*
II.	*ойнапчазың*	*ойнапчазар*	*көрчазың*	*көрчазар*
III.	*ойнапча*	*ойнапчалар*	*көрча*	*көрчалар*

Қипчоқ гуруҳ тилларда бу замоннинг *тур, ўтир, ёт* кўмакчи феъллар билан ҳосил бўладиган аналитик шакли фаол қўлланади ва ҳаракатнинг давомийлигини англатади.

Мисоллар:

шахс	тува тилида	
	бирлик	кўплик
I.	*ап турмен*	*ап турбис*
II.	*ап дурсең*	*ап турсилер*
III.	*ап тур*	*ап турлар*
	қозоқ тилида:	
	бирлик	кўплик
I.	*жазып отырмын*	*жазып отырмыз*
II.	*жазып отырсың*	*жазып отырсыңдар*
III.	*жасып отыр*	*жазып отыр*
	туркман тилида:	
	бирлик	кўплик
I.	*алып дурмен*	*алип дурмиз*
II.	*алып дурсең*	*алип дурсиз*
III.	*алып дур*	*алип дурлар*

Ҳозирги-келаси замон феъли негизларига равишдошнинг *-а, -й* ли шакли ва тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Тусланиш парадигмаси:

	бирлик		
шахс	ўзбек	нўғай	қирғиз
I.	*ёзаман*	*аламан*	*жазам*
II.	*ёзасан*	*аласан*	*жазасан*
III.	*ёзади*	*алады*	*жазат*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жадвалнинг давоми

		кўплик	
I.	*ёзамиз*	*аламьз*	*жазабыз*
II.	*ёзасиз*	*аласьз*	*жазасыз*
III.	*ёзадилар*	*аладьлар*	*жазышат*

Ҳозирги-келаси замон феълининг *-р, -ар* сифатдош шаклини олган феъллардан ҳосил қилиниши қадимтуркий тилларда ҳам мавжуд бўлган ва кейинчалик ҳозирги туркий тилларга кенг тарқалган:

I шахс бирлик:

озарбайжон. *алырым*, турк. *аларым*, туркман. *аларын*, ўзбек. *оларман*, нўғай. *алармаи*, олтой. *аларым*, тува. *алармен*, ҳакас. *аларбын*, қорачой-балқар. *алырма*, қозоқ. *алармэн*, караим. *алармьн*, қумиқ. *аларман*, қирғиз. *алармын*, уйғур. *аламин*;

II шахс бирлик:

озарбайжон. *аларсан*, турк. *аларсын*, туркман. *аларсың*, ўзбек. *оларсан*, нўғай. *аларсың*, олтой. *аларың*, тува. *алырсең*, ҳакас. *алырзың*, қорачой-балқар. *алырса*, қозоқ. *аларсың*, қирғиз. *аларсың*, қумиқ. *аларсаң*;

III шахс бирлик:

озарбайжон. *алар*, турк. *алыр*, туркман. *алар*, ўзбек. *олар*, нўғай. *олар*, олтой. *алар*, тува. *алыр*, ҳакас. *алар*, қозоқ, қумиқ, қирғиз. *алар*, уйғур. *ала(р)*;

I шахс кўплик:

озарбайжон. *аларах*, турк. *алармыз*, туркман. *аларыс*, ўзбек. *оларміз*, нўғай. *алармъз*, олтой. *аларбыс*, тува. *аларвыс*, ҳакас. *аларбыс*, қозоқ. *алармъз*, қумиқ. *аларбыс*, қирғиз. *аларбыс*, уйғур. *ала(р)мыз*;

II шахс кўплик:

озарбайжон. *аларсыныз*, турк. *аларсыныз*, туркман. *аларсыныз*, олтой. *аларыгар*, тува. *алырсилер*, ҳакас. *аларзар*, қорачой-балқар. *алирсыз*, қумиқ. *аларсыз*, қозоқ. *аларсыңдар*, қирғиз. *аларсыңар*, уйғур. *ала(р)силар*;

III шахс кўплик:

озарбайжон. *алырлар*, турк, туркман. *алырлар*, ўзбек. *оларлар*, нўғай, олтой. *аларлар*, тува. *алырлар*, ҳакас. *аларлар*, қорачой-балқар. *алырлар*, қозоқ. *алар*, қумиқ. *аларлар*, қирғиз. *алышар*, уйғур. *ала(р)* каби.

Бу шакл ёқут тилида қуйидагича:

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс	бирлик	кўплик
I.	*аҳабын*	*аҳабыт*
II.	*аҳағин*	*аҳағыт*
III.	*аҳар*	*аҳаллар*

Ҳозирги-келаси замон феълининг ҳозирги туркий тилларда кам учрайдиган шакли:

олтой тилида

шахс	бирлик	кўплик
I.	*барадырым*	*барадырыбыс*
II.	*барадырың*	*барадыгар*
III.	*барадыры*	*барадыры*

ҳакас тилида

I.	*табадырбын*	*табадырбыс*
II.	*табадырзың*	*табадырзар*
III.	*табадыр*	*табадырлар*

Келаси замон феъллари

Феълдан англашилган ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин юз бериши ёки юз бермаслигини англатадиган феълларга келаси замон феъллари дейилади: *ёзмоқчиман, ёзарман, ёзажакман* каби.

Ҳозирги туркий тилларда келаси замон феъллари ҳам турли шакллар орқали шаклланади ва деярли барча ҳолларда ҳаракатнинг келажакда бажарилиши ёки бажарилмаслиги ва сўзловчининг турли хил модал муносабатларини – хоҳиши, истаги, гумони, тахмини каби маъноларни англатади.

Келаси замон феълларининг шакл ва маъноларини ҳисобга олган ҳолда улар икки турга ажратилади:

1. Келаси замон давом феъли.
2. Келаси замон гумон феъли.

Келаси замон давом феъли феълнинг *-а, -й* ли равишдош шаклидан кейин тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини олган – *-диган < -турган* (*-тыған//-таған//-тын*) аффикслари қўшиш орқали ҳосил қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келаси замон феълининг бу шакли ҳамма туркий тилларга хос эмас. Маъноси – нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин юз берадиган ёки юз бермайдиган феълдан англашилган ҳаракатга сўзловчининг хоҳиш ва истагини билдиради.

Бу феълнинг тусланиш парадигмаси:

шахс	бирлик	кўплик
	ўзбек тилида	
I.	*борадиганман*	*борадиганмиз*
II.	*борадигансан*	*борадигансиз*
III.	*борадиган*	*борадиган*
	татар тилида	
I.	*ба°ратырганмин*	*ба°ратырганбыс*
II.	*ба°ратыргансиң*	*ба°ратыргансиз*
III.	*ба°ратырган*	*ба°ратырган*
	қозоқ тилида	
I.	*баратънмън*	*баратънбъз*
II.	*баратънсъң*	*баратънсъңдар*
III.	*баратън*	*баратънсъң*

Бу феълнинг яна маъно жиҳатидан шунга яқин *аласымын, аласысың, аласы, аласыбыс, аласысыз, аласы*; *олгум, олгунг, олгуси, олгумыз, олгунгиз, олгуси*; *алгайман, алгайсан, алгай, алгаймиз, агайсиз, алгайлар* каби турлари учрайди. Феълнинг бу турини грамматик адабиётларда келаси замон мақсад феъли ҳам деб юритилади. Бу феълнинг кенг тарқалган шакли феълнинг *-а, -й* ли равишдош шаклидан кейин тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчаларини олган *-жак//-ажак* қўшимчасини қўшиш орқали ясалади.

шахс	бирлик	кўплик
	ўзбек тилида	
I.	*ёзажакман*	*ёзажакмиз*
II.	*ёзажаксан*	*ёзажаксиз*
III.	*ёзажак*	*ёзажак*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жадвалнинг давоми

	қумиқ тилида	
I.	*барачақман*	*барачақбыз*
II.	*барачақчаң*	*барачақыз*
III.	*барачақ*	*барачақлар*
	озарбайжон тилида	
I.	*охуйажағам*	*охуйажағых*
II.	*охуйажахсан*	*охуйажаксыныз*
III.	*охуйажак*	*охуйажакдырлар*

Келаси замон гумон феъли феъл негизига сифатдошнинг *-р, -ар* шакли ва тўлиқ шаклдаги шахс-сон қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бу феъл англашилган ҳаракатнинг юз бериши ёки юз бермаслигига сўзловчининг гумон ёки тахминини билдиради.

Тусланиши, қиёсланг:

шахс	бирлик	кўплик
	туркман тили	
I.	*аларын*	*аларис*
II.	*аларсың*	*аларсыңыз*
III.	*алар*	*алардар*
	олтой тили	
I.	*келерим*	*келерибис*
II.	*келериң*	*келериғис*
III.	*келер*	*келер*
	қорачой-балқар тили	
I.	*санарма*	*санарбиз*
II.	*санарса*	*санарсыз*
III.	*санар*	*санарла*
	ўзбек тили	
I.	*ёзарман*	*ёзармиз*
II.	*ёзарсан*	*ёзарсиз*
III.	*ёзар*	*ёзарлар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФЕЪЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ШАКЛЛАРИ

Сифатдош

Туркшунослик адабиётларида туркий тиллардаги феълнинг ҳамма функционал шакллари (сифатдош, равишдош, ҳаракат номлари), жумладан, сифатдошлар ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлиб, уларни от ва фсъллар оралиғидаги сўзлар гуруҳи, ҳам отга, ҳам феълга хос маъноларни англатадиган сўзлар деб юритилади. Ҳақиқатдан ҳам, агар сифатдошларга ҳозирги туркий тиллар нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, сифатдошлар шундай хусусиятга эга бўлган – ҳам отлик (кенг маънода, аслида сифатлик), ҳам феъллик маъноларини ўзида мужассамлаштирган, матнга, нутқ жараёнига кўра ҳам белги, ҳам ҳаракат англатадиган сўзлар гуруҳидир.

Кўпгина туркшунос олимларнинг сифатдошларни отлашган феъллар ("отглагольные имена") деб номлашига асосий сабаб қадимтуркий от ва феълларнинг аниқ от ва феъл туркумлари сифатида дифференциациялашмаганлиги, ажралиб чиқмаганлиги, маънодаги умумийликда деб тушунишдан бўлса керак. Аслида, феъл ва отлар қадимтуркий тиллар тараққиёти давридаёқ алоҳида туркум сифатида шаклланган, мавжуд бўлган.

Туркологик адабиётларда таъкидланишича, қадимги сифатдошлар туркий тиллар тарққиётининг илк даврида феъллик хусусиятига эга бўлган сифатлар бўлиб, улар ҳали замон ва нисбат категорияларига эга бўлмаган, улар феълга хос белги маъносини англатган: *кәсәк* (кесик), *бөлик* (бўлак), *бузуқ* каби. Шу сўзларнинг маъносига феъл томонидан қаралса, феъл ўзагидан англашилган ҳаракатнинг ўтган замонга ҳам, ҳозирги замонга ҳам хослигини англатади, сифат томонидан қаралса, таркибида ҳаракат маъноси бўлган белгининг натижасини билдиради. Бу хусусият қадимги шу типдаги сўзларнинг семантик парчаланишига – сифат ва сифатдошлар типида бўлинишига, ажралишига сабаб бўлган. Улардан бир қисми субстантив отларга (*қуймоқ, кесак* каби), бир қисми адвербиал сифатларга (*кәсәк, бузуқ*), бир қисми эса энди замон ва нисбат шаклларига ҳам эга бўлган сифатдошларга айланган. Лекин уларнинг катта қисми ўзларининг индефферент (оралиқ) ҳолатини, кўпроқ феълга нисбатан сифатга яқинлигини, нисбат ва замон маъноларига эга эмаслик хусусиятларини сақлаб қолган.

Қадимтуркий тил ва туркий тилларнинг кейинги илк тараққиёт даврларида бундай индефферент сўзлар ҳозирги туркий тиллар учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

архаик ҳисобланган турли аффикслар орқали ҳосил қилинган. У аффикслар қуйидагилар:

-ық//-ик аффикси: турк. *батық, қирық, дүшүк*; ўзбек. *бузуқ, кесик*; татар. *ачык, сөнүк*; қозоқ. *жәбық*; озарбайжон. *солық*; қирғиз. *киртик* (кертилган); ҳакас. *полық* (бўлак), *өлиг*; ёкут. *сурук* (хат, ёзув);

-кан//-қан//-ған//-ган аффикси: турк. *чалышқан* (ишчан), озарбайжон. *гудурған* (қутурган);

-қын//-кин//-ғын//-гин аффикси: турк. *қачқын*, туркман. *учқун*, озарбайжон. *дурғун*, ўзбек. *сўлғин*;

-л//-ал аффикси: туркман. *гурал* (курол), шор. *чазал* (йасан, безан);

-мыш//-миш аффикси: татар. *йа°змыш*, ўзбек. *ўтмиш;*

-ын//-ин аффикси: озарбайжон. *йығын* (тўда), *галын* (келин), турк. *тутун*, ўзбек. *тўйин*, бошқирд. *са°бын* (ўрмоқ), қозоқ. *ағын* (оқим);

-ан//-ән аффикси: озарбайжон. *өтән* (ўтган), *кечән* (кечган);

-ар//-әр//-ыр//-ир аффикси: озарбайжон. *аҳар* (оқар), *йашар*;

-дык//-тик аффикси: бошқирд. *табулдук*, турк. *билдик* (билинган);

-ыш//-иш аффикси: озарбайжон. *бухуш*, қирғиз. *батиш* (ботмоқ) ва бошқалар.

Туркий тиллар тараққиётининг янги турк, энг янги турк даврлари учун характерли бўлган, ўтган, ҳозирги, келаси замон ва нисбат парадигмаларига эга бўлган сифатдош шакллари қуйидагилар:

-ар//-әр//-ыр//-ир//-ур//-үр аффикслари.

Тил тараққиётининг кейинги даврларида қадимги *-ар//-ир* шаклидаги ҳаракат маъносига эга бўлган сифатнинг ҳозирги ва ўтган замон сифатдошига трансформацияланиши (кўчиши)га қулай шароит юзага келади. У нимагадир қодир бўлган предметнинг доимий белгисини англатувчи сўзга айланади: *йазар* (ёзувчи одам) каби.

Буни бошқирд тили мисолида ҳам кўриш мумкин. Бошқирд тилида *айтер ҳуз, барир йул* бирикмаларидаги *айтер, барир* сифатдошларининг қадимги шаклидан етарли ажрала олмаганлиги, бу феъллар маъно жиҳатидан аниқлик ва мажҳул нисбат англатиш хусусиятидан фарқланмаганлигини, *барир йул* эмас, *барилир йўл* сифатида ифодаланмаганлигини кўриш мумкин. Фақат бошқирд тили эмас, бу хусусият бошқа айрим тилларда ҳам сақланиб қолган: татар. *биртә куләр йери йук* (бунинг ҳеч қуладиган ери йўқ); олтой. *келер айилчи* (келадиган меҳмон), *тудунар-кабинар неме* (тутунар-топилар нарса) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтой тилларида *-ар* аффикси билан ҳосил бўлган келаси замон сифатдошлари предметнинг келажакдаги ҳолати ёки ҳаракатини англатади: *килер аалчи, барар кизи* (борадиган киши) каби.

Феълнинг *-р//-ар* шаклидаги сифатдош шаклининг ҳозирги туркий тилларда ҳам субстантивлашиш, сифат ва ҳаракат номларига айланиш (траншаклцияланиш) ҳолларини кўриш мумкин: қирғиз. *атанин ачиисинун келээри табиий нерсе эмеспи* (отанинг аччиғининг келари табиий нарса эмасми?); туркман. *ол йашлар ахшаминиң ахир боларина сабирсизлик билен гарашйарди*; қорачой-балқар. *Ахмет элге жетерге қар жағиб тебреди* (Аҳмад элга етадиган пайтда қор ёғиб бошлади) каби.

-ан//-ән аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлар барча ўғиз тилларида ҳозирги ва келаси замон маъноларини англатади: озарбайжон. *гедән* (кетадиган), *алан* (оладиган, олувчи); турк. *алан, йазан*; гагауз. *учан* (учадиган) каби.

Бу аффикс орқали ясалган сифатдош айрим ёрдамчи сўзлар билан келиб турли маъноларни ифодалайди:

-ан+вақит: туркман. *Сиз арқамда дуран вақтиңизда, мен оңинде баш эгеринми?*;

-ан+йер: озарбайжон. *Ат алмайан ердә эшшак дә атдир.*

Туркман тилида *-ан* аффиксли сифатдош учун кўмакчиси биңан келиб, сабаб-натижа муносабатини англатади: *улайта-да ук тарапдан рейда болани учун оператор онинг геленини дуйманди* (у шамол эсиб турган тарафдан келгани сабабли, оператор унинг келганини сезмади).

-қан//-ган аффикси орқали ясалган сифатдошлар асосан қипчоқ, қорлиқ тилларида кенг тарқалган бўлиб, айнан шу тилларда нисбат ва замон шаклларига кўра ҳам дишакллашган.

Мисоллар: бошқирд. *Ҳамза яшаган авил*, татар. *Хориэ искан Испания*, нўғай. *тамақлари тоқ, қайғулари болмаган балалар*, ўзбек. *Алишер йашаган уйда*, олтой. *мениң келген йолумда* каби.

-ган//-кан//-қан//-ған аффикслари билан ҳосил бўлган сифатдош шакллари барча ўғиз тилларида от ёки сифатга айланади (озарб. *гудурган* каби), қипчоқ тилларида эса эгалик ва келишик аффикс-ларини олиб турли замон шаклларини ифодалай олади: татар. *"газик" яқинлашып келгенин курде*; тува. *сайэрткенин билбейн қалдим* (ёз келганин билмай қолдим), ҳакас. *алтан ахчалиг абдирани иқ атығчилар алганин чог-чос хариндас сизир салды* (камбағалнинг акаси дарров билдики, олтин пулларни шу ўтувчилар олган), қозоқ. *онуң уйықтар отурғани йа ойланып утурғани малим емес*, қумиқ. *сени гилгениңге суйундум*, ўзбек. *қоронғулик эрта тушганга ўхшаб кўринди* ва бошқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги туркий тилларда *-ган* аффиксли сифатдош турли кўмакчилар билан бирга келиб, кўпроқ пайт маъносини англатиб келади.

Мисоллар: *-ган* + замон + ўрин келишиги: қорачой-балқар. *жаңги қирлиқ урган заманда* (йанги майсалар ўса бошлаган замонда);

-ган + вақт + ўрин келишиги: қозоқ. *көстер қауирт құзғалған вақытта* (кўчлар шошилинч қўзғалган вақтда), уйғур. *мән оқип йүргән вақтида*;

-ган + *кез* + ўрин келишиги: қозоқ. *узақ сойлеп өтирған кезде*;

-ган + *мәзгил* + ўрин келишиги: уйғур. *кун кетип барған мәзгилда*;

-ган + *чақ* + ўрин келишиги: нўғай. *биз келген чақта*;

-ган + *томон*: ўзбек. *товуш эшитилган томон* ва бошқалар.

***-миш* аффикси** орқали ҳосил бўлган сифатдош шакли ҳозирги туркий тилларда асосан ўғиз гуруҳ тиллар, қисман қорлиқ гуруҳ тилларда қўлланади: озарб. *орта боилу, боғази назик гарашин, биғ йери чохдан тәрләмиш бир ганж* (ўрта бўйли, бўйни ингичка, қорадан келган, мўйлови сабза урган бир йигит) каби.

-ажак//-ажақ аффикси орқали ҳосил бўлган келаси замон сифатдоши туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида келиб чиққан.

Айрим туркий тилларда *-жак//-ажак* аффикслари орқали ҳосил бўлган сифатдошлар нимагадир яроқлилик (лозимлик) маъносидаги *йанажак* (озарбайжон), *нимагадир тобелик* маъносидаги *итанжак қиз* (уятчан қиз) каби рилект шаклдаги от ва сифатлар шаклида сақланиб қолган.

Айрим адабиётларда *-жак//-ажак* аффиксларининг озайтирма сифат аффикси *-чақ* (туркман йилижак), кичрайтириш отлари *-чак* (олтой балачақ) аффикслари билан уядош эканлиги ҳақида ҳам фикр берилади, лекин бунга ишониш қийин. Бунда шу аффикслрнинг семантик маъноси ҳисобга олинади.

Бу шаклдаги келаси замон сифатдоши асосан ўғиз гуруҳ тиллар ва қумиқ тилига хос хусусиятдир. Қипчоқ тилларида у Ўрта Осиё жанубидаги ўзбек, уйғур, қорақалпоқ, шунингдек нўғай, бошқирд, татар тилларида тарқалган.

Қиёсланг:

озарбайжон. *Бу ваҳшиларин ер узундән силинажайи гуну мән сәбрсизликлә гозлайирам* (мен бу ваҳшийларнинг ер юзидан супурилиб ташланишини сабрсизлик билан кутмоқдаман); турк. *салон долмушту, игне атажак йэр йокту* (салон тўла, игна тушадиган ер йўқ); туркман. *алжақ адам, оқажақ оглан*; татар. *безнең қаҳарманнар баражақ шаҳар ерақ тугел иде инде* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Булардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, феълнинг *-ажак* шакли орқали ясалган сифатдош шакли асосан туркий тилларнинг жанубий зоналарида тарқалган бўлиб, чуваш, ҳакас, тува тилларида учрамайди.

-аси аффикси ҳозирги туркий тилларда барқарор грамматик бирлик сифатида қўлланади: турк. *гидесим йок*; туркман. *ондан арини аласи гэрек* (ундан орини олишни истади); татар. *бараси кила, барасим кила*; бошқирд. *алаһи кила*; чуваш. *суварас килет* (уйқум келаяпти) каби.

Ҳозирги туркий тилларда илгари қадимтуркий тилларда мавжуд бўлмаган, қадим туркий тилларнинг тарқалиш жараёнидан кейин пайдо бўлган бир неча сифатдош шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳозирги замон маъносидаги сифатдошларни ҳосил қилади. Булар:

-учи//-ўчи аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдош туркий тилларнинг кенг зонасини эгаллаган. "*Нима биландир доимий шуғулланувчи*" маъносидаги бу сифатдош шакли ҳозирги замон маъносидаги юз берган ёки юз бермаган ҳаракатни англатади: озарбайжон. *богузу бир исти* (бўғувчи бир иссиқ), қорачой-балқар. *жазыучу студент*, нўғай. *шашувду соңга қалдурувши бир кимда бўлмовга керак* (экишда орқага қолган ҳеч ким бўлмаслиги керак), татар. *язучы*, бошқирд. *язучы*, қозоқ. *йазушы*, турк. *йашлийди, ата хич де геризи тутузу бир инсон дегилди* (у кетса, лекин илғор, ҳеч ғаразликни билмайдиган киши эди).

-калак аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдош шакли туркий тилларда энг кам учрайдиган шакллардан бири бўлиб, у асосан тува, ҳакас, олтой, шор қисман қирғиз ва ёқут тилларида ҳали юз бермаган, юз бериши ёки юз бермаслиги мумкин бўлган ҳаракатни англатади.

Масалан, *келгелик* (келмоқ) феъли:

1) яқинда келадиган киши;

2) ҳали келмаган киши;

3) ҳали келмаган, лекин яқинда келадиган киши маъноларини англатади. Лекин бу маънолардан бирортаси ҳам бу феълнинг умумлаштирувчи абсалют маъноси эмас. Унинг конкрет маъноси фақат контекстда, нутқ жараёнида реаллашади.

Ифода жараёнида ўтмиш билан ҳозир бир-бирига зид қўйилганда *-калак* шакли *арай* (сал-пал), *ойунда* (вақтида), *ынчаарда* (ўша вақтда) каби ҳаракатнинг юз бериш вақтидаги аниқлик киритувчи сўзлар билан бирга келиб, "*ҳали юз бермаган*" ҳаракат маъносини англатади. Бунда шу нарса англашиладики, ҳаракат ҳозир юз бериши керак эди ёки нутқ моментида юз бериши керак деган маънонинг акси ифодаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллар: *душкалак* – ҳали учрашмаган киши, ҳозир учрашадиган киши;

кескелек – ҳали кесмаган киши, мана ҳозир кесадиган киши;

эткелек – ҳали тузатмаган киши, мана ҳозир тузатадиган киши каби;

Мээң эжим хуралга келгэлэк – менинг дўстим ҳали йиғилишга келгани йўқ: кутаяпман, ана-мана дегунча келиши керак, лекин у ҳали келмаган каби.

-ыкчы//-уқчы аффикси сўзловчининг ҳаракатни бажаришга мойиллик, қодирлик каби маъноларини билдиради: *ломчуқчу* – ўқиётган, ўқувчи; *корукчу* – кўрувчи каби.

Бу сифатдош ҳаракатни бажарувчи шахсга хос бўлган ҳаракат ва ҳолатни англатади.

Бу аффикс таркибидаги *-чи* шундай маъноларни англатади: *бизээчи* – доим ёзувчи, ёзишга хос шахс, *узаачи* – доим ухловчи киши ва бошқалар.

Равишдош

Равишдошлар ҳам феъллик, ҳам равишлик хусусиятларига эга бўлган феълнинг функционал шаклларидан бири бўлиб, у конкрет замон англатмаслиги ва тусланмаслиги билан феълнинг бошқа функционал шаклларидан ажралиб туради.

Равишдошлар феъл каби ҳаракат ва ҳолат англатади, феълнинг бўлишсиз шакли ва нисбат шаклларини олади, ҳаракат ва ҳолат тушунчасига эга бўлганлиги учун замон тушунчаси билан ҳам алоқадор, ўзи қўшилиб келган бошқа бир феъл воситасида замон англатади.

Қиёсланг: нўғай. *атти алиб кэтти* (аниқ ўтган замон), *атти алиб баражак* (келаси замон). Бундан кўринадики, битта равишдошнинг ўзи бошқа феъллар билан муносабатга киришиб ҳар уч замон маъносини англатиши мумкин. Баъзи равишдошлар қадимги ҳаракат номи шаклидаги хусусиятини сақлаган ҳолда шахс қўшимчаларини олиб, шахсли феълларга ҳам яқинлашади: татар. *барам, барасың, бара*; озарбайжон. *йазипсам*; қорақалпоқ. *жазипсаң*; нўғай. *жазийсың* каби.

Туркшунослик адабиётларида айрим равишдошларнинг соф феъллар каби шахс-сон, замон қўшимчаларини олиб ўзгариши ҳақида махсус фикрлар бор. Масалан, тува тилида соф феъллар бирга келадиган *-пишаан* ва *-қаш* равишдошлари ҳам равишдошлик, ҳам қадимги сифатдошлар билан алоқадор бўлганлиги учун отлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

хусусиятларига эга бўлганлиги сабабли эгалик ва келишик қўшимчаларини олиб ўзгариши ҳақида маълумот берадилар:

Б.к. *баргаш, келгеш, баргаштар, келгештер*

Қ.к. *баргаштың, келгештиң, баргаштарның, келгештерниң*

Ў.к. *баргашта, келгеште, баргаштарда, келгештерде.*

Ч.к. *баргаштан, келгештен, баргаштардан, келгештерден* каби.

Умуман, қадимтуркий тилларда равишдош ҳосил қилувчи шакллар у қадар кўп бўлмаган, ҳозирги туркий тиллардаги равишдош шаклларининг кўпчилиги тил тараққиётининг кейинги босқичларида туркий тилларнинг тўла дифференциациясидан кейин пайдо бўлган.

Ҳозирги туркий тилларда кенг тарқалган равишдош шакллари қуйидагилар:

-(й)а // -(й)у // -(й)и // -й аффикслари билан ҳосил бўладиган равишдошлар ҳамма туркий тилларда кенг тарқалган равишдош шаклларидан биридир. Бу равишдош шакллари феъл негизига деярли бирикиб кетганлиги учун (*бора, кела* каби) равишдошнинг "қуйма" шакли ҳам деб юритилади. Шу билан бирга бу равишдош ўзи бирикиб келган тусланган феъл билан зич боғланиб, аналитик шаклдаги икки феълдан англашилган икки ҳаракатни англатади ва бири иккинчисини ҳолат жиҳатдан аниқлаб келади: қозоқ. *кун бата биз овилға жеттик*, ўзбек. *Султонмурод кела ўқишга киришди*, шор. *алтин столди тайаңа одур салди* каби. Баъзан бу равишдошлар юклама, келишик аффикссларини олиб кенгайиб, асосий ҳаракатдан олдинги ҳаракатни англатиш хусусиятига ҳам эга бўлади, масалан, ҳакас тилида: *чилиг ибгеэ кириб чада ла узубисхам* (иссиқ уйга кириб ётди ва дарров ухлаб қолди) ва б.

Ҳамма ҳозирги туркий тилларда бу "қуйма" равишдошнинг икки *-а* ва *-й* аффикси бор. Ўзаги унли товуш билан тугаган феъл негизларидан кейин *-й*, ундош билан тугаган негизлардан кейин эса *-а* қўшимчалари қўшилади.

Мисоллар: бошқирд. *һорай* (сурай), караим. *сөзлай*, қорачой-балқар. *қарай*, татар. *башлый, эшлэй*; шор тилида аффикс чўзиқ унлига айланади: *қайнаа, иштээ*; ҳакас тилида *-а* аффикси *-и* га ўтади, *сани* (<санай), *сөли* (<сөлэй, сөйлэй); *ойни* (<ойний) каби. Тува ва ёқут тилларида бу "қуйма" равишдош аффиксининг уч хил шакли бўлиб, бу ўзгаришлар тува тилида турли сабабларга кўра бўлса, ёқут тилида феъл ўзаги охиридаги товушнинг характерига кўра ўзгарган: тува. *арни* < *арии* (ишлай), *хойзу* < *хойуз* (қўрқита), *өрту* < *өрут* (шодлана), *бодаш* < *бодан* (уйлай); ёқут. *аһаа* (ошайа, ейа), *итии* (йиғлай), *соҥуу* (қайғура) ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу икки аффикснинг (*-а* ва *-й*) маъно хусусиятлари ҳақида ҳам турли фикрлар бор. Айрим олимлар икки аффикс маъноларида фарқ бор деса, баъзилари инкор қилади. Аслида ҳар иккала аффикс маъно жиҳатидан бир хил бўлиб, уларнинг шаклан ҳар хиллиги ёндош товушларнинг хусусиятларига боғлиқдир, ҳар қандай ҳолатда ҳам равишдош ўзи боғланиб келган феълдан англашилган ҳаракатнинг белгисини билдиради.

Қиёсланг: қирғиз. *кулө, суйлөду*; шор. *ағаш тура синди, қоһа торумға пардилар* (улар ёнғоққа ета кетдилар) каби.

Ўғуз гуруҳ тилларда *-а, -й* аффиксли равишдошлар *-рақ* аффикси билан бирга келиб белгининг камлигини кўрсатса (озарбайжон. *бахмамаға чалышараг* – қарамасликка; гагауз. *лаф эдарак*; турк. *сесини алгалтарак* – овозини пасайтириброқ), айрим тилларда *-рак* ўрнида қурол келишиги қўшимчаси *-ин* қўшилиб келади.

Мисоллар: гагауз. *качарайик* (чопиброқ), чуваш. *пирараған* (сурилиброқ), *кулараған* (кулиброқ), *тахтарахһа* (кутиброқ), ёқут. *оларан*, (ўтириброқ), *туран* (тура), *көрөн* (кўра), *байан* (бойиброқ) ва бошқалар.

Феълнинг *-а, -й* ли равишдошларининг инкор шакли феъл негизларига равишдош шаклларидан олдин *-ма//-ба//-па//-бо//-по* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади: олтой. *тутпай* (тутмай), *дажирбай* (йиғиштирмай); бошқирд. *һорамай* (сўрамай): гагауз. *даянамаярак* (суянинқирамай); қорачой-балқар. *алмай*; қирғиз. *тинбай*; қумиқ. *гелбей*; татар. *санамий*; туркман. *билмэй*; ўзбек. *кетмай* каби.

Бу шаклнинг алоҳида кўринишида инкор шаклдаги равишдошлардан кейин *-ин* қўшимчаси ҳам қўшилади, масалан: олтой. *сурабин* < *сурабайин, тавин* < *таппайин*; уйғур. *кезмен* < *кезмейин*; тува. *келбейн*; туркман. *етмейн*, ҳакас. *турбин* < *турбайн, азиранминак* < *азиранмайин-ох* (емасданоқ) каби. Бунга ҳакас. *көрбинең* (курмай-ок), ёқут. *көрумуй*, (кўрмасдан-оқ) турларини ҳам киритиш мумкин.

"Қуйма" равишдошнинг инкор шаклига *-ли, -ча, -чак, -чан* аффиксларини қўшиш орқали иккиламчи равишдошлар ҳосил қилинади: бошқирд. *бөтмайинча* (тугамагунча), қумиқ. *эринмейли* (эринмайгина), татар. *келмейинчэ* (келмагунча), *алмийча* (олмагунча) каби.

Инкор шаклдаги равишдошнинг қозоқ тили ва ўзбек тили қипчоқ диалектларида *-маси* (қарамаси, кўрмаси), ёқут тилида *-бакка//-бокко* шакллари (ёқут. *ахабакка* – емай, ошамай, *көрбөккө* – кўрмасдан) мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-б, -иб -(й) -ип//-(й)уп//-(й)ап/ аффикси орқали ҳосил бўлган равишдошлар ўзи қўшилиб келган асосий феълдан англашилган ҳаракатдан олдин ёки асосий феълдан англашилган ҳаракат билан бир вақтда юз берадиган ҳаракатни англатади ва шу ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдиради.

Мисоллар: татар. *а°лип*, озарбайжон. *алиб*, турк, туркман, қумиқ, гагауз, караим, қозоқ, олтой. *алып*, қорақалпоқ. *алъп* ва бошқалар.

-б, -иб ли равишдошларнинг турли туркий тилларда вариантлари кўп. Унинг *-(й)ип//-(й)уп* шакллари ўғиз тилларида учрайди: озарбайжон. *ишлайиб*, гагауз. *истейип*, турк. *сөйлэйип*, туркман. *аглайып* (йиғлаб) каби.

Бу аффиксли равишдошлар чуваш ва ёқут тилларида мавжуд эмас.

Турли туркий тилларда бу аффикслар билан ҳосил бўлган равишдошлар кўплик, ўрин келишиклари қўшимчалари ва бошқа морфологик элементларни олиб, кенгайиб келади. Бу хусусиятни қадимтуркий тилларда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Қадимтуркий тилларда *оқубан, йатибан, андин соң эрта болубда акаларни – иниларни чарлаб кэлдурди*; қорачой-балқар. *коруплар, эшитиплэр*; қумиқ. *қизарипсув* (қизариб), *тоқтабок, ишлэпли*; қирғиз. *қорқубураақ*; туркман. *саарғарибан, алипжик, гэжибражик*, ўзбек. *илжайибгина, уйалиброқ, тортиниброқ* каби.

-ғали//-қали//-(й)али//-ғанли//-қанли аффикслари чувош ва ёқут тилларидан бошқа ҳамма туркий тилларда мавжуд ва бошқа феълдан англашилган ҳаракатнинг тугалланиш вақтини англатади.

Мисоллар: *коргали ҳуснуңни зору мубтало бўлдум сэңэ*; қорачой-балқар. *бу китаб чиққанлы мэн ани көрмәгәнмэ*; уйғур. *сэни көрмигили көп йиллар өтти*; ҳакас. *инэй Порчодан хонғали сиже палани көмдибис* (биз кекса кампир Порчо билан тургандан бери саккиз болани кўмдик) ва бошқалар.

Бу равишдошларни туркий тиллар грамматикаларида мақсад равишдошлари деб ҳам юритилади: эски ўзбек. *нэтай ул қошу кўзни көргали*; бошқирд. *билгали гәрәк, ул бисән сапқали китти* (у пичан ўргани кетди); қозоқ. *алғали кэлдим*; қирғиз. *алғани кэлдим*; ўзбек. *олгани келдим*, уйғур. *алғили кэлдим*; қирғиз. *қой сатқали кэлдим* каби.

Ёқут ва бошқа айрим туркий тилларда равишдошнинг бу тури жўналиш келишиги қўшимчасини олиб, юқоридаги маънолардан бирини ифодалайди.

Қиёсланг: ёқут. *бараари* < *бара* + *гари, көрөру*; олтой. *бараргa, көрөргө*; гагауз. *йазмаа* < *йазмак* + *а*: бошқирд. *сабирга* (чопишга, ўришга) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-гач//-кач//-ғач//-ғас//-ғаш//-ат аффикслари орқали ясалган равишдошлар ўзи бирикиб келган феълдан англашилган ҳаракатдан сал олдин юз берган ҳаракат ёки ҳолатни англатади: эски ўзбек. *эшиткач*; бошқирд. *алғас* (олгач); татар. *қилгач*; уйғур. *көргәс*; ҳакас. *тинаңғаас* (дам олгач, тингач); ёқут. *бараат* (боргач), *кирэт* (киргач), *олороот* (ўтиргач) каби:

Олтой ва тува тилларида *-гач* аффиксидан кейин кўплик ва келишик қўшимчалари қўшилиши ҳолати учрайди.

Мисоллар: олтой. *кэлжэгин* (келишни), *көрбөгөжин* (кўришини); бошқирд. *килмағасиң* (келмаганингиздан кейин), *килмағасигиз* (келмаганларингиздан кейин); караим. *кэлгәчох* (келишинг билан), *чихкачах* (чиқишинг билан); татар. *қайқачин* (қайтгач), *қайтқачиннан* (кетганингдан сўнг); тува. *кэлгэштың* (келгач) ва бошқалар.

-гунча//-кунча аффикслари орқали ҳосил бўлган равишдошлар тил тараққиётининг кейинги босқичларида *-ган* сифатдош шаклига турли қўшимчалари қўшиш орқали ясалиб, асосий феълдан англашилган ҳаракатнинг юз беришигача бўлган пайт маъносини англатади.

Бу аффикслар орқали ҳосил бўлган равишдошлар асосан олтой, бошқирд, қозоқ, ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғай, татар, ҳакас, шор тилларида кенг тарқалган. Бу аффикслар вақт маъноси билан бирга сабаб, шарт, қиёс маъноларини ҳам англатади: олтой. *таң атқанча*; қирғиз. *Керкибай сөзунуң айағина чиққанча телефон шиңгирады* (Керкибой сўзининг охирига етгунча, телефон жиринглади): татар. *барийм әлә мин шул сукмак бетканча*; олтой. *йатып қалганша атып қал*; ўзбек. *биз ўйлаганча* каби.

Инфинитив

Инфинитив (ҳаракат номлари) феълнинг функционал шаклларининг алоҳида тури бўлиб, феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг номини англатади. Инфинитивлар ҳам сифатдош ва равишдошлар каби, бир томондан, ҳаракат ва ҳолат англатса, иккинчи томондан, отлар каби ўзидан ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг атамаси, номи бўлиб келади.

Инфинитивлар феълдан англашилган ҳаракатнинг субъектга ёки воқеликка муносабатини англатмайди, улар тусланмайдиган феъл шаклларидир.

Инфинитивлар ҳозирги ҳамма туркий тилларда мавжуд эмас, уларнинг тарқалиш диапазони тор.

Инфинитивлар феълнинг бошқа морфологик шаклларига қараганда, туркий тиллар тараққиётининг кейинги босқичларида майдонга келган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феълнинг инфинитив шакли ҳали деярли шаклланмаган қорачой-балқар тилидан бошлаб, бу шакл анча тараққий этган ўғуз гуруҳ тиллар озарбайжон, туркман, турк тилларигача қиёс қилинганда, деярли кўп туркий тилларнинг ягона инфинитив шаклига эга эмаслигини, бу шаклнинг ҳамма туркий тилларга тенг тарқалмаганлигини кўриш мумкин.

Туркшунослик адабиётларида ҳозирги туркий тилларда инфинитивнинг уч шакли кўрсатилади:

1) *-мақ//-мәк;*

2) *-ырга//-ире;*

3) *-у//-ү.*

Ўзбек ва айрим қипчоқ тилларидаги *-в, -(у)в, -ш, -(и)ш* ҳаракат номи шакллари ҳам грамматик адабиётларда инфинитив сирасига киритилади.

-моқ аффикси орқали ҳосил бўлган феълнинг ҳаракат номи шакли кўпроқ озарбайжон, турк, қисман қумиқ, ўзбек, уйғур ва бошқа айрим туркий тилларда учрайди: озарбайжон. *газмаг лазимдир, гулмак истади*; турк. *билмак гэрэк*; бошқирд. *аниңа туләмәк кәрәк, бәрмәк кәрәк*; ўзбек. *ўқимоқ лозим, ўйламоқ керак* каби.

Ҳаракат номининг қўшимчалари туркий тилларда келишик қўшимчалари олиб, ҳар хил маъно ифодалайди: қирғиз. *бармакчиман*, татар. *укимокчиман*, ўзбек. *бир нарсани олмоқчи бўлиб*, қорақалпоқ. *жасамақда*, турк. *маълумот вермактәдир* каби.

Ҳаракат номининг *-ш, -иш* шакли қадимтуркий тилларда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам мавжуд: озарбайжон. *гачиш*, олтой. *тартиш*, бошқирд. *төрөш*, гагауз. *отуруш*, қозоқ. *айтис*, тува. *тиниш*, турк. *гулуш*, шор. *эниш* ва бошқалар.

Қозоқ, қорақалпоқ, нўғай тилларида *-ш, -иш* аффикси орқали қўлланадиган ҳаракат номлари ўрнида *-в, -ув* аффикслари ишлатилади.

Ҳаракат номининг *-в, -ув* шакли асосан қипчоқ тилларида кенг тарқалган: бошқирд. *алив*, қозоқ. *оқув*, қирғиз. *баруу*, олтой. *қичиру*, ёқут. *кэли, туру*, ўзбек. *учрашув* ва бошқалар.

РАВИШ

Равишлар ҳаракатнинг, белгининг белгисини билдириб келадиган мустақил сўз туркумидир. Равишлар, одатда, феълга ёки предикативлик вазифасида келган сифат ва равишларга боғланиб келиб, феълга боғланганда феълдан англашилган ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиш жараёнини, бажарилиш пайтини, ўрнини сабабини, мақсадини, сифат ё равишларга боғланганда эса улардаги белгининг даражасини кўрсатиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Равишлар от ва феъллардан фарқли равишда ўз махсус сўз ўзгартирувчи шаклларига эга бўлмаган сўз туркумидир. Улар морфологик хусусиятларига кўра махсус сўз ясовчи аффикслари ва даража кўрсаткичларига эга. Тўғри, равишлар таркибида кўп ҳолларда сўз ўзгартирувчи шакллар ҳам бўлиши мумкин, лекин бу шакллар "қотиб қолган", ўз жонли грамматик маъноларини сақламаган, турлаш ё тусланиш хусусиятларини йўқотган, парадигма ҳосил қила олмайдиган қўшимчаларга айланиб қолган.

Мисоллар: қозоқ, нўғай. *шалқамнан, шалқаңнан, шалқасиннан*, (тўсатдан, дафъатан), *көзимшэ, көзиңшэ, көзиңизшэ*; татар. *бирвақит, бирвақитни, бирвақитта*; олтой. *эмдиги, озоги*; озарбайжон. *дунумуз, бугунумуз, йаринимиз* (кечамиз, бугунимиз, эртамиз), *йарини бэклэ* (эртани кут), уйғур. *этидин кэчгача* (эртадан кечгача); чуваш. *казаллаба* (кечда) ва бошқалар.

Равишларнинг морфологик хусусиятлари ҳақида гапирганда яна шуни айтиш керакки, айрим грамматик адабиётларда равишларнинг умуман махсус морфологик белгиси йўқлиги, равишлардаги ясалаш, даража англатиш хусусиятлари ҳам бошқа туркумларда мавжуд бўлган "универсал" ҳолат эканлиги таъкидланади. Ҳозирги туркий тиллардаги равиш сифатида бериладиган сўзларнинг ясалиши ва морфологик таркибига назар ташланганда, маълум даражада бу фикрни эътироф этиш ҳам мумкин.

Қуйидаги мисолларни қиёланг: озарбайжон. *индижа* (ҳозир), *даҳа ашағи* (пастда), *тез-тез, доғрудан, доғруйа*; бошқирд. *байарак, бигирак, ип-ирта, көпә-көндөз*; гагауз. *шиндижик* (шу пайт), *чабужак* (бирдан), *азар-азар* (оз-оз); қозоқ, нўғай, уйғур. *қайта-қайта, әрәң-әрәң бурунрақ, апансыздан* (бирдан); қорачой-балқар. *алхарак, билайирак* < *булай* (бундайроқ), *бэрирэк, арткарак*; қирғиз. *арирак, кийинрэк*; татар. *борин-борин* (илгари, бурун), *баштарак*; турк. *дэминжэк* (ҳозир), *арайикта* (у ерда), *чап-чабук* (тезда); ўзбек. *нарироқда, энг олдин* ва бошқалар.

Қадимтуркий тилларда ҳам ҳаракатнинг айрим белгиларини кўрсатадиган равишлар бўлган, лекин кам бўлган. Ҳозирги туркий тиллардаги равишларнинг деярли кўп қисми туркий тиллар тараққиётининг кейинги босқичларида турли шаклларда: туб, жуфт, қўшма сўзлар шаклида, турловчи, тусловчи қўшимчалари, турли феъл шакллари ва даража кўрсаткичларини олган шаклида от, сифат ва феъллардан равишлар томон силжий бошлаган, равишларга яқинлашган сари уларнинг шакл-грамматик ва семантик хусусиятларида ҳам ўзгариш юз бера бошлаган. Лекин бу жараён жуда узоқ, аста-секинлик билан, дарҳол сезилмайдиган даражада давом этган. Лекин бу ўтиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

даври бирданига бошланғич ва сўнгги босқичига эмас, балки қандайдир оралиқ босқичига ҳам эга бўлган. Ўтиш жараёнининг айни шу босқичида айрим сўзларнинг от ё равиш, сифат ё равиш парадигматик қаторини сақлаган ё сақланмаганлигини, уларнинг қайси туркумга хослигини аниқлаш қийин бўлган.

Қиёсланг: гагауз, турк. *бураси* (бу ерда), *ораси* (у ерда), *нэрэси* (қаерда); озарбайжон. *сәҳәр, ахшам* (сутканинг қисми сифатида от, пайт билдириши жиҳатидан равиш); олтой. *куч*; гагауз. *йирак*; караим. *кэч*; нўғай. *кэш*; татар. *соң*; тува. *соок* (совуқ), *чилиг* (илиқ), *изиг* (иссиқ); бошқирд. *көрөлэй*; татар. *корилай* (қуруқлай); ҳакас. *хуруға, тиригэ* (қуруқлай, тириклай); нўғай. *оңга* ва бошқалар.

Ана шу хусусиятларига кўра равишларни, бир томондан, таркибига (морфологик тузилиши, ясалиши) кўра, иккинчи томондан, мазмунига (семантик фарқланиш, турлари) кўра қиёслашга тўғри келади.

Равишларнинг ясалиши

Равишлар таркибига кўра содда, қўшма, жуфт ва мураккаб ("лексиколизациялашган") бўлади.

Қадимтуркий тилларда соф равишлар деярлик мавжуд бўлмаган, шунинг учун ҳозирги туркий тиллардаги ҳамма равишларни сўз ясашнинг турли усуллари орқали от (кенг маънода) ва феъллардан келиб чиққан дейиш мумкин. Шунинг учун туркий тиллар қиёсига бағишланган айрим адабиётларда ясама равишларни дастлаб от равишлар ва феъл равишларга ажратилади ҳамда равишларнинг ясалиши шунга кўра таҳлил қилинади.

От хусусиятига эга бўлган равишлар

От хусусиятига эга бўлган равишлар от (кенг маънода) негизларга сўз ўзгартирувчи, шакл ясовчи, сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиш орқали ҳосил бўлган равишлардир. Булар қуйидагилар:

Бош келишик шаклидаги ясама равишлар асосан лексик-семантик (адвербиал) усул билан равишга ўтган сўзлар бўлиб, улар тарихан ҳам от, ҳам равиш маъносини англатган сўзлар бўлган: қадимтуркий. *әр*, туркман. *ир*, чуваш. *ир* (эрта); қадимтуркий, олтой, караим, қирғиз, татар, ўзбек. *кэч*, нўғай. *кэш*, уйғур. *кеч*, озарбайжон, татар, қумиқ. *тэз*; татар. *бик*, қумиқ, нўғай. *бэк*, уйғур. *бэк* (жуда); бошқирд, қумиқ. *тап* (аниқ); бошқирд. *йәйәв*, ўзбек. *йайов*; қирғиз. *тиш* (жим); қумиқ. *соң* ва бошқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бош келишик шаклидаги адвербиал равишларнинг *-лик* аффикси орқали ясалган шаклини саноқли сўзлар ташкил қилади: қозоқ. *соңшалық*; татар. *көскөлөк* (кўзгу); туркман. *агшамлык*; ўзбек. *шунча-лик, унчалик, кейинчалик*; уйғур. *ҳозирғачилик* каби.

Озарбайжон, турк, ўзбек, уйғур, қисман бошқирд тилида бу шаклдаги равишларнинг маълум қисмини араб ва форс-тожик тилларидан олинган сўзлар ташкил қилади.

Мисоллар: озарбайжон, уйғур. *адәтән, тәхминән, ғатиййан*; турк. *мутәмәдийән* (узлуксиз), *нәсрән* (насрий); ўзбек. *мазмунан, мажбуран, айнан, тамоман, филҳол, дарров, ҳануз*; озарбайжон. *аввал*; ўзбек, бошқирд. *ғайат*; бошқирд. *хәзир*; ўзбек. *ҳозир*; уйғур. *хазир*; қорачой-балқар, қирғиз, туркман, уйғур. *дайим*; ўзбек. *доим, даставвал, дарҳол базур* каби.

Бош келишик шаклидаги адвербиал равишларнинг катта қисмини асосан III шахс бирлик ва кўпликдаги пайт билдирувчи сўзлар ташкил қилади.

Қиёсланг: озарбайжон. *дүни, йазы, эртаси, данласы, билдиррәри* (бултурлари); қирғиз. *эртэси*; бошқирд. *кистәри* (кечлари), *төндәри* (тунлари); қозоқ. *авалы*; қирғиз. *түндөсү* (туни), *жайындаси* (ёзи); қорақалпоқ. *эртеңлери*; турк, туркман. *акшамлары*; татар, турк. *сабаҳлары*; ўзбек. *кундузи, кечаси, аввалларида* ва бошқалар.

Қаратқич келишиги шаклидаги ясама равишлар ҳозирги туркий тилларда жуда кам, фақат тува ва ҳакас тилларидагина учрайди: *хүнүң аңнар* (ҳар кун); *пис күнүң радио истәдирбис* (кунниң-ҳар куни), *аңны өдир килчәләр* (улар ҳар куни ҳайвонларни овлайдилар) каби.

Тушум келишиги шаклидаги ясама равишлар ҳам туркий тиллар учун хос бўлмай (чунки тушум келишигидаги сўз туркий тилларда ҳол эмас, тўлдирувчи вазифасига хосланган), бу айрим тилларда славян тилларининг таъсири натижасида келиб чиққан анормал ҳолатдир: бошқирд. *бир заманды* (бир вақт), *кэчхурунну* (кеч-қурун), *бу вахтны* (бу вақт); қорачой-балқар. *бүгүннү* (бугун); татар. *бер вакытны* (бир вақт) каби.

Жўналиш келишиги шаклидаги ясама равишлар қадим-туркий тилдаги шу келишик маъносини ҳосил қилувчи қўшимчаларни ҳам ҳисобга олганда, равиш ҳосил қилишнинг барча туркий тилларда энг кенг тарқалган туридир:

1) ***-қары//-қару//-ғары//-ғару//-ары//-ару***: туркман, караим. *илэри*, бошқирд. *илгэри*, гагауз. *илэри*, қозоқ. *илгэри*, қирғиз. *илгэри*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

озарбайжон. *илгэри*, қорачой-балқар. *ичкэри*, қозоқ. *ишкэри*, турк. *ичкэри*, уйғур. *ичкири*; қорачой-балқар. *тишхари*, тува. *дьашкари*, турк. *дишари*, ўзбек. *ташқари*, шор. *ташкари*, караим. *тишхари*; олтой, қирғиз. *тэскэри*, шор. *тэскэрэ*; караим. *артхары* (орқага); олтой. *эңиргэри* (кечга); қозоқ. *сиртқари* (ташқари); тува, шор. *минари* (бу ёққа); тува. *инаари* (у ёққа); озарбайжон. *анари* (у ёққа) каби;

2) ***-қар//-гар//-хар//-әр***: олтой. *минаар* (бу ёққа), *анаар* (у ёққа); тува. *рунгаар* (олға), *дьашкаар* (ташқарига), *соңгаар* (орқага), *инаар* (у ёққа); ҳакас. *чоғар* (юқорига), *тасхар* (ташқарига), *искар* (ичкарига) ва бошқалар.

3) ***-қа//-га//-ха***: олтой, қорачой-балқар, караим. *биргэ*, қозоқ, татар, нўғай. *биргә*; ҳакас. *пиргэ*, ўзбек. *бирга*, шор. *пиргэ*, ёқут. *биргэ*; олтой. *тиругэ*, тува. *тиригэ*, ҳакас. *тиригэ* (тирикка); олтой, қирғиз. *узоққа*, қорақалпоқ, нўғай. *узакка*, татар. *озаққа*; бошқирд. *көска* (кучга), бошқирд, татар. *бүшка*, қозоқ. *боска*, караим. *бошха* (бўшга, бекорга); қозоқ, қорачой-балқар, қирғиз, қумиқ, уйғур. *алға*; қозоқ, карим, нўғай, татар. *артда*, қорачой-балқар. *артха*; қорақалпоқ, нўғай. *тисқа* (ташқарига), *оңға, солға, төменгэ*; ўзбек. *эртага, орқага, зўрға, жўрттага* каби;

4) ***-а***: озарбайжон. *саға* (ўнгга), *сола* (чапга); гагауз. *йираа* (узоққа), турк. *сола*; чуваш. *висминэ* (индинига) ва бошқалар.

5) негиз + III шахс эгалик афф. + ***-а, -га//-ка//-қа***: озарбайжон, қорачой-балқар, турк, караим. *бошина*, нўғай. *босина* (бўшига, бекорга); туркман. *ағшамина, ағшамларина, гижэсина*; ўзбек. *кўтарасига, тиккасига, ёппасига, узунасига, бирданига, эртасига*; уйғур. *кунига* каби.

6) негиз + ***ча + сина // -сига***: озарбайжон. *инсанжасина, мэхрибанжасина, гахрамонжасина*; турк. *йигитчэсинэ, дэлижэсинэ* (телбаларча); ўзбек. *мардчасига, очиқчасига*; уйғур. *йашларчасига, йэңичисига* ва бошқалар.

Бу шаклда ҳосил бўладиган равишларнинг туркий тиллар ҳудудлари (регионлари) бўйича фарқланиши кам: ҳакас. *алнинзар* (олға), чуваш. *тэвалла* (тоққа), *казалла* (кечга), *кайалла* (орқага) каби.

Ўрин-пайт келишиги шаклидаги ясама равишлар:

1) ўрин, пайт билдирувчи сўз + ***-да // -та // -на // -ра***: олтой, караим, ҳакас, шор. *таңда*; олтой. *эңирдэ*, қозоқ. *иңирдэ*, қорачой-балқар, қирғиз. *иңирдэ*, ҳакас, шор. *ирдэ* (гира – ширади); олтой, ҳакас. *тундэ*, бошқирд. *төндә//тундо*, ўзбек. *кунда*; олтой. *туштэ*, қирғиз. *туштө*: ўзбек, уйғур, кузда, караим. *бурунда*, ҳакас. *пурунда*; тува. *шағда* (эртага); қозоқ, караим, нўғай. *артда*; караим. *усттэ*; қумиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тишда, нўғай. *тисқа*; қирғиз. *ираакта*, гагауз, татар. *йиракта*, тува, шор. *иракта*; олтой, қорачой-балқар, қирғиз, ҳакас, шор. *минда*, бошқирд. *бинда*, қозоқ, нўғай. *мунда*, ўзбек. *бунда*, ёқут. *манна*; олтой, караим, қирғиз, татар, ҳакас. *анда*, бошқирд, чуваш. *унда*, қумиқ, нўғай. *онда*, тува. *инда*, ёқут. *онно*; чуваш. *айакра* (узоқда), *кадара* (узоқда), *малда* (олдинда), *кунда* (шу ерда) ва бошқалар;

2) Ўрин-пайт билдирувчи сўз + ***-қи // -ги // -хи + да***: озарбайжон, караим. *ашағида* (пастда); олтой. *дьайғида* (ёзда), *дьаскида* (баҳорда); қозоқ. *байағида*; татар. *йаскита* (ёзда); ҳакас. *чайғида* (ёзда); шор. *кускуда* (кузда) каби;

3) Ўрин-пайт билдирувчи сўз + III шахс + ***да:*** олтой. *эртэңизиндэ*, қозоқ. *эртеңине*, шор. *эртэниндэ*; караим. *таңдасында*; тува. *имиртиндэ* (ғира-ширада); озарбайжон, караим. *вахтында*; нўғай. *заманында*; нўғай. *бирэрэдэ*, ҳакас, шор. *пирэдэ* (бирда) каби.

Чиқиш келишиги шаклидаги ясама равишлар:

1) ўрин-пайт билдирувчи сўзлар + ***дан//-тан, -нан//-нақ***: нўғай. *эртэдэн*, ҳакас. *иртеннэң*; чуваш. *ирдэн*; озарбайжон. *бойағдан*, олтой. *байадаң*, қирғиз. *байатан*; бошқирд. *бөрөндан*, қирғиз. *мурунтан*, татар. *бориннан*, ҳакас. *пуруннан*; озарбайжон. *аввалдан*, караим. *авалдан*, уйғур. *авалдин;* бошқирд, татар. *баштан*, ўзбек. *бошдан*, уйғур. *башкидин*, бошқирд. *йаңинан*, гагауз. *йэнидэн*, нўғай, ўзбек. *йаңидин*, чуваш. *сенерэн* (янгидан); озарбайжон, гагауз. *бирдэн*, қозоқ, нўғай. *бирдэн*, татар, ўзбек. *бирдан*; олтой. *минаң*; караим. *бундан*; нўғай, татар. *аннан*, ёқут. *онтон* ва бошқалар;

2) ***-тин//-дин//-пин***: бошқирд. *йаширтин* (йаширин), татар. *йакинтин*, олтой. *ичкэрпин, тишкартин*, олтой, шор. *кэдэртин*, ҳакас. *кидэрпин* (гарбдан); караим. *йаширтин*, нўғай. *йасиртин*; ҳакас. *тиғдертин, оңартин* каби..

Махсус ясовчилар орқали:

1) ***-ин//-ун***: ўзбек. *эртан*, олтой, нўғай, тува. *эртэн*, бошқирд, татар. *иртэн*; бошқирд. *кисин*, татар, *кичин*; олтой. *караим*, тува. *кузун*, бошқирд. *көзөн*, ёқут. *куҳун* (кузин); татар. *йазин*, ҳакас. *чазин*, қозоқ. *жазин*; қумиқ. *тэгин* (бекорга, тэкин), чуваш. *вудан* (ўтдай), *айан* (пастлаб) каби;

2) ***-ча//-жа***: турк. *достча*, озарбайжон. *достжа*; гагауз. *адэтча*, туркман. *аадатча*, қозоқ. *балаша*; ўзбек. *аскарча*; ўзбек. *дўстларча*, бошқирд. *дузтарса*, қорачой-балқар. *дусларча*, уйғур. *дөстларча*; қозоқ. *адамларша*; ўзбек. *оталарча* ва бошқалар;

3) ***-лай//-лайу//-лайин***: бошқирд. *бөтөнлай*, қирғиз. *бутундой*, татар. *ботинлэй*, ўзбек. *бутунлай*; караим. *тирилэй*, туркман. *дирилэйин*,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек. *тириклай, тириклайин*; қирғиз. *курулай*, нўғай. *қурилай*; нўғай. *байағилай, жартилай*; туркман. *айлайин, йиллайин* ва бошқалар,

Феъл хусусиятига эга бўлган равишлар

Феъл хусусиятига эга бўлган равишлар асосан феълнинг *-а, -й* ли равишдош шакли орқали ҳосил бўлади. Бу шаклдан ҳосил бўлган равишлар асосий феълдан англашилган ҳаракат билан бир вақтда юзага келган ҳаракат ва ҳолатни англатиб, асосий феъл англатган ҳаракатнинг қай гарзда бажарилишини билдиради.

Мисоллар: олтой, тува. *база*, ҳакас. *паза* < *бос* + *а* (бирдан); олтой. *озо* < *ўз//өс* (олдин), *көдө* < *кет*; бошқирд. *утэ*, қирғиз. *ете*, ўзбек. *ўта* < *ўт, ўтмоқ*; ўзбек, уйғур. *қайта*; ҳакас. *хада, хости* (хостлаб) ва бошқалар.

Бошқирд, нўғай татар ва ёқут тилларида *-а, -й* ли равишдош шаклларидан кейин буйруқ майли қўшимчаси *-т* аффиксини қўшиш орқали ҳосил бўладиган алоҳида шакли бор: бошқирд. *тирилата,* қорақалпоқ. *жазлата*, татар. *қорилата* (куруқлай) каби.

Ўғиз тилларида ясама равишлар даража шакли *-рақ* аффиксининг қисқаришидан ҳосил бўлади: озарбайжон. *ғачараг.*

Феъл хусусиятига эга бўлган равишлар кўпроқ *-б, -иб* ли равишдошнинг адвербиаллашидан келиб чиқади: олтой. *баштdh*, қумиқ. *башлап*, нўғай. *баслап*, шор. *паштан*; бошқирд. *йайавлап*, нўғай. *асигып, биргэлэсип*; татар. *акрынлап* (аста); туркман. *дэслап*, *гунлэп*; ўзбек. *эрталаб, авайлаб, аматлаб* ва бошқалар.

Қўшма равишлар

Аналитик усул билан сўз ясаш равиш ҳосил қилишнинг энг фаол усулларидан биридир. Бу усулда равиш ясашнинг андозалари жуда кўп:

1) изофали бирикмадан ҳосил бўлган қўшма равишлар: озарбайжон. *ахшам вахти*, ўзбек. *дам олиш кунлари, бириси куни*; ҳакас. *пирси куп*, турк. *эртэси гун* каби;

2) аниқловчи-аниқланмиш муносабатидан ҳосил бўлган қўшма равишлар: ҳакас. *кун ортэ*, бошқирд. *йалан айак*, қорачой-балқар. *алғин замонда*, гагауз. *бурнаги кун*, турк. *эввэлки кун*; ҳамма туркий тилларда: *бугун, тунагун* ва бошқалар.

3) сон, олмош + от типидаги қўшма равишлар: бошқирд. *бир йўли*, қозоқ. *бир жоли*, караим. *гар куну*, қирғиз. *бир куну*, ўзбек. *ҳар куни, бир куни, шу куни* каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

4) кўмакчили мураккаб равишлар: олтой. *тақ атканча*; ўзбек. *кўз очиб юмгунча*; тува. *уч дун ортузунда*, қозоқ. *кундэрдэ бир кун*, ўзбек. *бир оғиздан, оёгини қўлига олиб, жонини ҳовучлаб, бир кунмас бир кун*; уйғур. *ха дэгэндэ, қарға қарқ демәстә*; қирғиз. *кундордун бир кун*, турк. *гоз ачип капайинжайа дэйин* каби.

5) такрор ва жуфт равишлар:

а) айнан такрор: озарбайжон, гагауз, туркман. *парча-парча*, ўзбек. *бурда-бурда*, уйғур. *пара-пара*, озарбайжон. *йаваш-йаваш*, турк. *заман-заман*, нўғай. *басқа-басқа*, бошқирд. *кат-кат*, қозоқ. *энди-энди*, ўзбек. *қайта-қайта, бора-бора, кела-кела* каби;

б) биринчи компоненти бош, иккинчи компоненти бошқа келишикдаги сўзлар такрори: караим. *баш-башина*, бошқирд. *авал-авалдан*, қозоқ. *бир-бирдан*, нўғай. *өмір-өмирга*, ўзбек. *оз-оздан, ўз-ўзидан* каби;

в) ҳар иккала компоненти келишикли сўзлар такрори: бошқирд. *бундан-бунга*, караим. *йандан-йанга*, қорачой-балқар. *кундан-кунгэ*, олтой. *дьылдан-дьылга*, қозоқ. *жылдан-жылға* каби;

г) *-ба//-ма* боғловчи воситаси орқали такрорланган равишлар: қозоқ. *жузбэ-жуз, бэтпэ-бэт*, татар. *башма-баш*, бошқирд. *бирма-бир*, туркман. *гунбэ-гун*, нўғай. *йанма-йан* каби;

д) бир компоненти тўлиқ, иккинчи компоненти биринчи компонентнинг дишаклланишидан тузилган жуфт равишлар: қирғиз, нўғай. *аз-маз*, олтой. *ас-мас*, бошқирд. *қийық-мийық*, ўзбек. *сал-пал* каби;

е) турли равишлар такрори: нўғай. *қашып-писып*, бошқирд, татар. *ашыға-ашыға*, уйғур. *хармай-талмай*, ўзбек. *шоша-пиша*; уйғур. *алдирап-салдирап* каби;

ё) турли сифатдош шаклларидан тузилган равишлар: озарбайжон. *истәр-истәмәз*, бошқирд. *тилар-тиламаз*, нўғай. *тойар-тоймас*, ўзбек. *эшитилар-эшитилмас, билинар-билинмас* каби;

ж) антоним сўзлар: туркман. *аздан-кондан*, ўзбек. *очин-тўқин*, уйғур. *илгари-кэйин* каби;

3) пайт қисмлари такрори: турк. *геча-гундуз*, қумиқ. *эртэн-ахшам*, олтой. *бүгүн-эртен*, туркман. *ир-гич* каби.

РАВИШЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Равишлар, одатда, феъл ёки фъъл характеридаги сўзларга боғланиб, уларнинг турли белги-хусусиятларини, ишнинг бажарилиш ёки бажарилмаслик ҳолати, ўрни, пайти каби маъноларни англатиб, ўзи боғланиб келган сўзни ҳолат жиҳатидан аниқлаб келади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу хусусиятларига кўра равишлар қуйидаги турларга бўлинади:
1. Ҳолат равиши.
2. Ўрин равиши.
3. Пайт равиши.
4. Миқдор-даража равиши.
5. Мақсад равиши.

Ҳолат равиши

Ҳолат равишлари ўзи аниқлаб келаётган феълдан англашилган ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини англатиб келади: озарбайжон, татар, қумиқ. *тэз*, татар. *бик*, бошқирд. *йайав*, ўзбек. *тириклай*, нўғай. *бутунлай*, турк. *этрафлижа*, ўзбек. *одатдагича* каби.

Ўрин равиши

Феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатадиган равишлар ўрин равишлари дейилади.

Мисоллар: қирғиз. *узаққа*, шор. *минда*, чуваш. *унда*, қозоқ, нўғай. *онда*, ҳакас. *чоғартин*, озарбайжон. *йакиндан*, ўзбек. *яқиндан*, нўғай. *тисқа, солга*, татар. *артқа*, қорачой-балқар. *артха*, ўзбек. *унда-мунда*, нўғай. *онда-мунда* ва бошқалар.

Пайт равиши

Феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслик пайтини англатади: туркман, чуваш. *ир*, гагауз. *саба*, озарбайжон. *дуни*, ўзбек. *кундузи, кечалари*, уйғур. *бурун*, ҳакас. *пурун*, туркман. *илэри*, қирғиз. *илгэри*, олтой, караим, ҳакас, шор. *таңда*, турк. *заманында*, қорачой-балқар. *эртэнликдэ* каби.

Миқдор-даража равиши

Даража ва миқдор равишлари ўзи боғланиб келган сўз ифодалаган ҳаракатнинг бажарилишини даражалаб кўрсатади: қумиқ, нўғай. *бэк*, уйғур. *бэк*, қирғиз. *тим*, уйғур. *тахминан*, олтой. *минча*, турк. *мунжа*, ёқут. *бачча*, уйғур. *анчэ*, нўғай. *йалғиз-йалғиздан*, турк. *йари-йарижа*, туркман. *аз-аздан*, ўзбек. *оз-оздан*, уйғур. *аз-аздин*, қозоқ. *бир-бирдэн*, *топ-тобимэн* ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мақсад равиши

Мақсад равишлари иш-ҳаракатнинг қай мақсадда содир бўлаётганини ёки нима учун юзага келаётганини англатади.

Бу равиш ўзбек тилидан бошқа ҳозирги туркий тилларда деярли учрамайди. Ўзбек тилида ҳам саноқли: *атайин, қасддан, жўртага* каби.

Мисол: *Сиз одамларга шундай кўриниш учун* ***жўртага*** *шундай қилсангиз керак.* (К.Файзулин).

Юксак бинолар томон,
Бордик бизлар ***атайин.*** (П.Мўмин).

МОДАЛ СЎЗЛАР

Инсон гапда маълум бир фикрни англатар экан, у шу орқали айтилаётган фикрга ўзининг шахсий муносабатини ҳам ифодалайди. Сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ифодаловчи маънога модал маъно дейилади.

Модал маънолар тилда морфологик, синтактик, лексик усуллар орқали ифодаланади. Модал маънонинг морфологик усул билан ифодаланиши, одатда, феълнинг майл категорияси ва замон маъноларининг ички бўлиниши орқали ифодаланса, синтактик усул билан эса гапнинг ифода мақсадига кўра қандай фикр англатилаётганлиги ёки англатилиши, сўзловчининг шу гапни ифодалашдаги оҳанги, интонацияси билан намоён қилинади, бу орқали сўзловчининг ҳам айтилаётган фикрга, ҳам борлиққа объектив-субъектив муносабати англатилади.

Модал сўзлар лексик усулда икки йўл билан: модал сўзлар билан ва бирор туркумга мансуб сўзлар орқали ифодаланади. Бундай сўзлар модал маъноли сўзлар бўлади ёки сўз нутқ жараёнида модал маъно касб этади.

Сўзловчининг ўзи англатаётган фикрнинг аниқлиги, чинлигига ишонч даражасини ифодалаш учун хосланган сўзлар гуруҳига модал сўзлар дейилади.

Модал сўзлар туркий тиллар грамматикаларида яқин йилларга қадар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган эмас эди, улар бошқа сўз туркумлари ичида, асосан юкламалар билан бир туркум сифатида ўрганилар эди. Модал сўзлар субъектив маъно ифодалаб, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари оралиғида туради, ўрни билан ҳар иккаласига хос хусусиятларни ҳам ифодалайди.

Модал сўзлар ҳақида фикр юритилар экан, машҳур туркшунос олим Н.К.Дмитриев ҳам уларни мустақил ва ёрдамчи сўзлар ўртасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

турувчи, вазифаси жиҳатидан юкламаларга, маъноларига кўра мустақил сўзларга яқин сўзлар гуруҳи деб баҳолаган. Демак, модал сўзлар ўз моҳиятига кўра сўз типларининг алоҳида бир гуруҳини ташкил қилади. Номинативлик, ниманидир атаб кўрсатиш модал сўзларга хос эмас. Улар гап бўлаги бўлиб келмайди, махсус грамматик шаклларига эга эмас, турланмайди ва тусланмайди. Бу жиҳатлари билан модал сўзлар мустақил сўз туркумларидан тубдан фарқ қилади.

Маъно ва вазифалари жиҳатидан модал сўзлар кўмакчи ва боғловчилардан ҳам фарқланади: кўмакчилар сўзлар ўртасидаги муносабатни, боғловчилар эса сўз ва гаплар ўртасидаги муносабатни кўрсатиш учун хизмат қилади. Модал сўз эса сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини ифодалайди, гапга бутунлигича тааллуқли бўлади.

Модал сўзлар ўз моҳияти билан юкламаларга яқин. Шу туфайли бу иккиси кўпинча биргаликда тасвирланади, аммо модал сўзлар билан юкламаларни тенглаштириб бўлмайди: юкламалар ранг-баранг маъноларни ифодалайди, шулардан баъзиларигина модал маънога яқин келади; иккинчидан, юклама кўпинча мустақил ишлатилмайди, бирор сўзга тиркалиб юради, учинчидан, юклама ифодалаган маъно бутун гапга бевосита тааллуқли бўлмай, аввало ўзи тиркалиб келган бўлакнинг маъносини бўрттиришга хизмат қилади ва шу бўлак орқали бутун гапга тааллуқли бўлади. Улар ҳам бирор гап бўлаги вазифасини бажармайди.

Гап қурилишида маълум ўрнига эга бўлган, айрим сўзлар билан биргаликда гапнинг кесими бўлиб кела оладиган баъзи сўзларни модал сўзлар қаторига киритиш ё киритмаслик ҳам туркий тилшуносликда музокарали масалалардан биридир. Бундай сўзларнинг феълдан келиб чиққанлиги, семантик-грамматик хусусиятига кўра маълум модалликка эгалиги, лекин ўзларининг туб лексик маъноларини сақлаганлиги уларни модал сўзлар сирасига киритишга имкон бермайди. Масалан, турк тилида "*о гялмиш олажак*" ифодасида "*олажак*" сўзини *гелмиш* сўзидан олдин қўйиш мумкин эмас, чунки бу сўз ўз ўрнида ўз модаллик маъносига (замон ва майл) эга, бунга шубҳа йўқ. Лекин модаллик англатгани билан ҳам феъл туркумидан тамоман ажралиб чиқмаганлиги, феълнинг хусусиятларини тўла сақлаганлиги туфайли уни модал сўз деб баҳолаш мумкин эмас, чунки ундаги модаллик лексик модаллик эмас, балки грамматик модалликдир.

Қозоқ, бошқирд тилларида *ўқиған бўлип* (гўё, ўзича, ўқигансимон), қорачой-балқар тилида *билмэгэн болду* (гўё билмади) ибораларидаги *бўлип, болду* сўзлари ҳам юқоридаги каби модаллик англатади, лекин семантик модаллик эмас.

Яна қиёсланг: қирғиз. *үйдөн чыгар ва маға қат бар чыгар*; қорақалпоқ. *үйиндан шыгар ва үйида шыгар*; ўзбек. *у дўстимга ўхшайди*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва у бундан бехабарга ўхшайди ибораларидаги *чиғар, шиғар, ўхшайди* сўзларининг ҳар икки ҳолатида икки хил маъно мавжуд бўлиб, биринчисида феълдан англашилган ҳаракатнинг аниқ бажарилганлигини, иккинчисида эҳтимоллик маъносини англатади.

Модал сўзларни дастлаб тузилишга кўра содда ва бирикмали сўзларга ажратилса, улар англатган маъноларига кўра ҳам турли типларга бўлинади:

1. Фикрнинг аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар (фикрнинг ростлиги, қатъийлиги, юз беришига ишончлилиги каби);

2. Фикрнинг ноаниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар (фикрнинг тахминий эканлиги, гумонли, тусмолли эканлиги каби).

Модал сўзларнинг гап таркибида кириш сўз ё ибора бўлиб келиб, унинг гап ва гап таркибидаги бошқа сўзлар билан алоқада бўлиши ёки бўлмаслиги масаласани ўйлаб кўриш керак, чунки гап таркибида иштирок этган ҳар қандай сўз ёки ибора бутунлигича гапга ёки унинг таркибидаги бирорта сўзга муносабат билдирмаслиги мумкин эмас. Бу соҳада модал сўзлар масаласига ҳам шундай қараш керак. Гап таркибидаги модал сўз ёки ибора ўзгартирилса ёки тушириб қолдирилса, бу гапнинг қурилишига ҳам, мазмунига ҳам таъсир этади. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: озарбайжон. *ахи(р) сиз озуңузда йавансиниз* (сиз ўзингиз ҳам ёшсиз, ахир), *дэ йәсән, мәни горхутмаға башлайирсан* (балки, мени қўрқитмоқчи бўлаяпсан), *гөрунур, сиз-дэ онун тайисиниз* (кўринадики, сиз ҳам ўшандайсиз); турк. *саҳидэн, сиз ҳаклисиниз* (чоғидан, сиз ҳақлисиз); ҳакас. *осхас, худай мағаа пирбэди аңни* (ўхшайдики//эҳтимол; Оллоҳ менга овни насиб этмади) каби.

Содда модал сўзлар

Содда модал сўзларнинг деярли кўпчилиги ҳозирги туркий тилларга асосан араб ва форс-тожик тилларидан қабул қилинган: озарбайжон, татар. *әлбәттә*, бошқирд. *әлбиттә*, қозоқ. *әлбэттэ*, қирғиз. *албэттэ*, турк. *элбэттэ*, туркман. *элбэтдэ*, ўзбек. *албатта*, уйғур. *элвэтта*; озарбайжон. *бәлкә*, қозоқ. *бэлки*, турк, туркман. *бэлки*, қирғиз, ўзбек. *балки*, бошқирд, уйғур. *бэлки*; озарбайжон. *ахир*, туркман. *ахири*, ўзбек. *охири*; озарбайжон. *нәхайәт*, турк. *нихайэт*, ўзбек. *ниҳоят*; озарбайжон. *ҳагығәтән*, туркман. *ҳақықатдан*, ўзбек. *ҳақиқатан*, уйғур. *ҳақиқатэн, дэрҳәқиқәт*; озарбайжон. *шубҳасиз*, туркман. *шубҳасиз*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқирд. *ихтимол*, туркман. *эхтимэл*, ўзбек. уйғур. *эҳтимол*; турк. *затэн*, ўзбек. *хусусан* каби.

Туб туркий модал сўзлар от, сифат, олмош ва феъллардан келиб чиққан. Бундай модал сўзлар кўп эмас: тува. *чадавас* (балки), турк. *гэрчэктэ*, қирғиз. *сийакту, шэкилду*, ўзбек. *шекилли*, қорақалпоқ. *бирэв кэлгэн, сийакли*, ўзбек. *дўстим кетди, шекилли* каби.

Бирикмали модал сўзлар

Ҳозирги туркий тилларда бу турдаги модал сўзлар ҳам саноқли: озарбайжон. *ҳар ҳолда*, бошқирд. *хэр хэлдэ*, турк. *хэр эхтималэ қарши*, ўзбек. *ҳар эҳтимолга қарши* ва бошқалар.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

КЎМАКЧИЛАР

Кўмакчилар восита, қурол, мақсад, сабаб, пайт, ўрин ва шарт каби маъноларни билдириш учун қўлланиладиган ёрдамчи сўз туркумидир.

Кўмакчилар ёрдамчи сўзларнинг бир тури сифатида мустақил сўзлардан фарқли равишда ўзи мустақил лексик маъно англатмайди, махсус морфологик белгиларига эга эмас, бошқа сўзлар билан синтактик алоқага киришса ҳам ўзи мустақил ҳолда гапда бирор гап бўлаги вазифасини бажара олмайди. Улар грамматик жиҳатдан сўзлар ўртасидаги муносабат, алоқани таъминлайди, бирор тобе сўзнинг ҳоким сўзга боғланишига воситачилик қилади, ўзи бошқариб келган сўзнинг бошқа сўз томонидан бошқарилишига хизмат қилади.

Кўмакчилар бу жиҳатдан келишикларга ўхшайди, чунки келишик қўшимчалари ҳам ҳоким ва тобе сўзлар ўртасидаги муносабатни, синтактик алоқани шакллантиради, кўп ҳолларда келишик ва кўмакчи маънолари ҳам бир-бирига яқинлашади, бир хил бўлади.

Мисолларни қиёсланг: озарбайжон. *даға-дағ тәрәф*; олтой. *дьолга-дьол ортозина*; қумиқ. *көпурну тубуннан – көпурну тубу булан*; татар. *тавға – тав йағына*; уйғур. *мектепка – мектеп тәрәпкә*; ўзбек. *укамга – ука учун, трактордa – трактор билан* ва бошқалар.

Туркий тиллардаги кўмакчиларни рус тилидаги предлог (олд кўмакчилар)ларга ҳам қиёсланади. Кўмакчилар ва предлоглар маъно ва вазифаларига кўра ўхшаш. Фақат кўмакчилар ўзи бошқарган сўздан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин (постпозитив-послелог), предлоглар эса ўзи боғланиб келган сўздан олдин (препозитив-предлог) келади.

Кўмакчилар семантик-грамматик хусусиятларига кўра туркий тиллар грамматикаларида ҳар хил тасниф қилинади. Кўмакчиларни тасниф қилишда баъзи олимлар уларнинг прототипларини, қайси туркумдан келиб чиққанлигини асосга олиб уларни от кўмакчилар ва феъл кўмакчиларга ажратсалар, бошқалари кўмакчиларнинг қандай сўзлар билан боғланишини ҳисобга олган ҳолда уларни қайси келишикдаги сўзларни бошқаришига қараб тасниф қиладилар.

Туркий тилларни қиёсий ўрганиш соҳасининг пешқадам олимларидан бири А.М.Шчербак ҳам ҳозирги туркий тиллар грамматикаларидаги анъанани бузмаган ҳолда кўмакчиларни дастлаб от кўмакчилар ва феъл кўмакчилар сифатида икки йирик гуруҳга ажратиб, уларни яна қандай келишикдаги сўзларни бошқаришига кўра қуйидагича тасниф қилади:

I. От кўмакчилар:

а) асосан бош ва қаратқич келишигидаги отлар билан бирикадиган от кўмакчилари;

б) асосан жўналиш келишигидаги отлар билан бирикадиган от кўмакчилар;

в) асосан чиқиш келишигидаги отлар билан бирикадиган от кўмакчилар;

г) тушум келишиги шаклидаги отлар билан бирикадиган от кўмакчилар;

II. Феъл кўмакчилар;

а) асосан бош ва қаратқич келишигидаги отлар билан бирикадиган феъл кўмакчилар;

б) асосан тушум (ва бош) келишик шаклидаги отлар билан бирикадиган феъл кўмакчилар;

в) асосан жўналиш келишигидаги отлар билан бирикадиган феъл кўмакчилар;

г) асосан чиқиш келишиги шаклидаги отлар билан бирикадиган феъл кўмакчилар.

Бари бир, бундай кўмакчилар ҳаракат номлари билан боғлиқ дастлабки грамматик табиати, хусусиятларини сақлаб қолганлиги учун от кўмакчилар ва феъл кўмакчилар орасида қатъий чегара қўйиш қийин.

Қиёсланг: эски ўзбек. *Тэрмэз тоғрисиға, Йариниң тоғрисидин*; бошқирд. *калаға тура* (шаҳарга тўғри), *қала тураһында* (шаҳар ҳақида); уйғур. *китаб туғрисида*; эски ўзбек. *аңа утру* (унга қарши), *мирзанинг утрусиға* (мирзага); бошқирд. *унға қарши*, туркман. *онуң каршизина*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

татар. *өй каршисында*; туркман. *онуң гаршизиндан*; ўзбек. *йўлнинг қаршисидан* каби.

Таснифда кўмакчилар асосан отга боғланади дейилган, лекин баъзан феълга ҳам боғланиши мумкин: *келгали бери*, (бу ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам учрайди: *сен келгали бери* каби); бошқирд. *атир өсөн* (отиш учун); қумиқ. *учгунча алдин* (аввал учгунча); ўзбек. *тахтни эгалласин учун* каби.

Кўмакчиларнинг ўз олдинги лексик маъноларини йўқотиш ва грамматикализациялашиш жараёни ҳамма кўмакчиларда бир хил эмас. Буни ҳозирги ўзбек тилидаги от кўмакчилар мисолида яққол кўриш мумкин: амалиётда *тагида, устида, тепасида, ёнида, бўйида, юқорисида* каби сўзларнинг қайсиси от кўмакчи, қайсиси ўз мустақил маъносидаги от ёки сифат эканлигини англаш қийин, чунки уларнинг кўпчилиги ҳозирги тилда дастлабки маъносида ҳам, "кўмакчилашган" шаклда ҳам қўлланиши мумкин, буни ажратиш қийин. Масалан, *дарахтнинг тепасида, дарахтнинг шохида, дарахтнинг баргида* каби бирикмаларни қиёсланса, *тепасида, баргида, шохида* каби сўзларнинг барчасини ё от кўмакчилар ё ўрин-пайт келишигидаги отлар дейиш мумкин. Яна қуйидаги бирикмаларни қиёсланг: эски ўзбек. *қуёш қашига*, турк. *давлат ичинда*, ҳакас. *хая истиндэ*, (қоя ичида), туркман. *өйүң аґзина* (уйнинг оғзига), *тоннинг ичи*, олтой. *қаптиң оози* (қопнинг оғзи), *тайга эдэги* (тоғнинг этаги), туркман. *Мари аёги* (Мари атрофи), шор. *таг қойни* ва бошқалар.

Феъл кўмакчиларда ҳам шундай хусусиятни кўриш мумкин.

Шунга кўра ҳозирги туркий тиллардаги кўмакчиларни маъноси ва грамматикализациялашиш даражасига кўра табақалаштирилса, юқоридаги каби кўмакчиларни "оралиқ" ҳолатидаги кўмакчиларга, қозоқ. *ушин*, турк. *ичин*, ўзбек. *учун*; қирғиз. *нари*, қумиқ. *ари*, ўзбек. *нари*; туркман. *билэ, билэн*, уйғур. *билән*, ҳакас. *минаң* каби қадимги маъносини йўқотган, грамматикализациялашган кўмакчиларни иккинчи гуруҳга, *била* < *ила* > *-ла* каби аффикслашган кўмакчиларни учинчи гуруҳга ажратиш мумкин.

Умуман, кўмакчиларнинг пайдо бўлиши жуда узоқ даврлардан бошланган бўлиб, уларнинг қадимийлигини шундан ҳам билиш мумкинки, ҳозирги туркий тилларда у ёки бу кўмакчиларни деярли ҳамма туркий тилларда учратиш мумкин. Агар айрим тиллар ўртасидаги яқин алоқани бундан минг йиллар олдин узилган деб ҳисобланса, улар таркибидаги бир хил кўмакчиларнинг ундан олдин келиб чиққанлигини сезиш қийин эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

От кўмакчилар

А. Булар асосан бош ва қаратқич келишиги шаклидаги отлар билан бирикувчи от кўмакчилар:

1. *ал (ин) // алд // олд* кўмакчиси: қадимтуркий. *алин*, ҳакас. *алд*, олтой. *бистиң алдибиста*, қумиқ. *бизиң алдибизда*, уйғур. *бизнинг алдимизда*; бошқирд, татар. *өй алдина*, қорачой-балқар. *уйну аллина*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *уй(диң) алдында*, қумиқ. *уйни алдында*, ўзбек. *уйнинг олдида*, ҳакас. *иб алнында*; ўзбек. *кўз олдида*, татар. *куз алдында*; уйғур. *ишик алдида*, шор. *эжик алинда*; ёқут. *оһох аттыгар* (печка олдида), *биһиги аттибитинан* (олдимизда); олтой. *тақ алдында*, қорақалпоқ. *тав олдында*, шор. *тақ алында*; бошқирд. *байрам алдынан*; татар. *китар алдынан*; уйғур. *авкат алдида*; татар. *китар алдиннан*; уйғур. *авқат алдида*; ўзбек. *мажлис олдидан*; ҳакас. *он чил миниң алнында, наңмир чаар алнында* (ёмғир ёғар олдида); татар. *кийинликлар алдында*, ҳакас. *позиниң алнинжа* (ўз олдида) ва бошқалар.

2. *ара* кўмакчиси: қадимтуркий. *кишилар ара*, эски ўзбек. *эл ара*, озарбайжон, турк. *адамлар арасинда*, олтой. *чадирлар аразында*, бошқирд. *ики ой араҳында*, қумиқ. *ики уйну арасина*, гагауз. *оннарин арасында*, ҳакас. *оларниң аразында*, караим, нўғай. *оз ара*, нўғай. *йигитлэрдиң арасиннан*, тува. *ийаш аразиндан*, шор. *агаш аразинан*, туркман. *адамларың арасындан*, ўзбек. *тишлар орасида*, шор. *агаш аразиба*, олтой. *тун аразында*, *уйку аразында*, ҳакас. *ики чил аразында* каби;

3. *арқа//арқали* кўмакчилари: озарбайжон. *столун архасында*, қумиқ. *уйну арқасина*, татар. *өйниң аркасиннан*, ўзбек. *уйнинг орқасидан*, шор. *устолдиң арказинан*, нўғай. *оның арқасында*, татар. *аның арқасында*, *синиң арқанда*, туркман. *зэниң арқаңдан*; қозоқ. *кешэ архили*, қорақалпоқ. *көпир орқалы*, татар. *урман аркылы*; қозоқ, қорақалпоқ. *бир жолдас аркили*, қирғиз. *бир жолдош аркалу*, туркман. *бир йолдаш аркалы*, қозоқ. *радио аркили*; татар. *хат арқили*; ўзбек. *бадиий асар орқали* каби;

Эслатма: турли туркий тилларда *-ли(г), -лу(г)* аффикслари орқали бир қанча олинма ва туб туркий кўмакчилар ясалган: бошқирд. *сакли*, қозоқ. *шақти*, қорачой-балқар. *чақли*, татар. *чакли, шикилли*, қорачой-балқар. *чакли*, қирғиз. *шэкилду*, нўғай. *сэкинли*, ўзбек. *шекилли*; бошқирд. *сабабли*, қозоқ. *сэбэпти*, қорақалпоқ, нўғай. *сэбэпти*, татар. *сабабли*, туркман. *зэбэпли*, қорақалпоқ. *туврали*, уйғур. *сэвэплик*, қорақалпоқ. *туврали*, уйғур. *тогрилиқ*, қозоқ. *сийакти, таризди*, ўзбек. *туфайли* ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. *арт* кўмакчиси: бошқирд. *өй артина*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *уйдиң артина*, караим. *ивнин артина*, қумиқ. *уйну артина*, турк. *эвин ардында*, нўғай. *уйдиң арайынан*, татар. *өй артыннан*, тува. *бажың артындан*, тува. *хааржак артынжа*, *гизин артынжа*, қирғиз. *анын артында*, қорақалпоқ. *жийналыстың артынан*, қумиқ. *сени артына*, нўғай. *оның артыннан*, турк. *онуң ардындан*, ўзбек. *унинг ортидан*, гагауз. *ики тавшанин ардина* каби;

5. *аст* кўмакчиси: эски ўзбек. *таш астига*, бошқирд. *теш аэтина*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *тас* (тиң) *астина*, татар. *таш астина*, туркман. *дәш озтина*, ўзбек. *тош остига*; уйғур. *кигизниң астига*, қорақалпоқ. *көз астынан*, гуркман. *таазири азтида* ва бошқалар;

6. *этак* кўмакчиси: олтой. *қирдиң эдэгиндэ*, туркман. *даағың этэгиндэ*, *өөбаниң этэгиндэ* (ўлканинг этагидан);

7. *баш* кўмакчиси: озарбайжон. *даг* (ин) *башина*, олтой. *тууниң бажына*, қорачой-балқар. *тавну башина*, қорақалпоқ. *тав* (диң) *басина*; туркман. *ағажың башында*, ўзбек. *том бошида*, ҳакас. *хазың пазында* (қайиннинг бошида), шор. *алтин сэнэк пажинга* (олтин қанот бошига), тува. *тақ бажында*; озарбайжон. *ожаг башында*, гагауз. *атэш башында*, қорақалпоқ. *от басында*, турк. *ожақ башында*, қорачой-балқар. *тэбесини башында*, турк. *масанин башында* (столнинг бошида), қумиқ. *булак башда*, ҳакас. *улуг аалның пазына*, *тақ пазында*; озарбайжон. *адам башына*, ўзбек. *одам бошига*, турк. *иш башына*, шор. *айткан пажында*;

8. *бет* кўмакчиси: қорақалпоқ. *жердиң бэтина*, нўғай. *уй бетина*, тува. *даг бэтында*;

9. *боз//бод//бой* кўмакчиси: гагауз. *дэрэнин бойунда*, қирғиз. *суу бойында*, қорақалпоқ. *дэрйаның бойында*, гагауз. *йолун бойында*, қозоқ. *жол бұйында*, қирғиз. *йол бойу*, нўғай. *йол бойын* (ша), татар. *йул буйы* (на), турк. *йол бойынжа*, туркман. *йол бойы*; озарбайжон, қирғиз. *омур буйы*, ўзбек. *умр бўйи*, нўғай. *омир бойы*, татар. *гомир буйы*; бошқирд. *көндар буйы*, қозоқ. *қис бойы*, турк. *йиллар бойу*, ўзбек. *одат бўйича*;

10. *қаптал//гаптал* кўмакчиси: қорақалпоқ, уйғур, туркман. *йабық ғапталында*, *өйун ғапталында*;

11. *ич* кўмакчиси: озарбайжон, гагауз. *эвин ичина*, *туранің ичинэ*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *уй (диң) ишинэ*, қумиқ. *уйну ичинэ*, татар. *өй ичина*, турк. *эвин ичинэ*, туркман. *ейүң ичинэ*, ўзбек. *уй ичига*, шор. *эм иштинэ*, гагауз. *онларин ичында*, тува. *бажың иштиндэн*, ҳакас. *иб* (ниң) *истинең*, шор. *тайғаның иштинэң*, ёкут. *хос иҳигар* (хона ичида); татар. *бир йыл ичында*, ўзбек. *бир йил ичида*; ёкут. *ый иҳигар* (ой ичида);

www.ziyouz.com kutubxonasi

12. *ичкари//ичэри* кўмакчиси: ўзбек. *уйнинг ичкарисида*, озарбайжон. *ҳамин абидалар ичкарисинда*, турк. *эвин ичарисинда*;

13. *йак* кўмакчиси: бошқирд, татар. *тав йағына*, қозоқ, қорақалпоқ. *уй* (диң) *жағында*, қумиқ. *уйну жағында*, қирғиз. *мэн жағынан*;

14. *йан* кўмакчиси: озарбайжон, гагауз, турк. *эв* (ин) *йанина*, бошқирд, татар. *ей йанина*, қозоқ, қорақалпоқ. *уй* (диң) *жанина*, қумиқ. *уйну йанина*, тува. *бажиң чанында*, туркман. *өйуң йаанина*, ўзбек. *уйнинг ёнига*, озарбайжон. *эвин йанындан*, тува. *бажин чанындан*, татар. *аниң йаныннан*, чуваш. *ман сумра* (мен ёнимда) *кер йэннэ* (муз олди);

15. *йаң//йаңлиғ* кўмакчиси: ўзбек. *булут йанғлиғ*, қорақалпоқ. *чайнэк йаңлы*; ўзбек. *момақалдироқ йанғлиғ*;

16. *йуз//уз//узра* кўмакчиси: қадимтуркий. *су йузида*, қирғиз. *ер йузунда*, қорақалпоқ. *жер жузиндэ*, турк. *йэр йузунда*, туркман. *йэриң йузундэ*, татар. *адап йезинан*, ўзбек. *ер юзига, ер узра*;

17. *қат* кўмакчиси: қадимтуркий. *тағлар қатында, йэр қатын*, эски ўзбек. *Йусуфун қатына, аниң қатидан*, олтой. *таштиң қадында*, караим. *анын қатны*, қорачой-балқар. *тэрэкни қатына*, татар. *эшик катында*, уйғур. *йотқанниң қатида* (одеял тагида);

18. *қаш* кўмакчиси: қадимтуркий. *су қашында*, эски ўзбек. *бизнинг қашимизга*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *уй* (ниң) *қасына*, нўғай. *уй* (ниң) *қасыннан*, турк. *ман зэниң гашына*, ўзбек. *уй-жойлари қошида*, уйғур. *мактаптиң қашидан*, ҳакас. *талай хазында* (денгиз қошида), *суг хазынзар* (сув ёнида);

19. *кэз//кэд//кэт//кэй* кўмакчиси: олтой. *дурттиң кийниндэ*, ҳакас. *кистиндэ, аал кэстинда, стол кийиндэ*, шор. *столдиң кэстиндэ*, ўзбек. *арава кетида*, шор. *таг кэстиннэн*; олтой. *борунiң кийнинэн*, ўзбек. *унинг кетидан*, ёкут. *ол кеннитэн* (унинг кетидан);

20. *кэп//кэби* кўмакчиси: қадимтуркий. *қушлар кэби*, озарбайжон. *низэ кими* (ёй каби), олтой. *тайга кэпту* (тоғ каби), гагауз. *дал гиби* (тол каби), бошқирд. *тимир кивик*, караим. *отну кибик*, қорачой-балқар. *эшэк кибик*, қорақалпоқ. *гавҳар киби*, қумиқ. *сэни йимик, йилан йимик*, татар. *қуйан кибик*, ўзбек. *сен каби*, уйғур. *адам каби*;

21. *орип//орун* кўмакчиси: эски ўзбек. *су ўрнига, шэкэр орнина*, олтой. *тоннiң ордина*, қозоқ. *су орнына*, караим. *будай орнина*, қорачой-балқар. *ани орнуна*, қумиқ. *ону орнуна*, тува. *ооң орнунга*, нўғай. *акша орнуна*, татар. *ат уринына*, ўзбек. *уй ўрнига*, ҳакас. *аниң пози исчэң нимэниң орнына* (у ўзи ичган нарса ўрнига);

22. *орта* кўмакчиси: олтой. *өлөндөрдиң өртөзинда*, бошқирд. *авылдың уртаҳына*, қозоқ, қорақалпоқ. *жол* (диң) *ортасында*, қумиқ. *йолну ортасында*, қорачой-балқар. *арбазны ортасына* (ҳовлининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасида), нўғай. *кисилэрдиң ортасинда*, татар. *урам уртасинан*, тува. *хэмниқ ортузунда*, туркман. *ховлинин ортасинда*, ўзбек. *ҳовлининг ўртасида*, ҳакас. *ики ағастин ортазинда*, шор. *сас ортазинда* (ботқоқ ўртасида); эски ўзбек. *тун ортасида*, татар. *тон уртасинда*, тува. *дун ортазунда*, ёқут. *жону ортотунан* (одамлар ўртасидан);

23. *өң* кўмакчиси: қадимтуркий. *тиш оқунта, сизниң оңуңузда*, озарбайжон. *соз оңунда*, гагауз. *эвин оңуна, қапусунун оңундан*, турк. *гөз оңунэ, қонун оңунда*;

24. *сари* кўмакчиси: қадимтуркий. *таң сарига*, эски ўзбек. *Хорасан сари*, караим. *арман сарин, орам сартин*, туркман. *гунбатар зари, бизнинг зари*, ўзбек. *қишлоқ сари*, шор. *тайғасартин, ,кол саара*; озарбайжон. *китаб саридан*, қорачой-балқар. *айтханни сартин* (дан), татар. *синиң сартин*, ўзбек. *янги ғалабалар сари*;

25. *сийак* кўмакчиси: қорақалпоқ. *сийак, сийакли, сийакти*, қозоқ. *солар сийакти*, қирғиз, қорақалпоқ. *олик сийакти*; қозоқ. *кол симак*, қирғиз. *киши симак*, татар. *аққош симан*, ўзбек. *кумушсимон, менинг сингари*, бошқирд. *баласи симак*;

26. *сирт* кўмакчиси: қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *уй* (диң) *сиртина*, туркман. *столдун зиртинда, гапиниң зиртиндан*;

27. *таш//тиш* кўмакчиси; қадимтуркий. *ташқари, тишқори*, олтой. *айилдың тиштинан*, бошқирд. *қала тишина*, қумиқ. *қалани тишина*, тува. *бажиң даштинда*, туркман. *ойуң дашында*, турк. *эвиң дишында, эв дишарисинда*; ҳакас. *әлнин тастында*, шор. *тайганиң таштина*;

28. *тэпэ//төпу//төбө* кўмакчиси: қозоқ. *уйдиң төбэсинэ*, қорақалпоқ. *таминиң төбэсинэ*, туркман. *доғиң дэпэзиндэ*, ўзбек. *тоғнинг тепасига*;

29. *туб* кўмакчиси: эски ўзбек. *йиғачниң тубиндин*, олтой. дьэр *тубинен*, қорачой-балқар. *йэрни тубундэн*, караим. *көклөр тибинэ* (кок, осмон тубида), қозоқ. *су тубинэ*, қумиқ. *сувни тубунэ*, нўғай. *айақти тубиндэ*, татар. *қайин тобинэ*, туркман. *даашиң дуйбундэ*, уйғур. *дарах тувида*, ҳакас. *чир тубинзэр*, шор. *алтин устолдиң тубундэ*;

30. *уст* кўмакчиси: озарбайжон. *көрпу устундан*, олтой. *қолимниң устунэ*, гагауз. *отлук устунда*, қозоқ. *тас* (тиң) *устуна*, қорачой-балқар. *таш усунэ*, қумиқ. *уйну устунэ*, турк. *масанин устундэн*, ҳакас. *чир устунэ*, қирғиз. *йэр устундө*; озарбайжон. *душман устуна*, татар. *шулар остина*, туркман. *оғирлигин узтунда*, ўзбек. *бунинг устига, гап нима устида* каби.

Б. Асосан жўналиш келишиги шаклидаги отлар билан бирикувчи от кўмакчилар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) *йақин* кўмакчиси: ўзбек. *юзига яқин*, қозоқ. *кэшкэ жақин*, ўзбек. *кечга яқин*, уйғур. *қишқа йэқин*, озарбайжон. *йуза йахин*, бошқирд. *унга йакин*, уйғур. *бир йилга йэқин*, ҳакас. *муна чағин*, чуваш. *сер синна йағин* (юз кишига яқин);

2) *йағук, йувук, жувиқ* кўмакчиси: олтой. *дьолго дьуук*, ўзбек. *менга йавукча*, қорачой-балқар. *эки жилга жувуқ*, қумиқ. *эки йилга йувук*;

3) *чақ//чаг, чақли* кўмакчилари: бошқирд. *тавга шайи*, озарбайжон. *сахара чаг*, бошқирд. *иртага сакли*, татар. *бийилга чақли*; эски ўзбек. *бир гоз йумурқаси чағлиқ*, бошқирд. *тав сақли*, қозоқ. *бэш шакти*, қорачой-балқар. *уй чакли*, қумиқ. *қашиқ чаки, гэлгэн чаки*, ўзбек. *йигирма чоғли*;

В. Асосан чиқиш келишиги шаклида бирикувчи кўмакчилар:

1) *артих, артиқ* кўмакчиси: озарбайжон. *ҳамидан артиг*, олтой. *эртээзинэн эки артиқ* (олдингидан икки марта ортиқ), тува. *олардан артиқ*, туркман. *мундан артиқ*, шор. *кириқ кижинэң артиқ* (қирқ кишидан ортиқ), ҳакас. *аннақ артих* каби;

2) *башқа* кўмакчиси: озарбайжон. *бундан башга*, олтой. *минан башқа*, бошқирд. *бинан башқа*, қозоқ. *будан басқа*, қорақалпоқ. *буннан басқа*, қорачой-балқар. *миндан башха*, тува. *моон башқа*, турк. *бундан башқа*, уйғур. *буниндин башқа*, ҳакас. *миннан пасха*, шор. *минан пашка*, татар. *сиинан башқа*, ўзбек. *пахтадан башқа*;

3) *бэри/бэру//бэрли* кўмакчиси: олтой. *турадан бэри*, қумиқ. *уйдэн бэри*, қорачой-балқар. *ол кундэк бэри*, ўзбек. *кечадан бери*, ҳакас. *кижэдэн пээр*, бошқирд. *куптан бирли*, қирғиз. *кептен бэри*, қумиқ, *нўгай коптэн бэри*, татар. *куптаннан бирли*, турк. *чоктан бэри*, гагауз. *о замандан бэри*, тува. *кэлгэндэн бэр*, шор. *келгэннэң пээрэ*;

4) *бурун* кўмакчиси: эски ўзбек. *хабардин бурна, йэтмасдин бурун*, бошқирд. *бинан борон*, қозоқ. *будан бурин*, қирғиз. *миндан мурун*, қирғиз. *баридан мурда* (ҳаммадан олдин), тува. *бэш чил мурнунда*, туркман. *даң атмазиндан бурун*, ўзбек. *урушдан бурун*, ҳакас. *прайзинаң пурнада* (ҳаммадан олдин), *миннэң пурун*;

5) *нари//нару* кўмакчиси: эски ўзбек. *Хужанд суйидин нари, андин нарига*, қорачой-балқар. *миндан ари*, қирғиз. *андан ари*, қумиқ. *уйдан ари*, ўзбек. *Термиздан нари*, бошқирд. *уннан ари*, қозоқ. *одан ари*, ҳакас. *аннаң аарох*, шор. *анаң аара*, туркман. *эртирдэн аңрик*, шор. *кадиг чилдаң аара* (оғир йилдан сўнг);

6) *озга* кўмакчиси: эски ўзбек. *Бабирдин өзгэ*, олтой. *қумақтаң өскө*, қозоқ. *мэнэн озгэ*, қорачой-балқар, қумиқ. *мэндэн озгэ*, қирғиз. *мэндэн өзгө*, ўзбек. *мендан ўзга*, тува. *оон өскэр* (ундан ўзга), шор. *анаң өскэ* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Г. Тушум келишигидаги отларга бирикувчи от кўмакчилар:

***куди, куду, қуйи* кўмакчиси**: қадимтуркий. *суб куду*, тува. *ооң бажин куду* (унинг бошига), *оруқту куду* (йўлнинг пасти билан), *суғну куду* (дарё оқими билан) ва бошқалар.

Феъл кўмакчилари

А. Асосан бош ва қаратқич келишиги шаклидаги отлар билан бирикувчи феъл кўмакчилар;

***Бирла* кўмакчиси**: озарбайжон. *тахта ила*, олтой. *пичақ минан*, бошқирд. *балтаиан*, қирғиз. *балта мэнэн*, қумиқ. *балта булан*, татар. *балта билан*, ўзбек. *болта билан*, шор. *малтаба*, *малта била*, бошқирд. *ат минан*, ҳакас. *от пинаң*, караим. *кэча била*, бошқирд. *таң минан*, қорачой-балқар. *таң бла*, туркман. *даң билэн*, қорақалпоқ. *жол мэнэн*, нўғай. *қиз бан* каби.

***са-, сайин* кўмакчиси**: олтой. *дьволдор сайин*, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай. *кун сайин*, татар. *кон сайин*, қорачой-балқар, қирғиз. *кун сайин*, қумиқ. *гун сайин*, туркман. *гун зайин*, ўзбек. *кун сайин*, уйғур. *кун сайин*, ҳакас. *кун сай*, шор. *кун сайа*, ёқут. *кун аайи*, караим. *киши сайин*, қорачой-балқар. *хар орам сайин*, ёқут. *киһи аайи* (ҳар кишига), *киҳи аайиттан* (ҳар кишидан), қирғиз. *кэлгэн сайин*, ўзбек. *келган сайын* каби.

Б. Асосан тушум (бош) келишиги шаклидаги отлар билан бирикувчи феъл кўмакчилар:

***Айлан//айнал* кўмакчиси**: олтой. *коол айландира, ортоликни айландира, тайгани айлантира* каби.

***Аша* кўмакчиси**: бошқирд. *тав аша*, тува. *таг ажир*, турк. *даг ашири*, шор. *тагди ажида*, гагауз, турк. *дэниз ашири*, татар. *урам аша*, ҳакас. *Кимни азира* (Енисей оша), эски ўзбек. *уч кун оша*, гагауз. *гун ашири*, туркман. *гунаша*, татар. *радио аша*, тува. *мэни ажилдир* (мендан оша), ёқут. *они ааҳан* (ундан оша) каби.

***Кэч* кўмакчиси**: олтой. *дьол кэчира* (йўлдан ўтиб), тува. *хэмни кэжир*, ҳакас. *суғни кизирэ* (дарёдан ўтиб), ҳакас. *чол кизирэ*, шор. *орам кэжирэ* (йўлдан ўтиб) ва бошқалар.

***От* кўмакчиси**: олтой. *куйун откура* (қуйун ўткач), бошқирд. *урман ута*, тува. *чэр өттур*, ҳакас. *чир өтира*; тува. *кэжэни өттур* (бутун кеча), озарбайжон. *ушағдан отру* (бола туфайли) каби.

***Чила* кўмакчиси**: олтой. *будай чилап* (буғдойдек), *уку чилэп* (уккудай), ҳакас. *мални чили* (молдай), шор. *козан чилэп* (қуёндай) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

В. Асосан жўналиш келишиги шаклидаги отлар билан бирикувчи феъл кўмакчилар:

***Бақ* кўмакчиси**: эски ўзбек. *Ош сарига бақа, озга ерга бақа*, қумиқ. *уйгэ бағип*, туркман. *айа бакаа* каби.

***Бол* кўмакчиси**: эски ўзбек. *Андижонга бола*, олтой. *ого болуп* (ундан бўлиб), қозоқ, қумиқ, қорақалпоқ. *сизга бола*, бошқирд. *ағашка бола*, татар. *хунарина бола* ва бошқалар.

***Йараша* кўмакчиси**: эски ўзбек. *аңа йараша*, қирғиз. *сезге жараша, шартка жараша*, ўзбек. *қобилиятига йараша* каби.

***Йэт* кўмакчиси**: қирғиз. *айилга жэтэ*, тува. *хоорайга чэдир* (шаҳарга ета), ҳакас. *таға читирэ*, қирғиз. *кэчкэ жэтэ*, тува. *кэжэгэ чэдир*, олтой. *бир муңга дьэтир* (бир мингга ета) ва бошқалар:

***Қара* кўмакчиси**: ўзбек. *айтишига қарағанда*, қирғиз. *айилга қарай*, бошқирд. *Москвани қарай*, уйғур. *дегинимга қарамай*, туркман. *айдишина қарамаздан*, бошқирд. *ишина қарап*, ўзбек. *қишлоққа қараб*, қирғиз. *йумушқа қарата* ва ҳоказо.

***Қариш, қарши* кўмакчиси:** эски ўзбек. *ғамзаң оқуға қаршу*, озарбайжон. *она гарши*, туркман. *она гарши*, гагауз. *она карши*, ўзбек. *унга қарши*, қорачой-балқар. *сизга каршчи*, қорақалпоқ. *сизга қарси*, қозоқ. *жэлга қарси*, уйғур. *шамалга қарши*, нўғай. *ағинға қарси* ва бошқалар.

***Кўр, кўра* кўмакчиси**: озарбайжон. *адатина гора, сиза гора*, олтой. *билтаргизина көрө*, қорачой-балқар. *ишина корэ*, қумиқ. *бу хабарлаға гөрэ*, қумиқ. *айтувина корэ*, турк. *йаздикларина горэ*, бошқирд. *шуға кура*, ҳакас. *саға көрэ*, чуваш. *амашнэ кура* (онасига кўра) каби.

***Тарт, тартиб* кўмакчиси**: қозоқ. *онға тарта*, уйғур. *кузга тартип*, ҳакас. *чээнизэр тартин* (қабиласига тартиб) каби.

***Тэг, тайин, дайин* кўмакчиси**: эски ўзбек. *йарим йўлға дегин* (-гача), *магрибга тэгинча*, туркман. *уйа дэңэч*, қозоқ. *қалаға дейин*, ёқут. *куоракка диэри* (шаҳаргача), нўғай. *авилга дэйим*; караим. *таңға дэйин*, қозоқ, қорақалпоқ. *кэшкэ дейин* ва бошқалар.

Г. Асосан чиқиш келишиги шаклидаги отлар билан бирикувчи феъл кўмакчилар:

***Бошла* кўмакчиси**: олтой. *ол куннэң баштап*, бошқирд. *ул кондан башлап*, қирғиз. *ол кундан баштап*, татар. *шул коннан башлап*; қорақалпоқ. *сол вакиттан баслап*, нўғай. *бугуннэн баслап*, ўзбек. *биринчи кундан бошлаб* каби.

***Чиқ* кўмакчиси**: ҳакас. *ибдэң сиғара* (уйдан чиқа), *козунэктэң шиғара* (ойнадан, деразадан чиқа), ҳакас. *он чилдан сиғара* (ўн йилдан ошди) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***Уза, узра, учун* кўмакчилари** бошқа барча кўмакчиларга нисбатан маъно ва синтактик алоқалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларига эга.

Уза ва *узра* кўмакчилари бош, қаратқич келишигидаги отлар ва сифатдошларга қўшилиб ҳаракатнинг жўналишини, ҳаракат содир бўлган пайт ва ўринни англатади: эски ўзбек. *гул узра*, турк. *йол узра*, *умуми дилчилик узра* (умумий тилшунослик бўйича), ўзбек. *қум узра*, *шаҳар узра* каби.

***Учун* кўмакчиси** бош келишик шаклидаги отлар, қаратқич келишиги қўшимчасини олган олмошлар ва айрим феъл шаклларидан кейин сабаб, натижа, мақсад маъноларини англатади ва ўзи бирикиб келган сўз билан бирга ҳоким сўз томонидан бошқарилади.

Мисоллар: олтой. *сэниң учун*, татар. *синиң очин*, туркман. *зэниң учун*, ўзбек. *сен учун*, озарбайжон. *ифода этмак учун*, олтой. *сут учун*, гагауз. *кушлар ичин*, қозоқ. *олув ушин*, қорачой-балқар. *алир учун*, ўзб. *олиш учун*, қирғиз. *бул нарса учун*, нўғай. *корганим ушун*, ўзбек. *уйнинг ичига кирмаслик учун* ва бошқалар.

ЮКЛАМАЛАР

Юкламалар айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно жилоси бериш учун қўлланадиган сўз ва аффикслар гуруҳидир, лекин ҳамма грамматик адабиётларда юкламалар алоҳида ёрдамчи сўз туркуми сифатида ажратилади.

Одатда, юкламаларга лексик маъно ифодаламаслиги, махсус морфологик кўрсаткичларига эга эмаслиги, гапда бирор синтактик вазифани бажариб келмаслигига кўра ёрдамчи сўзларнинг бир тури сифатида қаралади. Лекин юкламалар ана шу ҳусусиятлари билан фақат мустақил сўзлардан фарқланмай, балки ёрдамчи сўзлардан ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, юкламалар боғловчи ва кўмакчилар каби сўзлар ўртасидаги муносабатни, синтактик алоқани ташкил қилмайди, умуман, юкламалар бундай вазифани бажариш учун ҳеч қандай грамматик хусусиятга эга эмас.

Ёрдамчи сўзлар деганда асосан мустақил сўзлар ўртасидаги алоқани, ўзаро муносабатга восита бўладиган, воситачилик қиладиган тил элементлари тушунилади. Ёрдамчи сўзларга қўйиладиган бу ўлчамни юкламаларга ҳам тааллуқли дейиладиган бўлса, юкламалар ҳамда боғловчи ва кўмакчи сўзларнинг фарқи аниқ сезилиб қолади. Ана шу ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда юкламаларга мустақил сўз туркумларидан ҳам, ёрдамчи сўз туркумларидан ҳам фарқ қиладиган алоҳида сўзлар гуруҳи сифатида қарашга тўғри келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам юкламаларни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратишнинг яна бир мушкул томони бор. Чунки юкламаларнинг асосий қисмини турли модал маъноларни англатадиган аффикс юкламалар ташкил этади. Шубҳасиз, аффикслар қандай маъно ифодалашидан қатъи назар сўз эмас. Шунинг учун уларга сўз туркуми деб қараш ҳам у қадар тўғри эмас, балки уларни аффиксларнинг қандайдир ўзига хос бир гуруҳи деб қараш мақсадга мувофиқдир. Буни қандай ҳал қилиш ҳали бутун туркий тилшунослик олдидаги асосий муаммолардан биридир.

Бу соҳага бағишланган илмий ишлар ва туркий тиллар грамматикаларида юкламалар, асосан маъно хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги турларга ажратилади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари.
2. Кучайтирув ва таъкид юкламалари.
3. Айирув ва чегаралов юкламалари.
4. Аниқлов юкламаси.
5. Гумон юкламаси.
6. Инкор юкламаси.

Сўроқ ва таажжуб юкламалари. Умумтуркий сўроқ юкламаси *-ма // -ми* ҳозирги ҳамма туркий тилларда мавжуд бўлиб, ҳар бир туркий тилда камида иккитадан саккизтагача фонетик шаклларига эга: олтой тилида *ба//бе, па//пе, бо//бө, по//пө*; ҳакас, шор, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай тилларида *ма//ба//па*; ўзбек, уйғур, татар тилларида *-ми//-ма* ва бошқалар. Мисоллар: татар. *акша ба°рме*? ўзбек. *соғмисан*; қозоқ. *өйдемисин*? турк. *гелдими*? шор. *тайғыда аң коппе*?; қорақалпоқ. *къз-ба, ул ма*? каби.

Туркий грамматик адабиётларда *-ма//-ми* сўроқ юкламасини дастлаб кучайтирув, таажжуб юкламаси бўлганлигини, баъзи тилларда бу юкламадан кейин маънони кучайтириш учун *ни//на* сўроқ олмоши ҳам қўшилишини тахмин қилинади: қозоқ. *екевин-бе*? *уйдэ-мэ*!?, *бирпас-па?!*; олтой. *кэлдэ-бэ*? гагауз. *булутму*?, қирғиз. *сэнеиң-би*? тува. *инда ким пар-ил, оларни-бэ, ази бистарни-бэ*, ҳакас. *ираҳ-па, чагин-ма*?, бошқирд. *ол килгэн -мэ-ни*? (у келдими, а?!), ҳакас. *ол килгэн-мэ-ни, ногала мин парғам-ни*? (нега фақат мен бордим-а?!) каби.

Сўроқ юкламаларидан *-а, -я* шакли фақат ўзбек тилида мавжуд бўлиб, бошқа туркий тилларда учрамайди, сўроқ ва таажжуб юкламаси *-чи* ҳам фақат Ўрта Осиё туркий тилларидагина мавжуд: қозоқ. *сэн-шэ*? *кэлсэ-шэ*, қорақалпоқ. *сиз-шэ*, ўзбек. *гапирсанг-чи, болам, дардингни айтсанг-чи*?! (А.Мухтор), *яхшиси, китоб ўқисам-чи, бизникига бир келсанг-чи* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айрим туркий тилларда *-чи* юкламаси берадиган маънони ўзбек тилида мавжуд бўлмаган бошқа юкламалар воситасида англатилади, масалан, озарбайжон тилида *бас* юкламаси орқали: *бас сиз* (сиз-чи?!), *санин дэйил, бас киминдир*; ёқут тилида *дуу, даа* орқали: *истэгин-дуу* (эшитинг-чи) каби.

Кучайтирув ва таъкид юкламалари ҳозирги туркий тилларда энг кўп тарқалган бўлиб, улар асосан кучайтирув, таъкид, эмоционал-экспрессив, истак, хоҳиш, илтимос каби маъноларни англатади.

Умумтуркий *-да//-та* (вариантлари кўп) юкламаси ўзи бирикиб келган сўз (ё гап)нинг маъносига кучайтирув, таъкид, ажратиш, экспрессив-эмоционаллик каби қўшимча маънолар киритади.

Мисоллар, шор. *мен-да көрдим*; олтой. *ой-да, қой-до дьоқ*; ҳакас. *син-де ургенерзің*, қорачой-балқар. *бир зот-да айталмадым*; татар. *ба°шқалар билан Жиханша бабай-да килген иди*; туркман. *тизрэк оқида*! (тезроқ ўқи-да); ўзбек. *ўзинг биласан-да*; чуваш. *Вутра-да сунмарис, шывра-да бутмарис* (ўтда ҳам куймадилар, сувга ҳам чўкмадилар); қирғиз. *жерда, суу да биздейлердики*; *не де гузел шей* (қандай ажойиб нарса); олтой. *бу дьэрдэ қайин-да, аспак-та, тит-та өзуп дьат* (бу ерда арча ҳам, қайин ҳам, тут ҳам ўсиб ётибди); бошқирд. *килди-да, китти*; татар. *қаржик-та йокламаган, курасиң*; туркман. *гаррилар-да, йаашлар-да*; ҳакас. *азираан-даа адази чоғил эмискэн-дэ ижэзи чоғил* (уларни овқатлантирадиган отаси ҳам, сут берадиган онаси ҳам йўқ); чуваш. *сэгэт-тэ иртмэрэ* (соат ўтмай); тува. *индиг болза-даа* (шундай бўлса ҳам) ва бошқалар.

Кучайтирув ва таъкид юкламаларидан *-ку, ҳам, -у, -ю, -оқ, -ёқ, -ки* (ким) асосан кучайтириш, таъкид маъноларини англатиш учун қўлланади.

***-ки* юкламаси**: озарбайжон. *бу-ки, сен-ки билирсан, о гэтди-ки, чалиш-ки, бикар газма-ки* (ишлагин, бекор кезмагин), *аавал истади-ки, ҳагиғати гиздан гизлатсин* (у қиздан ҳақиқатни яширишни истади); турк. *ишиттим-ки кардэши гитмиш*; *өйлэ кизийорум-ки* (шундай қизияпманки): *о гадар харжади-ки* (у шунча кўп пул харжлади-ки); ўзбек. *билдимки, сиз келган экансиз*; *у шундай катта-ки, тасаввур қила олмайсиз*;

***Ҳам* юкламаси** ўзи кучайтириб ё таъкидлаб келган сўздан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Бу кўмакчи асосан таъкид маъносини англатади: туркман. *мэн-эм* (мен ҳам), ўзбек. *уни ҳам ўқитаман, ўзим ҳам ўқийман* (Шухрат); *Ҳаққим ҳам бор, имконим ҳам бор* (А.Мухтор); *Темирчининг уйи тор бўлса ҳам, феъли кенг эди* (Ш.Рашидов).

www.ziyouz.com kutubxonasi

***-оқ//-ёқ* кўмакчилари** асосан қипчоқ гуруҳ тиллар ва қисман ўзбек, уйғур тилларида мавжуд бўлиб, қадимтуркий тилларда ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам воқеа ёки ҳодисанинг реал юз берганини таъкидлаб кўрсатади.

Мисоллар: қадимтуркий тил. *эмди-оқ айдим* (дарров-оқ айдим), *бир-оқ оғли эрди* (ягона ўғли эрди); олтой. *бу оқ кун* (шу куни -ёқ), ҳакас. *пастух хайдаг, хойлар андаг-ох* (чўпон қандай бўлса, қўйлари ҳам шундайдир), *сол кун-оқ* (ўша куни-ёқ); қозоқ. *пиили мақъл-ақ*; ўзбек. *биринчи йилда-ёқ*; чуваш. *чинағах* (шундай-ёқ) каби.

Бу юклама фақат отлардан кейин эмас, балки олмош, равишдош, равиш ва келишик шаклларини олган сўзлардан кейин ҳам қўшилиб, юқоридаги маъноларни англатади: эски ўзбек. *Самарқандин-оқ Мэшҳэдда-оқ, бурунгидак-оқ, тунла-оқ*; олтой. *ол-оқ* (уша), *анда-оқ* (ўша ерда ёқ); татар. *куптан-ук, башта-ук*; туркман. *дашарик* (ташқарида-ёқ), *юқариқ* (юқорига-ёқ); ҳакас. *тигдэн-ок* (у ёқдан-оқ), *пунок* (бугун-оқ); чуваш. *кэзер-эх* (кечга-ёқ); шор. *ирактанок* (йирокданоқ) каби.

Ўзбек тилида *-ки*, уйғур *-қу//-ғу*, гагауз *-ко*, бошқа тилларда *қой// -ғой* шаклида қўлланадиган таъкид юкламалари таъкид, истак, илтимос маъноларини англатади: қозоқ. *Асқардиң туған жери Шортаң қаласи деп эдик-қой*; *сэн-ғой Кэрэймин дэдиң* (сен Керей уруғиданман дединг-ку); қирғиз. *адамсиң-го* (одамсан-ку); қорақалпоқ. *белгили-ғой* (белгили-ку): татар. *мин-ав сиңа айтканкуй* (мен сенга айтдим-ку), *базарга бордимқий* (бозор бордим-ку); ўзбек. *у кетди-ку, ўзику кандайдир айб сезди, бунда ҳеч қандай ёзув йўқ-ку*; уйғур. *Ахмат-ку хэлигича йэтип борди* ва бошқалар.

Энг, жуда, ҳатто, ҳаттоки, лиқ, ғарқ, жиққа, тап каби юкламалар асосан кучайтирув маъносини англатади: қорачой-балқар. *тап сэн окуна кэл* (сен ҳам кел); ўзбек. *ҳатто мен ҳам эшитмай келдим, зал студентлар билан лиқ тўла, усти жиққа ҳўл* ва бошқалар.

Айирув ва чегаралов юкламалари (*-гина//-кина//-қина, фақат*) турли сўз туркумлари билан келиб, уларни чегаралаб, ажратиб кўрсатиш учун қўлланади: эски ўзбек. *бу-гина, бир-гина, бир сариғ ит-кина*; бошқирд. *бил кишигина*; қозоқ. *они-ғана*; *Ақбутағана*; татар. *кечагина, бараңчи-гина* (картошкагина), *тик шуннан соң-ғина*; қозоқ. *тэк бул балани-ғана*; ўзбек. *фақат у келганда-гина, фақат бу кишигина, фақатгина, она ўз ўғлини севади фақат, фақат севади-ю эртак айтади* (Ҳ.Олимжон) ва бошқалар.

Аниқлов юкламаси (*худди, нақ*) ўзи мансуб бўлган сўзнинг маъносини аниқлаб кўрсатиш учун қўлланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллар: *ўтган кун кечаси худди шу ерда катта мажлис қилинди; ҳар боши нақ бир сават бўларди* каби.

Бу юкламанинг *иштэ, там* сўзлари орқали ифодаланган тури фақат турк тилида учрайди: *иштэ бу сирада* (ана шу вақтда), *тас бу сирада* (айнан шу пайтда) каби.

Гумон юкламаси (*-дир*) барча сўз туркумларига қўшилиб кела олади ва ўзи алоқадор сўзга гумон, аниқсизлик маъносини беради.

Мисоллар: ўзбек. *бола уқдим, дегандай бошини қимирлатиб, қаергадир ўқдай учди* (Ойбек); бошқирд. *бил киши кимдир*; турк. *ким билир қачинжи дэфа окуйунсундур, ҳани бира-да коту бир ички дэйилдир* (ҳеч бўлмаганда, пиво ҳам яхши ичимликдир), *ким олдугумузу ақламишсиндир*; чуваш. *син албатта узиңдиң калашинди йаратаҳиңдир* (сен албатта ўзингнинг келинчагингни севарсан), *озак йоклагансиңдир* (узоқ ухлагандирсан), *моғайин бил қош қузийкурпастандир* (бу қуш кўзи курпечдан бўлса керак) каби.

Туркий тилларда гумон маъноси тўлиқсиз феълнинг *экан, эмиш* шакллари орқали ҳам ҳосил қилинади: турк. *бу иши жиддийэ алмийор-муш-уз*; қирғиз. *Өкмэт қаризга ақча бэр эртэкэн*; туркман. *онуң нэмэ хийали баар-ка*? ўзбек. *йўқ эмиш, у кетган эмиш* каби.

Инкор юкламаси (*на, тугул*) гапдан англашилган фикрнинг юз бермаслигини англатади.

Мисоллар: *бу ерда на том, на дереза бор; унинг эсига на севги, на истироҳат келди*; озарбайжон. *бу инди мумкун-дэгил*; нўғай. *бу айван тувил* (бу ҳайвон эмас); татар. *иштан кочли нарса табу момкин тугил*; турк. *йазажқак дэгил* (у ёзмайди); *бэн, дэгил гундэ, ҳафтада элли лира казанамийордум* (мен кунда, ҳафтада эллик лира топа олмас эдим) ва бошқалар.

БОҒЛОВЧИЛАР

Қадимтуркий тилларда сўз туркуми сифатида шаклланган боғловчилар бўлмаган. Агглютинатив тизимда бўлган барча тиллар, жумладан, туркий тиллар учун ҳам, боғловчиларнинг мавжуд эмаслиги у қадар сезилмаган, чунки уларнинг вазифасини бошқа туркумлардаги турли сўзлар бажарган.

Тил тараққиётининг қадимги даврларида асосан жонли сўзлашув тили алоқа воситаси сифатида хизмат қилгани учун боғловчи воситалар талаб қилинмаган. Туркшунос олимлар ҳатто тил тараққиётининг ёзма шакли шакллана бошлаган даврларда ҳам гап қурилишининг содда бўлганлигини таъкидлашади.

Боғловчилар ҳамма туркий тилларда энг янги сўз туркумларидан бири бўлган. Бу ҳар бир айрим олинган туркий тилда ёзма адабий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилнинг шаклланиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Қайси туркий тилда тилнинг ёзма адабий шакли қанчалик қадимийликка эга бўлган бўлса, боғловчи ва боғловчи воситалар ҳам шунчалик ўз қадимийлигига эга бўлган, аксинча, қайси тилларда ёзма адабий тилнинг шаклланиши кейинги даврларнинг маҳсули бўлса, боғловчиларнинг шаклланиши ҳам шу даврларга тўғри келган.

Ҳозирги туркий тилларнинг тараққиёти боғловчиларнинг икки йўл билан ҳосил бўлганлигини кўрсатади:

1. Ҳар бир туркий тилнинг ўз ички имкониятлари орқали тил тараққиётининг дастлабки даврларида туркий тилларда боғловчи воситалар сифатида айрим таъкид юкламалари, баъзи феъл шакллари, олмошлар хизмат қилган. Қиёсланг: қадимги қипчоқ. *қачан йолдан барирлар иди утру бир киши йолуқту*; эски ўзбек. *сешанба эди ким Хожандқа йэттим*; ўзбек. *на хотин бор, на бола-чақа*; гагауз. *чойук аннамиш они падишаҳ ана иш вэрмийор*; туркман. *Хачан ичи горландан зоң өйлэрина гайдип гелйарди.*

2. Четдан сўз олиш орқали. Ҳозирги туркий тилларда боғловчилар асосан араб, форс-тожик, қисман рус тилларидан олинган:

а) араб: озарбайжон. *аммо, лекин, фақат*; татар. *әммә, ләкин, фақат*; туркман. *әмма, вәли, вәлин*; ўзбек. *аммо, лекин, лек, ва лекин*;

б) форс-тожик: озарб., бошқирд, татар, уйғур. *ҳам*; гагауз, турк, туркман. *ҳэм*; ўзбек. *ҳам*; озарбайжон. *йа, йахуд*; бошқирд, татар. *йә, йәни*; ўзбек. *йо, йохуд*; уйғур, ўзбек. *чунки*; уйғур. *әгәр*; турк. *әгәр*; ўзбек. *агар*; озарбайжон. *ҳәргәнд*; бошқирд. *гәрчә*; ўзбек. *ҳарчанд*; озарбайжон, туркман. *гоҳ*, ўзбек. *гоҳ*; озарбайжон, гагауз, турк, туркман, ўзбек. *ки*; озарбайжон, гагауз, турк. *нә*, ўзбек. *на*; озарбайжон, турк, гагауз. *истәр*; ўзбек. *хоҳ*;

в) араб, форс-тожик: озарбайжон. *мадам ки, модомики*; озарбайжон, уйғур. *вә хәм, вә йахуд, ва йәки*;

г) рус: бошқирд. *ә, әту, хатайа*; гагауз. *да, а*; караим. *то, а, и, но, хатйа, хот*; ҳакас. *а, а то, зато, хот* каби.

Ҳозирги туркий тилларда боғловчилар анъанавий равишда тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади.

Тенг боғловчилар

Тенг боғловчилар гап бўлаклари ва айрим содда гаплар орасидаги тенг муносабатларни боғлайди. Ўзбек тилидаги каби ҳамма туркий тилларда ҳам тенг боғловчилар маъно ва вазифаларига кўра бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўринишларига эга: бириктирувчи боғловчилар, зидловчи боғловчилар, айирув боғловчилар ва инкор боғловчиси.

Бириктирувчи боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гап таркибидаги айрим содда гапларни тенглик муносабати орқали боғлайди. Туркий тилларда бириктирувчи боғловчиларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

***ва (-у//-ву//-йу)* боғловчиси**: эски ўзбек. *дард ва гамим, ол биру бир*; озарбайжон. *санин халгин ҳисабсиз рум ва рус ва Афганистон ва Ҳиндистон ва Туркистон ва Арабистон ва Фарангистон мамлакатларини...*; ўзбек. *тарвузнинг бир палласини ўзи олиб, иккинчи палласини Йўлчи ва Ўроз олдига қўйди* (Ойбек).

***Ҳам, ҳамда* боғловчиси**: бошқирд. *мин уқизим, ҳам йазам*; озарбайжон. *узун ҳам энли*; эски ўзбек. *кўнул бэрди соз ҳам йўрутти тилиҷ*; ўзбек. *У Ўктам ҳам Ўсаржонга қараб салмоқланиб деди* (Ойбек).

***Токи//таки//та//да* боғловчиси**: қадимтуркий. *уч йуз тақи сэкиз алтмиш*; *кун тоғушидан да кун батушигача*; турк. *буну алсин да оқусун, бэни горду дэ салам вэрди*; ўзбек. *китобни олдида кетди.*

***Баса//база* боғловчиси**: олтой. *бистиң дьэрдэ меш қарағай чиби база тит озуп дьат*; тува. *хат хадаан база час чағган* (шамол турди ва ёмғир ёғди); ҳакас. *аниқ пу саринда кидэр тирэктэр соттэр паза титтар тулғапчатханнар* (унинг бу томонида қатор тераклар ўсган ва тутлар тебранади).

***Билан//ила//ла//булан//минэн//мэнг* боғловчиси**: озарбайжон. *шакл ила маъно арасинда*; қозоқ. *қалам мэн даптар*; қирғиз. *уй мэнэн қай* (сигир билан қой), *Азиз мэнэн Абдилда*; қумиқ. *ал булан йашил, көк булан йэрни арасинда*; тува. *өшку бил хой, кидирааш била қарандаш* (дафтар билан қалам);

Зидловчи боғловчилар уюшиқ бўлаклар, содда гаплар ва боғловчили қўшма гаплар таркибида қўлланиб, улар ўртасидаги зидлик муносабатини ифодалайди. Булар қуйидагилар:

***Йэмш//дьэ//йэ* боғловчиси** ҳамма туркий тилларга хос эмас, айрим туркий тиллардагина учрайди: олтой. *кыш карлу дьэ сөк эмэс* (қиш қорли, лекин совуқ эмас), *бистиң таадабис карган дьэ қадиық* (бобомиз кекса, лекин бақувват); ҳакас. *Чулым суг улуг нимэс чэ тирэң* (Чулим дарёси катта эмас, лекин чуқур) каби.

***Тизэ(ң)//дэзэ* боғловчиси**: олтой. *олор бискэ айттилар бис дэзэ укпадибис* (улар бизга айтдилар, лекин биз англамадик); шор. *мэн сэни қийгирғам сэн тэзэ ун пэрбэдиң* (мен сени чақирдим, лекин сен жавоб бермадинг), *улар анда қалдилар мэн тэзэ пэрэ нан кэлдим* (улар қолди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен эса келдим), ҳакас. *хахпас хири иргилэнин чарими-ла турча чаримин тизэң кэмниң-дэ холи чардинаң наачилап салтыр* (очиқ қолди, лекин ярми яна кимнингдир қўли билан ёпилди).

Вале, ва, лекин, лэк, лэкин, амма **боғловчилари**: озарбайжон. *бир гәдәйәм мән вәли гор ниййати султанлығым* (бир гадоман, лекин султонликка ниятимни кўр), *гөз йаши төкэрди лэйк нэ суд* (кўздан ёш тўкилди, лекин не фойда); эски ўзбек. *магар уйқуда йузун коргай эрдим, валэ ҳажринда көздан учди уйқу; хуб айтип эди, амма мен рази болмадим.* ўзбек. *гапингиз тўғри экан, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор; Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди* (А.Қодирий). Ўзбек тилида *бироқ* ва *балки* зидловчи боғловчилари ҳам бўлиб, бу бошқа туркий тилларда учрамайди: *Ўктам мевaларни саралайди, бироқ, егиси келмайди.* (Ойбек). *Ёлғиз ўзи эмас, балки бутун косиб аҳлининг аҳволи пачава эканини очиб ташлади* (Ойбек).

Айирув боғловчилари ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг такрорини англатади. Булар қуйидагилар:

Ара: қадимтуркий. *ара ач, ара тоқ; ара бар болур мэн, ара йоқ болур; арала авитур, ара йиғлатур* каби.

Бир-бир: қорачой-балқар. *бир ол кэледи бир бөру*; тува. *бирдэ бажи, бирдэ холдари* (гоҳ қўли, гоҳ боши) каби.

Гаҳ: эски ўзбек. *корсатур гаҳ тиғ ва гаҳ оқ; гаҳ сарв узра гаҳи гул узра*; озарбайжон. *гаҳ биза гэлир, гаҳ онлара*; ўзбек. *у қизга гоҳ кўкиш, гоҳ кўк, бирдан чақновчи кўзлари билан боқар* каби.

Ҳоҳ: *сэни, сэни сэварам хоҳ инон, хоҳ инонма; хоҳ бугун хоҳ эртага* ва бошқалар.

Ё, ёки, ёхуд: эски ўзбек. *йа нишон айлар багирни, йа юракни ё мани*; озарбайжон. *йа ман, йа сан йа да ки достумуз орайа гэтмайик*; бошқирд. *йа унга йа сулга*; турк. *йа бэн алданийорум, йа сэн*; ўзбек. *ё сен борасан, ё мен бораман*; эски ўзбек. *ёхуд армани, ёхуд араб* каби.

Инкор боғловчиси *на*: эски ўзбек. *на киши аңа охшар, на ол кишига*; турк. *на дунин на гундузин арам этмэк*; озарбайжон. *на озу, на да досту буну билмадилар*; бошқирд. *ни Азат йўқ, ни Наил*; ўзбек. *на сув бор, на озуқа, на дарахт*; чуваш. *ни масе ни шаржэ* (на жун, на момиқ) ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эргаштирувчи боғловчилар

Эргаштирувчи боғловчилар ҳамма туркий тилларда ўзбек тилидаги каби қўшма гаплар таркибидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш, кўчирма гапларни ўзлаштирма гапга айлантириш, баъзан айрим мураккаб сўз бирикмалари таркибида эргаш гапларни бош гапга боғлаш, бўлакларни бир-бирига тобелантириш учун ишлатилади.

Ҳозирги туркий тилларда эргаштирувчи боғловчилар кўп, булар қуйидагилар:

Агар//эгар//гар: қадимтуркий. *агар муъмин эрсанг, тавау қилин*; эски ўзбек. *агар жон бўлмаса, тандин не ҳосил*; озарбайжон. *агар ижаза вэрса гатарин ашханасин гэдирсиниз*; бошқирд. *агар қайтҳа бөгөн ук барирмин*; қирғиз. *эгэрдэ кэлбэсэ нэтэт; туркман эгэр ол гэлзэ мэн ҳэм баририн* каби;

Агэрчэ//гэрчэ//гэрчи: эски ўзбек. *эгэрчэ қасаба эмэс, йахшигина қасабачадур* (гарчи, йирик шаҳар бўлмаса ҳам, яхшигина шаҳарчадир);

Ҳарчанд (ким): эски ўзбек. *ҳарчандким вариси йоқ эди*; озарбайжон. *ҳарчанд ай ишиғи йох иди, амма ҳава о қадар да қаранғ дэйилди*; ўзбек. *афанди ҳарчанд уринса ҳам, салласини силлиқ қилиб ўролмади*;

Ҳарнэча: эски ўзбек. *мен Ғазнида ҳар нэча тажассус қилдим бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади*;

Башарти: ўзбек. *башарти у келса ҳам*;

Бавужуд: *бавужуд ким атимни айтим ҳам муддатдин сонра танидилар*;

Чу, чун, чунки: эски ўзбек. *ерга кирсам кошки чун йэтмас ул айга элик*; ўзбек. *келаман, чунки бошқа йўқ*; эски ўзбек. *мэн чу олсам хоҳ унутгил анда хоҳи ёд қил.*

Та (кэ): эски ўзбек. *та анда йэткунча*; ўзбек. *то ҳамма йиғилгунча, мен шу ерда бўламан*; турк. *ачиқ сойлуйорум, токи ҳэр кэс анласин*;

Зэро (ки); *битирмадим школни зэра лазимди одэма пара* (Мен мактабни тугатмадим, чунки пул тўлаш керак эди);

Сабаби: қорақалпоқ. *Арзигул оннан даслэп сэскэпиқкир эди, сэбэби Гулайим алдина адам салмаган тэриши*; нўғай. *ол коңилсиз қайтти, сэбэби атшабиста ати бариниңдэ изинда қалди* ва бошқалар.

УНДОВЛАР

Ундовлар кишиларнинг ҳис-туйғуларини, турли жонворларга нисбатан буйруқ-хитоб, ҳайдаш-чиқариш каби эмоционал-экспрессив

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзлар бўлиб, улар ҳамма туркий тилларда фонетик жиҳатдан қисман фарқланмаса, асосан бир хилдир.

Мисоллар: қорақалпоқ. *вой-вай, вах, ах, уй-бий, хав, хав-хав*; турк. *вай, ах, вах, пэх-пэх, хай, хэй*; гагауз. *хей, ай, хай, вай, оф, ох, гах-гах, куш-куш* ва бошқалар.

Ундовлар олтой, тува, ҳакас, ёқут тилларида бошқа туркий тиллардан қисман фарқ қилади. Масалан, тува тилида *эвэ* (ух), *пак* (ух), *пак* (эх), *аа, ээ, хаа ох, уваа* (ох), *хеег-хеег* (хуш-хуш), *сок-сок* (баҳ-баҳ) ва бошқалар.

ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР

Тақлидий сўзлар ҳозирги туркий тилларда ўзининг барча хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қиладиган сўзлар категориясидир.

Тақлидий сўзлар лексик маъно англатмаслиги, махсус сўз ўзгартирувчи шаклларига эга эмаслиги жиҳатидан мустақил сўз туркумларидан, сўзлар ўртасидаги муносабатни англатмаслиги жиҳатидан ёрдамчи сўзлардан, ҳатто, экспрессив-эмоционаллик хусусиятига эга эмаслиги жиҳатидан ундовлардан ҳам фарқ қиладиган сўзлар гуруҳидир.

Тақлидий сўзлар борликдаги турли жонли ва жонсиз предметлар, нарса ва ҳодисаларнинг табиий образ ва товушларининг тахминий ифодасидир.

Инсоннинг сўз яратишда, нарсаларга ном беришда тақлиддан фойдаланиши, тақлиднинг ўтмишда ҳам нутқнинг шаклланишида озми-кўпми маълум даражада роль ўйнаганлигини инкор қилмайди. Агар шундай бўлмаганда, ҳозирги тилларда товуш ёки образга тақлид қилиш натижасида пайдо бўлган сўзлар ҳам бўлмасди. Шунинг учун борликдаги турли нарса ва предметларга, воқеа ва ҳодисаларга тақлид қилиш, шу асосда янги сўзлар ҳосил қилиш ва уни тараққий эттириш умуман, инсонларнинг ижтимоий фаолиятидир. Шунинг учун бу типдаги сўзлар баъзи тилшунослар фикрича "тил системасидан ташқаридаги" сўзлар бўлмай, унинг таркибий қисмларидан биридир. Буни тақлидий сўзларнинг фақат туркий тилларда эмас, балки деярли жаҳондаги барча тилларда ҳам қандайдир умумийликка эга эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Н.И.Ашмариннинг таъбири билан айтганда, тақлидий сўзларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар ўз "қурилишига кўра аниқ бир хилликка" эга, шу туфайли бу категориядаги сўзларни "осонликча маълум бир формула асосида жойлаш" ҳамда "аниқ шаклланган гуруҳларга ажратиш" мумкин. Тақлидий сўзлардаги бундай хусусиятларни ҳозирги туркий тиллардаги тақлидий сўзларни қиёслаш натижасида яққолроқ сезиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тақлидий сўзларнинг ҳамма туркий тиллар учун умумий хусусиятларини шундай кўрсатиш мумкин:

1. Ҳамма туркий тиллардаги тақлидий сўзлар товуш жиҳатидан шаклан бир хилликка эга:

а) **CVC**: қадимтуркий. *шап-, бак-, лап-*, озарбайжон. *пок-*, турк. *поф-*, ўзбек. *дук-*, ҳакас. *тур-*, қирғиз. *чиң-, чип*;

б) **CVCC**: бошқирд. *шарқ-, мирт-*, турк. *гулқ-*, ўзбек. *гурс-, ширт-, ширқ-*, қозоқ. *шийк-, силк-*, татар. *чарт-, чорт*;

в) **CVCУC**: бошқирд. *шатир-*, қадимтуркий. *тохир-, бадар-*, татар. *добир-, шатир-*, турк. *хорул-, фисир-, гурул-*, ўзбек. *лапақ, дупир-*;

г) **CVCCУC**: қадимтуркий. *булдур-, галдир-*, татар. *шулдир-, салдир-*, турк. *шаққир-, гумбур-, йилдир-* ва бошқалар.

2. Тақлидий ўзакларга бир хил структура элементларининг қўшилишига кўра:

ўзбек. *шал* +қ +*п*+*ақ* +*ақ*

қозоқ. *сал* +қ +*п*+*ақ* +*ақ*

ўзбек. *қай* +*т* +*ир* +*иш*

қирғиз. *гай* +*т* +*ир* +*ис* каби.

3. Деярли ҳамма туркий тилларда баъзи фсъл ўзакларининг шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам тақлидий сўзлардан келиб чиққанлиги аниқ кўриниб туради:

Қадимги ўзак шакл	Структура элементи	Феъл ясовчи аффикс	Бошқа сўз туркуми ясовчи аффикслар
қад.турк *чўқ* +	+*қ*+	+*ай*	+*қи*
қирғиз *қай* +	+*қ*+	+*ай*	+*қи*
ўзбек *тик* +	+*қ*+	+*ай*	+*ка*
ўзбек *мий* +	+*қ*+	+*ай*	+*қи*
тува + *құң*	+*қ*+	+*ай*	-
қозоқ *гуқ* +	+*қ*+	+*ай*	-
қ.қалп. *суп* +	+*п*+	+*ай*	+(*л*)*пи*
турк *гуп* +	+*п*+	+*ай*	+*пи*
ўзбек *ар* +	+*в*+	+*ай*	+*аң*
ўзбек *ир* +	+*ж*+	+*ай*	+*иқ*
ўзбек *тир* +	+*ж*+	+*ай*	+*иқ*
ўзбек *бук* +	+*ир*+	+*ай*	+*и*
ўзбек *тик* +	+*ир*+	+*ай*	+*ка*
ўзбек *дар* +	+*д*+	+*ай*	-

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Тақлидий сўзлар таркиб жиҳатидан ҳамма туркий тилларда баъзан бир, асосан икки компонентли, такрорланган ҳолда қўлланади: бошқирд. *бирх* – кучли кулги; татар. *гоп* – оғир юк урилишиги тақлид, *добир-шатир* – кучли шовқин; турк. *ҳуҥур* – йиғи овозига тақлид, *куфур, пуфур* – енгил шабада овозига тақлид, *типиш-типиш* – секин юриш; ўзбек. *гиң* – чивин овози, *гижбаң* – доира овози, *гуҥгур-гуҥгур, гуҥк-гуҥк* – сўзлашиш овози; озарбайжон. *поғ-поғ* – суюқлик қайнаши, *лоқ-лоқ* – жумракдан сув тўкилиши; бошқирд. *даң* – метал овози, *зий* – тез учиш натижасидаги овоз, *шиғирт, шатир* – шитирламоқ, *гир-гир* – хирилламоқ: турк. *ишил-ишил* – йалтирамоқ; озарбайжон. *варқ-варқ* – қурбака овози, *шарқ-шарқ* – кулги овози, *шар-шар* – сув овози; ҳакас. *хорт-хорт* – ҳайвон овози ва бошқалар.

5. Ҳамма туркий тилларда тақлидий сўзлар ўз ясовчи қўшимчаларига эга бўлмаса ҳам, тақлидий сўзлар бошқа туркумдаги сўзларнинг ясалишига асос бўлади;

-илди//-улди//-илти//-улти: озарбайжон. *гурулту* – шовқин, *лаггилти* – лақилламоқ, *лигилти* – қултилламоқ, *морчилти* – тилни чўққиллатмоқ, *парилти* – йилтилламоқ, *мэккилти* – марамоқ; караим. *читирти* – шиғирламоқ, татар. *горилти* – гурилламоқ, турк. *гурулту* – тўқиллатмоқ, *фиситти* – шипшимоқ, *фишилти* – шитирламоқ, *тақирти* – тақирламоқ, *лақирди* – лақилламоқ: туркман. *бугулди* – юрак тез уриши, *бигирти* – қайнаш; *ваггилди* – шовқин, *вақ қилди* – ваңғилламоқ (ит), *вақирди* – қаҳқаҳа, *вужурди* – шивирламоқ каби;

-ак//-аг//-ук//-уг//-ик//-иг: озарбайжон. *қичгириқ, фишғириқ*; қорақалпоқ. *пишик* (мушук); турк. *өксурук* (йўтал), *йилдирак* (йашин), *йалдирак*; ўзбек. *қарсак, қўнғироқ, йалтироқ, шилдироқ, хуштак, чуррак*;

-а: озарбайжон. *мигмига*; бошқирд. *бақа, курка*; ўзбек. *қаҳқаҳа*; *шаршара*; уйғур. *ханга* (ҳангги);

-им//-ум: турк. *йилдирим*; ўзбек. *йилдирим, култум, шилқим*;

-ач: турк. *токач* (тўқмоқ);

-дақ//-доқ: ўзбек. *қурилдоқ, шақилдоқ, шиқилдоқ, хиқилдоқ*;

-дик//-диң: бошқирд. *битбилдик*, ўзбек. *битбилдиқ*;

-қин//-кун: *шовқин;*

-и: ўзбек. *вайсақи, жаврақи, жиззақи, жиртаки, лаққи, хирқи*;

-ла: ўзбек. *кукула, жилпангла*;

-қир//-кир: *айқир, бақир, чақир, бағир, шағир* ва бошқалар.

Тақлидий сўзлар ҳамма туркий тилларда кўмакчи феъллар воситасида феъл тусини олади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

-айла: қадимтуркий. *аҳ айла*, озарбайжон. *гонаг элэ, сохбат элэ*;

-қил: қадимтуркий. *аҳ қил*, ўзбек. *тақ қил, гурс қил*;

-эт: турк. *занн эт*, олтой. *қулт эт, қалт эт*, қозоқ. *сэлқ эт*, қирғиз. *сэлт эт, сэлк эт*, ўзбек. *йалт эт, шилқ эт, гурс эт* ва бошқалар.

Умуман, тақлидий сўзлар ҳамма туркий тилларнинг луғат бойлигида салмоқли ўрин эгаллаган сўзлар гуруҳидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИНТАКСИС

СЎЗ БИРИКМАСИ

Синтаксис грамматиканинг бир бўлими сифатида гап ва сўз бирикмаси таркибида сўзларнинг ўзаро боғланишини, гап ва сўз бирикмаси турларини ўрганадиган ва ўргатадиган соҳасидир.

Тил системасида сўзлар ўзаро турли-туман алоқага киришади. Сўзларнинг тобеланиш йўли билан ўзаро боғланиши ҳам ана шундай алоқа турларидан биридир. Сўз бирикмасини ташкил қилган компонентлар (бўлаклар) мустақил маъноли сўзлар бўлиб, ўз маъноларини сақлаган ҳолда бошқа бир бирикмани ҳосил қилишда иштирок этишлари мумкин, чунки сўз ва сўз бирикмалари тилнинг грамматик қурилишида доим ҳаракатда бўлади.

Ягона, лекин умумлашган тушунча ва тасаввурларни ифодалаш учун хизмат қиладиган, турли грамматик воситалар асосида икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлган синтактик бирликларга сўз бирикмаси дейилади.

Сўз бирикмаси гапнинг ажралмас қурилиш материалидир, лекин сўз бирикмаси ва гап бир-биридан сифат жиҳатидан фарқланади, чунки гап ўзининг тугалланган интонацияси, предикативлик хусусиятларига эга бўлса, сўз бирикмаси бу хусусиятларга эга эмас, шунинг учун ҳар қандай гап нутқда коммуникатив (ўзаро муомала) вазифа бажара олади, сўз бирикмаси эса коммуникатив вазифа бажармайди.

Сўз бирикмаси гап марказини ташкил қилувчи ўзининг субъект ва предикатига эга эмас. Ҳар қандай қўшилмада ана шу икки марказ шаклланса, у гапга айланади. Ҳар қандай сўз бирикмаси эса ана шу икки марказдан холи бўлган "тобе+ҳоким бўлак" ёки кенг маънода "аниқловчи+аниқланмиш" принципи асосига қурилади.

Предикатив (эга+кесимли) сўз қўшилмалари билан нопредикатив ("аниқловчи+аниқланмиш") сўз бирикмалари ўртасида қандайдир семантик яқинлик бор. Масалан, қозоқ тилидаги *келген киси ва киси келген* қўшилмалари семантикасини қиёсланг. Семантик жиҳатдан буларнинг ҳар иккаласида ҳам белги аниқланади. Лекин иккинчи (*киши келган*) предикатив бирикмада дастлабки белги яна шахс, сон, замон, майл каби қўшимча белгилар билан мураккаблашган. Демак, сўз бирикмасининг қурилиши шу билан характерланадики, у ҳеч бўлмаганда бир мустақил сўз доирасида шаклланади. Сўз бирикмаси қурилмасининг хусусияти ҳоким сўзнинг лексик-грамматик мазмун ва ўз тобе бўлагига синтактик муносабатининг характери билан белгиланади. Бу предикатив бирикмалар учун ҳам, нопредикатив бирикмалар учун ҳам умумий принципдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Предикативлик хусусиятига эга бўлмаган бундай синтактик бирлик аъзолари ўртасидаги грамматик муносабат туркий тилларда мавжуд бўлган битишув, мослашув, бошқарув каби синтактик алоқалар воситасида шаклланади.

Сўз бирикмалари кенгайган, бу кенгайиш турли томонлама бўлиши мумкин. Масалан, қиёсланг: озарбайжон. *Ҳундур, көзәл биналар, кениш, тэмиз кучалар, бойук бағлар ва мэйданлар адамы ҳайран эдир* (баланд, гўзал бинолар, кенг, тоза кўчалар, катта боғ ва майдонлар одамни ҳайрон этади); бошқирд. *Кук йөзөн хоро, куңелҳез болоттар каплаган* (Кўк юзини қора, кўнгилсиз булутлар қоплаган). Келтирилган мисолларда аниқланмишлар турли аниқловчилар томонидан аниқланган. Бундай бирикмаларнинг бирикиш шакли ҳам ҳар хил: **"сон+сифат+от", "сифат+сифат+от", "олмош+ сон+от", "от+сифат+от", "сифатдош+сифат+от"** ва бошқалар.

Предикативликни ҳосил қилувчи боғланишлар сўз бирикмаси сифатида ўрганилмайди, чунки уларда предикативлик мавжуд, бундай қўшилмалар ўзига хос шакллар тизимига – парадигматикасига эга. Сўз бирикмаси гап тузишда потенциал материал вазифасини ўтаганлиги туфайли ҳам айрим бўлакларнинг ўзаро алоқасини, табиатини очиш талаби шахсли боғланишнинг бу турини сўз бирикмаси сифатида ўрганади.

Сўз бирикмаларининг турли-туман конструктив кўринишларида иштирок этувчи компонентларининг бош (ҳоким) бўлаги қайси сўз туркумига тааллуқлилигига қараб (асосан от ва феъл), сўз бирикмалари икки йирик гуруҳга ажратилади.

1. Отли сўз бирикмалари.
2. Феълли сўз бирикмалари.

ОТЛИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

I. Ҳоким бўлак – от, тобе бўлак – сон. Тобе бўлакнинг ифодаланиш усуллари:

1. Саноқ сонлар: озарбайжон. *беш гиз*, олтой. *еки тун*, бошқирд. *өс өй, қырық а°вьл*, турк. *елли геми* каби. Бу типдаги бирикмалар қадимтуркий характерга эга бўлиб, ҳамма туркий тиллар учун умумийдир, чунки туб саноқ сонлар, уларнинг барчаси учун бир умумий системасига эга: *биир, ики, уч, тоорт, бээш,алты..., оон, йиғирба, отыз.., тоқсон, йууз* каби.

Саноқ **сон+от** типидаги аниқловчили сўз бирикмалари саноқ сонлардан кейин нумератив сўзлар олиб кенгайиб келиши мумкин. Масалан: озарбайжон. *Сиз ону бир парча чөрәкдән мәҳрум эдрисиниз*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркман. *Баша бела бармак дилден гелер*; ўзбек. *Кечқурун олти танга пул олиб келиб хонтахтага қўйди* (А.Мухтор); чуваш. *Унта 150 тисле йывас усет* (У ерда тайгада 150 хил дарахт ўсади) ва бошқалар.

Сон+нумератив+от қолипидаги бирикмалар ҳам ҳамма туркий тилларда бир хил бўлса-да, нумеративлар турличадир, чунки ҳамма нумеративлар ҳамма туркий тилларда бир хил кўринишига эга эмас. Нумеративли аниқловчили бирикмаларнинг икки кўриниши мавжуд:

а) **нумератив+*лық* аффикси**: татар. *Марьям өч яшьлик кызы белән бергә килди*; туркман. *бир гунлук ёла душсән, он гунлук харжыны гөтер*; ўзбек. *Уни қишлоқда янги очилган етти йиллик мактабга бериб ўқитдилар*;

б) **нумератив+*лы* қўшимчаси**: қозоқ. *төрт-бес уйли ауыл*; нўғай. *3 вагон тьатли сув йибергенлер*; чуваш. *тавата аршанла верер* (тўрт аршинли ип) каби.

2. Тартиб сонлар: озарбайжон. *икинжи йер*: бошқирд. *биринси йил*; тува. *бирги теве* (биринчи туя); чуваш. *икимхи уйьх* (иккинчи ой); ёқут. *тордус ат* (тўртинчи от).

Сон баҳсида кўриб ўтилганидек, тартиб сон қўшимчалари ҳамма туркий тилларда бир хил эмас, тува тилида ***-қы//-кы//-гы//-ги*** (*бир-ги, ушқу* каби), ёқут тилида ***-ыс//-ис//-ус*** (*төрыс ат, иккис ит* каби), чуваш тилида ***-меш*** (*иккемеш уйах* каби) шаклларида учрайди.

3. Тобе сўз ноаниқ миқдор англатувчи сўзлар: озарбайжон. *аз тамах чох бэла гэтирэр* (кичкина шўхлик катта зарар келтирар); татар. *Нурулла бернеча адым атлади*; туркман. *бир нечэ гун сабр қилгил* каби.

Бу типдаги бирикмаларнинг барчасида ҳоким сўз (от) бирликда қўлланади.

II. Ҳоким бўлак – от, тобе бўлак – олмош.

Тобе бўлакнинг ифодаланиш усуллари:

1. Тобе сўз – қарашлилик қўшимчасини олган олмошлар: озарбайжон. *Меним адым Халил ва йолдашымын ады Садыгдир;* бошқирд. *Минең китабим булмэһэ, һинеке булһа мэктэпта*; қорачой-балқар. *Бизни юйюбюз йәшлэр орамында* каби.

Деярли барча туркий тилларда қарашлиликнинг бошқа шакли ҳам учрайди: озарбайжон. *бизим нэсл*; бошқирд. *беззең сборный команда*; қорачой-балқар. *бизни бригада*; татар. *безнең елга*; чуваш. *пирен анне* (бизнинг онамиз) ва бошқалар.

2. Тобе сўз – кўрсатиш олмоши: қозоқ. *Маған осы қызды алып бермесаңиз, мен сизден безем;* татар. *Сез шуши авылныкымы кызлар? –*

www.ziyouz.com kutubxonasi

дип сорады ул; ўзбек. *Ўша куни кечқурун умумий йиғилиш чақирилди* каби.

3. Тобе сўз – белгилаш олмошлари: қорақалпоқ. *Ҳамма одамлар қатты шөллеген*; тува. *Тоду чагаадыкчы ажыл-ишке* (ҳамма одамлар яратувчилик ишида); ўзбек. *Болтабой бугун қариндош-уруғларини, яқин-узоқ ўртоқларини уйга таклиф қилди* каби.

Туркий тилларда белгилаш олмошларининг бари, барчаси шакллари кўп учрайди: туркман. *бары, киргиз. баары*, уйғур. *бары*, караим. *бары*, чуваш. *пуре*, ёқут. *бары, барыта*; татар. *барча*, қозоқ. *барша*, шор. *парча*; татар. *барлық*, қирғиз. *бардық*, қорақалпоқ. *бардық* ва ҳ.к.

III. Ҳоким бўлак – от, тобе бўлак – сифат.

Тобе бўлакнинг ифодаланиш усуллари:

1. Тобе бўлак – аслий сифатлар: турк, *кара*, қумиқ, нўғай, қозоқ. *қара*, қирғиз, татар. *қара*, туркман. *гара*, чуваш. *хура*; турк. *ак*, қумиқ, қирғиз, татар. *ақ*, қозоқ, нўғай. *ақ* каби.

Аслий сифатлар аниқловчи бирикманинг таркибий қисми бўлиб, аниқланмишнинг ранг, тус, хил, хусусиятларини англатади: озарбайжон. *Мави көйлэрдэ ахшам кунешинин сон ишыглары парылдайыр*; татар. *Ерак Карелияда ак төнне башланды*; ўзбек. *Боғбонимиз Мирзакарим ота мевали дарахтларнинг яп-янги навларини яратди* каби.

2. Тобе бўлак – нисбий сифатлар:

а) ***-лыг//-лиг*** аффикслари орқали ясалган нисбий сифатлар тобе сўз бўлган аниқловчили бирикмалар тува, ҳакас шор тилларида сақланиб қолган: тува. *тааралыг шөл* (галла даласи), ҳакас. *нанмырлыг кун*, шор. *канатлыг куш* каби;

б) ***-лы*** аффикси орқали ҳосил бўлган нисбий сифатлар иштирокида тузилган аниқловчили бирикмалар турли маънодаги белгиларни характерлайди: озарбайжон. *тараватли япраглар*, қорақалпоқ. *бахтлы семйабыз*, туркман. *огланлы ой*, чуваш. *чапли шыв* (буюк дарё), татар. *кълъ туфрак*, олтой. *суулуу қар*, ўзбек. *кучли от*, турк. *сақаллы ихтийар* (соқолли чол), қорачой-балқар. *билимли одам* каби;

в) ***-сиз*** аффикси орқали ҳосил бўлган нисбий сифатлар бирикувидан аниқловчили бирикмалар аниқланмишдаги бирор белгининг мавжуд эмаслигини, инкорини англатади: қирғиз. *сансыз мулк*, чуваш. *въйзър лажа* (кучсиз от), ўзбек. *саводсиз одам*, татар. *сусиз дала* каби.

г) ***-ки*** аффикси орқали ясалган нисбий сифатлар бирикувидан тузилган аниқловчили бирикмалар аниқланмишнинг маълум ўрин ва пайтга муносабатини англатади: бошқирд. *бындағы ориндар*, татар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дингиздаги утравлар (денгиздаги ороллар), озарбайжон. *бағдаки ев*, турк. *долаптаки китаплар* каби.

IV. Ҳоким бўлак – от, тобе бўлак – сифатдош.

Тобе бўлакнинг ифодаланиш усуллари:

1. Тобе сўзи ***-қан//-ған*** аффикслари орқали ҳосил бўлган сифатдошлардан ташкил топган аниқловчили бирикмалар олтой, татар, қозоқ, қорақалпоқ, караим, қорачой-балқар, нўғай, ўзбек, қирғиз, уйғур, тува, ҳакас, шор тилларида мавжуд: татар. *туған ил*, тува. *тошқан кижи*, ўзбек. *ўтган йил*, қорачой-балқар. *бишген ет*, шор. *ушкан агаш*, нўғай. *атълган оқ*, ҳакас. *атхан аңчи*, қозоқ. *келген киси* ва бошқалар.

Бу аффикс орқали ҳосил бўлган сифатдошларнинг рилект қолдиқлари ўғиз тилларида ҳам (турк. курган каби) мавжудлиги ўтмишда бу шаклнинг ҳамма туркий тилларда мавжуд бўлганлигини, кейинги пайтларда ўғиз тилларида сифатдошнинг бу шаклини *-миш* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлар сиқиб чиқарганлигини кўриш мумкин. Лекин бу қадимтуркий тилда ҳам *-қан//-ған* сифатдош ясовчиси орқали ҳосил бўлган сифатдошлардан аниқловчили бирикмалар мавжуд бўлганлигини инкор қилмайди.

2. Тобе сўзи ***-ан//-йан*** аффикслари орқали ҳосил бўлган сифатдошлардан тузилган аниқловчили бирикмалар туркий тилларнинг фақат жануби-ғарбий гуруҳларидагина учрайди: озарбайжон. *учан гуш*, туркман. *гелйен адам* каби.

3. Тобе сўзи ***-дық//-тық*** аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлар билан тузилган аниқловчили бирикмалар ҳозирги тилларда кам учрайди: туркман. *екилмедик ер*, озарбайжон. *алдығым китоб*, турк. *казылмадык а(г)ач*, гагауз. *алдуу иш* каби.

Бу аффикс орқали ҳосил бўлган сифатдошли аниқловчили сўз бирикмалари қадимтуркий тилларда ҳам бўлган. Ҳозирги туркий тилларда бу шаклдаги аниқловчи сифатдошлар фақат Сибирь туркий тилларида қисман сақланиб қолган: тува. *бышкалак кат* (пишмаган қулупнай), *паргылык куштар* каби.

4. Тобе сўзи ***-мыш*** аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлардан тузилган аниқловчили бирикмалар ҳамма туркий тиллар учун хос эмас. Қиёсланг: озарбайжон. *сынмыш агаш*; турк. *тапинмиш банкаси*; гагауз. *саваштырылмыш чифтчилар* (эзилган деҳқонлар) каби. Ўғиз тилларидаги *-мыш* аффикси ёқут тилидаги *-быт* аффикси ва унинг маъносини англатади, деган фикр бор: *охтубут мас* (йиқилган дарахт) каби.

-мыш аффиксли сифатдош аниқловчили сўз бирикмалари асосан жануби-ғарбий туркий тилларда мавжуд бўлиб, ўғиз гуруҳ тилларга

www.ziyouz.com kutubxonasi

хосдир. Бу аффиксли сифатдош шакли билан ҳосил бўлган аниқловчили бирикмалар қипчоқ тилларида ҳам учрайди, лекин бу қипчоқ тилларида туркий тилларнинг кейинги даврларида шаклланган бўлиб, ҳозирги туркий тилларда *-ган* аффиксли сифатдошнинг рилект шакллари сақланиб қолган.

Бу фикрни *-мыш* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошларга нисбатан айтиш мумкин эмас, чунки сифатдошнинг бу шакли қадимтуркий тилларда ҳам мавжуд бўлган. Бошқирд тилидаги *язмыш* (тақдир), татар ва ўзбек тилларидаги *тормыш*, турмуш сўзлари бу сифатдошнинг ўтмишидан далолат беради, лекин қадимтуркий тилларда бу шаклларнинг сифатловчили сўз бирикмалар таркибида иштирок этган ёки этмаганлиги ҳақида аниқ фикр айтиш қийин.

5. Тобе сўзи ***-р//-ыр//-ар, -мас//-мэс*** орқали ҳосил бўлган сифатдошлар бирикувидан ҳосил бўлган аниқловчили бирикмалар туркий тилларнинг ҳамма ареаллари (тарқалиш доиралари)да мавжуд: ўзбек. *оқар сув*, ёқут. *билэр киҳи*, татар. *қайнар су*, бошқирд. *қайнар ҳыу*. Бу шакл қадимтуркий ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган: *калар эшим мой* (қолувчи дўстим), *йедер тон* (ҳарбий кийим): *билиг билмаз* киси каби.

Бу ҳақда шуни айтиш керакки, *-р* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлар қадимтуркий тилларда мавжуд бўлган, чунки ҳозирги туркий тилларнинг барчасида бу аффикс орқали ҳосил бўлган сифатдош ё шу шаклда ё рилект шаклда учрайди. Туркий тилларнинг кейинги тараққиёт даврида эса бу шакл ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳамда ўзи ифодалаган ҳаракатнинг натижаси маъносини англатувчи ҳаракат номи шаклида бўлган: озарбайжон. *келир*, ўзбек. *букур* каби.

Ёқут тилидан бошқа ҳамма туркий тилларда *-р* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлар ўрнини сифатдош ҳосил қилувчи бошқа шаклларга бўшатиб бериб, камунум аффиксга айланиб қолган.

Бу сифатдош айрим туркий тилларда *-ар+лык* шаклида учрайди: бошқирд. *етарлек аш, ул эйтеп бөтөрмаслек шат* (бу бенихоя қувонч); қозоқ. *биздэ сойлесерлик иэрселер болади*, татар. *биреда айак басарлыкта урын юк* каби.

6. Тобе сўзи *-ачаг* аффикси орқали ҳосил бўлган сифатдошлардан тузилган сифатловчили бирикма асосан Ўрта Осиё ва Вольгабўйи туркий тилларида кенг тарқалган, масалан: турк. *дайана жак ҳалун калмамишти*, туркман. *оның дердиңе яражақ ери бармы* каби.

7. Тобе сўз ***-(у)чу*** аффикси орқали ясалган сифатдош орқали таркиб топган аниқловчили бирикмалар туркий тилларнинг жуда кенг зонасини қамраб олган: қозоқ. *жатақханада турушы студенттер кун сайин ертемен*

www.ziyouz.com kutubxonasi

гимнастика жасайды; қорачой-балқар. *джазычу студент*; нўғай. *жашувды сонъга калдырувчи бир да болмавга керек* каби.

8. Тобе бўлак ***-(а)туғын//-(а)дуғын*** аффикслари орқали ясалган сифатдош: қорақалпоқ. *бизга қатнасатуғын адам керек*; нўғай. *оқыйтаган кыз*; ўзбек. *сўзидан қайтмайдиган одам*, уйғур. *коридыған кино* каби.

9. Тобе бўлак ***-аси*** аффикси орқали ясалган сифатдош: татар. *без бараси юллар*; бошқирд. *килеһи йил*, озарбайжон. *тикиласа ев*, турк. *чоқ шашиласи бир шеу* (жуда қизиқарли нарса) каби.

Бу аффикс орқали ясалган сифатдошлар туркий тилларнинг ўрта турк даврида ҳамма туркий тилларда кенг тарқалган, лекин кейинчалик айрим туркий тилларда архаиклашган. Ҳозирги чувош тилида *-асы* аффикси *-ас//-ес* шаклида феълнинг инфинитив шаклини ясашга хосланиб қолган: *килес, пулас* (келмоқ, бўлмоқ) каби.

10. Тобе бўлак ***-малы*** аффиксли сифатдош: озарбайжон. *ахумалы китаб*, туркман. *столың устине йемели затлар етерлик гетирилип гоюлыпты*; чуваш. *каймала чын* (кетувчи киши) каби.

Ҳозирги туркий тиллар тарихига назар ташланганда яна шуни кўриш мумкинки, қадимги кўп сифатдошлар турк. *бузуқ шаҳар*, нўғай. *шири алма* каби ясама сифатларга айланиб кетган.

Изофа

Изофа туркий тилларда аниқловчили сўз бирикмаларининг хусусий кўринишидир.

Туркшунослик изланишларида туркий тиллар изофасига кўп эътибор берилган, лекин ҳали туркий тиллар изофаларининг бутун "сирини" тўла очилган деб айтиб бўлмайди. Туркий тилларда изофаларнинг ўзига хос синтактик муносабат эканлиги унинг бошқа атрибутив муносабатлар доирасидан ташқарига чиқадиган табиатида эмас, балки унинг турли туркий тилларда ностандартлик хусусиятига эга эканлигида ҳамдир. Барибир, туркий тилларнинг типологик хусусиятларини ҳисобга олганда, изофалар туркий тилларда тенг ҳуқуқли аниқловчи+аниқланмиш муносабатидаги синтактик категориядир.

Ҳар қандай аниқловчили бирикмалар каби изофалар ҳам туркий тиллар агглютинатив қурилиши қонунига бўйсунувчи "аниқловчи+аниқланиш" типидаги аниқловчили бирикмаларнинг алоҳида кўринишидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Изофа аниқланмиш бўлаги ҳар вақт от билан ифодаланадиган, аниқловчиси унинг бошқа бир предметга (отга) қарашлилигини, турли муносабатини англатадиган аниқловчили бирикмадир.

Изофаларнинг туркий тилларда уч типи бор: I, II, III тип.

I тип изофалар. Туркий тилларда изофанинг I тури ўз морфологик кўрсаткичига эга эмас, бирикиш усули жиҳатидан сифат+от (турк. *қора денгиз*, татар. *зангар кук* каби) типидаги аниқловчили бирикмадан фарқ қилмайди.

Изофанинг I тури таркибидаги бўлаклар иккита бош келишик бирликдаги отнинг ҳеч қандай воситаларсиз коллокация[1] усулида бирикиб, аниқловчи бирикма ҳосил қилишидан келиб чиқади. Бунда, одатда, биринчи аниқловчи бўлак предметлик маъносини йўқотиб, белги билдирувчи сўз – адъектив сифатига айланади.

Мисоллар: татар. *агач өй, таш көмер*, бошқирд. *агас өй, кол туба*, озарбайжон. *ағач гашыг, дәмир гапы*, қирғиз. *суу кир* (кирнинг суви), *жер май* (керосин), ўзбек. *олтин соат, шойи рўмол*, қумиқ. *туз кьап, гюмюш сагат*, туркман. *йуң жарап* (жун пайпоқ), *йупек койнек*, ҳакас. *кумус самнах* (кумуш қошиқ), *тас тура* (тош уй), тува. *алдиншак* (олтин соат), *даш бажың* (тош уй), ёқут. *алтын салуур* (мис қозон), *тимер орон* (темир кровать), чуваш. *чул журт* (тош уй), *тимер алак* (темир эшик), нўғай. *алтын юзик, тас коемир* ва бошқалар.

Мисоллардан кўринадики, I тип изофа шаклидаги бирикмаларнинг аслида сифат+от типидаги аниқловчили бирикмалардан фарқи йўқ. Бу типдаги бирикмаларнинг махсус аффиксларга эга эмаслигининг сабаби ҳам бирикма таркибидаги аниқловчи бўлакнинг нисбий сифатлар каби адъектив сифатларга яқинлигидадир. Семантик жиҳатидан ҳам аниқловчи бўлак аниқланмишнинг бошқа предметга муносабатини, унинг нимадан қилинганлигини, нимага мансублигини, хослигини, материалини англатади. Бу, ҳатто, аниқловчи бўлак кўчган маънода қўлланганда ҳам сезилиб туради. Қиёсланг: озарбайжон. *даш юрак*, қозоқ. *алтын нур*, татар. *куян йөрек* каби.

Демак, I тип изофаларнинг қўлланиши маълум семантик шароит билан ҳам боғлиқ, чунки ҳамма туркий тилларда бундай бирикмалар:

1) аниқланмишнинг нимадан иборат эканлиги, таркиби, материалини: қирғиз. *болот калем*, нўғай. *темир йол*;

---

[1] Коллокация – сўзларнинг ўзаро морфосинтактик муносабати, сўзлар ўртасидаги сўз туркумларига ўзаро алоқадорлик, муносабат: коллигация – сўзлар ўртасидаги лексик-фразеологик муносабат, турғун бирикма таркибидаги компонентларнинг маъно муносабатига кўра ўзаро бир-бирига алоқадорлиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) ўлчовини, ўлчамини, шаклини: қозоқ. *отар-отар қойлар менен уйир-уйир жылқылар*;

3) касби, мутахассислиги, унвони, илмий даражаси, жинсга мансублиги, ҳолати, тахаллуси, исми, топоними каби белгиларини билдиради: туркман. *Наме, доктор гыз билен кайыш аýдынмы?*; ҳакас. *Хасхар тас тағнынь олиннань хойлар чазазыр инчелер* (Аскар тош тоғнинг олдидан қўйлар йайловга энмоқда) каби.

Қумиқ тилида I ва II тип изофалар умуман фарқланмайди: *сайлов участкалары – сайлов участкалар, колхоз базар, ишчи гюч, сабий сад* (болалар боғчаси), *къабырга газет* (деворий газета) каби.

Ҳозирги туркий тилларда I тип изофа шаклидаги бирикмалар кўп бўлиб, улар ҳозирги тилларда қўшма сўзлар сифатида қаралади; бошқирд. *куян арба, кайыш бау*; уйғур. *таш йол*; татар. *карға борын*; қирғиз. *тамыр аял* (ўйнаш); *өмур баян* (автобиография); олтой. *орус поэт*; караим. *бис бармақ* ва бошқалар.

II тип изофалар. II тип изофанинг I тип изофадан фарқли томони шундаки, изофаларнинг бу турида аниқловчи вазифасидаги от бош келишик бирликда бўлиб, аниқланмиш III шахс бирлик шаклида бўлади.

Мисоллар: турк. *турк йазари, дениз йалиси*; ҳакас. *таг пазы* (тоғ тепаси), *чон чаргизи* (халқ сўзи); қирғиз. *куш жолу, август ортусу*; чуваш. *писатель араме* (ёзувчи хотини); уйғур. *адабият дарси*; қумиқ. *гьава флоту*; татар. *грек халкы, каен урманы* каби.

Туркий тиллар II тип изофалари семантик хусусиятлари жиҳатидан ўзига хос ҳар хилликларга эга. Булар қуйидагилар:

I. Изофанинг биринчи аниқловчи бўлаги ноаниқ тур тушунчани англатади: тува. *эжишкилер найыралы эртине дагны тургузар* (Халқлар дўстлиги хазиналар тоғини яратади); ўзбек. *Найманча азалдан косиблар маҳалласи* каби.

2. II тип изофа предметларнинг аниқ муносабатини билдиради: татар. *агач кулегелари ул*; ўзбек. *зангори кема капитани* каби.

3. Изофа бўлаклари ўртасидаги алоқа объект муносабатида бўлади: озарбайжон. *Катерла дениз кәзинтисинә чыхырлар*; қозоқ. *Терезеден тау көрiниси көзге шалынатын* ва бошқалар.

4. Адъективлашган изофа бўлаги хослик англатади: озарбайжон. *араб дәрсини тәмам әләмәмиш*; уйғур. *уйғур халқи*; ҳакас. *хакас тили* каби.

III тип изофалар. Изофанинг бу турида бирикма таркибидаги ҳар икки бўлак ҳам ўз лексик маъносини сақлаган отлар бўлади. Бу бирикма конструкцияси қатъий шаклига эга: аниқловчи бўлак қаратқич

www.ziyouz.com kutubxonasi

келишигидаги от, аниқланмиш III шахс эгалик аффиксини олган от тарзида бўлади.

Мисоллар: қумиқ. *уълкени юреги*, қорачой-балқар. *сууну аягьы*, олтой. *улустин ортозы*, чуваш. *кашкарсен пурнече* (бўрилар ҳаёти), тува. *карактың каразы* (кўзнинг қораси) уйғур. *амбарниң бужиги*, ўзбек. *ойнинг диаметри*, туркман. *директорың буйругы* ва бошқалар.

III тип изофа бирикманинг биринчи компоненти қаратқич келишигида аниқлик категорияси вазифасида шаклланган. Шунинг учун бундай бирикмалар қаратқич келишиги мавжуд бўлган барча туркий тилларда кенг тарқалган: олтой. *ол агаштин төзенде...*; қорачой-балқар. *малчыланы тилеклерине көре жирашдырылган концертни бериб бошлайбыз*; туркман. *атың олуми-итиң байрамы*; чуваш. *халахсен туслахе* (халқлар дўстлиги) ва бошқалар.

III тип изофаларнинг қўлланиши маълум контекстуал шароит билан боғлиқ:

1. Изофа бирикмасида аниқловчи бўлак ўзининг конкретлаштирувчи аниқловчисига эга бўлади: туркман. *иң ули яраң хем авусы гидер, эмма яман созун авусы гитмез* (энг катта яранинг оғриғи кетади, аммо ёмон сўзнинг оғриғи кетмас) каби.

2. Изофа бирикмасидаги аниқловчи ўзининг маъносини конкретлаштирувчи кўрсатиш ва қарашлилик олмошларига эга бўлади: ҳакас. *пистинг городтинь кизилери* каби.

3. Аниқловчи конкретлаштирувчи сон олади: қозоқ. *төрт жигитиң биреуи* каби.

4. Аниқловчи бўлак атоқли от ёки жой номлари бўлса, доим белгили бўлади: ўзбек. *Саодатнинг чиройига яна чирой қўшилган*; уйғур. *Мэхпирниң чирайи кизирип кетипту* ва бошқалар.

5. Аниқланмиш бутуннинг қисми бўлса: татар. *Да, брат, хатин бу! – ди осталарның берсе* каби.

III тип изофа уч аъзоли ҳам бўлиши мумкин: ўзбек. *Онанинг кечалари айтган алласи* каби.

ФЕЪЛЛИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Ҳоким бўлак – феъл, тобе бўлак – от.

Феълли сўз бирикмалари тизимида бош бўлак – ҳоким сўз вазифасини феъл туркумига алоқадор бўлган сўзлар бажаради, восита келишиги шаклида қўлланган отлар ёки ҳол вазифасида келган сўзлар унга тобеланиб келади. Феълли бирикма тизимидаги қўшимчалар тобе сўзнинг ҳоким сўзга боғланиб келиш шакллари ва вазифаларига кўра битишувли бирикмалар ва бошқарувли бирикмаларни ҳосил қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Битишувчи бирикмалар таркибидаги биринчи компонент кўпинча сифат, равиш, равишдош шакллар ва тақлидий сўзлар орқали ифодаланган бўлиб, улар асосан иккинчи компонент – феъл ва феъл шаклларидан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслик ҳолатини, ўрин ва пайтга муносабатини характерлаб келади ва гапда асосан ҳол вазифасини бажаради: *тез ўқимоқ, шартта қайтмоқ* каби.

Бошқарувли бирикмаларда ҳолат бошқачароқ. Бунда асосан ҳоким бўлак феъл ва феъл шакллари, тобе бўлак келишикли ва кўмакчили конструкциядаги от ва от характеридаги сўзлар бўлади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳоким бўлак ҳаракат англатувчи ё ҳаракат тушунчаси билан алоқадор сўз бўлганлиги учун бундай сўзлар воситасида тузилган бирикмалар предикативлик хусусиятини англатишга, гап тусига киришга яқин бўлади, чунки ҳар қандай ҳаракат замирида, гарчи грамматик жиҳатдан ифодаланмаган бўлса ҳам, субъект тушунчаси мавжуд бўлади. Шунга қарамай, феълли сўз бирикмалари таркибидаги компонентларнинг ҳоким-тобелик жиҳатидан отли сўз бирикмаларидан фарқланмайди.

Феълли сўз бирикмалари таркибидаги тобе бўлак ифодаланиши ва вазифаси жиҳатидан турли кўринишларга эга:

1. Тобе сўз - тушум келишигидаги от. Фъел бошқаруви умуман сўз бирикмалари тизимида катта ўрин тутади. Феълли сўз бирикмаларида тушум келишиги иштирокида юзага келган объектли бирикмаларнинг тобе-ҳоким элементлари ўртасидаги лексик-грамматик муносабатлар хилма-хил бўлиб, улар объектив борлиқдаги нарса, ҳодиса ва бошқа тушунчалар орасидаги турли муносабатларни кўрсатади, кенг маънода, ҳаракатни қабул қиладиган объектни англатади. Бунга тўғри объект ҳам дейилади.

Ҳамма туркий тилларда тўғри объект икки усулда, тушум келишигидаги сўзнинг белгили ва белгисиз шаклида ифодаланади:

1) тобе сўз – белгисиз тушум келишигидаги от ва от характеридаги сўзлар: озарбайжон. *Бурада киши костйумлары ва плаш тикирлэр*; татар. *җир сөрдем алга китмәдәм, таш казыдым тамагым туймады*; тува. *Демпиң сааскан теве тудуп чиир*; чуваш. *радио тарах Мускавран жене хыпарсем, концертсем итлетпер* (Москва радиосидан янги ахборот ва концертлар эшитамиз) каби.

2) тобе сўз белгили, тушум келишигидаги отлар ва от характеридаги сўзлар. Туркий тилларнинг айрим зоналарида белгили тушум келишиги турли шаклларда қўлланади:

а) *-и//-ы//-у* кўрсатгичи туркий тилларнинг жанубий зоналарида учрайди: гагауз. *Те бу бакыры алтын парайлан булдум* (Мана бу челакни олтин билан топдим); туркман. *Мен ҳем бир шейле гызы сөйсемдим* (Мен ҳам шундай бир қизни севсам эди) каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

б) турли туркий тилларда тушум келишиги шакли *-н* шаклида учрайди; озарбайжон. *Сизэ бутун Азарбайжан халгинин саламыны кетирмишик*; бошқирд. *Йамил саныларын майлай* (Жалил чаналарини мойламоқда); ҳакас. *таңда икинчизин идерим* (тонгда иккинчисини жўнатаман) каби.

2. Тобе сўз – жўнаиш келишигидаги от.

Туркий тилларда жўналиш келишигидаги от ва отлашган сўзлар асосан икки восита орқали бош сўзга бошқарилади:

а) ***-а//-йа*** аффиксини олган жўналиш келишигидаги отлар асосан ўғиз гуруҳ туркий тилларга хос бўлиб, ҳаракатнинг жўналиш ўрни, пайтини, ҳаракатнинг воситали объектини англатади.

Масалан: озарбайжон. *Биз бурада кэмийа отурурүг*; турк. *Деликлеринден амажийа денизе ахийорди* (Бутун тешикларидан сув пастга оқмоқда);

б) ***-га//-ка//-қа//-га*** аффикслар орқали ҳосил бўлган жўналиш келишигидаги отлар қипчоқ гуруҳ тилларга хос бўлиб асосан ҳаракатнинг жўналишидаги воситали объектни ифодалайди: қирғиз. *Ани медпунктке жеткиришти*; татар. *Бизне машиналарга утирттилар*; ўзбек. *Бу ишимиз жуда қимматга тушди* каби.

3. Тобе сўз – ўрин келишигидаги от. Туркий тиллар тараққиётининг олдинги босқичларида ўрин келишиги қўшимчаси *-да//-та* аффикси ҳам ўрин, ҳам чиқиш келишиги маъноларини англатган: қадимтуркий. *тағда* (ўрин), *көзда йаш* (кўздан-чиқиш). Буни қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам учратиш мумкин: *Табғачта адирилти* (Табғачдан ажралди) каби.

Кейинги даврларда *-дан* аффикси чиқиш келишиги маъноси учун хослангач, *-да//-та* ўзининг асосий вазифаси бўлган ўрин маъносини англата бошлаган.

Мисоллар: турк. *Буда узун йиллар Франсада булунмуш*; туркман. *Олар Челекан районынын Гарагол обасында отурядылар*; ҳакас. *Апсагас тас турада чуртапчи* (қария тош уйда яшайди); чуваш. *Владивосток хули питех те илемле вирăнта вырначна* (Владивосток шаҳри жуда гўзал жойда жойлашган); қадимтуркий. *ҳадах йаврулди ош бустан ичинда, хуш ичгил рахни райхон ичинда* ва бошқалар.

Ўрин келишигидаги отларни бошқарувчи феълли сўз бирикмаси барча туркий тилларда бир хил шаклда бўлиб, ҳаракатнинг ўрин-жой, пайт ва ҳаракат содир бўлган объектга муносабатини билдиради. Улар фақат аффикслар вариантлари билангина фарқланади. Бу турдаги феълли сўз бирикмаларининг бу хусусиятларига кўра уларни қадимтуркий тилларга хос бирикмалар деб ҳисоблаш мумкин, лекин айрим туркий тилларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирикмаларнинг маъносида кўчиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу маънолар ҳар хил бўлиб, кейинги даврлар маҳсули бўлиши мумкин.

Қиёсланг: олтой. *Кинда* (кийининде) *бир байда дьаткан* (Шундан кейин у бир бойда яшади); *Менде де уч кыс бар*; чуваш. *Ухтайкин санитарта ижлене* (Ухтайкин санитар бўлиб ишларди) каби.

4. Тобе сўз – чиқиш келишигидаги от. Чиқиш келишигидаги отни бошқарадиган феълли бирикма ҳаракатнинг бошланиш, чиқиш ўрнини англатади. Қадимтуркий тилда бу келишик шакли бўлмаган. Бу келишик шакли *-тан//-дан* шаклида туркий тиллар тараққиётининг кейинги даврларида майдонга келган.

Ҳозирги туркий тилларда чиқиш келишиги шаклидаги сўз ҳаракатнинг қаердан, қачондан ва нимадандир бошланиши, чиқиш ўрнини, ҳаракатнинг натижаси сифатида юзага келган воситали объектнинг манбаи, материалини англатади: озарбайжон. *Ленинграддан чихмайирлар*; туркман. *ойунден чыкты*; ҳакас. *ибден сигари хонди* (уйдан югуриб чиқди) каби.

Чиқиш келишигидаги сўз турли кўчма маъноларни ҳам англатади: тува. *Ажыгдан дескен, турегга дужер, билисден дескен, чазыгча дужер* (ишдан қочган бахтсизликка, билимдан қочган хатоликка тушар); турк. *Ниҳат руйодан уйанурмуш гиби* (Ниҳат уйқудан уйғонган каби); туркман, *Алахекек өз дилинден өлер* (олашақшақ ўз тилидан ўлади); ўзбек. *Эр-хотин ишдан қайтди* каби.

Феълли бирикмадан келиб чиқадиган умумий маъно ҳоким сўз-феъл ифодаланган маънолар билан ҳам боғлиқ.

Мисоллар:

Ўлмоқ феъли: озарбайжон. *ушагин алпыннын өлду*;

Қўрқмоқ феъли: қозоқ. *Автомобилден сактан*, тува. *Ооржу кижи коданчи ыттан коргар, Тоолчу кижи уйгужу эштен коргар* (ўғри итдан, эртакчи уйқучи одамдан қўрқар) ва бошқалар.

Отли сўз бирикмалари ҳам, феълли сўз бирикмалари ҳам фақат юқоридаги қайд қилинганларигина эмас, ҳар икки типдаги сўз бирикмаларининг бирикиш моделлари (қолиплари) ҳаддан ташқари кўп. Агар ҳамма туркий тилларни ҳисобга оладиган бўлса, уларнинг сони ундан ҳам ортади. Бундан айримларини татар тили мисолида қиёсланг:

Бирикма қолипи	Маъноси	Мисоллар
от+ча-феъл	қиёслаш	*байларча яшау*
от+дагича-феъл	ўрин	*мәскәудагича утэ*
от+дий-феъл	ўхшатиш	*көзгө(кўзгу)дәй тигезлану*
от+лап-феъл	усул	*минутлап санау*
от+сиз-феъл	инкор	*керәксез казу*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жадвалнинг давоми

от+бәлән-феъл	восита	*хат белән житару*
от+белән-феъл	курол	*балта белән кису*
от+очен-феъл	объект	*яхшылыгы очен хормәтләу*
от+аша-феъл	ўрин	*урман аша чыгу*
от+саен-феъл	пайт, ўрин	*кон саен қайту*
от+буй-феъл	ўрин	*чашмә буйында йору ва бошқ.*

СОДДА ГАП

Содда гап ҳар қандай тизимдаги тил ёки тиллар гуруҳи учун гапнинг асосини шакллантирувчи икки етакчи бирлик: эга ва кесим ёки субъект ва предикатнинг ажралмас синтезини ташкил қилади. Туркий тилларда субъект ва предикат бир бўлак орқали ҳам ифодаланиши мумкин: алдим каби. "*Алдим*" сўзида, гарчи грамматик субъект реал шаклланмаган бўлса ҳам, сўз таркибидаги *-ди, -м* аффикси шахс, сон, замон ва майл маъноларини ифодалаб, шу сўзнинг предикативлик жиҳатдан тўла шаклланганлигини англатади. Предикативлик гапнинг асосий шарти бўлганлиги учун "*Алдим*" гап шаклида шаклланади. Ҳозирги туркий тиллар содда гап қурилишини қиёсий-тарихий ўрганиш содда гапнинг энг қадимги шаклларини ўрганиш ва уларни қайта тиклаш (реконструкция қилиш)ни эмас, балки ҳозирги туркий тиллардаги содда гаплар тарихий тараққиёт жараёнларини, гап тузилишидаги сифат ўзгаришларни ҳам тақозо этади. Туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикаси учун содда гап қурилишини ўрганиш қанчалик аҳамиятли бўлса, содда гап таркибидаги эга бўлакнинг ифодаланиш усулларини ўрганиш ундан кам аҳамиятига эга эмас. Чунки эга ҳамма туркий тилларда ҳамма даврларда от, олмош ва бошқа туркумларнинг субстантив шакллари билан ифодаланиб келган.

Кесим эгадан фарқли равишда ўзига хос хусусиятларга эга. Тилнинг узоқ тарихий тараққиёт жараёнида феъл шакллари, боғлама воситалари, айниқса, феълнинг замон ва майл категорияларидаги ўзгаришлар кесимнинг структура жиҳатидан ўзгаришига катта таъсир кўрсатиб келган.

Маълумки, кесим содда гапнинг асосини ташкил қилувчи қисм. Кесимнинг грамматик ифодаланиши гап типининг ҳам кесими феъл билан ифодаланган содда гаплар ва кесими от билан (кенг маънода) ифодаланган содда гаплар типида ажратилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳозиргача туркшунослик адабиётларида содда гап қурилишининг генезисини ўрганиш кесимнинг табиатини ўрганиш билан боғлаб олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

борилаётганлиги бежиз эмас. Чунки содда гап типларининг қадимги шаклларини ўрганиш гапни шакллантирувчи предикат – гап кесимининг ҳам грамматик ифодаланиш усулларини тарихий аспектда ёритиб беришга асос бўлади.

Кесими от билан ифодаланган содда гаплар

Қадимтуркий тилларда кесими от билан (кенг маънода: олмош, сон ва бошқалар туркумларнинг субстантив шакллари) ифодаланган содда гаплар мавжуд бўлган. Буни қадимги турк ёзма ёдгорликларида кесими грамматик жиҳатдан тўла шаклланган отлардан тузилган содда гапларнинг мавжудлиги тўла асослайди.

Қиёсий-тарихий грамматиканинг кесими от билан ифодаланган содда гапларни ўрганишни ўзининг асосий объекти қилиб олишига сабаб қадимтуркий тилларда бундай гапларни шакллантирувчи боғловчи воситалар – боғламаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш билан боғлиқ. Сабаби, ҳозирги туркий тиллардаги бу типдаги содда гапларда боғламалар, бир томондан, ҳар хил бўлса, иккинчи томондан, уларнинг айримларида боғлама вазифасидаги воситалар умуман учрамайди. Бу, ўз навбатида ҳозирги туркий тиллар таркибидаги мавжуд бўлган кесими от билан ифодаланган содда гапларни шакллантирувчи боғламаларнинг табиатини чуқур ўрганишни талаб этади. Ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида содда гап таркибидаги от кесимлар шахс шакллари орқали шаклланмаган, масалан, олтой тилида *мен алтай кижи*; *слер алтай улус* каби. Бошқирд тилида ҳам от кесимлар таркибида III шахс эгалик аффикслари умуман учрамайди ё қўлланмайди: *мин языуси* каби.

Айрим тилларда кесимлик аффиксининг уч шахси ҳам ифодаланмайди.

Мисоллар: караим. *Мен тювюл кыз* (мен қиз эмасман); *Сон айтырларки, биз карахчилар* (сўнг айтадиларки, биз қароқчилармиз); туркман. *Бу – мен*; *Ҳар кимиң өз дерди өзуне ажи* (ҳар кимнинг ўз дарди ўзига аччиқ); уйғур. *Атлари уроқ, йоллары узақ*; чуваш. *Челхепе эпир пыл та чу, камал па пар та чул* (сўзимиз – асал ва ёғ, ичимиз – муз ва тош) ва бошқалар.

Кўп туркий тиллар от кесимида III шахс эгалик аффикслари ҳеч қандай сабабсиз туширилади: қозоқ. *Оның ойлаувы тим академиялық. Кенен дуйнөдө жаз* (кенг дунёда ёз), нўғай. *Онынь литературный стажы коьтере де аз*; тува. *А.С.Пушкин – улуғ орус чогаалчы*; ҳакас. *Бу хорымнарда албыға ас* (бу тошларда силовсин кам); ёқут. *Кини саха* (у

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёқут), *Ого кыра* (бола ёш) каби. Бу келишикли шаклда ҳам ўз кучини сақлайди: татар. *Безнең полк окопта*; туркман. *тәзе йылың босагасында* ва бошқалар.

Чуваш тилида кесимлик аффикси ва эгалик аффикслари фарқланмайди. Ёқут тилида ҳам бу аффикслар фарқи фақат контекстдагина аниқланади: *Биһиги оголор бут кэллилэр.* (бизнинг болалар келдилар) -*бут* – шахс қўшимчаси; *Биһиги қыры оголорбут* (биз кичик болалармиз) -*бут* – кесимлик аффикси.

Айрим туркий тилларда от кесимларнинг кесимлик аффикси сифатида бирликдаги III шахс эгалик қўшимчалари ўрнида кишилик олмошлари қўлланади. Қадимтуркий тилга хос бўлган бу хусусиятлар айрим ҳозирги туркий тилларда ҳам сақланган. Қиёсланг: бошқирд тилида III шахс кесимлик аффикси ўрнида ул кишилик олмоши қўлланади: *Хәсән языусы ул.* Шубҳасиз, бу ўринда ул олмоши аффикс сифатида эмас, балки мустақил сўз сифатида қўлланади. Бу хусусиятни татар тилида ҳам кўриш мумкин: *Дөресен әйткәндә халык зур ул, көчлул, дәртле ул, мөңли ул, әдип ул, шагыйрь ул* каби.

Деярли барча туркий тилларда кесимлик аффиксининг III шахси сифатида -*дир* боғламаси қўлланади.

Умуман, туркий тилларда кесими от билан ифодаланган содда гапларда боғламалар ва кесимлик аффикслари қуйидагилар бўлган:

1) кишилик олмошлари: тува. *ажилдаар кижи мен* (мен ишлаяпман);

2) боғлама *тур//дур//турур*: қозоқ. *ол студентдур*;

3) эгалик аффикслари: гагауз. *иликчи адамсын*;

4) *бар, йок* сўзлари: тува. *суг бар*;

5) *бол//ол* ёрдамчи феъли: гагауз. *дениз олур кап-кара*;

6) тува тилида *кижи* оти: *черле ындыг шыңгыны кижи* (у доим шундай қатьий одам) каби.

Кесими феъл билан ифодаланган содда гаплар

Кесими феъл ва феъл шакллари билан ифодаланган содда гаплар барча туркий тилларда гап қурилишининг иккинчи, асосий, кенг тарқалган туридир. Содда қилиб айтганда, ҳамма туркий тилларда феълнинг ҳамма замон шакллари содда гапнинг кесими бўлиб кела олади, лекин шуни айтиш керакки, ҳамма турдаги феъл кесимлар қадимтуркий тилда мавжуд бўлмаган бўлиб, бир томондан, уларнинг айримлари тил тараққиётининг кейинги даврларида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, кесимлик вазифасини бажарадиган баъзи шакллар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамма туркий тилларга хос бўлмаслиги мумкин. Ҳозирги туркий тиллардаги кесими феъл ва феъл шакллари билан ифодаланган содда гапларни қиёслашда асосан шунга эътибор берилади.

Ҳозирги туркий тилларда кесими феъл билан ифодаланган содда гапларнинг тўрт турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кесими феъл ва феъл шакллари билан ифодаланган содда гап кесимлари феълнинг ***-а, -й*** ли равишдош шаклига шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бу шакл феълнинг ҳозирги-келаси замон маъносини ҳосил қилади.

Ҳозирги туркий тилларда равишдошнинг ҳозирги замон маъносидаги *-а, -й* ли шакли қипчоқ тилларида зонал жиҳатдан чегараланган. Лекин бу чегараланиш кейинги даврларда юзага келган. Илгари эса бу шаклнинг ҳозирги замон маъносини ифодалаш ҳамма туркий тилларда кенг тарқалган. Ҳозирги туркий тилларда бу феъл кесим татар, бошқирд, қумиқ ва бошқа тиллар учун хос.

Ҳозирги-келаси замоннинг *-а, -й* ли шакли *-ти//-ди* шаклларини олиб, замон маъносини англатади. Бу шаклнинг дистрибуцияси туркий тилларда жуда кенг: нўғай, ўзбек, қозоқ, қирғиз, караим, олтой ва бошқа тилларда учрайди.

2. ***-ар//-ыр*** ҳозирги туркий тилларда келаси замон маъносини англатади: *алыр*;

3. ***-ар//-ыр*** + тўлиқсиз феъл + шахс-сон қўшимчалари ҳаракатнинг давомлилигини, узлуксизлигини англатади.

4. ***-ди//-ти*** феълнинг энг қадимги ўтган замон шакли айрим тилларда *-т* шакли мавжуд: *келади – келет* каби.

ҚЎШМА ГАП

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР МУАММОСИ

Эргаш гапли қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гап қурилмаларининг қадимтуркий тилларда мавжуд ёки мавжуд бўлмаганлиги, эргаш гапли қўшма гап таркибидаги айрим эргаш гапларнинг баъзи мураккаб қурилмали сўз бирикмаларига муносабати масалалари туркшунослик адабиётларида азалдан турли-туман мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Қиёсий-тарихий тилшуносликда, айниқса, турли туркий тиллардаги эргаш гаплар қурилмалари билан туркий тиллардаги ҳаракат номлари, сифатдошлар ва равишдошлар иштирокида тузилган мураккаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

конструкцияли қурилмалар ўртасидаги муносабатни аниқлаш, уларни ё мазмун, ё қурилиш хусусиятларига кўра фарқлаш, чегаралаш асосий қийинчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, эргаш гаплар билан юқоридаги каби сўз бирикмалари ўртасида ўхшашликлар бор. Бу ўхшашликлар шундаки, бир томондан, эргаш гаплар ҳам, сўз бирикмалари ҳам турли синтактик конструкциялар учун қурилиш материаллари ҳисобланса, иккинчи томондан, улар маълум мазмун ва ички тузилиши билан бир-бирига яқин туради. Лекин, бу уларни мазмун ва қурилиш жиҳатидан бир хил конструкцияли тил бирликлари деб ҳисоблашга имкон бермайди, чунки улар кўп томонлари билан бир-биридан фарқланади. Бу фарқлар:

а) сўз бирикмаси кўпинча икки мустақил сўздан ташкил топса, эргаш гаплар бир сўз ёки бир неча сўзнинг (бир неча сўз бирикмасининг) бирикувидан ташкил топади;

б) сўз бирикмалари нутқнинг номинатив бирлиги саналади, шунинг учун улар, гарчи таркибидаги айрим сўзлар ҳаракат англатувчи сўзлар бўлса ҳам, предикативлик хусусиятини ўзида сақламайди. Эргаш гап эса, гарчи мустақил бўлмаса ҳам, предикавтивлик хусусиятига эга бўлади;

в) эргаш гаплар мустақил гапларга ўхшаш маълум мазмун ифодалайди, сўз бирикмаларида бу хусусият йўқ.

Ўзбек тилшунослигида эргаш гапларнинг семантик-грамматик хусусиятлари, эргаш гаплар билан сўз бирикмалари орасидаги фарқлар, ҳатто, синтактик синонимия ҳақида Россия Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси, проф. М.А.Асқарова томонидан юқоридаги каби асосли фикрлар айтилишига қарамасдан, ҳали ҳам туркий тилшуносликда эргаш гаплар билан равишдош, сифатдош оборотлар ўртасидаги фарқлантирувчи белгилар ҳақидаги мунозараларга чек қўйилгани йўқ. Бунинг маълум сабаблари бор. Бу сабаблар шундан иборатки, бир томондан, ҳали кўпгина туркий тиллар грамматикаларида эргаш гапли қўшма гаплар назарияси етарли ўрганилмаганлиги бўлса, иккинчи томондан, бу муаммога тарихий ёндашмасликдадир. Бу муаммони тўғри ҳал қилиш учун, даставвал, сифатдошли ва равишдошли бирикмалар конструкцияларига эргаш гап сифатида қарашга барҳам берилиши керак.

Туркий тиллар синтаксисининг бутун тарихий тараққиёт жараёнларида ўзаро бир-бирига боғлиқ битишув муносабати орқали боғланган содда гаплар характерли бўлган. Битишув синтактик муносабатларнинг энг қадимги усули бўлган. Қўшма гаплар тарихий тараққиётининг илк даврларида ҳам қадимги ёзма ёдгорликлар далолат

www.ziyouz.com kutubxonasi

беришича содда гаплар ўзаро ҳам эркин, ҳам тобе муносабатлар орқали бириккан.

Қадимги турк ёзма ёдгорликларида фикрий жиҳатдан бир-бири билан алоқадор бўлган содда гаплар занжир халқалари каби бирлашган. Буни турли даврлардаги ёзма ёдгорликлар тилида яққол кўриш мумкин.

Мисоллар: Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида: *Иним Кул Тигин кәргәк болты, өзим сақынтым, көрур көзум көрмәз тег, билир билигим билмәз тег болты, өзим сақынтым* (кичиг иним Кул Тигин ўлди, мен куюндим, кўрар кўзларим кўрмас бўлди, фикрим ўтмасланди, ўзим куюндим); қозоқ. *Ай журеди, жыл журеди, талай жерди араалайди* каби.

Битишув йўли билан бириккан содда гаплар санаш интонациясига эга бўлади ва воқеа, ҳодисаларнинг кетма-кет ё бир пайтда юз беришини англатади: ўзбек. *Орадан уч кун ўтибди, подшонинг кенжа ўғли туш кўрибди, тушида бир парча булут узилиб қўйнига тушибди* (эртакдан) каби.

Битишув йўли билан бириккан содда гаплар мазмунан қаршилантириш асосида ҳам бирикиши мумкин.

Масалан: озарбайжон. *Гөзладим, гәлмәди, ахтардым, тапылмады*; *Алим олмах асандыр, адам олмах гэтин* (олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин) ва бошқалар.

Битишувчи содда гаплар ўзаро фақат тенг эмас, тобе муносабатларни ҳам ҳосил қилиши мумкин:

1. Объект муносабати: татар. *үзиң биләсиң а°т кибик ишләдим мин*;

2. Аниқловчилик муносабати: озарбайжон, *Арвад вар эв тикәр, арвад вар эв йыхар* (хотин бор уй қуради, хотин бор уй бузади);

3. Ҳаракатнинг юз бериш пайти: татар. *Қыйаш урман а°ртына йәшәринди, мин а°вылга килдим*;

4. Сабаб-натижа муносабати: қозоқ. *Қынанбай был жерине дауласқан жоқ, тёсинди*;

5. Шарт муносабати: нўғай. *Айтарман-меннем кетер* каби.

Юқорида таъкидланганидек, туркий тилларнинг илк тараққиёт даврларида содда гаплар якка ҳоким ҳолатда бўлган. Тарихий манбалар кўрсатишича, туркий тилларда содда гапларнинг мураккаблашиши бошқачароқ тарзда юз берган. Масалан, ҳинд-европа тилларида қўшма гапларнинг келиб чиқиши икки содда гапнинг боғловчилар воситасида қўшилишидан ҳосил бўлган бўлса, туркий тилларда, аксинча, икки содда гап бирикиб, бир мураккаб гапни ҳосил қилган. Бу бирикишда мантиқий жиҳатдан тобе бўлган гап трансформацияланиб, қайта қурилган. Трансформация натижаси боғли трансформалар гап шаклини йўқотган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар қандай трансформацияда эргаш гапга айланиш учун потенциал имкониятга эга бўлган гаплар эргаш гапга айланиш хусусиятини йўқотган. Туркий тилларда бундай трансформациянинг махсус усуллари бўлган. Булар қуйидагилар:

1. Феълнинг шахсли шаклининг аниқловчи эргаш гап шаклига айланиш имкониятига эга бўлган гапнинг унинг семантик эквиваленти бўлган сифатдош конструкцияга айланиши: бошқирд. *Мин өйләнгән йил куңилли ине* (Мен уйланган йил кўнгилли бўлган эди) Бунда "Мен уйланган йил" "Мен уйланган йилим" сифатида сифатдош оборотга айланган. Озарбайжон. *Мен йазан қағызын белә дә жавабы олар* каби.

2. Феълнинг шахсли шаклининг тўлдирувчи эргаш гап имкониятига эга бўлган гапнинг шунга мувофиқ келадиган тўлдирувчили сифатдош шаклига айланиши: татар. *суғьшньң биткапин ул ҳәзиргинә аңладь*; турк. *Не йапажаымы да ҳеч душунмедим*. Бу ерда "*йапажаымы*" бўлаги тўлдирувчили эргаш гап имкониятига эга бўлса ҳам, "*йапажаым*" сифатида сифатдош оборотга айланган.

3. Эргаш гап бўлиш потенциал имкониятига эга бўлган бирикмаларнинг равишдош конструкциясига айланиши: татар. *Суғыш битгач, йал итэр биз*; *Карлар ирип, агашлар бөриләнди*; уйғур. *Улар өйларигә кетишип уч иштин зийан тартть* каби.

4. Ўрин келишигидаги сўзларнинг сифатдошга боғланиб, ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатиши: ўзбек. *Қишлоғимга борганимга роса бир ярим йил бўлди*; татар. *Уқътушъ свйләч энде игтибар билән тыңларга кирек*; қозоқ. *Керейхон орньнан тырган соң басқалар да търдь* каби.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА БОҒЛИ ТРАНСФОРМАЛАР

-ган сифатдоши иштирокидаги конструкциялар.

Сифатдошнинг *-ган* аффиксли шакли потенциал имкониятли аниқловчи эргаш гапларни сифатдош оборотли конструкцияга айлантирувчи воситадир: бошқирд. *Хәмзә йәшәгән ауыл Иделдән бейек ярында ине*; ўзбек. *Алишер яшаган уйда тантанали руҳ ҳукм сурарди* (Ойбек); татар. *Албәттә, фашистлар аларны хөрма ускән Испанияга туган илләринә тугел, төрмәгә алып баралар иде* каби.

Эслатма: туркий тилларда боғли трансформалар ҳақидаги атамалар – потенциал имконли эргаш гап, эргаш гапга тенг келадиган синтактик қурилма, потенциал эга, потенциал имконли эргаш гап эгаси, потенциал кесим, потенциал имконли эргаш гап кесими, боғли трансформа потенциал имконли эргаш гапнинг ўзгарган шакли,

www.ziyouz.com kutubxonasi

оборотга айланган шакли, трансформант – потенциал имконли эргаш гапни боғли трансформага айлантирувчи восита кабилар.

Сифатдошнинг *-ган* аффиксли шакл орқали трансформацияланаётган потенциал имконли эргаш гапларнинг потенциал кесим ва потенциал эгасида ҳам ўзгариш юз бериши мумкин.

Қиёсланг: бошқирд. *Балалари куп булган эсэ (она)лəргə пособие бирелə*; қозоқ. *Улжаннаң жай, салқин айтңан сөзи бўган урысқаннан да, урғаннан да жеңил тиген жақ* (Улжоннинг оддий, совуқ сўзи бунга уришгандан ҳам, ургандан ҳам енгил туюлгани йўқ). Бунда биринчи гапдаги "*кўп бўлган*" трансформант – кесим, иккинчи гапдаги "*айткан сөзи*" трансформант – эгалар ҳам ўзгариб, потенциал имконли эргаш гапларни ("болалари кўп бўлган") ва "*Улжанниң жай, салкын айткан сөзи*" оборотларга айлантирган.

-ган орқали ҳосил бўлган трансформант – кесимларнинг потенциал субъекти аниқловчили бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда, компонентлари изофали бирикма бўлган уч аъзоли юмуқ конструкциялар ҳосил бўлади.

Мисоллар: қозоқ. *Онаси Кунанбайдың айтқан сəлəми екен*; қорақалпоқ. *Теребайдиң қаладан алған биринши тапсырмасы мынау еди*; қирғиз. *Сенинг маға берген жардамыңды билешет* каби.

Тушум келишиги шаклини олган сифатдошлар трансформант – кесим вазифасида келганда потенциал имкониятли тўлдирувчи эргаш гапларни трансформациялайди: татар. *Ул ярасын учы белән бастырды һəм бармаклары арасыннан жылы қан аққанын тойди*; шор. *Ай эркенин пилбас полды, чыл эрткенин пилбес полды* (Ой ўтганини билмади, йил ўтганини билмади) каби.

Сифатдош жўналиш келишигида бўлса, жўналиш, сабаб маъноларидаги боғли трансформалар ҳосил қилади: қумиқ. *Сани гелгенинге суйундум. Хэзир ул ики йазуньңда бир қул билан йазылғанына де шөбҳəлəнди* каби.

Сифатдош – трансформант ўрин келишигида бўлади: татар. *Зайтуна өйинə қайтқанда, қартлар кишкə ашап утьралар иди*; тува. *Дундужуп кельгенде хоорайга чедип келдивис* ва бошқалар.

Сифатдош – трансформант чиқиш келишигида бўлганда, ҳаракатнинг бошланғич моментини, сабабини ифодалайди.

Масалан: ҳакас. *Ол парғаннан, тура чабы чапыс* (у кетиши билан, уй ёпилди); қумиқ. *Шу йердеги ҳаваны эрувлугенден адам таныш алып тойабилмей* (шу ердаги ҳавонинг мусаффолигидан одам нафас олиб тўймайди) каби.

Сифатдош – трансформантлар кўмакчили ҳам бўлиши мумкин: *Кейинги вақтларда отаси билан ораси бузилиб қолди* каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-ан сифатдоши иштирокидаги конструкциялар.

Ўғиз тилларида *-ан* аффикси воситасида ҳосил қилинадиган сифатдошлар мавжуд. Улар потенциал имконли аниқловчи эргаш гаплар трансформацияси учун восита бўладиган сифатдош конструкцияларни ҳосил қилади.

Қиёсланг: озарбайжон. *Паришан ики элли Майанин инҗа белини гучаглайиб, о көстэрэн тарафа бахды* (Паришон иккала қўли билан Маянинг ингичка белларини қучиб, у кўрсатган тарафага боқди); *Сен истэйэн шей дуканда йохдур* (сен истаган нарса дўконда йўқ); турк. *Манзара беним ижин дегил, гелен зийаратчилар ижин* (Бу манзара менга эмас, саёҳатчилар учун).

Туркман тилида *-ан* аффиксининг *-йан* шакли бор: *Оба тарапдан суйжулик билан чалынян саз гулагына гелди* (Қишлоқ томондан ширин музика овози келди).

***-дык* сифатдоши иштирокидаги конструкциялар.**

Ўғиз гуруҳ тилларда ўзининг синтактик хусусиятлари билан қипчоқ тилларидаги *-ган* аффиксли сифатдошларга мос келадиган *-дик* аффиксли сифатдош билан шаклланувчи боғли трансформалар кенг тарқалган.

-дик аффиксли сифатдошлар кенгайган аниқловчилар ҳосил қилади: *Оғуз или кочин чэкиб йурумэздик йол барму өйин тутуб олтурмадык йурт барму?* (Ўғизлар кўчган, ўғизлар юрмаган бирор йўл борми, ўғизлар яшамаган ва ўзларининг уйларини уларнинг уйлари ёнига тикмаган юрт борми!).

Кенг тарқалган боғли трансформа эгалик аффиксини олиб кенгайган *-дык* аффикси билан ясалган сифатдошлар ҳаракат субъектини кўрсатиш билан бирга бош қисм шаклл алоқани ҳам шакллантиради: турк. *о руйада да дегане гөрдуйу шей Викопун йузуйду* (у тушида кўрган ягона нарса Виконинг юзи эди).

Ўрин келишигидаги *-дык* аффиксли сифатдош ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатади: *Трен гелдикте биз ону гордук* (Поезд келганда, биз уни кўрдик).

Бу трансформа кўмакчили бўлиши ҳам мумкин: *Муҳакеме биттиктен соңра кызларын йанина гиттим* каби.

***-мыш* сифатдоши иштирокидаги конструкциялар.**

Ўғиз гуруҳ тилларида *-ган* ва *-дык* аффикслари орқали ясалган сифатдошлар маъносига мос келадиган боғли трансформаи *-мыш* аффикси орқали шаклланган сифатдошлар кенг тарқалган: озарбайжон. *Байрам илан вурмуш адамлар кими йериндэн сычрады* (Байрам думи босилган илондай ўрнидан сакраб турди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу аффикс орқали ясалган сифатдош объект, пайт, сабаб, натижа маъноларини ҳам англатади.

***-ачак* аффикси орқали ясалган келаси замон сифатдоши иштирокидаги конструкциялар.**

-ачак аффикси орқали ясалган сифатдошлар кенгайган аниқловчилар ҳосил қилади: татар. *Бизнин кахарманнар баражак шаҳар йырақ, тугил иди* (Бизнинг қаҳрамонлар боражак шаҳар узоқ эмас эди); турк. *Салон долмушту, ийне атажак йер йокту* каби.

Бу шакл ҳам бошқа сифатдош шакллари каби воситали келишиклар, кўмакчилар олиб кенгайиб келиши ҳам мумкин.

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРДА БОҒЛОВЧИ ВА БОҒЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Қўшма гаплар тарихий тараққиётининг илк даврларида коммуникатив вазифани асосан содда гаплар бажарган бўлиб, мураккаб фикрларни ифодалашда синтактик алоқанинг энг қадимги тури бўлган битишув йўли билан ўзаро боғланган конструкциялардан фойдаланилган.

Тараққиётнинг кейинги даврларида содда гап қўшилмаларининг яна икки типи майдонга келди:

1. Туркий тиллар агглютинатив қурилишига хос бўлган содда гаплардан бирининг шахссиз феъл шакллари билан ифодаланган кесими орқали.

2. Боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзлар орқали.

Қўшма гаплар тараққиёти жараёнида бу икки усулдаги боғланишга доимий равишда алоҳида синтактик категория сифатида боғли трансформалар рақиблик қилиб келган.

Содда гаплар ўртасидаги тобе боғланишнинг келиб чиқишига, бир томондан, содда гаплар ифодалаган маъноларнинг зидлиги бўлса, иккинчи томондан, содда гаплар қурилишига хос система – тизим сабаб бўлган. Содда гаплар ўртасидаги ўзига хос система боғли оборотлар – трансформаларни келтириб чиқарган бўлса, семантик контраст, зидлик дастлаб юкламалар характерида бўлган боғловчи ва боғловчи воситаларни шакллантирган.

Тобеланишнинг бу икки усули (трансформация ва боғловчилар) нинг доимо бир-бирига зид келиши уларнинг боғловчилар ва боғли трансформалар ҳамда боғловчи вазифасидаги юкламалар ва боғли трансформалар сифатида бирикишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, туркий тилларда тобеланишнинг боғловчилар воситасидаги усули боғли трансформалар билан бирга тараққий этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий тилларда эргаш гапли қўшма гаплар маълум миқдордаги боғловчи ва боғловчи воситаларига эга. Булардан айримлари қуйидагилар:

ангысы//ангылары// андак ким, антағыннын учун. Бу аффикслар асосан гагауз, эски ўзбек тилларида учраб, аниқловчи, сабаб ва натижа эргаш гапларни бош гапга боғлайди: *Бир дадунун кызы вармуш, ангысы дунегин ен гөзелеймиш* (бир чолнинг қизи бор эмиш, қайсики дунёда энг гўзал эмиш); *чечак йапроқлари йэрга тушуптур аниңдаг ким, ақиқлар қон ичинда* каби;

***ани* боғловчиси** фақат гагауз тилида мавжуд бўлиб, аниқловчи, тўлдирувчи, кесим ва сабаб эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлайди: *Қиз өла гөзалмиш, ани онун гиби хич бутун дуннеда йокмуш*;

***аның учун* боғловчиси** фақат эски ўзбек тилида сақланиб қолган, сабаб эргаш гапни бош гапга боғлайди: *Саграқлар болур қулубсиз аниң учун ким, тутмак ҳожат болмаз* (Жомлар қулоқсиз (балдоқсиз) бўлади, шунинг учун ким уларни тутишга ҳожат бўлмас) - А.К.Боровков, Тафсир;

***куя (гўё)* боғловчиси** қиёслаш эргаш гапни бош гапга боғлайди: татар. *Урныннан кузгала алмай, гуя ани недир тота*; ўзб. *Бектемирга ҳаво фавкулодда ёқимли, роҳатбахш, сокин туюлди, гўё уни дим, сассиқ урадан тортиб олдилар* каби.

дейэ//дийэ//тейу ёрдамчи сўзи аниқловчи, тўлдирувчи, сабаб, мақсад эргаш гапларни келтириб чиқаради: турк. *О гун акшама кадар бир йерлерден уч-беш куруш гелирдийе бекледим, гелмеди*; *Бу гун дерс йоктур дийе, мектебе гитмеди*;

***деп//дейиб//теб* равишдош шакли** деярли ҳамма туркий тилларда аниқловчи, тўлдирувчи, пайт, сабаб, мақсад эргаш гапларни бош гапга боғлайди: қумиқ. *Олар тангала қьайта деп хабар бар*; ўзбек. *Ёвларни муштласин деб, тоғдай оғир билак бердим* (Х.Олимжон); татар. *Алмаағачка яулык элдем, сандуғачлар кунсин деп* (Олма ёғочига рўмолимни илдим, булбуллар келиб қўнсин деб); қорақалпоқ. *Адасып кетпесин деп, от жағып едик*; шор. *Ирак черде алтын таш, келе пезень кара таш-теп, сос кеби пар* (Йироқ ерда олтин тош, келиб кўрсанг қора тош деган, мақол бор);

егер//эгер//экэр//кэр//агар//гар: туркман. *Эгер пир сен, эгер яш, кылма сырың халка паш* каби.

кайда, кайдан, кайда ким, қайси: татар. *Кайда берлек, шунда көч*;

шундый, шул, шол жер: *ким беренчелекне ала, шулни мактаб йаза гадате бар*;

www.ziyouz.com kutubxonasi

қанда, қандай, қанча, қачан: уйғур. *Кун қандақ ечилиди, биз йолга чиқимиз*; ўзбек. *Лекин қанча орзиқиб кутмайин, дадажоним қайтмади.*

***ки//ким* боғловчиси** энг қадимги, энг фаол боғловчилардан бўлиб, ҳамма туркий тилларда бир неча эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

Мисоллар: озарбайжон. *Биринчи нәсихатим будур ки, өзүндән бөйүк адамын сөзүнә бах, нә десә гулах ас*; ўзбек. *Одам борки, одамларнинг нақшидир, одам борки, ҳайвон ундан яхшидир*; қирғиз. *мында туруп хатын айтат ки, менин эримдин тарбияси ушундай*; татар. *Бу вакытта Ләйлә шул қадар матуриде ки, аң бетән кешенен исе кита иде*; қумиқ. *Ким ишласа, ша ашар*; чуваш. *Кам ижлемест, вал жемест*; шор. *Ким қанча иштепча, ол анчах алча*; озарбайжон. *Хаялымда будур ким, болмушам аләмда хилгәт* (Фузулий); туркман. *Ол недирким төрт янында йузи бар? Ол недирким синасында гөзи бар* (Махтумқули); ўзбек. *Форси ашъорда "Фоний", туркий ашъорда "Навоий" тахаллус қўллаган бу бола сўз денгизидай дуру гавҳарлар сочдиким, энг нодир қаламлар таажжубда қолди* (Ойбек). *Ўғлим, худога минг қатла шукурким, бахтимга оёққа туриб қолдинг*; туркман. *Ким билар ким, нейлэрсен* (Махтумқули) ва бошқалар.

***Мадам ки* боғловчиси** бажарилган, юзага келадиган шартни англатадиган шарт эргаш гапни шакллантиради: озарбайжон. *Мадам ки әксәрийят бу ишэ разыдыр, демали, хәмин әксәрийят бу иши көрмәйә көмәк этэжекдир*; ўзбек. *Модомики, халойиқ қўлга тош олибдир, унинг кўнглида дарди бордир* (Ойбек).

***Нэ* боғловчиси** аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гапларни бош гапга боғлайди.

Мисоллар: гагауз. *Баколым, на о йазар, чоктан каблетмедим, ондан киат* (Кўрамиз, у нима ёзади, ундан кўпдан хат олмаган эдим); қозоқ. *ал, ишинде не жатыр они билмейди* (У ичида нимани ўйламоқда, буни ҳеч ким билмайди) каби.

***нэ ки, не учун десенг, ненинг учун дезе, нитиклем, ни хэтлэ* боғловчи воситалари** асосан шарт, сабаб, натижа эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

Мисоллар: татар. *неки телдин чыктый, ул башка килер*; қорачой-балқар. *Сохтала бюгюн дерсге кечигиб келдиле, не учюн десенг кёпюрню суу алгъан эди*; бошқирд. *Ул ни тиклем генэ тарышмаҳын бары бер беззе ена алманы* каби.

нега, негу, негаки, неге десең: ўзбек. *Пулини ол, сенга ярашади, негаки камбағалсан*; қорақалпоқ. *Мен бугун келе алмайман, неге десиң*

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир жумысым бар; нўғай. *Жыйылга бара алмадым, неге десень авырып кьалдым* каби.

***не гэдэр* боғловчи воситаси** пайт, шарт эргаш гапларни бош гапга боғлайди: озарбайжон. *истәйирсән лап кет молтани кетир, амма ану да бил ки, нә гәдәр мән варам, бу евә Телли-Мелли айағы деймейәжак*; *Нә гәдәр вуркухурдулар, бир әфәл тапмырмасинларки, алдатсынлар* (улар не қадар уринмасинларки, алдашга бир аҳмоқ одамни топмадилар) каби.

себеби: қозоқ. *Бираздан кейин издегенима қуанганым жоқ, себеби көп жерде журу мумкин емес*; қорақалпоқ. *Брақ қарасатуғын қауендери болмау себепли, коп қарлық корди*; қирғиз. *Мени полктун чарчарашчысы дарылади, себеби сепилде андан башка доктор жок иле* (мени полкнинг сартароши даволади, сабаби ундан бошқа доктор йўқ эди);

то, токи: *Ҳуснингни токи пайдо қилди холиқ, ҳуснинг бирла вафо бўлмас мувофиқ* ("Муҳаббатнома"дан);

так что: татар. *аларның ҳарқайсы уналтыны узган инде, так что устав буенча, кызлардан минимум тиеш*;

***чу* юкламаси**: озарбайжон. *ҳар ишә чу иттифаг хошдур, агачда парду будаг хошдур*; ўзбек. *Лабинг фикри багримни қон қилдило, чу қон қилди, кўздин равон қилди ло* каби.

чунки: чуваш. *Бақсаға хыу хуплиэнем, сонки, кисе ямгир яуган ине* (Боғчани суғормадим, чунки кеча ёмғир ёққан эди); туркман. *Бу жайлара гелен булсам хем, ене гитжекдирин, чунки мен хем сенин яли бир перизада ашыкдырын*; *Чунки гелдин бу яланчи жахана, аягиң гарамай бакдиң асмана* (Махтумқули);

чугэдэргэ: тува. *Келбес мен, чуге дээрге чайым чок* (Келмасман, чунки вақтим йўқ);

эрээрэ: ёқут. *Оччо оголор доох эрээрэгин сааппактын даганы!* (Сен шунча болаларга эга бўлиб туриб, ҳатто, уялмайсан ҳам!).

Бу боғловчи восита ёқут тилида асли ***эр*** феълидан ҳосил бўлган ***аары*** сифатдоши бўлиб, кесимлик аффиксини олиб, боғловчига айланган.

ЧАТИШИШ (ГИБРИДЛАНИШ) ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ТОБЕ МУНОСАБАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАХСУС ЙЎЛИ

Туркий тиллар синтактик қурилишининг шундай бир йўли ҳам борки, бунда тобе муносабатлар тараққиётининг икки усули бир-бири билан чатишиб, турли аралаш типдаги қурилмаларни ҳосил қилади. Шундай йўллардан бири шарт маъносини англатувчи боғловчилар шарт

www.ziyouz.com kutubxonasi

майли шакли *-са* билан бирга келиб юмуқ синтактик бирликни ҳосил қилади, Масалан, қирғиз. *Егерде адамдар женундө ойлөсоң, бактылук болосуң* каби.

Боғловчи сўз ва *-ганда//-ганида* шаклидаги сифатдошлар шарт ва пайт ҳоллари конструкцияларини ҳосил қилади: бошқирд. *Агер клуб итилгән ичка мәчәтта иске а°лмаганда, а°выл бөтөнлай үзгәрмәгән кибик* (Агар клуб очилган эски масжидни эътиборга олмаганда қишлоқ ўзгармагандек эди) каби.

Тобелантирувчи муносабат характеридаги чатишма (гибрид) конструкциялар ҳисобига *-са* аффиксини олган шарт майлидаги феъллар ҳам киради. Бундай ҳолатда чатишиш ҳамма туркий тиллар учун ягона бўлган тўсиқсизлик маъносидаги тобе конструкцияларни ҳосил қилади. Масалан: *Бу гаплар менга маъқул келмаса ҳам, уни маъқуллашга мажбур бўлардим.* Чатишма тобелантирувчи конструкциялар траншаклитлар билан боғловчи типидаги юкламаларнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Бундай конструкцияларда юкламаларнинг синтактик вазифасини аниқлаш қийин, улар эмфатик характерда бўлиб, маънони кучайтиришга хизмат қилади ва шу асосда боғловчилик вазифасини бажаради: озарбайжон. *сәслэр кәсилэндэ исэ ҳамы фикрә кетмишдe* (Гап тугаганда, ҳамма фикрга чўмган эди) каби.

Чатишиш бириктирувчи воситаларнинг оддий механик қўшилмаси эмас. Чатишмада икки элементдан бири иккинчисининг вазифасини кучайтиради. татар. *Дошман оборонаси өзилгәш тә Катуков танкистлари алга ыргылдылар. Бунда ҳаракатнинг тугалланиш моменти таъкидланади.*

Чатишиш, одатда, синтактик алоқани такомиллаштириш учун майдонга чиқади. Чатишиш усулида тобелантирувчи конструкцияларнинг ҳал қилувчи семантик ролини боғловчи сўзлар бажаради. Туркий тилларда бу айниқса шарт эргаш гапли қўшма гапларда реал ва нореал ҳолатларда кўринади.

Реал ҳолат. Реал ҳолатда бош ва эргаш гапларда замон шакллари қуйидагича тақсимланади: эргаш гапда шарт майлидаги ҳозирги замон шакли, бош гапда эса ҳозирги, ҳозирги-келаси замон шаклидаги кесимлар орқали ифодаланади.

Мисоллар: қорақалпоқ. *Егер пахта терюв нормасин юз выгында орынламаси, велаят планын орунлав дым авыр болады*; *Эгерде сен акылли болсаң мене сениң тилегеңиңди оринлайман*; тува. *Бир эвес билген болзумза, ынчанмас ийик мен* (Агар мен билганимда, бундай қилмаган бўлардим) каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нореал ҳолат. Нореал ҳолатда эргаш гап кесими шарт майлидаги ҳозирги замон феъли, бош гап кесими эса истак, имкон маъносини англатувчи феъл бўлади. татар. *Ишиткан булса, миңа айтир иди инди ул*; озарбайжон. *Имкан олса иди, ону Бакыйа гөнд эрэрдим* (Имкон бўлса эди, уни Бакуга жўнатардим) каби.

Реал ва нореал ҳолатлардаги чатишма конструкцияларнинг тури кўп. Чатишишда боғловчилар, юкламалар ва турли шакллар билан шаклланган равишдош ва сифатдошлар иштирок этиши мумкин.

Юқорида айтилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, чатишиш туркий тилларда синтактик алоқани такомиллаштиришнинг алоҳида усулидир. Бу чатишишни қўшма гап курилиши шаклланишининг ва тараққиётининг учинчи йўли деб қарашга имкон беради. Бу прогрессив синтактик анъана нисбатан кейинги даврлар маҳсули бўлганлиги учун ҳам ҳозирги барча туркий тиллар синтактик қурилишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОТИМА

Ҳозирги туркий тиллар оиласи ҳудудий жиҳатидан ҳам, шу оилага мансуб тилларда сўзлашадиган аҳолининг сони жиҳатидан ҳам жаҳонда ҳинд-европа тилларидан кейинги энг йирик тил оилаларидан биридир. Айниқса, ҳозирги туркий тиллар географик ўрни, ҳудудий тарқалиш чегаралари жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эгадир, чунки бу тил оиласига мансуб тилларда сўзлашадиган халқ ва элатлар Ғарбда Болгария ва Белоруссия ҳудудларида (гагаузлар), Болқон ва Кичик Осиё ярим оролларида (турклар ва болқон турклари), Волга бўйидан то Камчаткагача, жанубда Кавказ тоғлари, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Мўғулистон ва Хитой чегараларидан Шимолда бутун Шимолий муз океани қирғоқларигача бўлган, Ўрол, Олтой, Шарқий Сибирь, Марказий ва Ўрта Осиё ўлкаларида яшайдилар.

Бу туркий элларнинг тил хусусиятида ҳам ўз ифодасини топган, чунки эрадан олдинги VI–V асрлардан то ҳозиргача бўлган узоқ тарихий жараёнда бу туркий уруғ, қабила ва элатлар неча марта қўшилиб, неча марта бир-биридан ажралган, айрим қабила ва элатлар ҳам ҳудудий, ҳам маданий яқинликларини узоқ асрлар сақлаб қолган бўлса, бошқа қабила ва элатлар ана шу хусусиятларига кўра тобора узоқлаша бошлаган. Натижада, ҳозирги чуваш, ёқут, ҳакас ва Ўрта Осиё туркий тилларидаги каби фарқ ва тафовутлар майдонга келган.

Ҳозирги туркий тилларни қиёс қилганда, бу фарқ ва тафовутлар дастлаб қиёсланаётган ҳар бир туркий тилнинг фонетик тизими жиҳатидан ҳозирги туркий тиллар, бир томондан, умумтуркий характерга эга бўлган сингармонизмлик хусусиятини сақлаган, сақламаганлиги билан фарқланса, иккинчи томондан, ўғиз, қипчоқ, қорлиқ-уйғур гуруҳ тиллар ҳамда Олтой ва Шарқий Сибирь туркий тиллари унли ва ундош товушларининг сифат ва миқдор белгиларига кўра ҳам фарқланади.

Ҳозирги туркий тилларнинг лексикаси ҳам ўта ранг-барангликкa эга. Бу ҳам уларнинг узоқ тарихий ўтмиши билан боғлиқ. Туркий элат ва халқларнинг шаклланиш жараёнларидан бошлаб, то ҳозирги тараққиёт босқичларигача бўлган узоқ даврларда улар ўртасидаги ички зиддият ва қарама-қаршиликлар, ўтган асрларда бутун туркий ҳудудларнинг ажнабий халқлар томонидан босиб олиниши ва бўйсундирилиши, аввало, туркий тиллар лексикасининг, шу билан бирга тиллараро лексиканинг ҳам ўзгаришига, айрим туркий тилларда кўплаб араб ва форс олинмаларининг, айрим тилларда эса рус, мўғул олинмаларининг кўпайишига сабаб бўлган. Бу жиҳатдан ҳам, масалан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек, озарбайжон тиллари билан ёкут, хакас ёки олтой тиллари ўртасида жуда катта фарқлар мавжуд.

Тилнинг грамматик қурилиши унинг энг кам ўзгарадиган томонидир. Бу туркий тилларга ҳам хос хусусият.

Морфология ва синтаксис тил грамматикасининг ажралмас қисмларидир. Тилнинг морфологик тузилишидаги ҳар қандай ўзгариш унинг синтактик қурилишида ҳам ўз ифодасини топади. Бунга ҳозирги туркий тиллар тарихига назар ташлаган ҳолда кўплаб мисоллар орқали изоҳлаш мумкин.

Масалан, қадимги туркий тилларда *-р, -ар* аффикси воситасида ясалган сифатдошлар иштирокидаги аниқловчили бирикмалар ҳосил қилишда энг фаол бўлган. Лекин кейинчалик бу шакл орқали ҳосил бўлган сифатдошларнинг феъл кесим ҳосил қилувчи ҳозирги замон сифатдошига ёки лексикализацияланиш натижасида нисбий сифатларга айланиши уларнинг аниқловчили бирикма ҳосил қилишдаги вазифасини сусайтирган. Бунга, иккинчи томондан, шу вазифани бажариш учун хизмат қиладиган *-ган* аффиксининг келиб чиқиши ҳам сабаб бўлган.

Яна бир мисол: қиёслаш шуни кўрсатадики, гап қурилишидаги ҳар қандай ўгириш, айниқса, феъл кесимли гапларда гапнинг кесим таркибининг ўзгаришидан бошланган.

Қадимтуркий тилларда гап кесимини асосан *-ды, -р* шаклидаги буйруқ майлидаги феъллар ташкил қилган бўлса, кейинчалик қипчоқ гуруҳ туркий тилларда *-ган,* ўғиз гуруҳ туркий тилларда *-мыш* аффиксли сифатдош шаклидаги феъл кесимлар, Сибирь туркий тилларида эса бу тилларнинг бошқа туркий тиллардан ҳудудий узоқлашиши натижасида *-ат* (*килет – келади* каби) шаклларидаги сифатдош билан ифодаланган кесимлар ҳосил бўлган ва ҳоказо.

Умуман, ҳозирги туркий тилларнинг ана шу каби хусусиятларини қиёсий ўрганиш фақат ҳозирги туркий тилларнинг фонетик, лексик-семантик, грамматик муносабатларининг тараққиётигагина эмас, балки шу тилларда сўзлашувчи жамоаларнинг сиёсий-иқтисодий, маданий турмуш шароитларининг уйғунлашишига ҳам имкон яратади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абдурасулов Ё. Ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг формант разрядлари // Труды Каршинского и Термезского госпединститутов. Часть I. Термиз, 1967.

Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973.

Абдураҳмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1964.

Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. Л., 1971.

Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент, 1992.

Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. Тошкенг, 1995.

Азэрбайчан дилинин грамматикасы (Морфология). Бакы, 1960.

Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, 1966.

Асқарова М.А. Боғловчи-юкламалар ҳақида // ЎТА. 1962, 5-сон.

Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960.

Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент, 1992.

Баскаков Н.А. Тюркские языки. М., 1960.

Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969.

Баскаков Н.А. Алтайский язык. М., 1958.

Баскаков Н.А. Диалект кумандинцев (кумандыкижи), грамматический очерк, тексты, переводы и словарь. М., 1972.

Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. М., 1951. Т.I

Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. М., 1952. Т. II.

Вамбери Х.Бухоро ёхуд Моваройннаҳр тарихи. Тошкент, 1990.

Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики. М., 1975.

Гаджиева Н.З., Серебренников Б.А. Сравнительно историческая грамматика тюркских языков (синтаксис). М., 1986.

Джанмавов Ю.Д. Деепричастия в кумыкском литературном языке (Сравнительно с другими тюркскими языками). М., 1967.

Исхаков Ф.Г. Пальмбах А.А. Грамматика тувинского языка. М., 1961.

Исследования по синтаксису тюркских языков. М., 1962.

Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Часть I–IV (Фонетика, морфология, синтаксис, лексика). М., 1955–1961.

Историческое развитие лексики тюркских языков. М., 1961.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кононов Н.А. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.; Л., 1956.

Кононов Н.А. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.; Л., 1960.

Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси. Тошкент, 1998.

Малов С.Е. Язык желтых уйгуров. М., 1967.

Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1962.

Мусаев К.М. Грамматика караимского языка. М., 1962.

Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв., Ташкент, 1989.

Новгородов С.А. Первые шаги якутской письменности (Статьи, письма). М., 1977.

Очерки сравнительной морфологии алтайских языков. Л., 1978.

Покровская Л.А. Грамматика гагаузского языка. М., 1964.

Рахимов Т.Р. Китайские элементы в современном уйгурском языке. М., 1970.

Серебренников Б.А. Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. М., 1986.

Современный татарский литературный язык. М., 1971.

Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков (Фонетика). М., 1984.

Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. М., 1988.

Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965.

Тюркская лексикология и лексикография. М., 1971.

Уринбоев Б. Синтаксический строй узбекской разговорной речи. Ташкент, 1978.

Чарыяров Б. Ҳәзирки заман туркмен дилинде ишлик дережелери. Ашгабат, 1957.

Шчербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970.

Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя). Л., 1977.

Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Глагол). Л., 1981.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шчербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Наречия, служебные части речи, изобразительные слова). Л., 1987.

Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965.

Ўзбек тили грамматикаси. I, II том. Тошкент, 1975–1976.

Ғуломов А., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965.

Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1955.

Ҳожиев А. Тўлиқсиз феъл. Тошкент, 1970.

Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973.

ЛУҒАТЛАР

Азэрбайчанча-русча луғат. Бакы, 1962.

Будагов Л. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. СПб., 1868–1871. Т. I–II.

Древнетюркский словарь. Л., 1969.

Катанов Н.Ф. Опыт исследования урянхайского языка. Казань, 1903.

Каракалпакско-русский словарь. М., 1958.

Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I–III том. Тошкент, 1960–1963.

Кумыкско-русский словарь. М., 1969.

Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. СПб., 1888-1911. Том I–IV.

Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. Тошкент, 1993.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. М., 1981.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 3
Транскрипция 5
Туркий тилларни қиёсий ўрганиш тарихига кириш 7
Туркий тилларнинг шаклланиши ва тараққиёти 12
Туркий тилларнинг таснифи 20

ФОНЕТИКА

Фонетика ҳақида маълумот 25
Ҳозирги туркий тилларнинг унли товушлар тизими 25
Унли товушларнинг уйғунлашиш ҳодисаси (сингармонизм) 35
Туркий тилларнинг ундош товушлар тизими 38
Портловчи ундошлар 40
Сирғалувчи ундошлар 45
Қоришиқ (аффрикат) ундошлар 46
Сонор ундошлар 48
Бўғин 50
Урғу 52

ЛЕКСИКА

Туркий тилларнинг луғат таркиби ва унинг тарихий ўсув йўллари 54
Туркий тиллар лексикасининг ўз қатлами 55
Туркий тилларнинг ўзлашган қатлами 66
Туркий тиллар ва мўғул, хитой тиллари 69
Туркий тиллар ва араб тили 71
Туркий тиллар ва форс-тожик тили 72
Туркий тиллар ва рус тили 75

ГРАММАТИКА

Грамматика ҳақида умумий маълумот 80

МОРФОЛОГИЯ

Сўзнинг морфологик таркиби 82
От 85
Сон категорияси 85
Эгалик категорияси 88

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келишик категорияси 92
Отларнинг ясалиши 98
Сифат 105
Сифат даражалари 108
Озайтирма ва кучайтирма сифатлар 110
Сифатларнинг ясалиши 111
Сон 113
Саноқ сонлар 113
Тартиб сонлар 115
Дона сонлар 116
Жамловчи сонлар 116
Тақсим сонлар 117
Чама сонлар 117
Каср сонлар 118
Олмош 118
Кишилик олмошлари 120
Кўрсатиш олмошлари 123
Ўзлик олмоши 124
Сўроқ олмошлари 126
Белгилаш олмошлари 128
Бўлишсизлик олмошлари 129
Гумон олмошлари 129
Феъл 130
Туб феъллар 132
Ясама феъллар 132
Қўшма феъллар 134
Бўлишсиз феъллар 135
Феълларда шахс ва сон 136
Феъл нисбатлари 143
Оддий нисбат 144
Мажҳул нисбат 145
Ўзлик нисбат 146
Биргалик нисбат 148
Орттирма нисбат 150
Феъл майллари 152
Аниқлик майли 153
Буйруқ майли 153
Истак майли 155
Шарт майили 157
Феъл замонлари 159

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтган замон феъллари 159
Ҳозирги замон феъллари 168
Келаси замон феъллари 173
Феълнинг функционал шакллари 176
Сифатдош 176
Равишдош 181
Инфинитив 185
Равиш 186
Равишларнинг ясалиши 188
От хусусиятига эга бўлган равишлар 188
Феъл хусусиятига эга бўлган равишлар 192
Қўшма равишлар 192
Равишларнинг турлари 193
Ҳолат равиши 194
Ўрин равиши 194
Пайт равиши 194
Миқдор-даража равиши 194
Мақсад равиши 195
Модал сўзлар 195
Содда модал сўзлар 197
Бирикмали модал сўзлар 198
Ёрдамчи сўзлар 198
Кўмакчилар 198
От кўмакчилар 201
Феъл кўмакчилари 206
Юкламалар 208
Боғловчилар 212
Тенг боғловчилар 213
Эргаштирувчи боғловчилар 216
Ундовлар 216
Тақлидий сўзлар 217

СИНТАКСИС

Сўз бирикмаси 221
Отли сўз бирикмалари 222
Изофа 227
Феълли сўз бирикмалари 230
Содда гап 234
Кесими от билан ифодаланган содда гаплар 235

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кесими феъл билан ифодаланган содда гаплар 236
Қўшма гап 237
Туркий тилларда эргаш гапли қўшма гаплар муаммоси 237
Туркий тилларда боғли трансформалар 240
Эргаш гапли қўшма гапларда боғловчи ва боғловчи воситалар 243
Чатишиш (гибридланиш) туркий тилларда тобе муносабатлар тараққиётининг махсус йўли 246
Хотима 249
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 251
Луғатлар 253

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайдлар учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Термиз давлат университети
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: *М. Саидова*
Компьютерда саҳифаловчи: *И. Мусабоев*

Нашриёт рақами: з-174.
Босишга рухсат этилди: 5.12.2009 й.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{16}$ Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 15,0. Шартли босма т. 16,0. 109-буюртма.
500 нусхада. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти:
100170, Тошкент ш., И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Муҳаррир нашриёти» матбаа бўлимида чоп этилди:
100060, Тошкент ш., Элбек кўчаси, 8-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi